

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети**

Муқаддас Тожибоева

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти

Маъруза матнлари

Андижон - 2007

Кириш

Бой маданий –адабий меросимизни ўрганиш, англаш ва унга ворислик қилиш маънавиятимизнинг ўзак масалаларидан. Маънавий қадриятларни тиклаш миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи ва бой маданияти билан жаҳон адабиёти хазинасига ўз улушини қўшиб келган. Шунингдек, XIX асрнинг II ярми XX аср бошларидаги тарихий давр ва адабий ҳаёт ана шундай ғоят улкан улушдир. Негаки, бу давр тарихига назар ташласак, жаҳон цивилизацияси бешиги саналган кўҳна Туркистон осмонини қора булутлар қоплаган йиллар бўлган. Бу йилларда, яъни мустамлакачилик сиёсатини ўрнатган чор Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистонда истибдодга, халқни эзишга асосланган сиёсат ҳукм сурди, она-диёрда тил, маданият, урф-одатлар, миллий қадриятлар поймол этилди.

Ғоят мураккаб кечган бу жараён мазкур давр адабиётининг асосини белгилайди. Шунингдек, чор Россияси босқини ва мустамлакачилик сиёсати Туркистон элининг миллий адабий-тарихий тараққиётига тўсиқ бўлолмади, аксинча, вазият маънавий ижод соҳиблари томонидан миллий уйғониш, миллатнинг ўзлигини англаш ва англатиш жараёнини етилтирди.

Эътиборли олим, проф. Б.Қосимов эътироф этиб ўтганларидек, «миллий уйғониш минтақамизда жади́дчи́лик шаклида намоён бўлди».¹

Туркистондаги мавжуд шароит, яъни қолюқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, кўҳна Туроннинг Европа ва жаҳон цивилизациядан орқада қолиб кетиши, Ислон ва миллий қадриятларнинг, миллат шаънининг оёқ-ости қилиниши, 1905, 1916, 1917 йил воқеалари - буларнинг бариси жади́дларни ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқиш ҳамда халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш заруриятини туғдирган эди.

Албатта, советлар томонидан уларнинг узоқни кўзлаган юксак мақсадли ҳаракатларини бостириш, ҳатто, жисман йўқ қилиш режалари ҳам амалга оширилди. Шунингдек, миллий тарихимиз ва адабиётимизда жади́дчи́лик (миллий уйғониш) ҳаракатининг тараққиёт ва тугатилиши даври 1905-1923 йиллар деб белгиланди*.

Миллий уйғониш даври адабиёти XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги ижтимоий воқеликнинг, шу давр илғор зиёли қатламлари (жади́длар)нинг юқори савиядаги фикру қарашлари, ҳатти ҳаракатларининг бадиий ифодаси эди. Бинобарин, бу давр ижодкорларининг мақсади эса аниқ: туркий-исломий ҳуқуқий меросни миллат ичида кенг ва тенг ёйиш, ҳурфикрлилик, тараққиёт ва миллий истиқлол учун кураш эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ижод маҳсуллари миллатни уйғотган, уни истиқлолга етаклаган чинакам адабиётга айланди.

¹ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. (Дарслик) Т. Маънавият, 2004. 3-бет.

* Бу ҳақда қаранг. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. (Дарслик) Т. Маънавият, 2004. 4-бет

Мавзу: Илк мустамлакачилик даври адабиёти (2 соат)

Даврнинг ижтимоий қиёфаси. Мустамлакачилик ва адабий-маданий ҳаёт. Янги давр адабиёти, унинг манбалари ва юзага келиши ҳақида.

Буюк соҳибқирон Амир Темур салтанат ва давлатни бошқариш қонун-қоидалари баён этилган тузукларида ўз ворисларига “миллатнинг дардига дармон бўлиш”, “заифларни кўриш ва йўқсилларни бойлар зулмига ташламаслик”ни уқтирганлар ҳамда “адолат ва яхшилик қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”, дея васият қилганлар. Аммо унинг ўғитларига амал қилинмади. Тахт, ҳокимият илинжида авж олган ўзаро ихтилоф ва ички курашлар, жангу жадаллар оқибатида давлат заифлашиб, мамлакат инқироз ва парокандаликка юз тутди. Бу XVIII-XIX аср ўрталаридаги Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси эди.

У даврларда Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан оғир таназзул дамларни бошдан кечираётган, миллат ва давлат қарамлик аҳволида эди. Бирин -кетин миллат ва жамият бошқарувига даъвогар ҳокимият уч ерда - Бухоро, Хива, Қўқонда якка-якка ҳолда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Давлатчиликдаги бундай бўлиниш охир-оқибатда давлатнинг кучсизланиши ва емирилишига, иқтисодий-сиёсий ҳаёт турғунлигига, чор Россияси босқинига дош беролмай қарамликка юз тубан бўлишига олиб келади. Россия XIX аср охирларига келиб Туркистоннинг катта ҳудудини эгаллади. Бу йўлда жуда катта босқинлар уюштирди, вахшиёна қирғинликларга қўл урди ва алал оқибатда Қўқон хонлигини тугатилди, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги империянинг вассалига айлантирилди¹.

Россия империясининг мақсади Ўрта Осиёда ўзбек давлатчилигининг асосларини таг-томири билан йўқ қилиш ва русий идора услубларини қатъий жорий этиш эди. Маъмурий-бошқарув тизимни ҳам ана шу мақсадга қаратди, яъни Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия губернияларига айланиши учун барча сиёсий, иқтисодий маданий ва маънавий чораларни кўрди.

Марказий Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi халққа қимматга тушди – оғир ва аянчли мустамлакачилик сиёсати ҳукм сурди. Истилочилар юрт бойликларини таладилар ва бу бойликлар Русияга ташиб кетилди. Мустамлакачилик ўлкада ерли халқларнинг маънавий қадриятларига - тили, дини, миллий урф-одатларига тажовуз қилди. Воқеликнинг даҳшатларга воқеаларга тўла манзараси ўша давр тарихий-бадий асарларида, хусусан, Хива босқинини ўз кўзи билан кўрган Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” китобида ҳам аниқ, равшан тасвирланади.

Дарҳақиқат, Россия империяси Турон элининг эрки, инсоний ҳуқуқларини поймол қилиб моддий бойликларини тортиб олиш билан ҳам чекинмай, ўлкамизнинг маънавий мулкни ҳам талон-тарож этиб, уларни пароканда ҳолига келтирди. Хиванинг асоратга тушиши 1873 йилга тўғри

¹ Бу ҳақда қаранг. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб, Т., “Шарк”, 2000.

келади. У пайтларда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон соний Феруз Аркда китоблар сақлайдиган махсус хоналар ажратган эди. “Шажараи хоразмшоҳий”да келтирилишича, “Кауфмон келиб, Аркка кириб, тахти Хоразмшоҳийда ўлтургандан” кейин Хоразм хазинасидан жуда катта бойлик Петербургга жўнатилади, қимматбаҳо нарсалар билан биргаликда, хон алоҳида сақлайдиган 300 жилддан ортиқ нодир қўлёзма китоб ҳам Петербургга юборганлик воқеасидан Баёний жуда каттиқ ачинади. Китобда бу воқеани юракдан норози ва ички таассуф билан шундай ёзади: “Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалар. . . ва ўқ-ёйларнинг ҳаммасики мутасарруф бокилди, чун ҳаммаси муроссаъ ва мужаҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургга юборилди”.

Рус чоризми Марказий Осиёда даҳшатли мустамлакачилик сиёсатини олиб бордики, бу сиёсатнинг бош мақсади ва йўналишини Давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В.Кривошеин шундай таъкидлайди: “Бу марказий масалада уч кўриниш мавжуд. Агар биринчисидан ярқираб турган ёзув “Пахта” бўлса, иккинчисидан “Суғориш” ва ниҳоят, учинчисидан унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими - “русларни кўчириб келтириб ўрнаштириш” ёзуви турибди”.

Мақсад амалга деярли ошди. Туркистон пахта базасига айлантирилди, етиштирилган пахталар рус, арман, яҳудий заводчи бойларининг қўлига ўтди, пахтачилик ривожини чор ҳокимияти хазинасини бойитди. Руслаштириш масаласи ҳам “олий мақомда” ҳал бўлди. Россиядан юз минглаб мужиклар келтирилиб, ҳудудларга ўрнаштирилди ва бир зумда рус шаҳар ва қишлоқлари пайдо бўлди. Жумладан, Петро-Александровск (Тўрткўл), Скобелев (Фарғона), Черняевка (Авлиёота) каби шаҳарлар шу тариқа вужудга келди. Бундай маҳаллий аҳолини руслаштириш исломни издан чиқиши учун яхши восита бўла олар эди. Чор маъмурларининг пинҳона мақсади ҳам шу эди.

Буюк миллатпарвар шоир Абдулҳамид Чўлпон шундай ёзган эди:

Кулган бошқалардир,
Йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман. . .
Эркин бошқалардир, қамалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман.

Бу сатрлар миллий, маҳаллий ва маънавий зулмларнинг оғриғидан чиққан ингрок садо эди.

Туркистон миллий-озодлик ҳаракатлари. Чор Россияси ҳукуматининг ўтказган сиёсати туркистонликларнинг ўз миллий мустақилликлари, озодлик ва эрклари учун миллий озодлик ҳаракатларига сабаб бўлди. Чунончи, 1870 йилда Монғишлоқ қирғизларининг исёни, 1871 йилда Эшон Эшмуҳаммад бошчилигидаги Сирдарё вилоятидаги чиқишлар, 1871 йилдаги Фарғонада Етимхон исёни, 1872-76 йилларда Пўлатхон бошчилигидаги Қўқондаги

қўзғолон, 1883 йил Чустда, 1892 йил Тошкентда вабо тарқалиши пайтидаги тарихга “Тошотар воқеаси” номи билан кирган қўзғолон, 1898 йилда Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолони, 1899 йилда Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар, 1916 йил Жиззах қўзғолони ва бошқалар шулар жумласидандир.

XIX асрда Туркистонда бўлиб ўтган мазкур ҳаракатлар ичида энг йириги ва тарих саҳифаларига шараф билан муҳрлангани бу - Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолони бўлди. Бу қўзғолон мустамлакачи чоризм маъмурларини даҳшат ва ваҳимага солди. Мазкур қўзғолон тафсилоти барча тарихий китобларда кенг берилган. Биз қўзғолоннинг мақсад ва моҳияти ҳақида қисқа тўхталамиз. Муҳаммад Али халфа Собир ўғли (1853-1898) раҳбарлик қилган бу қўзғолоннинг кўтарилишига бош сабаб чор Россиясининг халққа нисбатан олиб борган зўрлик ва адолатсиз сиёсати, миллий ва диний ҳуқуқларининг камситилиши ва таҳқирлаши бўлди. Дукчи Эшон бошлиқ қўзғолон қатнашчилари халқнинг миллий ҳуқуқларини каситмасликни ва тинч турмуш кечириш учун шароит яратишни оқ подшодан талаб қилиб чиқадилар. Аммо пухта тайёрланмаган, жиддий ҳимояланмаган ва тўсатдан бошланган бу қўзғолон жуда тез ва шафқатсиз бостирилди. Энг ёмони ва ачинарлиси, халқ учун ўзини фидо этган Дукчи Эшон номининг бадном қилиниши бўлди. Дукчи Эшон номи воқеа ва вазиятнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган турли савиядаги “оми” кишилар онгига “фитначи” бўлиб кирганлигини қайсидир маънода тушуниш мумкиндир, аммо даврнинг илғор кишилари бўлган, раият томонида туриб ижод қилган Муқимий ва Завқийдек шоирларнинг ижодида бу сиймонинг салбий қаҳрамонга айланганлигини тушуниш қийин. Бу эса собиқ совет давридаги тарих китоблари учун «Дукчи Эшон воқеаси»ни қора сиёҳларда ёзилишига асос бўлувчи ва “қўл келувчи» қўшимча «ҳужжат» бўлиб хизмат қилди.

Қўзғолон жисман мағлубиятга учраган, унинг раҳбарлари ва иштирокчилари қатли ом қилинган бўлса-да, уни бутунлай натажасиз, изсиз яқунланди де бўлмайди. Чунки Андижон қўзғолони, биринчидан, оддий қишлоқ аҳли орасида мавжуд тузумга қарши жиддий кучларнинг шаклланиб бораётганлигини кўрсатди, иккинчидан, бу эрксевар кучлар Туркистонда чуқур илдизга эгалиги ва улар фурсати келганда яна кўтарилиши мумкинлигини сездирди ва оқибатда бу воқеадан кейин шундай катта кучга эга бўлган чоризм ҳам талвасага ва хавотирга тушиб қолди. Шунинг ўзи маънавий ғалаба эди.

Маданий ҳаёт. Забт этилган ўлка моддийгина эмас, маданий жиҳатдан ҳам талон-тарож қилинди, муқаддас тарихимиздан абадий хотира ва эсдалик бўлиб қолувчи Амир Темур бобомизнинг тахтларию, анжом-аслоҳаларигача ташиб кетилди, улуғ обидалар йўқ қилинди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шу даврнинг йирик тадқиқотчиси ва билимдони профессор Бегали Қосимов “миллатнинг энг қимматли бойлиги - нодир қўлғемалар, китоблар”га ҳам чангал солинганини аниқ фактлар асосида шундай келтирадилар: “1868 йили Самарқанд забт этилганида генерал Абрамов дунёга машҳур Усмон Қуръонини Санкт-Петербургга жўнатди. Генерал Кауфман топшириғига кўра шарқшунос А.Л. Кун Хива саройидан 300

нодир қўлёзмани олиб кетди. Н. Хаников Бухородан 166 сара асарни, В.Л Вяткин Самарқаддан 190 китобни шу мақсадларда йиққан эди”¹.

Шунга қарамай, бу даврда ўлканинг маданий-адабий ва ижтимоий ҳаётида маълум ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар, айниқса, Тошкентда кўзга ташланди. 1870-йилда Тошкентда кутубхона ташкил қилинди. Турли маданий-илмий муассасалар вужудга келди, фан маориф ва маданият тараққиётида ҳам илгари силжишлар бўлди, масжид ва мадрасалар фаолияти илгариланди. Бу ҳақида устоз Б.Қосимов қуйидаги маълумотларни берганлар: “1890-йили Бухорода 217 масжид, 185 мадраса бор эди. 1917 йил 26 ноябрда Қўкон шаҳрида 392 масжид, 40 мадраса қайд этилган. 1884 йили Қримдаги Боғчасарой шаҳрида Исмоилбек Гаспирли “усули жаид” деган янги ўқув усулига асос солади. 90-йилларда бу янги усул Туркистонга етиб келади. 1893 йили Исмоилбек Гаспирлининг ўзи Бухорога келиб, амир билан учрашади ва янги мактаб очишга муваффақ бўлади. У билан бирга келган ширвонлик Мажид Ғанизода эса Самарқандда 40 кун қолиб “усули савтия”ни ўргатади. Бундай мактаблар (Чор ҳукуматининг мақсад ва интилишларига зид ўларок) Тошкент, Андижон каби шаҳарларда ҳам очила бошлайди. А.В.Пяковский маълумот беришича, 1895-1901 йилларда Тошкентда 4 та усули жаид мактаби бор эди. 1900 йили Андижонда ҳам шундай мактаб очилди. 1907 йили Туркистонда 30 та жаид мактаби бўлиб, уларда 1300 бола ўқир эди. Чор ҳукумати бунга қарама-қарши рус-тузем мактабига зўр берди. 1884 йили Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди, 1891 йили Хивада, 1894 йили Бухорода ташкил қилинди. 1917 йилнинг бошларида Туркистонда 170 рус-тузем мактаби бор эди”².

Б.Қосимов мазкур мактабларнинг мақсади расман рус тилини мукаммал биладиган саводхон етиштириш бўлса-да, аслида юқори ҳукуматга “тобе”, “итоатгўй” хизматкорларни тайёрлаш бўлганлиги ҳақида ҳам эътироф этиб ўтган эди. Туркистон маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан яна бири 1868 йилда Тошкентда биринчи босмаҳонанинг очилиши бўлди. Туркистонда китоб босиш ва матбаачилик ишлари илгарилади. 1870 йилда “Туркестанские ведомости” газетаси ва унинг иловаси тарзида “Туркистон вилоятининг газетети” чиқа бошлади. Назаримизда, “чор ҳукумати ўзининг мустамлака режимини» нафақат иқтисодий ва сиёсий соҳада, балки миллий-маданий, миллий-диний соҳаларда ҳам қатъий ўрнатди, яъни бир сўз билан айтганда, миллий-маданий тараққиёт мустамлака манфаатига бўйсундирилди. “Туркистон вилояти газети” бунинг яққол далили. Негаки, А.В. Пяковский таърифи билан айтганда, “Туркистон - руслар учун” шиори билан иш кўрди гўё. Газета муҳаррири Николай Остроумов (1846-1930)нинг саъйи-ҳаракатлари билан рус маданияти, илм-фани, ҳатто урф-одатлари тарғиб - ташвиқ қилинди, Русияни “маданият ўчоғи” сифатида талқин этди, албатта, буларнинг бариси Ўрта Осиё мамлакатлари маданиятини кўкка совуриш, камситиш, анъанавий урф-одатларимиздан юз ўгиртириш эвазига рўёбга чикди. Бир сўз билан айтганда, газета Ўрта Осиё халқларини чоризмга муҳаббатли ва садоқатли

¹Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти . Дарслик. Т., “Маънавият”, 2004. 18-бет.

² Қаранг: Кўрсатилган манба. 18-19 бетлар.

қилиб тарбиялашда восита вазифасини бажарди. Шундай бўлса-да, ўзбек адабиёти ва санъатига оид материаллар, Огаҳий, Комил, Муқимий, Камий, Нодим каби шоирларимизнинг шеърлари илк маротаба шу газета саҳифаларида чоп этилди. Газетанинг биз учун аҳамиятли бўлган томони ана шунда. Шу тариқа Туркистонда вақтли матбуот тарихи ўзининг илк қадамини ташлади. 1898 йилда Тошкентда «Русский Туркестан», 1904 йилдан Самарқандда «Самарқанд» газеталари чиқа бошлади. 1906 йили Тошкентда дастлабки ўзбек тилидаги «Тараққий» газетаси чиқа бошлади. Бу ўзбек миллий матбуотининг илк дебоचा газети эди, шундан кейин жадидлар томонидан чиқарилган «Садон Туркистон» газети ўз ишини бошлади.

Адабий ҳаёт. XIX асрнинг II ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти мумтоз адабиётимизнинг анъаналарини сақлаган ҳолда ўзида янгиликлар яратиб, XX-XXI аср адабиёти учун пойдевор бўлган адабиётдир. Бу давр адабиётида мумтоз шеърятдаги тур ва жанрлар (ғазал, рубоий, туюқ, муаммо, мухаммас, мусаддас, муамман, маснавий, таърих кабилар) билан бир қаторда саёхат таассуротлари тасвири сифатида бўлмиш саёхатнома (Муқимий, Фурқат, Нодим), шеърӣ ҳикоя (Муқимий, Фурқат), мактубот (Муқимий, Нодим) жанрлари вужудга келди ва ривожлантирилди. Шунингдек, матбуот маҳсули ўлароқ публицистика ва бадиий очерк ҳам бадиий ижодда ўз ўрни ва мавқеини топа бошлади.

Мазкур давр ижодкорларидан Юсуф Сарёмий (1845-1912), Зиёвуддин Ҳазиний (1867- 1923) тасаввуф ғояларини куйлаган сўнгги шоирлар бўлди.

Тадқиқ этилаётган давр адабиётига янги рух, янги ғоя кириб келди. Адабиётнинг мавзу доираси кенгайди, мазмун таркиби ўзгарди, яъни бадиий адабиётда ҳажвиётнинг ўзига хос томони пайдо бўлди ва тараққий этди. Давр адиблари миллат қайғуси ва унинг муаммоларини кўтариб чиқибгина қолмай, балки унинг ечимини ҳам топдилар, яъни миллат онгги ва тафаккурини ислоҳ қилиш ва шу мазмундаги асарлар ёзиш зарурлигини тушундилар. Шоирларимиз халқнинг изтироб ва қайғулари, орзу-истаклари билан қадам-бақадам бордилар.

Янги давр адабиёти ижодкорларининг аксарияти зуллисонайн шоир сифатида ижод қилдилар, чунки уларнинг деярли кўпчиликл қисми мадраса кўрган, араб, форс-тожик ва ҳатто баъзилари рус, бошқа ажнабий тилларни ҳам яхши билганлар.

Зуллисонайнлик анъанаси изчил давом этаётган бу даврда таржимачилик мактабининг пайдо бўлиши ҳам табиий. Хоразмда Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Тошкентда Алмаий, Самарқандда Сидқий Хондайликий, Сиддикий Ажзий, Васлий Самарқандий каби ижодкорлар таржима майдонида муносиб ижод қилдилар.

Адабий – маданий ҳаракатчиликнинг бош маркази сифатида Тошкент ҳар жиҳатдан тез тараққий эта бошлади. Хива, Қўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларда ҳам адабий ҳаракат кўтаринки руҳда эди.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ёрқин бир саҳифасидир. Профессор Б. Қосимов “Излай-излай топганим” китобида бу даврнинг турли хил кўлам ва иқтидордаги 90 га яқин қалам аҳллариининг рўйхатини келтирганлар.

Хива адабий – маданий ҳаёти шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхони соний Феруз раҳнамолигида ривож топди ва тараққий этди. Унинг ташаббуси билан босмахона пайдо бўлди, таржима мактабининг, тазкирачилик анъанасининг янги шакллари пайдо бўлди. Бу замон ва макон Комил Хоразмий, Феруз, Баёний, Табибий, Аваз Ўтар каби адабий-бадий тафаккурнинг улғ сиймоларини етиштириб берди.

Тадқиқ этилаётган даврда тақдир аччиқ ва изтиробли воқеликлар аро баъзан марҳаматини дариф тутмади. Бу вақтдаги Хива ҳукмдори Феруз Ўрта Осиё хонлари орасида ақллиси ва зиёлиси ва ҳам яхши шоир эди. Бухорода эса айнан шу даврда сиёсий майдонидагина эмас, адабий ҳаётнинг ҳам эътиборли кишиси бўлган Амир Абдулаҳадхон (1859-1910) ҳукмдор эди. Унинг амирлик даври 1885-1910 йилларда, яъни юртда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам адабий ҳаёт қайнаётган мураккаб ва зиддиятли даврига тўғри келди. Абдулаҳадхон «Ожиз» таҳаллуси билан шеърлар ёзган соҳиби девон бўлган. Икки мулкнинг бу икки ҳукмдори адабиётга оламига дахлдор шахслар бўлганликлари юртда маданий- адабий ҳаётнинг ривожланишига, қанча-қанча янги номлар ва янги асарлар кашф этилишига сабаб бўлди. Бу тақдирнинг туркистонликларга инъоми эди. Бухорода Афзал маҳдум Пирмастийнинг «Афзалиут-тазкор фи зикриш-шуаро вал ашъор» («Шоирлар ва шеърлар ҳақида Афзал тазкираси») (1904), Неъматулла Мухтарам (1910), Мирсиддиқ Ҳашмат ва Абдиларнинг «Тазкиратуш-шуаро» каби тазкиралари ҳам Абдулаҳадхоннинг рағбати ва раҳнамолигида дунёга келди. Бухорода адабий ҳаёт мана шу тарзда камол топди.

Қўқон адабий муҳити эса водий шоирлари билан яна тўлган эди. Фурқат (1854-1909), Муқимий (1850-1903), Завқий (1853-1911), Муҳаййир (1845-1918), Усмонхўжа Зорий (1839-1916), Муҳйи (1853-1921), Ҳазиний (1867- 1923) каби кўлами кенг юқори мақомдаги даврага марғилонлик Хўжажонхўжа Рожий (1839-1918), наманганлик Нодим Намангоний (1844-1910), Иброт (1862-1937), хўжандлик Тошхўжа Асирий (1864-1916), сайрамлик Юсуф Сарёмий (1845-1912), тошкентлик Каримбек Камий (1865-1922)ларнинг қўшилиши даврага ўзгача файз, ўзгача рух, янги мазмун ва янги шакллар олиб кирди. Дўстлар давраси, шеър шукуҳи ва куй авжи ижтимоий воқелик билан йўғрилиб, унинг ифодаси шеърятнинг янги шаклларида, янгича талқинларига туртки берди.

Аҳмад Дониш (1826-1897). Дониш таҳаллуси билан элда машҳур бўлган Аҳмад Маҳдум XIX аср Бухоросининг қомусий олими бўлиб, у йирик маърифатпарвар ва файласуф, ёзувчи ва астроном, тарихчи ва архитектор, мусаввир ва мусиқагўй сифатида ўз даврининг маълум ва машҳурларидан Унинг бизгача «Номусал-аъзам» («Улғ қонун»), «Мунтахаб-ал-аҳком» («Танланган қарорлар»), «Наводир-ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар»), «Рисолаи мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони амирони Манғит» («Манғит амирлари хонадони салтанатининг қисқача тарихи»), «Мажмуаи ҳикояти Аҳмад калла» (Аҳмад калла ҳикоятлари тўплами) (1877), «Ислоҳ миёни шиа ва сун» («Шиа ва суннийни яраштириш ҳақидаги маълумот») каби рисоласи «дафтари тақвим» («кундаликлар») каби муҳим аҳамиятли асарлари етиб келган.

Аҳмад Дониш 1826 йилда Бухоронинг Шофиркон туманида мударрис оиласида туғилди. Илк ибтидоий таҳсилни отасидан олди. У ёшлигида наққошлик, рассомлик, хаттотлик санъатини ўрганди. Тарих ва фалсафа илмидан ҳам бохабар эди. Ана шу фазилатлари билан эл орасида номи чиқа бошлайди. Бухоро амири элчисининг котиби вазифасида бир мунча муддат ишлайди. Хизмат юзасидан уч марта Россияда бўлди. Сафар таассуротлари асарларида ҳам акс этган. Шунингдек, унинг фалсафий, мемуар асари - “Наводирул-вақое” (1870-1885)да Русияга қилган сафар таассуротларидан тортиб, инсон билан боғлиқ барча воқеликларни – ота-она ва фарзанд муносабатлари, олимлик ва жоҳиллик, мол-дунё, сафар қоидалари, илм-маърифат фойдаси, тақдир тилсимлари, Бедил байтларию ҳадис талқинларигача фикр мулоҳазалари содда ва жонли ифодаларда берилган. Бу асарни шоирнинг фалсафий ўғитномаси ёки ҳаётий тажрибаларининг хулосаси деб ҳам талқин қилиш мумкиншунингдек, буюк илм-фан намоёнчасининг авлодларга васиятномаси дея ҳам атаса бўлади. Бу васиятнома таълимий-ахлоқий жиҳатдангина эмас, ижтимоий-сиёсий аҳамиятига кўра ҳам муҳимдир.

Очилдимурод Мирий (1841-1899). Очилдимурод Неъматулла ўғли Мирий 1841 йилда Каттакўрғонда дехқон оиласида туғилди. Унинг отаси замонасининг зиёлиларидан бўлган, шунинг учун ҳам ўғлини ўқитиш ишларига алоҳида эътибор беради. Унинг бадиий ижодга қизқиши ёшлигидан бошланган. Бўлажак шоир ёзган шеърларини устозлари Муҳаммад Шариф Шавқий (1875-1861), Абдулазиз Раҳим Бухорийга кўрсатар, улар эса ҳали ёш бола бўлган шогирдоарининг илк ижод намуналарини диққатбилан кузатар эдилар. Ҳатто “Мирий” тахаллусини ҳам Абдулазиз Роқим унга тавсия қилади. Роқим Мирийни ҳам моддий, ҳам маънавий томондандан қўллаб қувватлади. Талабалик йилларидаёқ ота-онасидан айрилган Мирийнинг таҳсил олиши қийинлашиб қолган эди. Роқимнинг кўмагида у юқори таҳсилни Бухоро мадрасасида давом эттирди. Ўқишни тугатгач, устоз рағбати билан Каттакўрғон бегининг маҳкамасига ишга жойлашди. У давлат ишларида фаоллик билан ишлайди, қозилик лавозимигача кўтарилади. Шундай бўлса-да, унинг тирикчилик манбаи хаттотлик бўлган. Қозилик қилиб туриб ҳам порахўр, инсофсиз қозию бойларни доим калака билан ҳажв қилиб қуйидаги каби байтлар битган:

Мени юзи қарони қозилиғда кўп қўйманг,
Амалсиз элни бўғиб, тифсиз улус сўйманг.

Албатта, бу байтларнинг қаҳрамонлари (қози Исмоил кабилар) ўзларини танигач, шоирларни келгиндиликда, динсизликда айблаб, уни йўқ қилиш пайида бўлдилар. Шоирнинг уч ўғли бўлган. Кичик ўғли Қудратилла ёшлигида касалланиб вафот этган. Катта ўғиллари Ҳикматилла ва Муродиллаларни эса 1898 йилнинг бошларида Мирийдан ўч олмоқчи бўлган душманлари заҳарлаб ўлдирадилар. Оғир жудоликда қолган шоирнинг бу мусибатни енгиши осон бўлмади, у асарлар ёзиш билангина ўзини чалғитади. Кичик ўғли хотирасига бағишлаб «Гулнома» асарини, катта ўғлининг хотирасига атаб, “Рустам ва

Суҳроб» достонини яратади. Бу билан ҳам кўнгли тўлмаган рақиблар 1899 йил ёзида зиёфатга чақириб, қасддан асов отга миндириб, унинг ўлимига сабаб бўлдилар.

Мирий ўзидан бой адабий мерос қолдирди. У зуллисонайн шоир сифатида ижод қилди. “Анварий Суҳайлий», “Чор шарбат” (“Шарбатнома” – ўзбек тилида), “Раъно ва Зебо”, “Қиссаи Салими Жавҳарий”, “Мажидиддин ва Фахринисо” (форс –тожик тилида) каби жуда катта ҳажмдаги бадиий асарлари, тузган баёзлари, аралаш тилда тузилган иккита катта девони бизгача етиб келган. Мирий ўз салафлари каби ижтимоий ҳаётда, адабий жараёнда ҳам ҳукмрон табақалар билан келиша олмайди. Баъзан бу ҳолат асарларнинг бош мавзуси даражасига чиқади. Уларга қарши курашда «қалам - ханжар, рақам-лашкар, ҳамият – дўст, дин – тўп» бўлиб мадад беради:

Маломат Мирий мен, Қўқанд амирида бу шавкат йўқ,
Қалам – ханжар, рақам – лашкар, ҳамият – дўст, дин – тўпим!
Қалам эрмас алимда, хирасарлар жисмига пайкон,
Фазиҳат аҳли бесомон тилимдин, ханжаримдин ҳам!

Шоир ўзининг ғазалларидан тортиб, катта ҳажмдаги достонларигача бўлган асарларида кундалик оддий воқеалардан то йирик ижтимоий-сиёсий масалаларгача бўлган воқеаларни тасвирлайди.

Дилшод Отин (1800-1905). Бир асрдан кўпроқ умр кўрган Дилшод Отин адабиётшунослигимизда “Дилшоди Барно”, “Барно” номлари билан машҳур. 1800 йил Ўратепада сўфий хонадонидан дунёга келди. Илк саводни отаси Раҳимқул сўфидан олди. 13 ёшида онасидан ва яна ҳеч қанча вақт ўтмай отасидан айрилди. 90 ёшлик бувисининг қўлида қолди, ип йигириб тирикчилик қилди. Унинг ҳаёти турли талотўпли воқеаларга тўла бўлди. 1816 йили Қўқон хони Амир Умархон Ўратепага юриш қилади, кўплаб мухожирларни асир қилиб Тошкентга олиб келади, булар орасида Дилшоди Барно ҳам бор эди. Бироқ амир уни бир маҳрамига тортиқ қилади, олийҳиммат маҳрам эса қочириб юборади. Шундан кейин қўқонлик Тош маҳдум исмли 50 ёшлардаги фақиргина бир кишига турмушга чиқади. Дилшод бу хонадонда ўзбек тилини ўрганиб, қайнонаси билан бирга мактабдорлик қилди. Қайнонасининг вафотидан кейин 51 йил мактабда муаллималик қилди. Бу вақтда 900 га яқин қизга хат-савод ўргатади.

“Тарихи Муҳожирон”да бу ҳақда шоира шундай ёзади: «Мен саксон саккиз ёшимгача ҳам ойнаксиз кўриб, мактабдорлик қилдим. Эллик бир йил мактаб тутиб, ўрта, авсот ҳисобида йигирма уч толиба тутуб, саккиз юз тўқсон бир қизни босавод қилдим. Алардан қарийб тўртдан бири таъби нози эрдилар”.

Бу вақтларда Дилшод отин “Барно” тахаллусли шеърлари билан халқ ичида танилган эди. Дилшод отин мактабдорлик кезларида шогирдларини хат – саводини чиқариш билангина чекланмайди уларга юқори савиядаги таҳсилни ҳам беради. Ҳофиз, Навоий, Бедил асарлари ва уларнинг сир-асрорлари билан таништириб, уларда адабиётга меҳр уйғотади.

Шоира ўзи ижодкор бўлгани учун ҳам мактабда таҳсил кўрувчи қизлар орасидан шеърятга мойил бўлган шогирдларига айрича эътиборда бўлган. Дилшод отин ўқувчиларнинг ҳар тўрттадан биттаси шеър ҳавасманди бўлгани, жамалак соч Анбарой ҳам шулар қаторидаги шеърятга ҳавасгўйлиги ҳақида мана бундай илиқ ва умидли сўзларни айтган эди: “Анбарой буғдойранг, сунбулсоч, оҳу кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамда одоби писандида соҳибидур. Бу саккиз яшар қизчалигига қарамасдан, ҳазрати Навоий назмиётларини ўрганишга беҳад қизиқади. Бу ожиза саккиздан ўн тўрт ёшгача адаб таълимига машғул бўлди. Умидим борки, бу қизча шоир бўлғуси.” Ўз шогирдларига синчков эътиборда бўлган Дилшод Барно уларнинг келгусида забардаст шоира бўлиб етишишини олдиндан қайд қилади ва шундай бўлди ҳам. Унинг мактабида Анбар отин, Ҳафиза отин, Баҳри отин, Тўти қиз, Хайринисо каби қатор истеъдодли шоирлар етишиб чиқди.

Шоир ҳаётига оид тафсилотлар ва мактабдорлиги билан боғлиқ маълумотлар унинг “Тарихи муҳожирон” асарида тўлиқ муфассал баён этилган.

Дилшод Барно илм-маърифатга ва унинг аҳлларига айрича эътиборда бўлади ҳамда «ўқуғон»лардан маърифат илми тарқатувчилар “ердан кимё олувчи деҳқонлар”, “мазлум эл бахтига пиру донолар” етишиб чиқади дея илмгўйларга шундай баҳо беради:

Ўқуғонлар орасидин кўп билимдонлар чиқар,
Маърифат илмини торқотғуси гапдонлар чиқар.
Ердин кимё олувчи кўп деҳқонлар чиқар,
Мазлум эл бахтига кўп пиру донолар чиқар.

Дилшод Барно ўз салафлари қаторида давр манзарасини реал тасвирда чизади, шоира қаерга қарамасин, ижтимоий тенгсизлик, азоб-уқубат, зулм-зўрлик, фақир-бечораликни кўради. Буларни кўриб изтиробга тушган шоира куюниб шундай ёзади:

Алам ўтидин кулдур жаҳон,
Дуди оҳ ила тўла осмон.
Бетоқат ўлуб чекаман фиғон,
Менга раҳм этиб яғлайди макон,
Титроқ босадур замини замон.

Дилшод Барно аёл киши бўлишига қарамай, зулм-зўрлик, аламлар ва разолатга бўйсуниб яшашни истамайди, буларга барҳам бериш вақти келганини билдириб, қачонгача бундай “зулматли соат”ларга, “ҳукмронлиғ касофат”иға тоқат қиламиз, дея исёнкорона даъват билан халққа мурожат қилади:

Йиллардан ҳам йироқ бўлди зулматли соат,
Токи давом этар бундоғ алам, разолат...
Ҳокимларга итоат, офатга рози,
Қачонгача қилмоқ керак бу хилда тоқат.

Кўринадики, шоира ижодида Туркистон мустамлакаси воқеаларига муносабат, яхшилик ва ёмонликка умид, ишқ-муҳаббат, ватан мавзулари кенг ёритилган. Булар бизгача етиб келган 91та ўзбекча, 51та тожикча шеърларида, ”Тарихи муҳожирон” бадиий-тарихий асарнинг ўзбекча ва тожикча уч қўлёзма нусхасида, «Мунтахабул-ашъори Барно» (“Барнонинг танланган шеърлари”) асарларида ўз аксини топган.

Дилшод Барно 1960 йиллардан кейин қайтадан кашф этилди. Бу борада тожик тарихчиси А. Мухторов ва ўзбек адабиётшуноси М. Қодироваларнинг хизматларини алоҳида эътироф этмоқ керак.

Савол ва топшириқлар

1. XIX аср ўрталаридаги Марказий Осиёда тарихий-сиёсий шароит оқибатлари ҳақида гапиринг.
2. Бу даврда адабий-маданий ҳаёт қандай бўлган?

Таянч иборалар

1. Миллий уйғониш давр тушунчаси.
2. XIX асрнинг 2-ярми XX аср бошларида маданий ҳаёт.
3. «Туркистон вилояти газети».
4. Тошкент – сиёсий-маданий марказ.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. И.А.Каримов «Истиқлол ва маънавият». Т, «Ўзбекистон», 1994 йил.
2. «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари». Т, «Университет», 1993 йил.
3. Исмоил Тўлак Андижоний «XX аср ўзбек адабиёти». «Андижон» нашриёти, 1993 йил.
4. Б.Қосимов «Излай-излай топганим» Т, «Ғ.Ғулом» нашриёти, 1983 йил.
5. Б.Қосимов, У.Долимов «Маърифат дарғалари». Т, «Ўқитувчи», 1990 йил.

Мавзу: Комил Хоразмий ҳаёти ва ижоди (1825 – 1899 йил)

Комил Хоразмий ижодини ўрганилиш тарихи. Комилнинг таржимаи ҳоли ҳақида. Комил Хоразмий – давлат ва жамоат арбоби. Шоирнинг ижодий мероси. Комил Хоразмийнинг тарихий асарлари. Комил Хоразмий – бастакор, муסיқашунос ва таржимон.

Оташзабон шоир Комил ҳаётлик чоғидаёқ халқнинг эътиборига тушган ва ижодига бўлган қизиқиш пайдо бўла бошлаган ҳамда замондаги шоирлари томонидан тан олинган эди. Шунинг учун ҳам шу даврда тузилган кўплаб

қўлёзма ва тошбосма баёз-мажмуаларда шоир ижодидан намуналар киритилди. Шунингдек, XIX аср ўзбек адабиёти ва тарихида йирик манба саналмиш Огаҳийнинг “Гулшани давлат”(1855-1856), Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажараи хоразмшоҳий”(1911-1913), Аҳмад Табибийнинг “Мажмуат-уш-шуаро” (1908), Ҳ.Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» (1920) каби асарларда Комил Хоразмий ўз ижодий фаолияти билан фазлу камолотга эришган шоир, тийран ақл ҳамда фикрда собит давлат ва жамоат арбоби сифатида юқори баҳоланган.

Шайх Сулаймон Бухорий “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” (1880-1881) асарида айрим сўзлар изоҳи учун “машоҳир шуаро”ларнинг шеърларидан мисоллар олган. Мунис, Огаҳийлар қаторида Комил Хоразмий шеърларидан мисоллар келтириши шоирнинг ҳаётлик чоғидаёқ машхур бўлганлигидан далолатдир.

Инглиз ва рус тарихчилари томонидан Комил шахсига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Санкт-Петербургда чоп этилган “1873 йилги Хива юриши” номли русча расмий манбада, Ф.М.Лобосевичнинг “1873 йилги Хива юришининг баёни” номли асарида, Мак-Гаханнинг инглиз тилидан таржима қилинган “Оксусдаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг таслим бўлиши” (“Военные действия на Оксусе и падение Хивы”, Москва 1875) каби китобларда шоир фаолиятига махсус тўхталинган. Қолаверса, Н.Остроумов муҳаррирлик қилган “Туркистон вилоятининг газети” (1891-1894 йиллардаги) саҳифаларида бир қанча шеърлари босилиб турди. Комил Хоразмийнинг мусиқа соҳасидаги хизматлари Б. Раҳимов ва М.Юсуф Девонзодаларнинг “Хоразм мусиқий тарихчиси” (Москва, 1925) китобида, кейинроқ эса В.Беляевнинг “Ўзбекистон музика асбоблари” (“Музыкальные инструменты Узбекистана, М. 1933) асарларида алоҳида эътироф этилган.

Шоир Комилнинг ҳаёти ва ижодини оммалаштириш ва илмий тадқиқ этиш, асосан, 1945 йилдан бошланди. 1945 йилда нашр этилган О.Шарафиддиновнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” хрестоматиясида, 1947 йилда чоп этилган “Ўзбек поэзияси антологияси” да кенг китобхонлар оммасига шоир ижоди тақдим этилди. 1947 йилда адабиётшунос М.Юнусов Комил ижодига бағишланган номзодлик диссертациясини ёқлади, 1958 йилда шоирнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи “Комил Хоразмий” номли китобини нашр эттирди. 1961 йилда шоирнинг “Танланган асарлари” (нашрга тайёрловчи Р.Мажидий), 1975 йил шоир “Девон”и нашрдан чиқди.

Комил Хоразмий ижоди мактаб ва олий ўқув юртларида ўрганила бошланди. Ғ.Каримовнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (III китоб) дарслигида шоир Комил ҳаёти ва ижодига алоҳида фасл ажратилган. Шунингдек, “Ўзбек адабиёти тарихи беш томлик” (1980) нинг 5-томида К.Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий меросининг таҳлили учун 32 саҳифа ажратилган.

Булардан ташқари адабиётшунослар А.Ҳайитметов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, Н.Қобилов, Н.Жумаҳўжа ва И.Адизоваларнинг шоирнинг турли жиҳатларини очувчи бир неча мақолалари эълон қилинган. Кўринадики, Комил Хоразмий миллий адабиётимизда мустаҳкам ўрин топди.

Муҳаммадниёз Комил 1825 йилда Хивада зиёли хонадонида туғилди. Унинг отаси Абдулла Охунд мадраса мударриси бўлиб, ўз даврининг пешқадамларидан эди. Шоирнинг асли исми Муҳаммадниёз бўлиб, баъзи манбаларда Ниёзмуҳаммад, Полвонниёз деб юритилган. Хоразмликлар қисқартириб “Матниёз” деб чақирганлар. Комил (етук, мукамал) Хоразмий эса нисба тахаллусдир. Паҳлавон лақаби эса унинг жанг майдонларидаги жасорати эвазига берилган. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажараи хоразмшоҳий” асарида Комил навқирон ёшларидаги жасорати шундай лавҳаларда берилади: “Бир кун Кўрганли бир ямутким, Қорабалоқ лақаби била мулаққаб эрди, бағоят забардаст ва мерган эди. Бир миқдор ямутга бош бўлуб, Муҳаммадмурод девонбегининг сангарига келиб уруш бошлади, лашкарга ондин кўп дастбурдлар (зиён-заҳматлар-Т.М.)етди, бир кун Муҳаммадмурод девонбеги деди: “Ҳар киши ушбу Қорабалоқни отини урса, беш юз тилло ва ўзини урса, минг тилло берурман”. Паҳлавонниёз юз боши бу сўзни эшитиб, бир қўхна ёф (арик-Т.М.)нинг ичи била буқуб юруб майдоннинг бир тарафида бир қўхна девор бор эди, онинг паноҳига борди, ул вақтда қароболоқ майдонга от солиб келди. Паҳлавонниёз онга бир ўқ отди. Ўқ отига тегиб йиқилди. Қароболоқ отдин жудл бўлуб билдиким, ул деворнинг орқасида киши бордур, ул ерда бир неча тўп юлғун бор эрди, онинг паноҳига кириб турди. Ул вақтда Паҳлавонниёз бошига кийган нимани милтуқнинг учиға илдуруб, оҳиста юқорига кўтарди. Ул вақтда ямутлар билдиларким, энди ул мерган (Комил назарда тутиляпди-Т.М) Қароболоқнинг устига бориб они қатл этар. Филҳол, хужум этиб от солдилар ва Қароболоқни олиб қайттилар”¹.

Кўринадикки, ҳеч ким бас кела олмайдиган забардаст паҳлавон Қароболоққа Муҳаммадниёз Комил бас келди, уни чекинишига мажбур қилди. Жангдаги бундай жасоратдан кейин Муҳаммадниёз Комил адабий сиймосини безагувчи “Паҳлавон” номи билан машҳур бўлди.

Комил ибтидоий таълимни эски мактабда, юқори таҳсилни Хива мадрасаларида олди. Аммо оилавий шароит, яъни отасининг бевақт вафоти туфайли ўқишни биров тўхтатишга мажбур бўлади, кейинчалик оила тирикчилигини маълум изга солиб олгач, яна таҳсилни давом эттиради.

Мадраса таҳсилида у араб ва форс тилларини мукамал ўрганиб, бу тилдаги адабиётларни, мумтозларимиз ижодини чуқур ўрганди. Кейинчалик ўзи “Комил” тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. Огаҳийдек улуғ шоирнинг “Гулшани давлат” китобида номининг зикр этилиши ижод оламида тезда шуҳрат қозонганидан дарак беради.

Комил Хоразмий яхши хаттот ҳам эди. У бу санъатни юқори даражада эгаллади, хатто Муҳаммад Паноҳ, Худойберган муҳрикон девон, Муҳаммад Шариф Ғарро каби шуҳратбардор шогирдлар етиштирди. Унинг ўғли Муҳаммад Расул ҳам хаттотлик илмини ўрганди, яхшигина хаттот бўлди. “Мирзо” тахаллуси билан шеърлар ёзиб, “Девон” тузди. Комил шоир сифатида эл орасида эрта шуҳрат қозонди. Унинг доврўғини эшитган ўша даврдаги Хива хони Сайид Муҳаммадхон уни саройга хизматга чақиради. Моддий ва

¹ М.Ю.Баёний. Шажараи хоразмшоҳий. Мерос. Т. Камалак; 1991. 200-б.

маънавий суянчиғи бўлмаган шоир учун бу таклиф қўл келади ва у саройда мирзалик лавозимида ишлай бошлайди. Сарой муҳитини яхши тушунган Комил тийраклик билан иш олиб боради. Саййид Муҳаммаднинг вафотидан кейин тахтга унинг ўғли Муҳаммад Рахимхон Соний (1865) ўтиради. Хукмфармон Муҳаммад Рахимхон II уни тез орада мирзабошилик (мирзаларга бошлик) вазифасига тайинлайди.

Бу лавозим Комилга шоирликдан ташқари давлат сиёсатчиси масъулиятини ҳам юклаган эди, айти шу лавозимдалик чоғида давлатнинг аҳволи танг, яъни Хива Россия вассалига айланиш арафасида эди. 1873 йилнинг охирларида девонбегилик лавозимига кўтарилади. Бу вазифа эса бугунги бош вазир вазифасига тўғри келади. Демак, Комил зиммасидаги юк жуда оғир эди. У ҳар тарафлама ақл ва идрок билан иш тутиши лозим эди. Бу вақтда Хива руслар томонидан эгалланган, юрт эркинлиги деярли қўлдан кетган эди. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман бошчилигидаги рус қўшинининг хонлик қўшинига берган зарбалари ҳамда тўкилган беҳуда қонларни кўрган Муҳаммадниёз Комил шу суронли вазиятдан келиб чиқиб иш кўришни лозим топади, яъни ҳуқуқ ва эрклари чекланган хонликни шу ҳолатида сақлаб қолишни мутлақо йўқ бўлиб кетишдан кўра маъқулроқ йўл деб билади ва натижада унинг таклифи билан 1873 йилнинг 12 августида Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида Россия билан Хива хонлиги ўртасида сулҳ тузилди. Бу воқеа тарихда “Гандимиён шартномаси” номини олди. Сулҳпарвар ва тадбиркор девонбеги Комил шу йўл билан ўз халқини беҳуда қирғиндан озроқ муддатга бўлса-да сақлаб қолади. Комилнинг сиёсий арбоб сифатида тутган бундай оқилона тадбирлари инглиз ва рус сиёсатдонларини-да эътиборини тортади. Чунончи, Мак-Га Хан 1873 йил Хива хонлиги воқеалари ҳақидаги инглиз тилидаги махсус китобида Комил Хоразмийни сулҳпарвар ва доно тадбиркор сифатида эътироф этади. Ф.И.Лобосевич бу жанрларнинг бевосита иштирокчиси бўлганлиги учун ҳам бу воқеадан таъсирланиб “Матниёзнинг бу вақтда ўз ватанига кўрсатган хизмати беқиёс катта бўлди”деб ёзади. Комил девонбеги вазифасидалигида Хива маданий ҳаётининг ривожини учун ҳам кўп хайрли ишларни қилган 1874 йили чет эллардан типография ускуналарини келтиртириб, Ўрта Осиёда илк бора тошбосма йўлидаги китоб нашр этишни йўлга қўйди. Бир сўз билан айтганда, энг йирик маънавий тадбирга ташкилотчилик қилди, албатта бунга Хива хони Феруз моддий ва маънавий раҳнамо эди.

Англашиладики, Комилнинг бутун саъй-ҳаракатлари юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хонликнинг Россия империяси билан муносабатларини яхшилаш, халқнинг маданий ҳаётини ривожлантириш учун эди. Афсуски, унинг бундай хайрли амаллари қадрланмади, аксинча, аста-секин барҳам топиб, унинг ўрнини ҳасад, таҳқир ва камситиш эгаллайди. Хива хони Муҳаммад Рахимхон II Феруз собиқ девонбеги Матмурод Калуга сурғунидан озод бўлиб қайтгач, “Шажараи Хоразмшоҳий”да алоҳида эътироф этилганидек, “мирзабошини (Комил Хоразмийни – Т.М) бурунги мирзабошлик мансабида барқарор этиб, Муҳаммадмурод девонбегига девонбегилик мансабин” қайтариб беради. Бу воқеа Муҳаммадмуродга қанчалик қанот берган бўлса, Комилга

шунчалик оғир бўлади. Тақдирнинг бу каби кўп изтироблари унинг соғлигига ҳам таъсир қилади. Лаффасий тазкирасида умрининг охирида кўзи ожизланиб қолгани ҳақида шундай маълумот бор: "Комил паришонҳол бўлганидин ғаму ҳасратлар тортиб, натижада икки кўзига қаро сув келиб, ожиз бўлиб қоладур... Хева табиблариға бир неча муолажа қилдурса-да, ҳеч бир фойда бермай, балки аввалгидан ямонлашади. Шул сабабли, Комил хондин рухсат олиб Тошконтда бориб кўз дўхтирларга муолажа қилдирадур. Аммо кўзининг оғриғи кундин-кун шиддатлиғ бўлғонин баён қилиб хонға ариза берадур. Хон доғи анча тасаллийи хотир бўлғудек ҳеч бир марҳамат илтифотлар қилмайдур. Аммо мирзабошлиғ мансабин ўғли Муҳаммад Расулбойға марҳамат қиладур. Комил жуда ҳам дард чекиб, шикастхотирликда асҳоли хасталикға дучор бўлуб, уч кун муддат ёстукқа бош қўюб, 1315 (1897-98) йил, ит йилида 72 ёшида юз минг надоматлар билан охиротға сафар қиладур”.

Тарихий манбаларда қайд этилганидек, шоир Комил Хоразмий 1897 йилда, 72 ёшида вафот этади.

Шоир Комил Хоразмийнинг ҳаёт мундарижасини кузатсак, маълумотлар уни Москва ва Петербург шаҳарларида 2 марта: биринчиси 1873, иккинчиси 1883 йилда Феруз бошчилигидаги 17 кишилик ҳайъат таркиби билан борганлиги, 1891, 1896-97 йилларда Тошкентда бўлганлигини кўрсатади. Демак, шоир саёҳатларда жуда кам бўлган. У ўзининг бутун ҳаётини халқ хизматиға, бадиий ижодға ва санъатға бахшида қилган.

Комил Хоразмий ана шундай оташзабон шоир ва фидоий санъаткордир.

Соҳибидевон Комил Хоразмий қолдирган адабий мероснинг асосий қисмини ғазаллар, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мураббаъ, муаммо, рубоий, қасида ва маснавийлар ташкил этади. Шоир лирикаси ўз мазмуни, умумий руҳи ва услуби жиҳатидан ўзига хоски, унда ҳаёт ва инсоний кечинмалар объектив ва реал қуйланади.

Комил Хоразмий ижодиётининг асосий қисмини ишқий лирика ташкил қилади. Шоир хижрон қийноқлари, маъшуқа васфи, у билан боғлиқ кечинмаларни ўзига хос тарзда маҳорат билан тасвирлайдики, ўқувчи кўз олдида чин муҳаббат манзараси пайдо бўлади. Шоир бир ишқий манзумасида:

Ул қуёш мени ваҳким, асру зор этиб кетти,
Заррадек дилу жоним беқарор этиб кетти

дея қуёшға менгзаган, қуёш деб атаган севгилисини васлиға зор, унинг ҳажрида дилу жону беқарор эканлигидан куюнса, яна бир ишқий шеърида ёрнинг тавсифини, унинг баланд сарв қоматию, ўйноқи фусункор кўзларини эркалабгина жозибалик мисраларда ифодалайдики, кўз олдинингизда малаксиймо бир пари суратланади:

Қоматим ҳам айлаган ул сарви сарафрозлар,
Кўзларим нам айлаган ул чашми афсунсозлар.

Лирик қаҳрамонимизга маҳбубанинг ёқимли ҳаракатларию нозу карашмаларигача ёқади ва шунинг изҳорини ишққа тўла илиқ сартларда беради:

Бани шайдо эдон ул маҳваши таннозлардурлар,
Ниёзим қилмайин манзури масти нозлардурлар.

Ошиқ мутлақо асир бўлгач, Лайлини севган Мажнун каби ишқ тузоғига тушади, саҳролар кезиб саргардон, маъшуқа ишқи ўтида оташпараст бўлади:

Доми муҳаббатингга то пойбаст бўлдум,
Лайли йўлида гўё Мажнун маст бўлдум,
Тун-кун уруб току пў, саҳронишаст бўлдум,
Бу дашт аро қуюндек бепоу даст бўлдум,
Ишқинг ўтига гўё оташпараст бўлдум.

Комил етук сўз санъаткорлари эргашиб камол топди. Айниқса, Навоий ва Фузулий ижодидан озуқаланди, улардан илҳом олди. Шеърларидаги салафлари билан мавзу ва оҳанг уйғунлиги боиси ҳам шундан. Чунончи, Фузулийнинг

Паришон ҳолинг ўлдум, сўрмадинг ҳоли паришоним,
Ғамингдин дарда душдум, қилмадинг тадбири дармоним,
Не дерсан рўзигорим бўйлами кечсун, гўзал хоним,
Гўзим, жоним, афандим, севдигим давлатли султоним

деб бошланувчи машҳур мураббаъсига монанд мисраларни Комил ижодида учратамиз:

Ўтиб кўб ойу йиллар, сўрмадинг ҳоли паришоним,
Ижобинг шиддатидин оғзима етмишдурур жоним,
Не дин бир демадинг йилларда, эй камтар сана хоним,
Чу Юсуф Мисри иззат маснадида моҳи Канъоним.

Ёки Навоийнинг дўстлик, унга садоқатда бўлишлик, бевафо дўстликнинг изтиробларини акс эттирувчи “Бўлмангиз” радифли ғазалига Комилнинг боғланган мухаммас тахмиси:

Зинҳор эл ихтиложи бирла ҳуррам бўлмангиз,
Меҳнатни ҳар дам фузулу роҳати кам бўлмангиз,
Мен каби бори надоматдин қадри ҳам бўлмангиз,
Дўстлар, одам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Бу мисраларда мавзу ва оҳанг уйғунлиги табиий, аммо Навоий сатрларига Комил мисралари шундай мос тушганки, шоир ижодида бундай навоийона руҳнинг уфуриши унинг улкан шеърят соҳиби бўлиб етилганидан нишона. Яна бир мисол:

Сен ҳусн шоҳидурсен, мен камтарин ғуломинг,
Гар зулм, вар карам қил,-бордур манго муборак.
Ўлсам доғи йўлунгдин бош олмоғум, нигоро,
Мендин вафо муносиб, сендин жафо муборак.

Сўз санъатининг нафис бу намунаси шоҳ ва шоир Бобурнинг:

Сен гулсену, мен фақир булбулдурмен,
Сен шуъласену, ул шуълага кулдурмен.
Нисбат йўқ деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга кулдурмен

барчага машҳур рубоийсини эслатади.

К.Хоразмий ижодида реал воқеликда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ходисаларга тўғри (объектив) ёндошиб мулоҳаза юритади. Айниқса, сарой муҳитидаги носоғ кайфият шоирни чуқур изтиробга солади. Сиёсат борасидаги тадбирлари, фидойилигига қарамай девонбегиликдан четлаштирилиши шоирга оғир ботади, бу ҳол руҳий азоб бўлиб вужудини кемира бошлади. Бундай ноҳақ муносабатга жавобан шоир “Айлама” радифли ғазалида назмий норозилик билдирди. Шунингдек, шоир саройдаги ҳамда жамиятдаги иллатларни фош ҳажв характеридаги “Фузало”, “Жухало” шеърлари билан ҳам майдонга чиқди. “Фузало” шундай бошланади:

Ютубон бу замонда қон фузало,
Кулфат ўкигадур нишон фузало.

“Жухало”да эса пок инсонларга турли иғвою-иллатлари билан озор бераётган ичи қора разил кимсаларни очикдан-очик қоралаб, уларнинг портретини шундай тасвирлайди:

Нўш этиб, риш ва майин, етмай улус додиға,
Билмадилар даме ойини адолат жуҳало.

Шоирнинг ижтимоий мазмундаги шеърларидан бирида “Очғали отланди то султони жамиқбол сув” дея Муҳаммад Раҳимхоннинг ариқ қаздираётганини ободончиликка қўшган ҳисса сифатида баҳолайди.

Комилнинг ижтимоий-сиёсий шеърлари орасида “Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд” қасидаси эътиборлидир. Негаки, у ўзбек тилида битилган Тошкент ҳақидаги илк қасида эди. Қасида ўша даврдаёқ “Туркистон вилояти газетаси”да босилиб чиқди. Ҳажман 100 мисрани ташкил этувчи бу қасидада

шоир Тошкент сафари таассуротлари баён этилади. Шеърда анъанавий лирик бошланма (“насиб”)дан кейин саёҳат тўғрисида хабар қисқа берилади-да, тўғридан-тўғри Тошкентнинг таъриф-тавсифига ўтилади. Тошкентнинг гўзал боғлари, зилол ариқлари, сувлари, унинг “айёми хазон”и (кузи) шундай тасвирланади:

Бўлди меҳмон жойимиз ҳақ лутфидин, бир, боғким,
Мевазору, лолазору, нахлзори Тошканд.

Комил Хоразмий нафақат шоир, балки яхшигина мусиқашунос ва бастакор ҳам эди. Ўзи соз ҳам чаларди. Бу санъатни ёшлигидан эгаллаганди. У Россия ва Тошкент сафарларида ҳам у ерларнинг мусиқаси билан қизиқади. Хоразм мусиқий меросини ёзиб олишда жонбозлик кўрсатади. Халқ мусиқасини ёзиб олиш мақсадида танбур асбобини танлайди. “Танбур нота”си шундан машҳур бўлган. Комил “Рост” мақоминигина ёзиб улгуради, холос. Унинг бу хайрли ишини ўғли Муҳаммад Расул давом эттиради.

Комил Хоразмий бастакор сифатида “Мураббаи Комил”, “Пешрави Комил”ни яратди. Бу куйлар “Рост” мақомига боғлаб яратилди ва нотага кўчирилди. Комил мусиқий меросининг қиммати шундаки, у янги куйлар яратиш билан бирга Европа нотасини ўзбек мусиқасига татбиқ қилди, хоразм нотасини жорий этди.

Комил Хоразмийнинг ижодий фаолияти серкирра. Унинг фаолиятида таржимонлик ҳам муҳим ўрин тутди. XVIII аср форс-тожик адабиёти намуналаридан Мумтоз тахаллусли Бархурдор бин Маҳмуд Туркман Фароҳийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб” (халқ орасида “Маҳфил оро” номи билан машҳур) асарини ўзбек тилига таржима қилди. Фахриддин Али Сайфийнинг “Латойифут-тавойиф” (XVI) асарини форсчадан ўзбекчага ўгирди. Таржимон Комил асарни қайта ишлаб, бир қисмини янгилайди. Проф. Ш. Юсуповнинг қайдича, 452 ҳикоятдан 345 тасини келтириб, эскирганларини тушириб қолдиради. Шу тариқа китоб “Латойифуз-заройиф” (Зариф латифалар) номи билан таржима қилинади.

Комил Хоразмийнинг зиддиятларга бой ҳаёти ва маҳсулдор ижоди XIX аср ўзбек адабиётини ёрқин саҳифасини ташкил этади.

Савол ва топшириқлар

1. Комил Хоразмийнинг сарой ҳаёти ҳақида фикрингизни билдиринг.
2. Комил Хоразмийнинг Россия ва русларга муносабатини қандай тушунасиш?
3. Мунис ва Огаҳийлар билан Комил Хоразмий дунёқараши ўртасидаги муштаракликни аниқланг.
4. Шоир асарларидаги қайси ғоялар ҳамма замонлар учун бирдай муҳим ҳисобланади?

Таянч иборалар:

1. Комил Хоразмий ҳаёти.
2. Комил Хоразмий девони.
3. «Фузало» шеъри.
4. «Жухало» шеъри.
5. Комил Хоразмийнинг ижтимоий дунёқараши.
6. Комил-таржимон.
7. Комил Хоразмий- тарихнавис.
8. Комил Хоразмий- бастакор.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. К.Хоразмий. «Девон». Тошкент, 1975 йил.
2. М.Юнусов. «Комил Хоразмий» Т, 1960 йил.
3. П.Айёмий. «Ўт чакнаган сатрлар». Т, 1963 йил.
4. В.Мўминов. «Ўзбек демократик адабиётида лирика». Т, 1979 йил.
5. А.Муродов. «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан». Т, 1979 йил.
6. Ш.Юсупов. «Комил Хоразмий ҳақида янги маълумот». Т, 1968 йил.

Мавзу: Муҳаммад Юсуф Баёний ҳаёти ва ижоди

(1840-1923)

Баёний ижодига муносабат масаласи. Баёнийнинг ҳаёт йўли. Шоир лирикаси. Баёний шеърятининг бадиий қиёфаси. Баёний – тарихнавис. Баёнийнинг Хоразм адабий муҳитида тутган ўрни.

Шоир ва тарихчи олим, таржимон ва хаттот, тиббиёт илмининг билимдони, қомусий билим эгаси Муҳаммад Юсуф Баёний XIX асрнинг II ярмида Хоразм адабий, ижтимоий-маданий муҳитида шаклланган ва камол топган сиймодир.

Шоир ижодини ўрганишда асосий бирламчи манбалари унинг асарлари, бир шеърий девони, «Шажараи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» китобларидир. Ижод намуналари китобат қилинган баёз-мажмуаларда, 1905-1923 йиллардаги ижодий намуналари эса ўша давр вақтли матбуотларида ҳам учрайди. Шунингдек, Хива адабий муҳитига оид манбалар - Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Шоҳид-ул иқбол», Аҳмад Табибийнинг «Мажмуат-уш шуаро Ферузшоҳий», Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоли» каби асарларида у ҳақида маълумотлар учрайди. Огаҳий, Табибий ва Лаффасийлар шоир ҳақида маълумотлар берар экан, уни шахс ва шоир сифатида юксак баҳолайдилар.

XIX асрнинг II ярми XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити, унинг намояндалари ижоди ҳақида яратилган деярли барча илмий тадқиқотларда ҳамда бу даврдаги Хоразм тарихини ёритувчи тарихий-илмий асарларда шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар бор. Шунингдек,

академик Й.М. Йўлдошевнинг 1960 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Хева давлат хужжатлари» номли китобида Баёнийнинг саройдаги хизмати ва мусикагаўйлигига оид маълумотлар берилган. Ўтган асрнинг 60- йилларида Баёний ижодига бўлган эътибор янада жонланди. 1960 тарихнавис олим Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари» рисоласи эълон қилинди. Мазкур рисолада «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамияти маълум даражада ёритилади. 1962 йилда эса С. Ғаниева ва Ҳ. Мухторова Баёний ижодини оммалаштириш ишларини йўлга қўядилар, унинг шеърларини йиғиб, китоб шаклига келтириб, «Ғазаллар» номи билан эълон қиладилар. 1967 йилдаги Ю. Юсуповнинг «Хоразм шоирлари» китоби, 1976 йил адабиётшунос Ж. Жумабоевнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида чоп этилган «Баёний ижодининг айрим хусусиятлари» мақоласи ҳам шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълум тасаввурларни беради. Аммо шоир ижодини жиддий ва кенг кўламда ўрганиш 90-йиллардан бошланди. Бу даврда Баёний ҳаёти ва ижодини ўрганиш, нашр этиш қизғин ва самарали олиб борилди. Бу хайрли ишнинг бошида адабиётшунос Иқболой Адизова турди. И. Адизова 1990 йили Баёнийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1994 йилда Иқболой Адизова сайъи-ҳаракатлари билан «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг қисқартирилган ихчам нашри эълон қилинди. 1995 йилда эа ушбу муаллифнинг Н. Жумаҳўжа билан ҳаммуаллифликдаги «Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир» рисоласи босилиб чиқди.

Кўринадики, Баёний ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш мустақиллик йиллари янги босқичга кўтарилди.

Шоирнинг ҳаёт йўли. Муҳаммад Юсуфбек Хева қалъасининг орқа тарафидаги Қиёт қишлоғида 1840 йилда дунёга келди. Унинг отаси Бобожонбек Оллоберди тўра 1804-1806 йилларда хонлик қилган Элтузар хоннинг неварасидир. Демак, Баёний Элтузархоннинг чевараси бўлган. У хонлар авлодидан бўлишига қарамай, хонлик саройида бирон-бир баланд мартабада бўлмаган.

Муҳаммад Юсуф ёшлигида юксак тарбия ва юқори таҳсил олди. Араб, форс, усмонли турк, озарбайжон тилларини чуқур ўрганди, шеърга, илмга ва мусикага айрича муҳаббат қўйди. Албатта, бунда оилавий муҳитнинг таъсири катта эди. Унинг отаси Бобожонбек шеърият, тарих, мусика илмларидан яхшигина хабардор бўлган, ҳатто ўз замонининг машҳур шоир ва тарихчиларидан Мунис, Огаҳийлар назарига тушган эди. Улар билан қадрдонлашиб, борди-келди қилишган. Бундай шоирларнинг ташрифи ва суҳбати ёш Муҳаммад Юсуфга айрича таъсир қилиши табиий эди. Бундай учрашувлар унинг шеъриятга ҳавасини ёлқинлантирди, иштиёқини оширди. Муҳаммад Юсуфбек эски мактабни битиргач, табиблик илмига ҳавасманд бўлиб, бу соҳада ҳам муайян маълумотга эга бўлди. Баёний яхши табиб, яхши хаттот ва яхши мусикашунос мақомини олади. У олти ярим мақом созини тўлиқ билган. Ҳатто Хева шоир ва уламолари Юсуфбекнинг уйига бориб «соз қилдирайли» деб тонг отгунча мушоира қилиб, соз чалиб ўтирганлар. Баёний хонадонидан танбур, ғижжак, доира, буломон, дутор каби мусика асбоблари

тўлик бўлиб, уларни ўзи яхши чертган, лекин қўшиқ айта олмаган. Уйи доимо меҳмонлар билан гавжум бўлган. Манбаларда келтирилишича, Баёний узун бўйли, чиройли, сариқ соқолли камбағал одам бўлган. Кийимлари озода бўлиб, сўзлаган вақтда овози гоҳо йўғон, гоҳо нозик чикқан. Халқ орасида ҳозиргача «Овози Юсуфбек овозига ўхшар экан» деган ибора юради. Бобожон Тарроҳ-Ходимнинг хотирлашича, Баёний хушовоз, сахий одам бўлган экан. У ҳақида Табибий мана бундай ёзган эди:

Баёнийки бор шоири хуш баён,
Сўз ичра қилур, дуру гавҳар аён...
Баёнийки, машҳур шоир эди,
Дема шоир они, соҳир эди.

Таърифланганидек, Баёний “соҳир” ижодкор бўлиб етишди ва бу билан халқнинг, ижодкор замондошларининг, ҳатто Хива хонининг эътиборига тушди. Бу вақтда Хива хукмфармоси Муҳаммад Раҳим II Феруз эди. Шоҳ ва шоир Ферузнинг истаги ва таклифи билан Баёний умрининг катта қисми саройда ўтди. Аммо саройда у бирор юқори лавозимда бўлмаган. М.Йўлдошев уни “Хева хони саройида девон бўлиб ишлаган”¹лигини эътироф этади. Шоир 1915-1916 йилларда саройни тарк этиб, қолган умрини ижодга бағишлайди. Феруздан кейин тахтга ўтирган Асфандиёрхон ва унинг аъёнлари қуршаб олган чиркин муҳит шоирнинг ғазаб ва нафратини қўзғади. Бундай иқлимда Баёний е узок яшай олмайди ва саройдан чиқиб кетади.

Баёний умрининг охириги йилларида илм-маърифат ва маориф йўлида анчайин катта ишлар қилади. Шогирдларига араб, форс тилларидан, мантиқ, тарих, шеърият қонун-қоидаларидан сабоқ беради. 1920-21 йилларда эса Хива маориф бўлимида шўъба мудири вазифасида хизмат қилади.

Баёний 1923 йилда 83 ёшида ўзи туғилиб ўсган Хива шаҳрида вафот этди.

Шоирнинг адабий мероси. Муҳаммад Юсуф Баёний истеъдодли шоир, муаррих, мутаржим, муғанний, мусиқа ва тиб илмининг билимдони сифатида ўзидан катта адабий мерос қолдирди.

Шоир сифатида бир шеърий девони бизгача етиб келган. Мазкур девон 1860-1905 йиллар оралиғидаги шеърларни ўз ичига олади.

Баёнийнинг қўлёзма девонининг бир неча нусхалари мавжуд бўлиб, девондан унинг ғазаллари, мухаммаслари, рубоий, қасидалари ўрин олган.

Шоир ижодиётида лирика асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бир қаторда ўз замонасининг илғор кишиси сифатида, ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга беътибор бўла олмайди, адл-инсофни тарғиб қилиш, халқпарварлик мотиви унинг шеъриятида яққол сезилади. Шоир шеърларида фалақдан норози бўлиш кайфияти устувор. Шу жиҳатдан шоир хон ва унинг лаганбардор, инсофсиз амалдорларининг қилмишларини ўзига хос услубда киноя ва сатирик йўналишда кескин очиб беради. Жумладан, «Қарға» радифли ғазалида қуйидагича мсиралар бор:

¹ Н.М.Йўлдошев. Хева давлат ҳужжатлари.Пжилд. Т.,”Фан”, 1960, 23-бет.

Қушлардан ўзини гўё айлаб шумор қарға,
Парвоз урар ҳавони айлаб фаввор қарға,
Андинким, ўзга қушлар босмоққа ор этурлар,
Завқу сурур ила ер бенанггу ор қарға.

Кўринадикки, шоир ичидаги гапларни, кесатикни, кинояли фикрларни кўчма маънода қарға тилида ифодалаб берган. Қарға образи орқали сурати одам, сийрати тубанликка йўғрилган кимсаларни қаттиқ қоралайди. Ҳаётда энг суюмсиз, кўнгил хушламас жонивор – бу қарға. Баёний ҳаётда учрайдиган қарғасифат кимсаларнинг сурати ва сийратини қуш тимсоли орқали чизиб беради. Эътибор қилинса, бошқа қушлар яқин бормайдиган, таъби тортмайдиган жойларда қарға «виқор» билан юради, бошқалар истеъмол қилмайдиган нарсаларни улар «завқ» ва «сурур» билан, беорларча ейди. Дехқонлар экинларини пайҳон қилувчи, ишларига зарар етказувчи ҳам қарға. Демак, у шунинг учун ҳам ҳеч кимга ёқмайди. Шоир бу сифатларни рўйи-рост ифодалаши орқали ўз даврининг текинхўр, ўғрисифат, баднафс кишиларини аёвсиз танқид қилган. Шоир усталик билан ёзилган бу кесатик ва киноялар кимга тегишли эканини халқ бемалол билиб олган. Шоирнинг сўз қўллашидаги устамонлиги шеър таъсирчанлигини оширган. Ўзининг ғоявий мақсадини оширишда шумор, фавор, завқу сурур, бенангу ор, хиромон, ҳазар, бевиқор, хумор, қофиядош сўзларни қўллаш орқали аниқ бир шахсни, атрофдошларининг башараларини ошкора очиб ташлайди.

Разолат ва ёвузлик ҳукмрон бўлган даврда шоир ҳеч бир рўшнолик кўрмади. Адолатсиз, тенгсиз ва зиддиятга тўла бу ҳаётнинг жабрларидан изтироб чекди шоир:

Қайси ғам баҳрини қаърига Баёний тушмади?!
Қайси меҳнат бори они зору гирён этмади?!

Шоирнинг ғазалларида ишқ ва ишқий кечинмалар ҳам ўзига хос усулда ифодаланган. Шоир шеъриятида ошиқ изтироблари, қувончи ва баъзан ёрдан шикоятни ўз тажассумини топади. Қуйидаги мисраларга эътибор беринг. Ғазал васлга зор ўртанган ошиқнинг ишқий кечинма изҳоридан бошланади:

Эй, пари, гулистонни сайр этиб, томоша қил,
Пардани олиб юздин ҳуснинг олам аро қил.
Юзларингга булбулни айлаб ошиқи нолон,
Қоматингни сарвига қумриларни шайдо қил.

ёки тубандаги байтда маҳбуба тимсолини қуйма сатрларда қуйидагича эътироф этади:

Юзинг гул, сочларинг сунбул, қаддинг сарви хиромондек,
Кўзинг фаттон, қошингдур, ё бу ёйнинг ўқи мужгондир.

Шоир ёрни таърифлашда анъанавий тасвирий ибора ва ифодаларга кенг ўрин беради ҳамда бадиий тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланиб, ёр хуснини, унинг шаклу шамойилини ўзига хос чизгиларда чизиб беради.

Баёний шеърятининг етакчи образларидан бири маҳбуба бўлиб, у турли лавҳаларда намоён бўлади. Баъзан, у “маъшуқасиз дунё кўзига қоронғу бўлган” ошиққа ҳижрон азобини солса,

Сенсиз манга қоронғу равшан жаҳон эмасму,
Бу олами аносир зиндони жон эмасму..?

баъзан, ёрига “лутф” айлаб, унинг кўнглини шод қилади:

Ҳажр аро беморингиз ҳоли харобин сўргали
Лутф ила келган менинг банданавозим сизмусиз?

Маълумки, Феруз ташаббуси ва раҳнамолигида Хоразмда таржима мактаби майдонга келди. Бу борада Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибий каби салафлар қаторидан Баёний ҳам муносиб ўрин. Жумладан, у Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан ҳижрий 1092 (мелодий 1681) йил араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоифул ахбор» («Хабарлардан саҳифалар, 1-2 жилдлар) китобини, Али Муҳаммад ал Хиравий Камолиддин Биноийнинг маснавийда ёзилган тарихий-бадиий характердаги «Шайбонийнома»сини, Абу Жаъфар Жарир ат-Таборийнинг араб тилида ёзилган умумий тарихга оид насрий асари «Тарихи Таборий»ни юксак маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилади. Шунингдек, Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Ҳусайнийнинг «Равзатул-аҳбоб» асарининг ўзбекча таржимасини таҳрир қилди.

Мана бундай тўртта йирик таржима асарларини пайдо бўлишида Хива хони Ферузнинг роли катта, чунки уларнинг аксари хоннинг амри ва раҳнамолигида дунёга келган. Шу билан боғлиқ бир воқеа. Хива хони Феруз Ҳилолий, Окупа ва кўҳна Урганч сафарларидан пойтахтга қайтиши «Хевақ аҳолилари» учун байрамдай бўлди, бутун хиваликлар «хон истиқболига» чиқдилар ва улар қаторида Баёний ҳам бор эди. Баёний хон учун иккита совға тайёрлайди, бири подшоҳ Феруз буйруғини адо этиб, «Тарихи Таборий» таржимасини тамомлайди, иккинчиси сафардан қайтиш шарафига ғазал битади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди: «Фақирга китоби «Тарихи Таборий»ни форсий тилидин турк тилига таржима этмак хизматин буюриб эрдилар. Бу сабабдин рикоби ҳумоюнда кета олмай амри олийлари била қолиб эрдим. Ман ҳам истиқболлариға чиқиб дуо қилдим. Чун ғоят шон-шавкату шиквайи ҳашмат била келиб шаҳарга кириб келиб тахти давлатда қарор тутдилар, муниг сўнгги куни бир ғазалниким таҳнияти (қутлаш) кудумлари учун битиб эрдим, ҳазратларига ул ғазални берилди. Ул ғазал будур:

Сафардин қайтибон нусрат била шоҳи жаҳон келди.
Ҳамоно элни жонсиз танларга тоза жон келди...

Адолатни шиор айлаб, фасод аҳлини хор айлаб,
Карамлар ошкор айлаб шаҳи гетиситон келди...»

Эртасига Баёний «қаю шоҳким, шоҳлар шоҳи» бўлган Феруз ҳазратларига қасида битади ва унга топширади. Қасидада шундай сатрлар бор:

Эрур исми шоҳи Муҳаммад Раҳим,
Баҳодир абулфатҳи соҳибқирон.
Раият замонида эмин бўлуб,
Эрур барча эл лутфидин шодмон.

Баёний – серқирра ва сермахсул ижодкор. У Хоразм шажаравий тарихнавислиги давомчиси, янада аниқроғи, Хоразм тарихи ва адабиётчилигига оид воқеаликларнинг хотиранависи. Таржима асарлари билан бирга Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳийлар анъанасини давом эттирди. «Хоразм тарихи», «Шажараи Хоразмшоҳий» каби асарлари орқали воҳа тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирди. «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг икки нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг бири 1913 йилда кўчирилган, ҳажми 517 varaқ, иккинчиси, 1914 йилда кўчирилган бўлиб, 508 varaқдан ташкил тоган. Мазкур асарда Абдулғозихон қаламга олган даврдан тортиб Мунис ва Огаҳийлар битган давр, шунингдек, 1873 йилдан 1914 йилгача бўлган даврнинг тарихий воқеалари атрофлича ёритилган. У хонлар тарихини битди. Асар тарихий жиҳатдангина эмас, балки бадий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Чунки асар жуда содда, халқона тилда битилган, ёзишда муаллиф тушунилиши қийин бўлган сўзлардан қочади.

Мазкур асар тарихий жиҳатдан жуда қимматлидир, у Хоразм хонлиги тарихини, умуман, Ўзбекистон тарихининг бир бўлагини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган манба бўлиб хизмат қилади. Муаллиф бу асарда Хоразм хонлигини Чор Россияси томонидан босиб олинishi воқеаларига муфассал тўхталган эди. Шаҳарлардаги талон-тароҷликлар, аҳолининг қирғинга учраганлиги, халқнинг моддий ва маънавий жиҳатдан топталганлиги, Чор генералларининг ваҳшиёна сиёсати – буларнинг ҳаммаси Баёний томонидан чуқур таассуф билан тасвирланади. Булардан ташқари, асарда ерга бўлган эғалик ва солиқ билан боғлиқ масалалар ҳам кенг баён этилган.

Маълумки, Хева хонлигида Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида мамлакат равнақи, илм-фан, маориф ва маданият ишларига катта эътибор берилган. Хоннинг ўзи тез-тез Хевадаги “Араб Муҳаммадхон”, “Муҳаммадаминхон” каби мадрасаларда бўлиб, бу ердаги ўқиш-ўқитиш ишларини назорат қилиб борар, муллаваччаларга хазина ҳисобидан моддий ёрдам қилиб турар эди. Баёний булар ҳақида «Шажараи Хоразмшоҳий»да батафсил маълумотлар берган: «Маълум бўлсинкум, хон ҳазратлари Муҳаммадраҳимхон бағоят муштифику фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар. Ул ҳазрат уламони кўп дўст тутар эдилар ва шеърияти ғорронинг (ёрқин, жўшқин) ривожига сайр этар эдилар ва бағоят раиятпарвар

шафқатгустар ва одилу бозил киши эдилар ва намози панжогонани (беш вақт намозни) қазо этган эмасдурлар».

Кўринадик, муаллиф мазкур асарда Хоразмнинг ижтимоий ҳаёти билан бир каторда адабий-маданий ҳаётини ҳам кенг тафсил этади.

Баёнийнинг иккинчи тарихий асари «Тарихи Хоразм» деб номланиб, муаллиф дастлабки бобларда олдинги асардаги баъзи воқеаларнинг бошқача услубда баён этган. Унинг ҳажми 16 бобдан иборат бўлган. Аммо бизгача унинг 8 боби етиб келган. Баёний бу асарини Хоразм инқилобидан кейин ёзган. Муаллиф бу «кенгчилик замонда» энди хонлардан қўрқмай, уларга хушомад қилмасдан айта олмаган гапларини бемалол ёзганлигини эслатган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг ҳаётбахш шеърлари, жаҳоншумул тарихий асарлари билан ўзбек адабиётшунослиги ва ўзбек тарихшунослигига улкан ҳисса қўшди. Бу билан Баёний XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиётининг етук намоёниси сифатида ўзига хос муносиб из қолдирди.

Савол ва топшириқлар

1. Баёнийнинг Хева адабий муҳитида тутган мавқеи қандай?
2. Адибнинг шеърий, тарихий ва таржима асарларида таржимаи ҳолига доир маълумотларни аниқланг.
3. Баёний шеъриятининг бадиий миқёсини белгиланг.
4. Муҳаммад Юсуф Баёний Хоразм шажаравий тарихнавислиги давомчиси эканлигини тушунтиринг.

Таянч иборалар

1. Баёний ҳаёти.
2. Баёний ва Феруз.
3. Баёнийнинг ижтимоий қарашлари.
4. Баёний лирикасида ёр образи.
5. «Шажараи Хоразмшоҳий».

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Баёний «Ғазаллар». Т, 1962 йил.
2. Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий». Т, «Ғ.Ғулом» нашриёти.
3. Қ.Муниров, Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т, 1959 йил.
4. Н.Жумахўжа, И.Адилова «Сўздан бақолироқ ёдгор йўқдур». Т, 1994 йил.
5. Ш.Адилова «Эл дардини қуйлаган шеърият». Т, «Ўзбекистон», 1988 йил.
6. Ж.Жумабоева «Инқилоб тароналари». Т, «Ўзбекистон», 1987 йил.

**Мавзу: Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳаёти ва ижоди
(1844 – 1910 йил)**

***Феруз адабий мероси ва унинг ўрганилиши. Шоирнинг таржимаи ҳоли.
Феруз – шоҳ ва шоир. Феруз – адабиёт ва санъат ҳомийси. Феруз ва Хоразм
адабий муҳити. Феруз лирикаси. Ферузнинг ўзбек адабиёти ва маданияти
тарихидаги ўрни.***

Саййид Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз ўзбек адабиёти, санъати ва тарихида муҳим ўрин тутган, ҳаётлигидаёқ ўз ижоди билан эътибор қозонган шоир ва давлат арбобидир. У Хива хонлари тарихида энг узоқ давр - 47 йил мамлакатни идора этиб, элнинг ободончилиги учун курашди, мамлакат ичидаги ўзаро урушларнинг олдини олишга ҳаракат қилди. У ўз саройида 40 га яқин шоир, созанда, тарихчи, ҳаттот ва таржимонларни тўплаб уларга ҳомийлик қилди.

Шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Феруздан бизгача «Девони Феруз» девони ва «Ғазалиёти Феруз» мажмуаси ва бир қанча шеърлари етиб келган. Шу билан бир қаторда Чокар, Девоний, Табибий, Ходим каби котиблар томонидан кўчирилган баёзларда ҳам унинг асарлари учрайди.

Шоир ижодининг ўрганилиши ўз давриданок бошланган. Жумладан, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Оғаҳийнинг «Шоҳиди иқбол», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Хоразм тарихи», “Шажараи Хоразмшоҳий”, Муҳаммад Али Лаффасийнинг «Хева шоир ва тарихчиларининг таржимаи ҳоллари», Бобо Тарроҳ Азизовнинг «Хоразм навозандалари» асарларида Феруз ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумот берилади. Шунингдек, Феруз ҳаёти, ижоди, ижтимоий фаолияти ҳақида 60- 70 йилларда Ғ.Каримов, М.Юнусов тадқиқларида, Ю.Юсупов Айёмийнинг «Хоразм шоирлари» ва «Ўт чакнаган сатрлари» китобларида, кейинроқ, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, Н.Жумаев, И.Адизова каби адабиётшуносларнинг тадқиқотларида қимматли маълумотлар учрайди. Феруз ҳаёти ва ижодини жиддий ўрганиш истиқлолдан кейин бошланди. Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасул қаламига мансуб бўлган «Феруз шоҳ ва шоир қисмати» (1-китоб) деб номланган китоб Феруз ҳақида, бевосита у билан алоқадор бўлган ҳодисалар, шахслар, у кишининг яқинлари, фарзандлари, набиралари – шажара вакиллари, яна шоир Ферузнинг табиати, феъли, одатлари ҳақида кенг маълумот берувчи илк яратилган асардир.

1994 йилда Феруз таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан шоир ҳақида илмий, бадий асарлар яратилди, асарлари қайтадан нашр этилди. Чунончи, шоирнинг 1994 йилда «Элга шоҳу ишққа қул» номли девони, «Не бўлди ёрим келмади» шеърлар гулдастаси нашр қилинди.

1995 йил Гулсара Исмоилова “Феруз даври Хоразм адабий муҳити” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда иқтидорли олим Нусратилла Жумахўжа “Феруз – маданият ва санъат ҳомийси” асарини яратди. Худи шу йили Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Нусратулла Жумахўжаларнинг ҳаммуаллифликдаги “Феруз: Шоҳ ва шоир қисмати” китобининг иккинчи қисми нашрдан чиқди.

Булардан ташқари, Э.Зоҳидовнинг “Хоразм фожиаси” қиссаси, К.Авазнинг «Сақили наво» достони, С. Авазнинг “Темирғози тўра” ҳақидаги қиссаларида ҳам Хива хони Саййид Муҳаммад Раҳимхони Баҳодирхони соний Феруз ҳақида тарихий-бадий лавҳа яратилди.

Буларнинг бариси Ферузнинг ҳаёти ва ижоди ҳам бадий, ҳам илмий жиҳатдан кенг тарғиб ва ташвиқ қилинганидан, қилинаётганидан далолатдир. Зеро, шоҳ ва шоир Ферузнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти бунга лойиқ. Замондоши Лаффасийнинг куйидаги мисралари ҳам фикримизни асослайди:

Ферузким, шаҳаншоҳи доно эрур,
Фазилатда суҳандон эрур.
Ёзиб неча турлик абётлар,
Битиб неча хил ашъорлар.
Шоҳи одил хисравидин паноҳ,
Фалак тахт меҳру афсар анжум сафо.
Қуёшдек сафоси жаҳонгирдур,
Ки васфида ожиз ичра тахрирдур¹.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз 1844 йилнинг баҳорида, «Наврўз» айёмида Хива шаҳрида шоҳ хонадонида дунёга келди. Унинг отаси Саййид Муҳаммад Хива ҳукмдори эди. Шоирнинг асл исми Бобожон, Феруз унинг адабий тахаллусидир. Бобоси Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825 йилларда хонлик қилган) шарафига уни Муҳаммад Раҳимхони соний деб атаганлар. Ўз даврининг эътиборли котибларидан Бобожон Таррох Азизов – Ходимнинг «Хоразм навозандалари» номли кўлзма асарида бўлажак шоирнинг туғилиши билан боғлиқ шундай маълумотлар бор: “Бобожон тўра Хева шаҳрининг ичкари қалъасидаги Ҳасанмурод Қушбеги кўлидаги подшоҳликнинг кўҳна Арк деган жойда туғилган. Бунинг сабаби шуки, Хоразм тартибига кўра, қайси бир подшоҳнинг ёки подшоҳзоданинг хотуни бола туғиши зарур бўлса, кўҳна Аркка келиб бола туғиши шарт бўлган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Раҳимхон Бобожонбекнинг отаси подшоҳода бўлғони учун фарзандининг туғилган жойи Кўҳна Арк деб айтулди”.

Бобожон тўра дастлабки бошланғич таълимни сарой муаллимларидан олди. Шунингдек, мадрсада ўз таҳсилини давом эттирди. Муҳаммадризо Огаҳий ёш Бобожон тўрага шеърят илмидан, тарих ва мантқдан чуқур сабоқ берди. Шунинг учун унда тарих ва шеърятга бўлган қизиқиш баланд эди. У ёшлигидан китобга ихлос қўйди, аксар вақтини китоб ўқишга бағишлади. Бу ҳақда Огаҳий куйидагиларни ёзади: “Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон йигитлик айёми ва айшу тараб хангомида ҳеч бир лавқу луъбға мойил бўлмай, аксар авқот беш вақт намоз лавозимининг адоси, фаройизу сунаш шуглининг интиҳосидан сўнг китобхонликка, маънидонлиқ ишиға машғул бўлиб, ҳар турлук китобни мутолаа қилур эрди ва ўзга машғулоти ани аъло ва афзал билур эди, байт:

¹ Кўчирма М.Раҳим, Д.Шихназарнинг “Феруз: Шоҳ ва шоир қисмати” китобидан олинди.

Шабоб айёмида бу улуг одат,
Валилик рутбасиндин аломат.

Хусусан, ҳар китоб мазмуниким, мавоииза ва насойихға муштамил бўлса, они бағоят севар эрди ва они ўзга китоблардин илгари тутар эрди».

Айниқса, ёш шаҳзоданинг вазмин ҳолда Қуръони Каримни қироат билан ўқиши сарой аҳлини ҳайратга солар ва “бўлажак бола бошидин” деган иборани ёш Бобожонга нисбатан қўллашар эди.

1863 йилда Хевага қарийб 9 йил хонлик қилган Саййид Муҳаммадхон қорасон касаллиги билан вафот этади. Отасининг вафотидан кейин Бобожон тўра мадрасадаги ўқишини бир чеккага қўйиб, давлатни идора қилиш ишларига бошчилик қилади, Хевага хон бўлади. Муҳаммад Раҳимхон тахтга ўтиргач, одамлар ёш хондан ўзгача марҳамат ва осойишталик тилар эди. Юртга танилган Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо каби шоирлар Муҳаммад шаънига янги асарлар битдилар. Ёш салтанат соҳибини қутлаш, бу воқеага бағишлаб тарих ҳамда қасида битиш Муҳаммадризо Огаҳий зиммасига тушди. Муҳаммад Юсуфбек Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида катта мамнуният билан бу воқеа манзарасини шундай чизади: “Вактеким, Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони соний сарири салтанатда қарор тутдилар, шуаро ва фузало ҳайли жулуслари учун тарихлару, қасидалару, маснавийлар айтиб, инъоми июҳона ва отоми хуравоналаридин саршор бўлдилар, ул жумладин Огаҳий бу тарихни айтиб эрди:

Бу сўзларниким, мен баён айладим,
Неча байт бирла аён айладим.
Буларга қаю шаҳки қилса амал,
Онинг мулкига етмас асло халал.
Ҳукумат биноси бўлур устувор,
Онинг хонадонида тутғай қарор.
Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен,
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.
Умидим будурким, амал қилғасен,
Амал айламакда жадал қилғасен”¹.

Кўринадики, 92 байтли мазкур «Маъвизатнома»да шоир Огаҳий ёш хонга давлатни адолат билан бошқариши ҳақида насиҳатлар қилади. Хон учун зарур бўлган фазилатлар ҳақида гапирар экан, салтанатни парокандаликка олиб боровчи иллатлардан огоҳлантиради. Устознинг бу ўғитлари Феруз учун умри давомида дастур бўлди. Қасида “Огоҳнома”, “Қасидаи Наврўз” номлари билан ҳам юритилади.

Ферузнинг Хоразм хони сифатида фаолияти Ватанимиз тарихининг энг зиддиятли ва мураккаб даврига тўғри келди. Марказий Осиё Русия истибдоди гирдобига тушган бу даврда у давлатни ниҳоятда тадбиркорлик билан

бошқаришга ҳаракат қилди. Бунга устоз Огаҳийнинг маъвизаларию доно сиёсатдон Комил Хоразмийларнинг кўрсатмалари ёрдам берди.

Феруз бу даврдаги юртнинг вассаллик исканжасида бўлишига қарамай, эл ободончилигию илм-фан равнақи, маданий тараққиёт масалаларига эътиборни кучайтирди. Хоразмда таржима мактаби вужудга келди. Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларини “турк тавойифининг авоми ҳам бу пандлардин баҳра олсин” деб Огаҳийга таржима қилишни амр этди ва унга ўзи раҳнамо бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон Баёний таъкид этганидек, “кўб ерларни обод этди, кўб масжидлар ва мадрасалар ва қорихоналар бино” қилди.

Феруз худди отаси Сайид Муҳаммадхон сингари ҳар ҳафтанинг икки кунда саройда шоирлар билан мушоиралар, китобхонлик кечалари ўтказишни одат қилади. У Огаҳий, Баёний, Комил, Мирзо каби шоирларга эргшиб ғазаллар машқ эта бошлайди. Унинг нозиктаъб ғазалларини кўрган Комил унга Феруз, яъни «бахтли», «толеъли», «ғолиб» деган маъноларини англатувчи тахаллусни таклиф қилади.

Феруз мадрасада ўқиб юрган пайтларида адабиётга ҳавас қўйди. Форс тилини ўргана бошлади. Аммо отаси вафотидан сўнг барча давлат ишлари зиммасига тушганлиги боис араб тилини ўргана олмади. Шундай бўлса-да, у адабиёт, тил, Ҳандаса, тарих, жуғрофия илми бўйича яхшигина илмга эга эди. Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарлари бўйича адабий мушоҳадаларда Феруз мазкур асарлар юзасидан савол бериб ўтирганларни имтиҳон қиларди. Ана шундай пайтларда бирорта ғазал ўқишда хатоликка йўл қўйилса ёки сўзни нотўғри талаффуз қилинса, Феруз у кишини тўхтатиб, хатоларини тўғрилар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб бериб, ҳеч ҳафа қилмасдан камчилигини йўқотишга ёрдам берарди. Баъзан бунинг учун жазо ҳам қўллар, бу билан адабиёт ва санъатни нозик ҳис қилиш масъулиятини сингдирар эди. Кўринадики, Феруз талабчан мухлис ҳамдир. Маълумотларга кўра, Феруз тилга катта қизиқиш билан қараган. У турк, форс-тожик, татар, озарбайжон тилларини пухта билган ва шу тилларда ҳам ижод этган.

Феруз ўз замонасида ажабтовур созанда ва бастакор бўлганлиги унинг кенг истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. У шоир ва санъаткор Комил Хоразмийнинг ташвиқи билан энг қадимий «Шошмақом» куйларини тўлиқ ўрганди ва «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ» мақомларига боғлаб куйлар ҳам яратди. Феруз яратган куйлар тез орада Хоразм санъаткорлари орасида тарқалиб кетади. Феруз ўзининг бир мухаммасида Хоразм мақомларини бирма-бир санаб, уларнинг гўзаллик тимсоли эканлигини таъкидлагани бежиз эмас:

Соз айлагил субҳу масо гоҳ «Рост» чертиб, гоҳ «Наво»,
«Дугоҳ» у, «Сегоҳ» у, «Сабо» ҳар бирисидур ғамзудо.
Раҳм этмайин ул дилрабо айлар эди нозу адо,
Ҳижрони ичра барҳо тортар эдинг ранжу ано.
Бу дам тутуб расми вафо шўхи сингамкоринг келур.

Хатто султон санъаткор Феруз саройдаги санъаткорлари иштирокида ўтган мақомхонлик кечаларида танбур олиб, нағма-навозликни бошлаб берганлигини шоир замондоши Ходим ўз асарида таъкидлайди. Ва яна “маълумотларга караганда, созандалик, гўяндалик шаҳодатномасини шахсан ўзи топширган, юқорида таъкидлаганимиздек, халқ мақомларини бузиб ижро этганларни жазолаш ҳақида махсус фармон ҳам қабул қилган:

“Фармони олий

Бизким, Хоразм мамлакатининг Олий ҳоқони Муҳаммад Раҳимхон соний куйидаги фармони олийга имзо чекдик: Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!

Муҳаммад Раҳим соний 1299 йил
жумод-ул аввал (1882)”¹

Феруз жойларда мадраса ва масжидлар қурилишига, яъни маориф соҳасига ҳам алоҳида эътибор берган. У маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида ўз саройида мактаб очди. 1884 йилда очилган бу мактабда рус ўқитувчиси ва Мирзо Раҳмонқули қори каби талантли устозлар ёшларга билим берадилар. 1887 йилда бу мактабда 11 ўқувчи таълим олиб, шулардан 6 таси Феруз ҳисобидан ўқиди. Бундан ташқари, Феруз Фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Ҳусайн Қумаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади. Ҳусайн Қумаев 1906-1907 йилда илғор маърифатпарвар кишиларнинг орзуларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактабини барпо қилди. Бу муҳим воқеадан хурсанд бўлган Феруз Урганчга бориб, Ҳ.Қумаев ишлари билан танишиб, уни қўллаб, бош-оёқ сарпо кийгизди ва хазина ҳисобидан мактабга ёрдам бериб туришга қарор қилди. Қизларга Ҳ.Қумаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қумаева таълим берди.

1909 йилга келиб Феруз қўл остидаги мадрасалар сони 130 тага, масжидлар 1636 тага, мактаблар 1500 тага етди, ундаги талабалар 45000 дан ортиб кетди. Шунингдек, Феруз Комил Хоразмий таклифи ва ташвиқоти билан рус-тузем мактаби очади, бундан мақсад маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўргатиб, маҳаллий таржимонлар тайёрлаш кўзда тутилган. Феруз мазкур мактабни батамом ўз ҳомийлигига олди. Рус-тузем мактабида рус тили, риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиат каби фанлардан ташқари маҳаллий савод (она тили) ва ислом фани асослари ҳам ўқитилди. Пушкин, Толстой, Криловнинг шеър, ҳикоя, масалларидан ташқари, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб, Сўфи Оллоёр каби классик шоирларидан сабоқ берилди. Кўринадики, Феруз воҳада санъат, маориф ва маданият ривожига раҳнамо ва тараққийпарвар инсон бўлган.

Булардан ташқари, Феруз шахси билан боғлиқ бўлган энг муҳим воқеалардан яна бири 1980 йилда Хевада биринчи амбулатория пункти очилди,

¹ Кўчирма Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслик китобидан олинди. 76-бет.

бу ерда Русиядан таклиф этилган врач ва фельдшерлар ишлади. Бу ҳам халқ ташвиши йўлидаги қилинган эзгу ишлардан бири эди.

Ферузнинг матбаачиликдаги ва адабий мерос таркибидаги хизматлари бекиёсдир. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб типолитография ишларини йўлга қўйди. Бу ишга катта қизиқиш билан ёндашди. Энг аввало, мазкур босмахонада Феруз кўрсатмасига биноан Навоийнинг «Хамса»сидан «Хайрат-ул аброр», «Чор девон» асарлари нашр этилди. 1879 йилда Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис-ул-ушшоқ» девони (669 саҳифа), Комил Хоразмийнинг 5та девони, Огаҳийнинг «Таъвиз ул ошиқин» (530 саҳифа), 1897 йилда Ферузнинг «Девони Феруз» ғазаллар мажмуаси, 1909 йилдан Аҳмад Табибийнинг «Мажмуатуш-шуаро» асари нашр қилинди. Кўринадики, қисқа вақт ичида Хева адабий муҳитида иштирок этиб келаётган 30 дан ортиқ шоир, таржимоннинг асарлари Хева тошбосмасида нашр этилди. Бу эса ижодкорлар асарларини кенг тарғибот этиш учун етарли шароит эди.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз Хевада маданий-маърифий ишларни ривожлантирди. Жумладан, янги фан-техника ютуқлари, яъни киноаппарат, фотоаппарат, телескоп ва граммафонларнинг кириб келишига бош-қош бўлди. Хева адабий муҳитига Муҳаммад Раҳимхон қандай раванқ бағишлаганини Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий”да шундай тасвирлайди: «Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллис бўлиб, шеър айтур эрдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоққа саҳл қобилиятлари бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам – беш-қирқга борди».

Маълум бўлдики, Феруз теварак-атрофдаги талантли шоирларни Хевага тўплаган ва уларга раҳнамолик қилган. Натижада ўзига хос маданий-адабий муҳит барпо бўлган. Мана шу шоирлар билан бўлган шеърят оқшомларида Ферузнинг ўзи бошловчилик вазифасини бажарган ва янги ёзган ғазалларини ўқиб, мушоирани бошлаб берган. Сўнгра бошқа шоирларга ана шу янги ёзилган ғазалга пайров тариқасида ғазаллар битиш топширилган. Ана шу бир оқшом ичида 50-60 та ғазаллар ёд олиб келинади. Бу ғазалларнинг кўпчилиги Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Мирзо, Табибий, Чокар, Рожий, Комёб каби шоирларнинг ғазаллари бўлиб, сарой адабий муҳитида ўнлаб қўлёзма баёзлар, мажмуа баёзлар юзага келган.

Феруз ҳар бир шоир ижодига алоҳида эътибор билан қараган. Жумладан, бир куни Огаҳийга қарата шундай дейди: «Эй, Огаҳий, сиз кўп йиллардан буён ижод қиласиз. Уларнинг кўпчилиги баёзларга кирган, баъзилари эса тарқоқ ҳолда. Шоирларнинг ишлари боқийдур ва уларни ҳатто тухмат деган бало ҳам енга олмайди. Шунинг учун барча ёзган шеърларингизни бир жойга тўплаб, уларга рақам тартиб берингда, бир девон шаклида китоб қилинг». Бу таклифдан ғоят хурсанд бўлган Огаҳий ўз кулбасига келиб жиддий ижодий меҳнатга киришади ва узоқ меҳнатдан кейин шоирнинг «Таъвиз ул-ошиқин» (“Ошиқлар тумори”) девони дунёга келади. Демак, мазкур девоннинг юзага келишида Ферузнинг хизмати катта.

Бундан ташқари, Аҳмад Табибийдек йирик, сермахсул адибнинг етишиб чиқиши ва «Мажмуат-уш-шуаро»дек нодир маданий бойликнинг яратилишида

ҳам Ферузнинг хизмати бор. Мазкур тазкира асар Феруз замонасидаги 33 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериши билан бирга Ферузни фақат хукмдор сифатида эмас, адабиёт ихлосмандларининг ҳомийси янглиғ танитди.

Ферузнинг авлод-аждодлари орасида 20 дан ортиғи адабиёт ва шеърят муҳибидир. Буларнинг айримлари ҳақида маълумот келтирамиз:

Комёб– Сайид Ҳамид тўра ибн Сайид Муҳаммадхон Комёб 1861 йил 2 сентябрда Хевада кўҳна Аркда туғилади. Ёшлигида Арабмуҳаммадхон кўлида таҳсил олади. Отадан ёш қолган Сайид Ҳамид тўра тарбиясига акаси Муҳаммад Раҳимхон алоҳида эътибор берди. Комил, Баёний каби шоирлар кўмагида адабиётга ихлос қўйди, араб, форс, тожик тилларини пухта ўрганди, таржимага меҳр қўйди. Комёбнинг «Девон»и, «Таворих ул-ҳавонин» («Хонлар тарихи»), «Мунтахаб ул – вақое» («Воқеалар тўплами») номли қўлёзма асарлари, «Тўрахоним» (бизгача етиб келмаган) асарлари ўзига хос аҳамият касб этди.

Муродий – Тўрамурод тўра, Ферузнинг иниси бўлиб, 1854 йилда кўҳна Аркда туғилган. Ёшлигидан бадий адабиётга меҳри баланд бўлган. У ҳам форсий, арабий тилларни мукамал эгаллаб, Муродий таҳаллуси билан ғазал, мухаммас, қасидалар битади ва уларни жамлаб «Девони Муродий» деб номланган мажмуа тузади. Бундан хурсанд бўлган Феруз инисининг бу ишини юқори баҳолаб, «Девони Муродий»ни «Ҳафт шахзода» (Етти шахзода) номли катта бир китобга киритади. Демакки, Муродий замонасининг етук шоирларидан бўлган.

Оқил – Отабек тўра Ферузнинг опаси Чиннижон бика зурриёди бўлиб, Оқил таҳаллуси билан ижод қилган. 1874 йилда Хеванинг кўҳна Аркида таваллуд топган. Лаффасийнинг маълумотига кўра, Оқил ёшлигидан дамқисма касаллигига дучор бўлиб, ўзини парҳез қилиб олиб юрган. Аммо ёшлигидан адабиётга қизиққан ва шеърлар машқ қилган, яна танбур, ғиччак, доира чалишни устаси бўлган. Бир йил ҳоким бўлди, бу қисқа давр ичида халқпарварлиги билан халқ меҳрини қозонган. У давлат ишларидан кўра, бадий ижодни устун кўради ва умрининг кўп қисмини ижодга бағишлайди. Кейинроқ ғазал, рубоий, мухаммасларини йиғиб «Девони Оқил»ни тузган. Аммо девон ҳозиргача сақланмаган. Шоир шеърлари 1923 йилда Хевада нашр этилган «Ўзбекча инқилобий шеърлар юғуруми»дан, «Хоразм мақоллари» китобидан ўрин олган.

Ғозий – Сайид Ғозий тўра Ферузнинг иниси Камроннинг фарзанди бўлиб, Ғозий таҳаллуси билан ижод қилган. У 1847 йилда Хеванинг ўрта мавзусида Сайидбой масжиди ёнида туғилган. Шоирнинг отаси Отажон тўра Камрон таҳаллуси билан шеър ёзган. Ғозий ҳам адабиётга бўлган қизиқиши шаклланиб, 20 ёшидан шеърлар ёза бошлаган. «Девони Ғозий» деган шеърый мажмуа ҳам тартиб берган.

Асад – Сайид Асад тўра шоир Ғозийнинг иниси бўлиб, 1860 йилда туғилган. У ҳам акаси каби аввал эски мактабда, сўнгра мадрасада таълим олган. 20 ёшидан бошлаб бадий ижод билан шуғулланган ва «Девони Асад» номли бир девон тузган.

Содиқ - Раҳмонқули тўра Ферузнинг иниси Тўрамурод тўранинг ўғли бўлиб, 1860 йилда туғилган. У Содиқ таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, форсий ва

арабий тилларни мукаммал эгаллади. Ферузга пайров қилиб ғазал ва мухаммаслар ҳам битган. Содик анча хушхат бўлиб, хатти куфий каби хат турларини яхши билган. Содикнинг бир девон тартиб берганлиги ҳақида маълумотлар бор, аммо у ҳалигача топилган эмас.

Султоний – Носир тўра Ферузнинг ўғли Муҳаммаддиёр тўра фарзанди. Феруз набирасини жуда яхши кўрган бўлиб, унинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. 16 ёшида неварасини шоир қилиб етиштиради. Баёний унга устозлик қилган. У «Девони Султоний» номли девон тузган.

Саъдий – Саъдулла тўра ибн Сайид Абдулла тўра Ферузнинг набираси бўлиб туғилган йили номаълум, туғма майиб бўлган. Феруз Саъдийга алоҳида меҳрибонлик қилиб, уни мадрасада ўқитади. У 20 ёшга етганда яхши шоир бўлиб етишди. У майиб бўлса ҳам, яхшигина рассом эди. Унинг мўйқаламига мансуб суръатлар ўша даврда Феруз саройига осиб қўйилган.

Кўринадики, Феруз авлодига мансуб шоирлар адабиёт, фан учун хизмат қилиб, бой адабий мерос қолдирганлар.

Феруз барча замондош шоирларнинг ижодига раҳнамолик қилган, бироқ ўзининг шеърлари тарқоқ ҳолда етиб келган ва унинг жамланмаси 2534 мисрани ташкил қилади. Унда 98 ғазал, 7 мухаммас, 2 мусаддас, 4 маснавий, 7 рубоий бор.

Феруз шеърятининг бош мавзуи - ишқ. Маҳбуба ишқи билан ўртаниш, унга фидойилик, садоқат, висолга интиқлик туйғуларига ошно ошиқ ҳамда ошиқ орзулаган маъшуқа образи шоир ғазалларининг марказида туради. Ошиқ шоҳ ўз маъшуқаси олдида бамисли кул:

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин
Сенинг, эй ҳусн амири, бандаи безътиборингман.

ёки

Гарчи эрурман, толеъи Феруз ила оламға шоҳ,
Лек ул парилар сарвари ол(д)идадурман кул бу кун.

Бу мисралар шоҳ ва ошиқ Заҳириддин Бобурнинг “Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен” мисрали машҳур рубоийсини ёдга солади:

Ферузнинг лирик қаҳрамони камтарин бир ошиқ. Ишқ куйига мубтало бўлган бу дарвешона хокисор ошиқ шоҳ муҳаббатнинг “бандаи безътиборига”, “парилар сарвари”нинг қулига айланади. У айрилиқ ҳақида хатто ўйлашни хоҳламайди, висолдан умидвор, ёр вафосига ишонч ва ундан қувонч туйғуларига шундай бир наво қилади:

Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгил, бу кеча дилдоринг келур,
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Феруз мумтоз сўз санъатимизнинг беҳзодларидан. Шоир қалб тугёнларини жўшқин завқу шавқ билан куйлайдики, байтлардаги урғу бермоқчи бўлган фикр **такрир** санъати билан куйилиб келади:

Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй нигор,
Бекарору, бекарору, бекарору, бекарор.
Тиғи ишқи ҳанжари юзингдин ўлдум субҳу шом.
Дилфигору, дилфигору, дилфигору, дилфигор.
Оҳу нолам айлади ишқингни охир даҳр аро
Ошкору, ошкору, ошкору, ошкор.
Жавру зулминг бўлғондурман ҳазинға дам-бадам,
Бешумору, бешумору, бешумору, бешумор.
Ой киби фаррух жамолинг кўргали йўлингда кўз
Интизору, интизору, интизору, интизор,
Ноз ила сурсанг самандинг сакротиб йўқ сен киби
Шаҳсувору, шаҳсувору, шаҳсувору, шаҳсувор.
Васлингга йўл топса ҳар ким бўлғай ул Феруздек
Бахтиёру, бахтиёру, бахтиёру, бахтиёр.

Феруз ижоди якранг эмас, турли рангларда жилоланади. У ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, маснавий каби жанрларда баракали ижод қилди. Шоир қайси жанрда ёзмасин, ишқ мавзусининг бадиий талқинини ўзига хос тарзда жанр қурилишига мос ҳолда тараннум этади. Чунончи, тўрт мисрали рубоийларида лирик қаҳрамоннинг маҳбуба ишқи билан ўртаниши, унга фидоийлик, садоқат, висолга интиқлик туйғуларини бари жамланади:

Эй шўх, тарахҳум айлаким, зорингман,
Жону дилу дин ила гирфторингман.
Гар васлингга айласанг баҳо жон нақдин,
Юз жон эса ҳам, бериб харидорингман.

ёки мусаддасларидаги ҳолатни қаранг:

Токи ул шўх ғами ишқиға дучор ўлдум,
Дам-бадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,
Кокили домиға нобаста гирифтор ўлдум,
Талаби васлида Феруз киби зор ўлдум,
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Бу ерда муҳаббатнинг маҳзун кечинмалари, юқоридаги “висолга интиқ қалб”нинг руҳий аҳволи намоён бўлади.

Унинг маснавийлари яна-да дилбар. Ферузнинг лирик қаҳрамони бундай руҳий аҳволдан тушкунликка тушмайди, ўз маъшуқасига саломномалар йўллайверади:

Булардин сўнгра, эй сарви гуландом,
Санга бўлсин саломим субҳ ила шом.
Салом, эй дилрабойи ҳур тимсол!

Салом, эй махлуқойи фаррух иқбол!
Салом, эй дилрабо, покиза анвар!
Салом, эй гулузори сарв рафтор!
Салом, эй гавҳари кони сабоҳат!
Салом, эй дурри дарёи саодат!
Салом, эй хўблиғ бўстонида вард!
Салом, эй ҳусн иқлими аро дард!

Қаранг, саломнома қандай мароқли! Бундаги оҳанг, такрорлар қатори бадиий либос бўлиб, шеърнинг мусиқийлигини, бадиий баркамоллигини таъминлаган. Кўринадики, Муҳаммад Раҳимхони Феруз ўз замонида одил мамлакат раҳбаригина эмас, етук шеърят пешволаридан бири бўлди. Шунинг учун ҳам у халқ ардоғидаги адибга айланди. Зеро, шоирнинг ўзи буни Аллоҳдан илтижо қилиб сўраган эди:

Қил бахт ила толеъимни Феруз,
Ҳар бир куним айла ийди наврўз.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбек адабиётида қандай шоҳ ва шоирларни биласиз?
2. Феруз шеърятининг ғоявий-тематик доирасини аниқланг.
3. Ферузнинг шоҳлик ва шоирлик сифатларини белгиланг.
4. Шоир лирикасининг бадиий миқёсини белгиланг.
5. Шоир ғазалларидан ёд олинг.

Таянч иборалар

1. Феруз – шоҳ ва шоир.
2. Феруз ва Хоразм адабий муҳити.
3. Огаҳий ва Феруз.
4. Феруз ва Комил Хоразмий.
5. Феруз ғазалларининг мусиқийлиги.
6. Феруз шажаралари.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Муҳаммад Раҳимхон Феруз «Не бўлди, ёрим келмади». Т, 1991 йил.
2. Раҳим Давлатёр, Матрасул Шихназар «Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати». Т, 1993 йил.
3. Жумахўжа Нусратулла, И.Азизова «Феруз адабий муҳити». Т, 1994 йил.

Аҳмад Табибӣ ижодига муносабат масаласи. Табибӣнинг ҳаёт йўли. Табибӣ – тазкиранавис. Табибӣ лирикаси. «Вомиқ ва Узро» достони. Табибӣнинг Хоразм адабӣ муҳитида тутган ўрни.

Табибӣдек сермахсул ижодкорнинг ижодига бўлган эътибор ўз давридан бошланган. Замондоши Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳӣ” асарида, рус туркшуноси А.Н.Самайлловичнинг тадқиқотларида¹ Аҳмад Табибӣ шахси ва ижодига оид маълумотлар бор. Муҳаммадамин ўғли Ҳасан муродқори Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” номли тазкираси эса шоирнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ кўп қизиқарли маълумот ва лавҳаларнинг мавжудлиги билан диққатга сазовордир.

Шоир ҳаёти ва ижодини илмӣ жиҳатдан ўрганиш 1945 йилдан бошланди. Бу йилда тузилган О.Шарафиддиновнинг “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси” ва Раҳмат Мажидийнинг “Ўзбек адабиёти” китобида шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан парчалар берилган. Кейинчалик М.Юнусов², В.Мирзаев³, Ғ.Каримов⁴, Ю.Юнусов⁵нинг китобларида ҳам Табибӣнинг адабӣ фаолиятига оид маълумотлар берилган. Умуман, Хоразм адабӣ муҳити билан боғлиқ манбаларда шоир билан боғлиқ тафсилотлар албатта берилган.

1968 йил Ф.Ғанихўжаев Табибӣ ижодини чуқур ўрганиб “Табибӣ ҳаёти ва ижоди” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йили “Танланган асарлар”, 1978 йилда “Аҳмад Табибӣ” номли шоир ҳақидаги илмӣ монографиясини нашр эттирди.

Шоирнинг исми Аҳмад, Табибӣ унинг тахаллусидир. Аҳмад Табибӣ 1869 йилда Хивада туғилди. Унинг отаси Али Муҳаммад асли афғонистонлик бўлиб, Хиванинг кўзга кўринган табиби саналган, кейинчалик атторлик билан ҳам шуғулланган. Муҳаммад Раҳимхон II нинг қайниси Отажон Тўра хизматида бўлган.

Али Муҳаммад ўғли Аҳмадни ёшлиқдан мактаб ва мадрасада ўқитиб, форс тилини ўргатди. Аҳмад ўзининг ғайрати орқасидан тез фурсатда саводли бўлиб етишди. Отасига шогирд тушиб, табиблик илмидан ҳам хабар топди. У тиб илмига жуда қизиққанлигидан замонасининг машҳур табиби, шоир Баёнийнинг акаси Яхшимуродбек ҳузурида узоқ вақт ишлаб, ундан илм ўрганди. Халқ ўртасида шуҳрати ортиб борди. Лаффасийнинг таърифича, “Аҳмад паст бўйли, очик юзли, ширин тилли, нозик табиат, хушмуомала бир киши эди”. Кўпинча Аваз билан бирга бўлар эди. У шахматга ғоят уста, бундан ташқари, музика санъатини ҳам яхши эгаллаган эди. Муҳаммад Раҳим II Аҳмадни саройга

¹ А.Н.Самайллович. Мажмуатуш-шуарои пайрови Феруз. Китобда: Записки Восточного общества. 1909 том. XIX с 0199-0200

² Юнусов М. Комил Хоразмий. Т., 1960. 37-38 бетлар.

³ Мирзаев В. Аваз Ўтар ўғли. Т., 1961. 14-бет

⁴ Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1955 67-бет

⁵ Ю.Юнусов. Аваз Тошкент, 1955 9-11-бетлар

таклиф қилади. Хоразм адабий муҳитига раҳнамолик қилаётган Муҳаммад Раҳимхон соний – Ферузни Аҳмад Табибийга бўлган эътибори кучаяди ва уни саройга таклиф қилиш воқеаси ҳам ғайри табиий рўй беради. Маълумки, Феруз хар жума кунини адабиёт, шеърият куни қилиб белгилаган. Шу кунда у ҳамма назм аҳлини йиғиб адабий мушоира ўтказар ва истеъдодларни рағбатлантирар эди. Шундай давралардан бирида давра аҳлларида бири «Фалон жойда Али исмли бир табибнинг Аҳмад деган навқирон ўғли бор. У ҳам шеърият шинавандаси, ҳатто дурустгина байтлар битмиш» деб қолади. Шу заҳотиёқ Феруз уни саройга чақиртиради. Қарасаки, энди мўйлаблари сабза урган, жуссалари кичкинагина бир бола. Унга ишонмайгина, ихлоссизгина бир байт айтиб, шунга ҳамоҳанг байт тузишни буюради. Шу пайтнинг ўзида Аҳмад кетма-кет 7 байт тузиб, яхшигина ғазал битади. Унинг бу истеъдодини кўрган шоҳ ва шоир Феруз уни дарҳол саройга таклиф қилади. Саройдаги маълум маънодаги адабий муҳит унинг ижодий баркамолида ўзига хос аҳамият касб этди. Кўп шоирлар, фузалолар билан танишди, улардан ўрганди. Шу жумладан, Табибий Аваз Ўтар билан яқин муносабатда бўлади. Улар шахс сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам яқин муносабатда бўлганлар. Аваз Ўтар Табибийни ўзига устоз деб билган. Қуйидаги байт бундан далолат бериб туради:

Не ғам эмди, Аваз назм илмида бўлсанг Табибийдек,
Ки дерлар, кўрган эл назмингни устозингга салламно.

Баёнийнинг ҳам унга ихлоси баланд эди:

Табибийки дур шоири муҳтарам,
Нетай онинг атворин айлаб рақам.
Маорифда ўзни тутар кўп ариф,
Мажолисда доғи ҳарифу тариф.

Баёнийнинг юқоридаги таъриф ва тавсифи Табибий ўз даврининг ўқимишли, тараққийпарвар, фозил кишиларидан бўлганлигини кўрсатади.

1908 йилда рус олими А.Н.Самойлович Хивага қилган илмий саёҳатида Табибий билан кўришиб, у билан суҳбатда бўлади ва Табибий ҳақида дастлабки ёзма маълумотни берар экан, уни маърифатпарварлигини эътироф этади.

Ўз замонасининг талантли шоири, маданий-адабий ҳаёт тарафдори Табибий умрининг охирги йилларида беором ҳаёт кечирди. Лаффасий ўз тазкирасида “Ферузнинг вафотидан кейин ҳеч бир фузало амалдор ва сипоҳийлар билан алоқа қилмаган”лигини айтади ва унинг вафоти йиллари ҳақида шундай маълумотлар беради: “Аҳмаджон Табибий Феруз - Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин анча муддатлар ўтмасдан жигар хасталигига мубтало бўлиб. . . қирқ икки ёшида, 1328 ҳижрий, 1910 йил октябр ойинда. . . фалаки золим жафокордин шиквалар қилиб, кўнгул мақсудиға етиша олмасдан бил дунёдин кўз юмиб, охират сафари қилиб жаннат бўстонида манзил қиладур”.

Демак, шоир Табибий 1910 йилда 42 ёшида ўз юртида вафот этган.

Биз Табибийнинг катта адабий меросига эгамиз. Табибий ўз назми билан назм аҳли ва халқ эътиборини қозонди. У қисқа умри давомида бешта девон яратди. Булар ўзбек тилидаги «Тухфатус-султон», «Мунис-ул-ушшоқ» ва «Ҳайратул ошиқин» девонлари ҳамда форс-тожик тилидаги «Миръотул ишқ», «Махзарул-иштиёқ» номли девонлардир. Табибий Шарқ халқлари учун таниш бўлган «Вомиқ ва Узро»нинг ўзбекча шеърий вариантыни яратди. Таниқли озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг «Ҳафт жом» номли асарини ўзбек тилига таржима қилди. Бундан ташқари «Етти равза» номли асарини, Хоразм шоирлари ҳақида маълумот берувчи «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасини яратди.

У жуда кашшоқликда умр кечирди. Шу боисдан мухтожлик тўғрисидаги фикрлар унинг асарларида кўп учрайди. Масалан, шоир бир пўстинга мухтожликдан шеър ёзишга мажбур бўлган эди:

Адамдин то келиб қилдим, бу қишлоқхонани маскан,
Киярга топмадим умрим ўтиб, мен бенаво пўстин.
Совукдин гаҳ кочиб кирсам ичига қалтираб қақшаб
Танимга парвариш қилгай эди мисли ано пўстин.

Табибий умрининг охириги йилларини оддий халқ қаторида қийинчилик билан ўтказди. Қатор Шарқ шоирлари сингари Табибий ҳам фалакдан норози бўлади. Уни жуда кўп масалаларда айблайди, хусусан, Табибийнинг фалакка берган таърифини ўқиймиз :

Фалак золики андоқ бордурур бир турфа айёра
Ки, ҳар ким жуфт анга бўлса, қилур албатта аввора

дейди. Фалак кўҳна бўлганлиги учун уни зол дейишади. Аммо Табибий зол (кампир) дейиш билан унинг нафақат кўҳна ва қарилиги, балки унинг халқ қисса ва эртакларида учрайдиган маккор ва жодугар кампирлар сингари эканлигини ҳам таъкидламоқчи бўладилар.

Ғазалда маккор фалакнинг қатор салбий хусусиятлари очилиб боради. У раҳмсиз, бешавқат, жаллод, чунки яхши-ёмон демасдан, аямасдан ҳамманинг бўйнига қилич солади. Шоҳни ҳам, гадони ҳам аяб ўтирмайди:

Демак, яхши-ёмон токим гадоу шоҳ, чегарда энг
Бу янглиғ кўрмади ҳеч кимса жаллоди ситам қора.

Шоир ўзи ёмон кўрган салбий характерда таърифлаши лозим бўлган фалакни қоралаш учун энг оҳорли белги ва сифатларни топади. Халқимизда азалдан ёмон одамнинг юзи қора дейиш, ёмонларнинг юзига қора суртиш, Андижонда эса бир сўз билан оддий қилиб, ёмон ёки муттаҳам аталиши мумкин бўлган одамни «юзи қора» дейиш одати бор. Қолаверса, Алишер Навоий ҳам нимани ёмон деб билса, ўша нарсани қора рангда тасвирлайди. Бунга мисоллар кўп. Ҳаммамиз ҳам ёмонлашни «қоралаш» деб атаймиз. Айнан мана шу маънода Табибий фалакни қора рангда тасвирлайди:

Нечук умид этарсан меҳрибонлик расмин андоғким,
Назар шаклига қилсанг холидур оқу юзи қора.

Юзда хол ҳам бўлиши оддий ҳол. Фалакнинг ҳам холи бор. Хол юзнинг рангидан якқол ажралиб туриши керак, деган тушунчага борган шоир фалакнинг қора юзида оқ холи ёки холлари борлигини билдириш билан, биринчидан, юзининг қоралигини тағин бир қарра тасдиқламоқчи бўлди. Иккинчидан, шоир фалак деганда, тўғри маънода осмонни ифода этмоқчики, тундан осмон гумбази, қорамтир рангда, юлдузлар эса оқ рангда намоён бўладилар.

Шоир дилозорликни, аччиқсуханликни ёмон кўради ва ўқувчиларга ҳам ширин сўзли бўлиш лозимлигини, “заҳарли” тил билан сўзловчиларни дўст-ёрлари ҳам, Худо ҳам ёқтирмаслигини ҳам қуйидаги шаклда баён этади:

Ҳақойиш кўнглига аччиқ сўзинг нишин еткурмаким,
Қабули марҳам этмас ҳеч бир важҳ ила бу ёра.

Шоирнинг бошқа бир қатор ғазаллари ҳам тарбиявий характердадир. Аввалги ғазалнинг асосий ғояси бошқа бир ғазалда мантиқан давом эттирилади. Дилозорлик Табибийнинг наздида энг ёмон иллатлардан биридир. Шоир дилозорни одам дегиси келмайди. Чунки улар энг муқаддас даргоҳ – одамнинг, мўминнинг қалбига озор беради:

Агар одам эрсанг оғритма одам кўнглини зинҳор,
Ки аҳли маърифат наздида Каъба қалби мўминдур.

Табибий лирикасида ёр жамоли ошиқ изтироби, хижрон азоби, гоҳо умид ва висол онлари каби туйғулар умумлашмаси анъанавий ҳолда ифодаланади. У мумтоз шоирларимиз Жомий, Навоий, Бедил, Фузулий кабиларнинг ижодидан илҳомланади, уларга эргашиб ғазаллар ёзади. Чунончи, Навоийнинг

Эй насими субҳ аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт

байти билан бошланувчи ғазалининг вазни, қофияси, радифи ва умумий руҳиятига монанд ҳамоҳанг мисралар битади:

Эй сабо, жону дилим дардини жононимға айт,
Тийра шом ўлғанлиғимни моҳитабонимға айт.

Мумтозлар ўғитидан суғорилган Табибий лирикаси юракни тўлқинлантирувчи ишқни, унинг ҳарорати ва ҳаяжонини дилдан ҳис қилади:

Мен каби йўқдир жаҳонда бир асиру нотагон,

Ким сариғ юз узра қон ёшим эрур доим равон,
Кўрса ҳалим йиғлағуси бегумон пиру жувон,
Хотиримда ул санам ишқи ғами озоридур.

Табибий девонларида ишқий ғазаллар қаторида ижтимоий ғазаллар ҳам талайгина. Унинг ишқий шеърларида ҳам ижтимоий оҳанг ва давр садолари янграйди. У ўз давридаги ҳаётдан кўнгли тўлмайди, “чархнинг жафолари”дан куюнади ва ўз замонасининг ижтимоий манзарасини шундай чизади:

Оламга боқсанг, ҳосили бошдин-оёқ кулфат эрур
Бир роҳатининг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.

Табибий маърифатпарварлик ғоясини ҳам илгари суради. Халқни фаровонликка етакловчи, зулматдан қутқарувчи маърифат деб билган шоир илм “ғафлату жаҳл уйқусига ғарқ бўлгон шахсни” “файз” билан ҳаётини безайди дея илмни тарғиб қилади.

Табибий умрининг сўнгги йилларида “Вомиқ ва Азро”дostonини яратди. Достон 386 бет, 81 бобни ташкил қилади. Достоннинг бош мавзуси - севги.

Сабо мамлакатининг адолатли шоҳи Носир фарзанд кўриб, исмини Вомиқ кўяди. Вомиқ Маобид исмли мураббийнинг кўлида таълим олади ва улғайгач ўзи учун қурилган Шаҳрисабзда таҳсилни давом эттиради. Жобилсо шаҳри подшоҳининг қизи Азро сайр пайтида канизаклари билан Шаҳрисабзга келганида мутолаа қилиб ўтирган Вомиқни кўриб севиб қолади ва ўз суратини чиздириб, уни Шаҳрисабзга юборади. Расм отасининг кўлига тушади. У ўғлидан буни сир тутати. Отасининг вафотидан кейин Вомиқ расмни кўриб қолади ва у ҳам Азрога ошиқ бўлиб қолади. Хуллас, анчайин синовлар, тўсиқлардан кейин улар бир-бирига етишишади. Вомиқ Жабилсога шоҳ бўлади, ўғил кўради, унинг отини Носири соний деб кўяди.

Достоннинг ўзига ҳослиги шундаки, асарда биргина Вомиқ ва Азронинггина эмас, Осаф ва Шакардухт, Наим ва Ҳавроларнинг ҳам ишқ йўлидаги ҳажр изтиробларию висол нашидалари тасвирланган.

Мазкур ишқ достони ўзбек адабиётининг нодир асарларидан бири ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар

1. Табибий яшаган муҳит ҳақидаги тасаввурларингизни тўлдирувчи манбалар қайсилар?
2. Аваз ва Табибийнинг яшаш шароитлари ва дунёқарашлари жиҳатидан таққосланг.
3. Шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари илгари сурилган ғазалларидан ёд олинг ва таҳлил қилинг.

Таянч иборалар

1. Табибий ҳаёти.
2. Табибий - тазкиранавис.
3. Табибий ғазаллари.

4. Табибийнинг дидактик қарашлари.
5. «Вомиқ ва Азро».

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Табибий «Танланган асарлар». Т, 1968 йил.
2. Ф.Ғанихўжаев «Табибий». Т, 1978 йил.
3. Н.Қобулов ва бошқалар «Аваз Ўтар ва унинг адабий муҳити». Т, 1987.

Мавзу: Нозимахоним ҳаёти ва ижоди (1870 – 1924 йил)

Нозимахонимнинг ижодига муносабат масаласи. Шоиранинг ҳаёт йўли. Нозимахоним – истеъдодли шоира. Шоира ижодида ижтимоий қарашларнинг ифодаланиши. Нозимахоним ижодиётида адолатпарварлик ғоялари.

Адабиёт оламида шундай қалам соҳиблари ҳам борки, улар шоирликни даъво қилмайдилар, шеъриятни кўнгил иши деб биладилар. Ёзмишлари кўп бўлмаса-да санокли шеърлари билан ҳам халқ қалбидан ўрин оладилар, адабиётимизнинг қайсидир томонини тўлдирадилар.

Шоира Нозимахоним ана шундай оз ва соз ёзган шоиралардан. Унинг бизгача етиб келган мавжуд шеърлари 20 тага боради. Бироқ шу бор-йўғи йигирма шеъри билан ҳам ўзбек адабиёти тарихида истеъдодли шоира сифатида ўрин олди.

Шоира ҳақидаги маълумотлар ҳам кўп эмас. Унинг шеърлари ўша пайтдаги “Тараққий”, “Шухрат”, “Садои Туркистон”, “Иштирокион» газеталарида чоп этилган.

Нозимахоним ҳаёти ва ижоди ҳақида илк бора адабиётшунос М.Зокиров маълумот берган. Олим шоиранинг вақтли матбуотларда чоп этилган шеърларини йиғиб, Нозимахоним шогирди оҳангузарлик Манзурабону Мажидова хотираларидан шоира ҳақидаги маълумотларни маълум тартибга солади. 1968 йилда чоп этилган “Тирик сатрлар” тўпламида ҳам шоира ҳаёти ва ижодидан лавҳалар берилган. 1977 йилда профессор Б.Қосимовнинг “Эрксевар шоира” деб номланган мақоласи шоира ҳаёти ва ижодига жиддий бир назар бўлди. 1980 йилда Т. Жалолов “Ўзбек шоиралари” китобида Нозимахоним ҳаёти ва ижоди учун алоҳида фасл ажратдики, бу шоира ижодини оммалаштиришдаги яхши бир хизмат бўлди. 1991 йилга келиб, адабиётшунос олим А. Жалолов “XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек адабиёти” китобида Туркистонда яшаган илғор фикрли адиблар ижодиётини таҳлил қилар экан, Нозимахоним ижодиётини ҳам назардан четда қолдирмайди ва ўзининг муносиб баҳосини беради. 2002 йилда эса эътиборли олим Б.Қосимов “Миллий

уйғониш” китобида шоира Нозимахоним ҳаёт йўли ва ижодий меросини қайтадан жиддий, атрофлича кузатиб, таҳлил қилади, шунингдек, шоиранинг истиқлол йўлидаги кураш фаолиятини яққол очиб беради, ижодини Ватан ва Миллат манфаати нуқтаи назаридан ҳолис баҳолайди.

Кўринадики, Нозимахоним ҳаёти ва ижоди адабиётшунослигимизда ҳар бир даврда ўзига хос эътибор билан кузатилди ва ўрганилди.

Нозимахоним 1870 йилда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида зиёли оиласида туғилди. Унинг отаси Мулла Саид Аҳмад замонасининг зиёли, пешқадам кишиларидан бўлиб, қизининг келажаги ҳақида қайғуриб, мукаммал таълим ва тарбия олиши учун қўлидан келганча уринган. Саид Аҳмад ака қизини дастлаб эски мактабда, сўнграқ маҳаллий хотин-қизлар учун очилган русча мактабда ўқитди. Хотин-қизларга паст назар билан қаралган, уларни ўқиш ва ўқитиш ишларини мутлақо кераксиз деб билган бу мураккаб замонда бўлажак шоиранинг отасини унга бўлган юқори эътибори ва орзу-умидлари бу кишининг ўз даврининг юксак савияли шахси бўлганлигини кўрсатади. Шоиранинг шогирди Манзурабону Мажидова ўз хотираларида Нозимахонимнинг рус тилида эркин гаплаша олгани, Оренбург ва Қозонда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борганлиги ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Отинча аям ўрис тилида яхши гаплашар, ўкур ва ёзар эдилар. Ҳали хануз ёдимда, биз қачон уларни кўргани борсак, қизиқ-қизиқ расми русча ҳикояларни ўқиб, таржима қилиб берар эдилар. У киши татар тилида ҳам яхши гаплашар, татарча газеталарни ўқиб туришларини айтиб, айниқса Уфада татар аёлларининг мактаб очиб ўқиб, театр ва картиналарга бемалол боришлари мумкин эканлигини, ҳатто саҳнада кўрқмай чиқиб ўйнашларини ҳавас билан сўзлаб берар эдилар. Биз у кишининг гапларига гоҳо ишониб, гоҳо ишонмай ичимизда «товба, товба» деб қўяр эдик».

Бу хотира Нозимахоним ҳақидаги тасаввурларимизни тўлдиради, уни рус ва татар тилларини билувчи фозила аёл сифатида танитади. У фақат тилни билибгина қолмай, балки уларнинг матбуоти ва адабиётини ҳам кузатганлиги, унинг натижаси ўлароқ ижтимоий ҳодисаларни ва муаммоларни теран англаб, уларни ечимини-да топиб ўртага ташлаганлиги тарих учун ҳам, адабиёт учун ҳам жуда катта воқеа бўлди.

Дарҳақиқат, Нозимахоним домла Б.Қосимов эътироф этганларидек, “ўз даврининг маданиятли, илғор қарашли аёли эди. Нозимахоним Оврупо адабиёти ва маданияти билан таниш, Оврупо эрқарварлик ғояларидан баҳраманд хотин-қизларимиздан” эканлиги ўша даврнинг нодир ҳодисасидир.

Нозимахоним ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, оммавий чиқишларда уни ҳимоя қила олган сиёсатдон аёл даражасигача етди. Унинг 1904 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Инсонга қанча эрк даркор?», «Хотинлар ҳуқуқига оид», «Илм ва маориф борасида бир-икки сўз» каби мақолаларида зулм ва жаҳолат поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиқди. Унинг мақолаларидан озодлик орзулари ҳамда истиқболга илинж нафаси уфуриб туради.

Ҳа, Нозимахоним ўзининг турли кўлам ва мақомдаги мақолалари билан аёлларимиз орасидан етишиб чиққан биринчи журналист эди. Бу публицист аёл

проф. Б.Қосимовнинг таъбири билан айтганда, “Ўзбек аёлининг тутқун ва жамиятдаги роли ва ўрни масаласини” кўзғатади, аёлларни тақдири ва аччиқ қисматида куюниб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади. Шубҳасиз, унинг бу эрк ва озодлик руҳидаги мақолалари хотин-қизларни фикрий уйғотишга туртки бўлди. Бу зийрак шоиранинг келажак ҳақидаги фикрлари ва ўй-хаёллари шу қадар тиниқки, у саодатли ва бахтли кунларнинг манзарасини хаёлан кўз олдида гавдалантиради.

Шоиранинг шахсий оилавий ҳаёти ва турмуш фаолияти ҳақида мавжуд манбаларда маълумотлар учрамайди. Бизгача етиб келган шеърларида ҳам оилавий ҳаётига оид тафсилотлар кўринмайди.

Нозимахонимнинг туғилган ва вафот йиллари борасида илмий тадқиқотларда ҳар хилликлар бор. М.Зокиров шоиранинг туғилган йилини 1864 йил деб кўрстади. Вафот йилини Т.Жалолов 1920 йил деганлар. Б.Қосимов эса шоиранинг туғилган ва вафот йилларини 1870-1924 йиллар деб белгилайдилар. Биз ҳам Б.Қосимов тўхтамларида қоламиз.

Нозимахоним – истеъдодли шоира, соҳир қалам соҳибаси. Тўғри, у бошқа шоирлар каби серқирра ва сермахсул ижод қилмади, бироқ шоира ижодининг асосини ташкил қилган ғазалларда унинг ғоявий ва бадий усуллари, маҳорати яққол кўриниб туради. Нозимахоним шеъриятда фикрий муддаонинг бутунлиги, тасвирда субъектив ҳисларнинг жилвасини эмас, объектив ҳаётий воқеаларнинг мантикий силсилавий ифодасини берадики, натижада ғазалда бутунлик, байтларнинг бир-бирига тасодикий эмас, балки мантикий муносабатда боғланишини таъминлайди. Айниқса, унинг “Ҳасрат”, “Минг таассуф”, “Афсус”, “Эшон ойимлар таърифида”, “Аё маҳкумалар” каби ғазалларидаги ҳар бир байтлар фикран, руҳан, ҳам воқеан бир-бирига чамбарчарс боғланган. Бу эса улуг Алишер Навоий гўзал намуналарини яратган мусалсал, яъни воқеалар тизимининг силсиласидан ҳосил бўлган ғазал анъанасини ўзига хос давом эттиришнинг бир кўринишидир.

Адади жиҳатдан катта бўлмаган ижодида шоира ишқ туғёнларини эхтирос ила куйлайди:

Кўргузуб нозик жамолин масту-хайрон айлади,
Ўзи гул сайрига кетти, бизни боғбон айлади.

Нозимахоним шеърлари ранг-баранг, шоира руҳий дунёси эса самимий, кези келганда халқона:

Кўзи сузук нигорим,
Сўзи чучук нигорим.
Ҳажрингда дарду ғамдин,
Қаддим букук нигорим.
Ҳижрони оташингдин
Бағрим куюк нигорим.

Жамиятни зийраклик билан мушоҳада қилган Нозимахоним замонасининг ижтимоий-сиёсий масалаларига акс садо беради:

Кўринг, дўстлар, юз минг вой, айш-ишрат бир ёнда,
Қашшоқ мазлум бошида қайғу-ҳасрат бир ёнда,
Бойваччалар сўрсангиз, ҳар кун базму ишратда,
Мазлум-йўқсул улар-чун қилур хизмат бир ёнда...

Нозимахонимнинг мазкур шеъри бошдан оёқ табақакашликка қарши норози кайфият билан суғорилган бўлиб, унда шоира “юқори табақа - бойваччалар” ҳамда “қуйи табақа - қашшоқ, мазлумлар” орасидаги жиддий фарқ, ҳаётининг кечинмаларидаги қарама-қаршиликларни зийраклик билан фаҳмлайди ва байтма-байт улар орасида келишиб бўлмас зиддиятларни очиб, “исён” кўтаради:

Бир ёнда бой ойимлар ғарқдур кимхоб, атласга,
Вале топмай парча бўз мазлум бадбахт бир ёнда...
Ё раб! Кечур, Нозима банданг қилур исёнлар,
Найлай, миллат бошида дарду меҳнат ҳар ёнда.

Равшан фикрли шоира Ватан ва Миллатнинг озодлик ҳақидаги орзуларини қалбан ҳис эта олади:

Балқиб чикди нур сочиб, инқилобнинг қуёши,
Тинди, абад қуриди мазлумларнинг кўз ёши.
Эру хотин ҳуқуқи эмди бўлуб баробар,
Барча ишда тенг бўлур ҳам қариси, ҳам ёши...

Нозимахоним аёл киши бўлишига қарамай жамиятдаги ҳаётга, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмади, аксинча, тўғри тушуниб, тўғри баҳо берди. Зийрак шоира шеърларида ноҳақлик ва зулмдан норозилик кайфияти яққол сезилади:

Қаён боқсам жаҳон мулки аро беморни кўрдим,
Дили юз минг жароҳатдин фалак озорни кўрдим.

Нозимахоним ижодидаги ғоят муҳим ижтимоий мавзудаги шеърлари янада кескин тус олиб, ўткир сиёсий сатира даражасига кўтарилади, унда давр ҳодисалари ҳажв тиғи билан фош этилади. Ўзбек адабиётида 1905 йил воқеаларини адабий манзарасини яратган, таъриф, тавсиф ва чуқур таҳлил этган шеърлар ичида Нозимахонимнинг «Афсус» шеъри ягона мукамал адабий асар бўлиб, унда Русия мустамлакачилиги воқеалари аниқ ифодасини топган.

Нозимахоним ижоди бизгача тўлиқ етиб келмаган. Шоира ана шу йигирмага яқин шеърларида инсон ва жамият, Ватан ва Миллат тушунчаларини

улуғ билиб, Туркистон манзарасини бекаму кўст чизиб бера олган. Айниқса, «Минг таассуф» сарлавҳали шеъри бу борада диққатга сазовордир:

Минг таассуф, ажаб замон ўлди,
Яхши ким эрса, ул ямон ўлди.
Баъзилар мойили занон ўлди,
Баъзи эл толиби жувон ўлди.
Дилки, миллат ғамида қон ўлди,
Эмди бул кун ишим фиғон ўлди...

Орзулари сароб, умидлари пуч бўлган, “миллат ғамида қон ўлган” бу “дил” дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган миллатдошларнинг самоварларда «кимор ўйнаб», “маст ” бўлиб “эшак каби ҳанграб” умрни беҳуда, бесамар, бемазмун ўтказаётганларидан афсусланади:

Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,
Неча нодон чиқиб, кимор ўйнар.
Баъзиси маст эшак каби ҳанграб,
Ҳолимизни ккруб, кулар ағёр.
Дилки, миллат ғамида қон ўлди,
Кори беҳудалар аён ўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Киборли бойлару ғаразгўй маддоҳларнинг кўрсатган “кароматлари”-чи?! Шоира булар ҳақида шундай ёзади:

Қилди бойлар тарақлатиб тўйлар,
Қози қарта қўюб, сўюб қўйлар.
Бунни мадҳ эттилар ғаразгўйлар.
Тўй қилганлар фақирни кам ўйлар,
Дилки, миллат ғамида қон ўлди,
Рангги рўйим куюб самон ўлди...

Бу якка шахснинг эмас, умумнинг фарёди. Тоборо жаҳолат гирдобига чўкиб бораётган юрт учун миллатпарвар қалбнинг фиғони.

Нозимахоним ижодида хотин-қизлар озодлиги, уларнинг тенг ҳуқуқлиги мавзуи катта ўрин тутди. Аёлларни «бидъат уйқусидан» уйғонишга, уларни «илму урфон сари қўзғолишга» чорлайди. Бу жиҳатдан шоиранинг «Аё маҳкумалар» шеъри фоят характерлидир:

Аё маҳкумалар, айтай сиза дардим, кулоқ солинг,
Бу панду сўзларим дуррин кулоғинга осиб олинг,
Ҳама қўзғолди, сиз ҳам илму урфон сари қўзғолинг,
Асрлар элтғон ул бидъат уйқусидин уйғонинг!

Нозимахоним маърифатпарвар шоира сифатида ҳам ўша даврнинг кирдикорларини фозил этади. Маълумки, у даврда халқнинг маълум қисми илм-маърифатдан узоқда, айрим сохта эшонлар ва эшон ойимлар бу ижтимоий имкониятдан фойдаланиб, бечора камбағал хотин-қизларга ўз зуғумини ўтказар, уларга ўз тузоқларини қўйиб, макру ҳийла йўли билан ҳам моддий, ҳам маънавий азоб берар эди. Ҳаётда рўй бераётган бундай воқеалардан ғазабланган шоира каламининг ўткир тўғини уларга қаратди. «Эшон ойимлар таърифида» сарлавҳали шеър ани шу кайфият маҳсули:

Эшон ойим демангким, яхши саҳҳор эканлар,
Назру ниёз кам бўлса, бадбин, қаҳҳор эканлар.
Орқа қоқиб, куф-суфлаб, бебурд сўзларни сўзлаб,
Нодон бечораларни ипсиз боғлор эканлар.
Қуруб бидъат дўконин, жаҳр-зикр маконин,
Десанг ёлғон эконин, тинмай қарғор эканлар...

Бу бутун умри давомида ижтимоий тенгсизликни қоралаб, хотин-қизлар озодлигини, илм-маърифатни куйлаган, хурофот ва бидъатларга ўт очган, «бойбаччалар», «эшон ойимлар»га нафрат ёғдирган Нозимахонимнинг борлиққа муносабати эди.

Юқоридаги келтирилган шеърини парчалардан ҳам кўринадик, шоира ўзининг қисқа ижодида даврнинг фаол кишии образини ярата олди.

Шоира Нозимахоним ани шундай ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак шеъринида ўзининг Миллат ва Ватан истиқболи йўлидаги фидоий инсон эканлигини кўрсата олди, ўзбек шеъринидаги ўз ўрнини белгилади.

Савол ва топшириқлар

1. Шоиранинг камолотга эришувида кимнинг ёки ниманинг таъсири кўпроқ бўлди?
2. Ишқий мавзудаги шеърларини ўқиб таҳлил қилинг.
3. Нозимахоннинг миллий эрк, хотин-қизлар озодлиги масалаларини кўтара олган, маърифатни улуғлаб, хурофотни қоралаган қайси шеърларини биласиз? Улардан бирини таҳлил қилинг.

Таянч иборалар

1. Нозимахоним ва давр.
2. Шоира ижодида сатира.
3. «Ҳасрат» шеъри.
4. Шоира ижодиётида адолатпарварлик ғоялари.
5. Нозимахоним ижодида ишқий лирика.

Курснинг информатсион методик таъминоти:

1. Т.Жалолов «Ўзбек шоиралари». Биринчи китоб. Тошкент, 1980 йил.

2. М.Қодирова «XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири». Тошкент, 1977 йил.
3. Б.Қосимов «Эркесвар шоира. «Ўзбек филологиясининг актуал масалалари». Илмий асарлар тўплами. № 532. Тошкент, 1977 йил, 1-4-бетлар.
4. Б.Қосимов «Миллий уйғониш». Тошкент, «Маънавият», 2002 йил, 212-217-бетлар.
5. А.Жалолов XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. Тошкент, «Фан», 1991 йил.

Мавзу: Нодим Намангоний ҳаёти ва ижоди (2 соат)

(1844-1910 йил)

Нодимнинг ҳаёти ва ижодини ўрганилиш тарихи. Шоирнинг ҳаёт йўли. Нодим шеърляри. Нодим Намангонийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Нодимнинг «Саёҳатнома»лари.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган тараққийпарвар ижодкорлардан бири Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижодига ўрганиш ўз даврийёқ эътибор берила бошланган. Чунончи, «Баёзи Нодим», «Тухфатул-обидин» ва «Анисул ошиқин», «Баёзи Муҳалло» каби бир қанча баёзларда шоир ижодидан намуналарни учратамиз. 1940-45 йилларга келиб ўзбек адабиётшунослигида шоир ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор орта бошлади. Шўро даврида Нодимнинг шеърӣй мероси дастлаб О.Шарафиддинов томонидан 1945 йилда тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» орқали кенг ўқувчилар оммасига етказилди. Кейинроқ Т.Н.Қори Ниёзийнинг «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар» (1955) асари, Ғ.Каримовнинг 1958 йилда Муқимий «Танланган асарлар»нинг нашрига ёзган шарҳи, 1960-63 йилларда Ғ.Каримов ва А.Турсуновларнинг Нодим Намангоний ҳаёти ва ижодининг турли жиҳатларига бағишланган бир неча мақолалари эълон қилинди. Ўтган асрнинг 60- йиллари ўрталаридан бошлаб эса Нодим ҳаёти ва ижоди мактаб ва олий ўқув юртлари дарслик, қўлланмаларига киритилди. Жумладан, 1968 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти»нинг 5-том, 2-китобида Нодим Намангоний ҳаёти ва ижодига алоҳида фасл ажратилган. 1980 йили босилиб чиққан беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслик китобининг 5-томида ҳам «Сулаймон Улуғхўжа ўғли Нодим» деб аталувчи махсус қисм мавжуд. Аммо шоир ижодини оммалаштириш ва нашр эттириш шўролар даврида анчайин кечикиб – 1964 йили амалга оширилди.

Сулаймон Улуғхўжа ўғли Нодим 1844 (ҳижрий 1260) Наманган шаҳрининг Жомеъ (ҳозирги Байналминал) маҳалласида ўқимишли оилада дунёга келди. У ибтидоий таҳсилни Саидқулбек мадрасасида олди. Унинг ёшлик йиллари талотўпли кунларга тўғри келди. Ўрта Осиё Россияга қўшиб

олиниши, мустамлака шароитида оддий халқнинг эзилган ҳаёти ёш Нодимнинг онгига таъсир қилди, чунки бу вақтда у ҳаётдаги воқеаларни ақл билан идрок қила оладиган ёшда эди.

Нодимнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида Қўқон адабий муҳитининг катта аҳамияти бор, чунки у ердаги адабий ҳаёт қалби қайноқ шоирни Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан боғлади. Айниқса, Нодимнинг Муқимийга бўлган муҳаббати айрича эди. Айни пайтда Муқимий ҳам Нодимга қаттиқ меҳр қўйган эди. Муқимий қачон Наманганга борса, албатта Нодимларнинг хонадонида меҳмон бўлар, бу ердаги адабий кечаларда иштирок этар эди (бу ҳақда Муқимий жияни Рўзимуҳаммадга йўллаган мактубларида ҳам ёзган). Муқимий ва Нодим ўртасидаги дўстликни далилловчи муҳим ҳужжатлар уларнинг бир-бирларига ёзган мактубларидир. Шоирнинг ўзаро яқинлигини мактубларнинг мазмуни ва руҳидан ҳам сезиш мумкин. Муқимийнинг Нодимга йўллаган мактублари ҳозир Қўқондаги музейда сақланмоқди. 1888 йилда Муқимий Нодимга Тошкентдан каттагина шеърӣ мактуб – «Жавоби руқъаи Нодим Намангонӣ»ни йўллайди. Муқимий мактубларидан бирида дўстини «маъданис сидку вас-сафо» (тўғрилиқ ва софликнинг қони), «махзанул-лутфу вал-вафо» (яхшилиқ ва вафонинг ҳазинаси) дея баҳолайди.

Муқимийнинг «Кўсамен», «Доғмен» ғазалига Нодим боғлаган муҳаммаси, Нодимнинг «Де» радифли ғазалига Муқимий тахмиси ва биргаликда «Сотиболди» радифли мушоара – буларнинг бариси ғоявий яқинлиқ ва ижодий ҳамоҳанглиқдан далолатдир.

Нодим ўз ҳаёти давомида фикран бойиш ва маънан юксалиш мақсадида бир қанча шаҳарларга саёҳат қилди. Хусусан, 1899 йил Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида сафарда бўлди. У ерларнинг ижтимоӣ - маданий ҳаётини, рўй бераётган ўзгаришларини кузатди ва саёҳат таассуротларини «Баёни саёҳати Нодим», «Дар сафари ҳазрати Шохимардон Нодим гуфта», «Баёни дар сафари Тошканд», «Баёни воқеоти сафари Бухоро ва Самарқанд», «Муҳаммаси Нодим ба аҳволи замон» каби шеърӣ асарларда тасвирлайди.

1890 йилда Чимкентнинг Авлиёота шаҳрига сафар қилган. Шоир лирикасида алоҳида ўрин тутган “Мактуби муҳаббат услуб” номли шеърӣ саломномаси ҳам айнан шу сафар чоғида ёзилган. 1902-1903 йилларда у Туркия, Миср, Арабистонга саёҳат қилди. Нодим араб, форс тилларини мукаммал билган. Бу эса сафарларда мамлакат ҳаётини ўрганишда қўл келди.

Нодим Намангонӣ 1910 йил 26 июнда Наманганда вафот этди.

Нодим бадий меросининг катта қисмини унинг ишқӣ шеърлари ташкил қилади. Муҳаббат мавзуи талқини унинг ижодида кенг ва чуқур ҳаётӣ ифодасини топади. Унинг ғазалларида ошиқнинг севги туйғуларига, ҳижрон кечинмаларига, маъшуқа тавсифига катта ўрин берилган. Шоир сатрларида маҳбуба муҳибнинг ҳамдами, яқин сирдоши ва дўсти бўлиб намоён бўлади:

Сен эдинг жонима ҳамдам, ҳама асрорима маҳрам,
Билурдинг рози пинҳоним, соғиндим мен, соғиндингму?
Менинг сен жонажонимсен, рафиқи меҳрибонимсен,
Суманбар пок домоним сен, соғиндим мен соғиндингму?

«Мактуби муҳаббат услуб» асарида эса Ислом динига мувофиқ аёлларга буюк ҳурмат билан қаралганлигини кузатамиз. Шоир рафиқасига нисбатан “уйим зийнати”, “дилим қуввати”, “кўзим нури”, “рўзғоримда ёнган чирок” деб мурожаат қилиши унинг мусулмончилик ойинига садоқатини кўрсатувчи далилдир. Мана, шеърдаги меҳр билан йўғрилган самимий сатрлар:

Эй боғи умримда битган ниҳол,
Кўзим чашмаси бирла топган камол.
Дилим қувватию уйим зийнати,
Кўзим нури, ёлғиз бошим давлати...
Муҳаббат жаҳонида бир тоза боғ,
Манинг рўзғоримда ёнган чирок...

Шоир Нодим ҳаётда рўй бераётган ҳар бир воқеликка безътибор бўлмади, аксинча, даврининг илғор халқпарвар шоири сифатида халқ ҳаётини, рўй бераётган янгиликларни синчковлик билан кузатди ва уларни реал лавҳаларда тасвир этди. Шунингдек, янги транспорт воситаси – поездни, «тезу хушрафтор» паравозни ва «қасри музайян» вагонларни завқ билан таърифлаган шоир Тошкентдаги гимназиялар кўриб, «Неча минг таълим аҳлидин кириб ҳар хонада, илмлари дарсу сабоқ, илму адаб такрордур», дея мамнун бўлади.

«Эҳтиёж» радибли ғазалида шахсий эҳтиёжи ижтимоий эҳтиёж билан боғлиқ ҳолда талқин этилади:

Муҳтожликдан энди бориб кимга дод этай,
Этти ёруғ жаҳонни менга тор эҳтиёж,

«Хит қилди» ғазалида оддий халқ ҳаётини реал лавҳаларда тасвирлайди:

Ўтун ҳўл шамъ тийра, уй совуқ, тўн йўқ, табаҳ кўрпам,
Пулим кам, эҳтиёжим кўп, булар ночор хит қилди.

«Дар мазаммати замона» асарида мутакаббир, хасис бой образини фош этади:

Қорни тўқ, бадбушур, қабон сурат,
Мутакаббир, кўланса, серсавлат...
Кўзи оч, баччағар, ўзи пулдор,
Паст фитрат, ҳабис, кўп мурдор.

Нодим Намангонийнинг ижодий мероси бизга қадар тўлиқ етиб келмаган. Шундай бўлса-да, мавжуд асарлари миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида ўзига хос қимматга эга.

Савол ва топшириқлар

1. Нодим Намангонийнинг ижодий камолотга эришувида Қўқон адабий муҳитининг роли қандай бўлди?
2. Нодимнинг ҳажвий лавҳалар яратишда бадиий тасвирнинг қандай усулларидан фойдаланган?
3. Нодимнинг «Ўлди» радибли ғазалини таҳлил қилинг.

Таянч иборалар

1. Нодим ҳаёти.
2. Нодим лирикаси.
3. Нодим ҳажвиёти.
4. Нодим «Саёҳатнома»си.

Курснинг информатсион методик таъминоти:

1. С.Аҳмедов. «Ўзбек адабиёти тарихи». Т, «Фан», 5 жилдлик, 5-жилд.
2. С.Аҳмедов. «Ўзбек адабиётида «Саёҳатнома». Т, «Адабий мерос», 1936 й.
3. С.Аҳмедов. «Ўзбек адабиётида шеърӣ ҳикоя». Т, «Ўзбекистон», 1987 йил.
4. А.Жалолов. «XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти». Т, 1991 йил.
5. Б.Қосимов, У.Долимов. «Маърифат дарғалари». Т, «Ўқитувчи», 1990 йил.

Мавзу: Муқимийнинг ҳаёти ва ижоди (2 соат) (1862-1937)

Муқимийнинг ҳаёт йўли. Шоир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. Муқимий ҳажвиёти. Муқимий ижодида халқ мавзуси ва халқчиллик масаласи. «Саёҳатнома»лар ҳақида.

Адабиётимиз тарихи тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам Муқимий ва унинг даври адабиёти алоҳида ўрин тутди.

Муқимийнинг асли исми Муҳаммад Аминхўжа, отасининг оти Мирзахўжадир. Муқимий эса шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, арабча “муқим” сўзидан олинган (“турғун” деган маънони билдиради).

Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий 1850 йилда Қўқонда новвой оиласида туғилди. Унинг отаси Мирзахўжа асли тошкентлик бўлиб, 1835-36 йилларда Қўқонга кўчиб келган ва шу ерда турғун яшаб қолган. Онаси Бибиойша (Ойшабиби) хўжандлик бўлган. Мирзахўжа билан Бибиойша тўрт қиз ва бир ўғил кўрганлар. Қизларининг исмлари Тожиниса, Улуғбиби, Сайдиниса, Меҳриниса бўлган.

Муҳаммад Аминхўжанинг онаси Бибиойша адабиёт ва санъатни севган, ўқимишли, зукко, сўзамол, аёллардан бўлган. У ўз эртаклари, нақллари,

кўшиқлари билан ўтиришларга файз бағишлаган, дугоналари юрагида завқ-шавқ уйғотган ўқимишли аёл эди. Шунинг учун ҳам Қўқон аёллари ўртасида катта обрў ва самимий муҳаббат қозонган Бибиойшани дугоналари севиб “Хуморбиби” деб чақиришган. Хуморбибидаги бу маънавий хислат, шубҳасиз, ўғли Муқимийга ҳам таъсир этди ва унда жуда эрта эстетик завқ уйғонишига сабаб бўлди.

Бўлажак шоир дастлабки сабоқни мактабда олди. Кейинроқ Қўқондаги “Ҳоким ойим” мадрасасида таълимни давом эттирди. 1867 йилда онаси вафот этади. Бир оз вақт ўтгач, отаси Мирзахўжа Зиёдабиби исмли аёлга уйланади. Муҳаммад Аминхўжа 1872-73 йилларда Қўқон мадрасасини битириб, Бухородаги “Меҳтар Ойим” мадрасасида ўқишни давом эттиради. Шу йиллари уни ўғай онасининг қизи Санамбибига уйлантиришади.

Муҳаммад Аминхўжа аввал Қўқон, сўнгра Бухоро мадрасаларида узок муддат давом этган ўқиш даврида ижод билан шуғулланади ва “Муқимий” тахаллуси билан талайгина шеърлар ҳам ёзади. Муқимийнинг мадраса даври ҳаёти ўн йилдан кўпроқ вақтни, яъни 1864-1865 йиллардан 1875-1876 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мустақил оила курган Муҳаммад Аминхўжа бошига турмуш ташвишлари тушади. 1877 йилда у Қўқондаги ер қурилиш маҳкамасида мирзалик вазифасида ишлайди. Бу ерда шоир айрим ер ўлчовчи амалдорларнинг турли хийла-найранглари кўради. Меҳнаткаш халқнинг оғир турмушию текинхўр бойларнинг шоҳона ҳаётини ўз кўзи билан кўрган Муқимий кейинчалик таассуротлари асосида “Танобчилар” ҳажвиясини ёзади. Муқимий бу вазифада узок ишламайди, ишини ўзгартиради. Сирдарё бўйидаги Оқжар паромидида паттачи бўлиб ишлай бошлайди. Бу ердаги ҳаёт ҳам шоирга ёқмайди, чунки яна ўша манзара. Шоир бу ердаги аҳволни, баъзи шум, баттол одамларнинг бадқилиқларини шундай ҳажв қилади:

Келганим ушбу маконга қиладур манга алам,
Лойиқи таъб йўқ одамки, десам ҳасрату ғам.
Гаплашурга киши йўқ эртадин оқшомғача ҳам,
Кун совук, қора чирок, гўрдек ую, ўтун кам.
Чиксам эшикка қилуртўрғайи чулдур-чулдур.

Оқжар одамлари ҳақида ёзган мазкур мухаммаснинг кайфиятидан бу ердаги аҳвол ҳам шоирга ёқмаганлиги сезилади. Шундан кейин шоир Оқжар паромидидаги паттачилик ишидан воз кечиб, Қўқонга қайтади. Бу вақтда у бутун кучини ижодга бағишлайди, халқчил шеърлари билан халқ эътиборини қозонади. Лекин бу вақтларда шахсий ҳаётида анчагина кўнгилсизликлар рўй беради. 1879 йилда аёли Санамбиби оилавий етишмовчилик ва турмуш қийинчиликларига сабр қилолмай, ўғли Акбархўжани онаси Зиёдабибига ташлаб, бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетади. Ҳаёт йўлдошининг бундай йўл тутиши Муқимийга ёмон таъсир қилиши табиий, албатта. Орадан унчалик кўп вақт ўтмасдан, 1885-86 йилларда оилада яна бир нохушлик бўлади, отаси Мирзахўжа вафот этади. Турмушнинг бутун қийинчиликлари Муқимий

зиммасига тушиши тайин. Бу вақтларда Муқимий ва унинг хонадони моддий жиҳатдан ниҳоятда оғир аҳволда эди. Шу боис шоир отасидан қолган ҳовлини сотиб, ўғай она ва сингилларига бўлиб беради. Ўзи эса мадрасадан бир хужра олиб, умрининг охирига қадар ўша ерда яшайди.

Муқимийнинг илми ва дунёқараши анчайин кенг бўлган. У риёзат, хандаса ва тиб илмидан ўз даврига кўра яхшигина хабардор бўлган.

Муқимий илк бора 1887-1888 йилларда Тошкентга келади. Унинг бу илк саёҳати самарали кечди, ота уруғларини топди, ижодкор дўстлар даврасида бўлди. Нодим Намангоний, Алмаий, Каримбек Камий каби даврнинг илғор шоирлари билан шахс ва шоир сифатидаги дўстлашуви ҳам шу ерда рўй берди. Тошкент саёҳати ва дўстлар дийдори қалби маънан жароҳатланган шоирга маънавий мадад, фикрий қувват, ижодий тажриба берди. Шундан кейин шоир умрининг охириги дамларигача Тошкент билан адабий алоқада бўлиб турди. Кейинроқ, 1892 ва 1899 йилларда ҳам Тошкентга келгани маълум.

Шоир умри давомида иқтисодий қийинчиликда яшади. Унинг бирдан бир тирикчилик манбаи – хаттотлик бўлган. Кишилардан буюртмалар қабул қилиб, улар учун хат ёзиб, китоб кўчириб, шундан тушадиган даромад ҳисобига кун ўтказган.

1895-96 йиллар арафасида Муқимий Москвада Лазарев номли Шарқ тиллари институтида ўқиб турган жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов (бу йигитнинг отаси ҳаж сафарида вафот этади, яхши кишиларнинг шарофати билан ўқишга йўлланади) билан топишади ва доимий алоқада бўлишади, улар мунтазам бир-бирлари билан хат олишиб, хат беришиб туришган.

Муқимийнинг жиянига ёзган хатлари мазмунидан ҳаётининг сўнгги йилларида қулоқ оғриғи ва “ярақон” (жигар касаллиги)дан кўп қийналгани маълум бўлади. Мана бу шоирнинг 1900 йилнинг 24 ноябрида ёзган хатидан:

“Аммо ҳар ойини инсофга қараганда ман айблик, негаким, бир-бир кетин сиздин уч йўл хат келдиким, ман бир хат қилолмадим. Сабаб шулким, неча ойлар қулоқ оғриқ бўлдим, оғриққа ҳеч гапу сўз сиғмас экан”.

Шоир сўнгги кунларда мана шундай касалманд бўлиб қолган бўлса ҳам, давр воқеаларига бефарқ бўлолмайди. 1902 йилнинг 16 декабридаги Андижон зилзиласи тарих варақларига мудҳиш воқеа бўлиб муҳрланди. Зилзилада 4652 киши ҳалок бўлди, шаҳарлар вайронага айланди. Бу фалокат шоир қалбини ларзага солди ва унинг таъсирида изтироб ила тарих-марсия ёзди. Бу шоир ҳаётидаги сўнгги йирик ҳажмдаги асар бўлиб қолди.

Хужрадаги фақирона ҳаёт, турли нохуш воқеалар, оилавий можаролар, жамиятдаги тенгсизлик ва ҳақсизлик, жисму жонига келган касалликлар унинг ҳаётини емира борди. Алалоқибат, халқ шоири Муқимий 1903 йил 25 майда 53 ёшида вафот этди.

Муқимийдан бизга бой ижодий мерос қолган. Муқимийдан бизгача тахминан 10 минг мисра атрофидаги ижодиёти етиб келган. Муқимий асарлари илк бора 1907 йилда Н. П. Остроумов томонидан нашрга тайёрланди ва “Девони Муқимий” номи билан Тошкентда босилди. 1920-1912 йилларда эса “Девони Муқимий маа ҳажвиёт” деб номланган иккинчи девони чоп этилди. Шўро даврида Муқимийнинг ижодий меросини тўплаш, нашр этиш, илмий

тахлил қилиш борасида профессор Ғулом Каримов хизматлари бекиёс бўлди. Унинг 1960 йилда чоп эттирган Муқимий ижодий меросининг икки жилдлик нашри шоир ижодиётини ўрганишда яхши манба бўлиб хизмат қилади.

Шоир ижодининг асосий қисмини анъанавий лирика, ҳажвиёт, саёҳатномалари ва мактублари ташкил қилади.

Муқимий лирикаси мумтоз адабиётимиз ҳазинасида сақланаётган асарлар орасида ўзининг соддалиги, самимийлиги, халққа яқин бўлганлиги билан ажралиб турувчи асарлардир. Бу жиҳатдан унинг ғазаллари халқ шеъриятига яқин туради. Шу боисдан, меҳнаткаш халқ унинг асарларини ғоят севган ва кадрлаган, ҳатто қўшиқ қилиб куйлаган. Шоир шеърларида учрайдиган Мамажон мақай, Низомхон, Фарзинхон, Исмоил найчи каби исмлар учрайдики, булар ўз даврининг доврўғдор санъаткорлари бўлган. Демак, Муқимийнинг улар билан муносабати самимий бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бундан ташқари вақти-вақти билан унинг олдига деҳқонлар ҳам келиб, янги ғазалларни сўраб туришгани, қовун сайли ва боғ сайлига таклиф қилиб турганликлари маълум.

Муқимий лирикасининг асосий хусусиятларидан бири ҳаётийликдир. Бу нарса шеърга қаноат бахш этади. Шоир ўз лирикасида кенг маънодаги ва ҳақиқий муҳаббатни куйлади. Унинг қаҳрамони аниқ, ғоят самимий шахс. Аммо у ўта кучли ва ҳароратли ишқ билан ёрни севади. Бу борада қуйидаги байт диққатга сазовордир:

Муқимий сўзидан бўйи муҳаббат келгай, эй аҳбоб,
Тараннум қилса, маҳфилларда ҳофизларни хушхони.

Инсон гўзаллигини, унинг ҳис-туйғуларини ва ички кечинмаларини куйлаш бу давр лирикасига ҳам хос хусусиятлардир. Шоирлар ғоявий позициясини лирик шоир сифатида ишқ мавзусида ҳам изчил равишда ифодалай олдилар. Эзилган омма оддий вакилининг маънавий ҳаёти Муқимий лирикасида, айниқса, гўзал ва ёрқин ифодаланган. Унинг лирик қаҳрамони бир ўринда бепарво маъшуқасининг ишқию ҳажрида шундай ўртанади:

Ул тағофулпешаға ҳоли харобим ким десун?
Ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим, ким десун?
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим, ким десун?

Кўринадики, Муқимий лирикаси чуқур мазмунли, содда, киши юрагига таъсир қиладиган оҳанграбо. Шу билан бир қаторда шоир халқни ҳар доим ҳам ўзи орзу қилган даражада ҳаёт кечирмаганлигидан, рўшнолик кўрмаганидан куюниб ёзган шеърлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади:

Рўзғорим тийра, иқболим забун бахтим қаро,
Бўлса равшан бормукин тадбири дигар толеим.

Шоир шеърларида ҳаётдан нолиш, ҳасрат ва шикоят кайфияти устувор. Шунинг учун ҳам унинг лирикасида “тийра рўзғор”, “бахтим қаро”, “шум толеим”, “жавру бедоду ситам” каби иборалар кўп учрайди:

Кимга дод айлай бориб шу толеимнинг дастидан,
Кўза синдурган азизу сув кетурган хорман.

Шоирнинг тубандаги мухаммасида ҳам худди шу кайфият:

Умр ўтар юз хайфким ҳосил қилолмай лаҳза ком,
Рўзғорим тийра, бахтимдур қаро монанди шом,
Манга сунсангчи висолинг бодасидин эмди жом,
Бўлди корим бори ғам остида жон узмак мудом,
Ваҳким, ҳар кун меҳнати бу кору бор ўлтургуси.

Шоир Муқимий мураббаъ яратишдаги маҳорати билан ҳам адабиётимиз тарихида айрича эътибор қозонди. Маълумки, мураббаъ – ҳар банди тўрт мисрадан ташкил топган шеър. Бу шаклдаги асар қофияси а а а а, б б б а, в в в а ... тарзида тузилади. Мураббаълар ўзининг шундай тузилиши билан ҳам халққа яқин туради. Шоирнинг шу шаклдаги шеърлари 20 дан ортади. Муқимий мураббаълари ўзининг шакли билангина эмас, балки мазмун ва ғояси билан, оҳангдор ва равонлиги билан халқ шеъриятига яқин туради. Шоирнинг «Кўнглум сандадур» мураббаъсининг мазмуни ва руҳиятидан ҳам аёнки, унда бошдан оёқ муҳаббат кечинмалари тасвирланади. Шеър биринчи бандиданок ўтли нигоҳ, вафо, садоқат, фидоийлик каби олийжаноб инсоний туйғулар тараннуми билан бошланади:

Эмди сандек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур,
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур.
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, унга садоқатли бўлиш, ҳар бир замоннинг ижтимоий–ахлоқий муаммоси бўлганидек, Муқимий даврида ҳам, бугунги кунда ҳам энг асосий оилавий муаммо. Муқимий ҳар қандай шароитда, турмушнинг аламли ва шодлик кунларида ҳам “хону монларга”га парво қилмайдиган чин севгини орзу қилади. Шоир шундай ошиқона қатъият ва ҳамиятни ардоқлайди ва бу – инсониятнинг энг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради:

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хону монларга,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур,

Кўринадик, мураббаънинг барча байтлари бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ, бир-бирини тўлдиради, мазмунан чуқурлаштиради, воқеалар давоми учун замин яратади. Юқоридаги байтда етакчи мавзу очиб берилган, яъни лирик қаҳрамон бир “жонон”га ошиқ бўлди, ишқ ўтида ўртанган ошиқнинг кўнгли маҳв этилди.

Кейинги бандда эса маҳв этилган кўнгул кечинмалари изҳор этилади, ошуфта қалбнинг дил розлари юқоридаги маънос таъкидни янада қатъийлаштиради, туйғуларини бўрттириб ифодалайди. Шу билан бирга маҳбубанинг бағритошлигига бироз киноя ҳам қилади:

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,
Бир сўрмадинг: “Налар кечди аҳволинг?”
Эсларимга тушиб ширин мақолинг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Яна ошиқ бечора изтиробли кечинмалар қуршовида. Муҳиб маҳбубани ҳеч ким ва ҳеч нарсага менгзай олмайди, унинг тахайюлида “балки ақл бовар қилмайдиган даражадаги бу ҳусн соҳибининг наслу насаби парилардан”. Ошиқ кўзда тутган ана шундай эстетик идеал васлидан жудолик қаҳрамонимизни шундай тушкун кайфиятга олиб келди:

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,
Токим десам пари сенинг наслингдин,
Водариғо, жудо бўлдим васлингдин,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Кейинги бандларда биринчи банддаги ғоявий мазмун ва туйғулар тадрижий такомиллашади ҳамда маҳбуба гўзаллигининг муайян қирралари ва гўзаллик шавқидаги муҳиб кечинмалари янада аёнлашади:

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,
Кўрганмукан мисолингни замона,
Бўлиб халқ ичида мундоғ афсона,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Назаримизда, юқоридаги бу сатрлар шоир Муқимий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуктаси. Воқеан, шеър таъриф-тавсиф типига яратилган ва бу таъриф-тавсиф баравар меъёردа, уйғун акс этган. Шоир мисралардаги мазмунни тадрижий ривожлантиришда тадриж усули билан назарда тутилган муайян сиймо малоҳатини васф этар экан, ҳайротамуз гўзалликни кўз олдимизда гавдалантиради:

Юзларингдин хижил моҳи тобонлар,
Рафторингга шайдо жумла ёронлар,
Қолиб ҳар дам ўз ишимга хайронлар,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Кўринганидек, тасвир доирасига маҳбубага доир юз ва рафтор, муҳибга доир кўнгул образлари тортилган. Уларни таърифида ва жонли тасвирида *муболага, таиҳис* санъати кўмаклашган.

Мураббаънинг еттинчи бандида лирик мазмун ва мақсад бадиий ниҳоясига етиб боради. Шеър нақадар самимий, зукко мушоҳада билан бошланган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўғит ва муроса билан якунланади. Шу йўсинда ошиқ муҳиб қалбининг муддаоси назокатли тарзда англатилади, яъни ва ниҳоят маҳбубани кўриб ошиқ бўлган ва унинг васлига восил бўлолмай, субҳу шом ҳажр изтиробида ёнган муҳиб дуогўй бўлиб туришга рози, ҳеч бўлмаса, қаерда бўлмасун, шундан ошуфта кўнгли таскин топгуси, дуолари муҳаббат изҳори сифатида соғинчларга хумор босди бўлгуси. Демак, мураббаънинг бадиий тугалланмаси шундай:

Султонисан, барча хўблар надиминг,
Дойим эрдим дуогўйи, қадиминг,
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Мураббаъ улкан бадиий маҳорат маҳсули сифатида Муқимий ҳаётлигидаёқ шуҳрат топди, халққа севилиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчди, нашъу намо топди.

Муқимий нафақат лирик шоир, балки ўткир ҳажвгўй ҳам эди. У ўз ҳажвларида текинхўр ва юлғич бойларни жирканч қиёфасини рўйи-рост очиб берди. Шунингдек, “таноб” воқеасини ўз кўзи билан кўрган шоир танобчиларни ўзларича “кашф этган сиёсати” ҳақида ёзади. Танобчи - ер ўлчовчи дегани. Қишлоқ ҳаётидаги “таомилга” кўра ҳар эрта баҳорда деҳқоннинг эккан ерини махсус кишилар чиқиб ўлчаб, шунга қараб солиқ белгилаб беради. Бу ер солиғи “тупроқ титкилаб” кун ўтказаетган деҳқон учун жуда азоб эди. Шеър қийинчиликда қолган деҳқоннинг арзномаси тарзида ёзилиб, шундай бошланади:

Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.
Ўн икки ойда келадур бир таноб,
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Кейинги мисраларда ўшандайин деҳқонни азоблаш эвазига “роҳат кўрувчилар” билан таништиради. Булар - ер ўлчовчи амалдорлар Султон Алихўжа ва Ҳакимжонлар. Улар инсофсизлик, маккорлик ва очкўзликда устаси фаранг одамлар. Бу борада уларга ҳеч ким тенг келолмайди. Бу икки амалдорни нафс балоси ўзаро яқинлаштирган. Мақсадлари, интилишлари ҳамоҳанг бўлган бу кимсаларнинг ўзаро яқин муносабатини Муқимий ғоят кулгили тарзда тасвирлайди. Бир-бирига ғоят меҳрибон, ораларидан қил ўтмайдигангина эмас, балки уларнинг бири ёки иккинчиси пиликдек бир-бирларига сингиб кетган “қадрдонлар”:

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа -чироқ ёғи, Ҳакимжон - пилик.

Бир сўз билан айтганда, “Танобчилар” - Муқимийнинг ўз халқига ачиниб, чор ҳукумати ўрнатган тартибнинг жирканч моҳиятидан куюниб ёзилган асар.

Муқимийнинг сатирик мероси ичида “Тўйи Иқонбачча” шеъри алоҳида ўрин тутати. Бу сатира сюжет асосига қурилган бўлиб, унда бир гумаштанинг тўй қилиш ҳангомаси берилади. Воқеа шундай: Тошкентдаги бир бойнинг Иқондаги гумаштаси тўй қилмоқчи ва бу ҳақда хўжайинга хабар бериш учун “сим қоқди”. Бироқ, хўжайиндан кутилмаганда мана бундай танбеҳона жавоб олади:

Мен ризомас, кишига нон берсанг,
Ё товуқ сақласангу дон берсанг.
Туйнугунгдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дасмояларни бутун.
Бўлса умидингиз агар биздин,
Манфаат кўрмасин биров сиздин.

Гумаштанинг боши қотди. Тўй қилмай деса элга овоза бўлган, қилай деса хўжайинга қарши боролмайди. На қилсин?! Хуллас, яширинча, енг учида тўй бўлди. Тўйга тайёргарлик ҳам шундайки, “Ўчоқ устида гар йўталса биров, ер еди елкасига касов”. Қўшни билмасин деб ҳеч ким овозини қаттиқ чиқармади. Вожаб, у ҳолда тўйга қанча одам айтилдийкин?:

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни тўқ, янги тўқ басалласидин.

Ҳа, гумаштанинг ақли бало. Бойлар овқатни кам ейди деб еттита бойнигина тўйга таклиф қилган, уларни-да овози баландлаб кетмаслиги учун имо-ишоралар билан дастурхонга таклиф қилади. Тўйда ёзилган дастурхон ва тортилган ошнинг таърифини эшитинг:

Солди алқисса эски дастурхон,
Қўйди сойил каби неча хил нон.
Бириси юмшоғу, бири қотғон,
Бири иссиғ, бири моғор отғон.
Енг учида қўйилди тўққиз нон,
Кулчалар тошки, синдурур дандон...
Сузди ош бир ликовда уч кишидин,
Кетти ошни кўриб хама ҳушидин.
Ош мисоли табакда кўз ёши,
Курмаки кўп, гуручидин тоши.

Хуллас, “Шираворнинг ўзига икки юз сўм бўлурму?!” деб кеккайган гумашта тўй ўтгач, тузни-да қўшиб чўтга солганда ўттиз уч тангали тўй қилгани маълум бўлади.

Муқимийнинг ҳажвий шеърлари шунинг учун ҳам халқ эътиборида бўлдики, уларда объектив воқелик, реал, аниқ, тайинли кишиларнинг асл башараларини очиб берувчи лавҳалар тасвирланади. Масалан, “Ҳажвий Викторбой”, “Ҳажви Виктор”, “Воқеаи Виктор” шеърлари Қўқондаги ака-ука Каменскийларнинг савдо идорасини иш бошқарувчиси Виктор Димитрович Ахматов ҳақида. У 1891 йили Москвадан арзон мол келтириб бераман, деб бир тўда содда ўзбекларнинг пулини олиб қочиб кетиб, дом-дараксиз йўқолган. Кўпчиликни ёстиғини куритган бу фирибгар шахс - Фарғона водийсининг “шов-шувдор қаҳрамони”.

Муқимий ҳажвиётининг таниқли ва доимий объектларидан яна бири- “машҳур қаҳрамон” Лахтин деганлари. У ҳам бир қатор завод ва фабрикалар, босмаҳоналар очган, баднафсликни шиор қилган юлғич бойлардан бўлган.

“Масковчи бой таърифида ” шеъри маҳаллий бойларимиздан Ҳодихўжа ҳақида ҳикоя қилади. У бадқилиқ ва бадхулқ, оилага ҳам муҳаббатсиз, маънавий нопок, ақлсиз ва укувсиз бўлгани учун синган бойлардан.

“Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб номланган маснавийда ҳажга бориб келганлиги учун ўзини “муборак” кишилардай тутган, аммо қариб қўйилмаган, ҳажга бориб келса ҳам ахлоқи бузуқлигича қолган бир бойнинг қилмиши ва у қўлга тушганида ҳам сувдан қуруқ чиқиши ҳажвий йўсинда тасвир этилган. Яъни кўр Ашурбой деганлари шунчалик тубанликка борадики, камбағал қўшнисининг қизига тажовуз қилади, кўтарилган шовқин-сурондан кўпчилик бундан хабар топиб, уни қўлга туширади, аммо замона бойларники бўлганлиги учун маҳкама маъмурлари ҳам, қозилар ҳам кўр Ашурбойга ҳеч қандай чора кўрмай, бу ишни босди-босди қилиб юборадилар. “Қачон камбағалнинг сўзи ўтар” деб қуюнади шоир.

Булардан ташқари “Ҳажви халифаи Мингтепа”, “Дар мазаммати қурбақа” сатираларида ҳам юқоридагиларга хос қиёфани Дукчи эшон тимсолида кўрамыз.

“Ароба”, “Лой”, “Пашшалар”, “Безгак”, “Сайлов” деб номланган шеърларида ҳам, “От”, “Кўса” туркумидаги юморларида ҳам турмушнинг турли манзараларини, ўша давр ҳаёти учун характерли бўлган майда-чуйда камчиликларни, Исмоил отадек камсукум, камсуҳан замондошларига ишора қилиб, унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ кулгили воқеаларни енгил ҳазил билан бизгача етказди.

Бир сўз билан айтганда, Муқимий ҳажвиёти ўша давр захматкаш халқнинг ҳайкириғи, нидоси эди.

Муқимий меросидаги «Саёҳатнома»ларининг мукаммал асар сифатида хусусияти шундан иборатки, у ўз даври илғор фарзандининг она-юрт ҳақидаги, унинг кишилари, табиати тўғрисидаги шеърий ўйлариidir. Шоир халқ ҳаётини қандай муҳаббат ва ачиниш билан тасвир этса, чор амалдорлари ва уларнинг кирдикорларини шундай нафрат ва ғазаб билан фош этади.

Шоирнинг мазкур “Саёҳатнома”си Фарғона бўйлаб, яъни Қўқон-Фарғона, Қўқон-Шоҳимардон, Қўқон-Исфара саёҳатлари тааассуротида ёзилган. Ҳар уч асар яхлит бир бадиий асар сифатида берилган. Ҳажман 244 мисрани ташкил қилиб, ҳаммаси бир вазнда - ражази мураббаи солимда ёзилган. Шунингдек, ҳар банди тўрт мисрадан иборат бўлиб, мисранинг охирида “экан” сўзи такрорланади. Асарда, аввало, саёҳат сабаби берилади, сўнг кўрган – кечирган кишлоқ, шаҳарлардаги ҳаёт, кишиларининг яшаши, удумлари, табиати, манзаралари тасвирланади

Муҳими, шоир «Саёҳатнома»ларда ўз ватани ва халқини чуқур муҳаббат билан севган ватанпарвар шоир сифатида гавдаланади.

Муқимий ижодининг муҳим фазилатларидан бири, унинг ўз услуби ва руҳи билан халққа жуда яқинлигида. Муқимий оддий халқ ичидан етишиб чиқди, халқ учун ёзди, халқ томонидан севилиб қабул қилинди, ардоқланди ва сақланди.

Муқимий чин маънода халқ шоиридир.

Савол ва топшириқлар

1. Муқимийнинг ҳаёт йўлини давр ижтимоий-иқтисодий воқеалар билан вобаста ўрганинг.
2. Муқимий адабий меросини асосий ғоясини аниқланг.
3. Муқимийнинг ҳажвий қаҳрамонлари ҳақида нима дея оласиз?
4. Муқимий лирикасининг бадиий миқёсини белгиланг.
5. Муқимийнинг «Саёҳатнома»си қандай аҳамиятга эга?
6. Муқимийнинг Қўқон адабий муҳитида тутган ўрнини белгиланг.

Таянч иборалар

1. Муқимий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи.
2. Муқимийнинг ҳаёт йўли.
3. Муқимий ва Тошкент адабий муҳити.
4. Муқимийнинг ижодий мероси ва унинг тавсифи.
5. Муқимий – лирик шоир.
6. Муқимий ҳажвиёти.
7. Муқимий юморлари.
8. Муқимий саёҳатномалари.
9. Муқимий ижодида мактуб жанри.

Курснинг инфор­мацион методик таъминоти:

1. Муқимий. «Танланган асарлар». 2-томлик. Т, 1960-61 йил.
2. Муқимий. «Асарлар». Т, 1974 йил.
3. Ғ.Каримов. «Ўзбек адабиёти тарихи» 3-китоб. Т, 1975 йил.
4. Ғ.Каримов. «Муқимий ҳаёти ва ижоди». Т, 1970 йил.
5. А.Абдуғофуров. «Муқимий сатираси. Фурқат ва Муқимий» Т, 1976 йил.
6. С.Аҳмедов. «Ўзбек адабиётида «Саёҳатнома». Т, 1986 йил.
7. С.Аҳмедов. «Ўзбек демократик адабиётида шеърӣ ҳикоя». Т, 1987 йил.

(1858-1909 йил)

Фурқатнинг ижодий ҳаёт йўлини ўрганиш тарихи. Шоирнинг ҳаёт йўли. Фурқат Тошкентда. Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти. Фурқат ижодий мероси:

- а) ишқий лирика;***
- б) ижтимоий-фалсафий ўйлар акс этган асарлар;***
- с) инсон эрки ва ҳурбат оҳанги ифодаланган асарлар.***

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ўзбек адабиётининг таниқли вакилларида бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижодиёти унинг тириклигидаёқ матбуот саҳифаларида, баёзларда кўринди. Бу борада «Туркистон вилоятининг газети»да бир неча марта 1889, 1890, 1891 йилги сонларида эълон қилинди. Унинг ҳаёт йўли ҳам шу газетада «Қўқонлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти» номи билан ўзбек-рус тилларида чоп этилди. Рус олимларидан А.Самайлович 1809 йилда Петербургда чиқадиган рус археологик жамиятни Шарқ бўлимининг тўпламида Фурқат ҳақида маълумотлар беради.

Асримизнинг 30-йилларида Фурқат ва унинг асарлари ҳақидаги маълумотлар мактаб дарсликларига киритилади. 1939 йилда эса «Гулистон» журналида шоир асарларидан намуналар берилди.

Шу йили адабиётшунос Ҳолид Расулнинг «Фурқат» номли мақоласи эълон қилинди. Шундан сўнг ҳар 10 йилликда фурқатшунослик янги-янги ютуқларни қўлга кирита борди. 1954 йилда Ҳ.Расулнинг «Зокиржон Фурқат» номли монографияси, «Фурқат – маърифатпарвар демократ шоир» номли китоблари нашр этилди. Фурқат туғилганига юз йил тўлиши муносабати билан қатор мақолалар яратилди, чоп этилди. Айнан мана шу даврда шоир ижодиётини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, С.Абдулла, В.Зоҳидов, И.Султонов, А.Қаюмов, Ҳ.Зарипов ва бошқаларнинг мақолалари диққатга сазовор бўлди. Фурқатшунослик мактабини яратишда профессорлар А.Абдуғафуров, Ш.Юсупов, Н.Жабборов каби олимларимизнинг хизматлари алоҳида эътиборга молик. Энг муҳими, шоир ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш истиқлолдан кейин тамомила янгича босқичга кўтарилди. Жумладан, бу борада Ш.Юсуповнинг “Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат” номли услубий қўлланмаси, Н.Жабборовнинг “Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари” мавзуидаги номзодлик диссертацияси, Ш. Ризаевнинг Фурқат биринчи ўзбек театр танқидчиси – санъатшунослигини талқин қилувчи “Жадид драмаси” асарини эътироф этамиз.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли 1859 йилда Қўқон шаҳрида майда савдогар оиласида туғилди. Зокиржоннинг отаси Холмуҳаммад замонасининг зиёли кишиларидан бўлган, шунинг учун ҳам фарзандининг ўқишига жиддий эътибор қаратади. Зокиржон 7 ёшга тўлганда, отаси уни Муҳаммад Олим исмли

мактабдорга шогирдликка беради. Талабчан ота фарзандини яхши ўқитишини талаб қилиб “Зокиржон мактабга келмаса ё келиб дарсни ўқимаса танбиҳ қилғайсиз, эти сизники, устохони меники”,- дейди.

Зехни ўткир Зокиржон тез кунда майда сураларни ёд олиб, сўнг “тахтага” (алифбе ўрганишга) тушади. Олти ой ичида ҳафтиякни тамомлаб, Қуръонга тушади, Қуръони карим хатмидан сўнг “Чор китоб” мутолааси билан машғул бўлади, хатлар машқ қилади. 8 ёшида буюк шоир Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарини 6 ой ичида ўқиб тамомлайди ва ундан кейин Мирзо Бедил ва Ҳофиз девонларини ўқий бошлайди.

9 ёшида Зокиржон Навоийнинг “Чор девон”ини мутолаа қилади. У устознинг асарларини шу қадар берилиб, севиб ўқийдики, ҳатто Навоийни тушида ҳам кўради. Тушида Навоий ва унинг даврасидаги “азиз”лардан оқ фотиҳа олади. Кўп ўтмай, туш таъбири ҳақиқатга айланиб, 9 ёшли Зокиржоннинг юрагини алланечук ҳаяжон босади ва қуйидаги байт пайдо бўлади:

Менинг мактаб аро булдур муродим
Хатимдек чиқса имло-у саводим.

Шундан кейин Мулла Қамбарали деган хушхат кишидан хаттотлик сирларини ўрганади. 11 ёшида Ашур Муҳаммад қори хизматига бориб, Қуръон қироати бўйича таълим олади. 12 ёшида Пошшаҳўжа исмли мударрисга шогирд тушиб, араб тили ва унинг грамматикаси (сарф ва наҳви)га оид “Бидон», “Авомил”, “Ҳарокот”, “Кофия” китобларидан таҳсил олади. 14 ёшида “саводи такмил учун” мадрасага ўқишга кирди. Аммо замон носозликлари уни ўқишини давом эттиришга имкон бермади. Қўқон хонлиги тугатилади, мадрасалар ёпилади, бўлажак шоир тирикчилик ишларига машғул бўлишга мажбур бўлади. Зокиржоннинг бир тоғаси Янги Марғилон шаҳрида дўкон очиб, савдо ишлари билан шуғулланар эди. Шу дўкондор тоғасининг таклифи билан 1878 йилда 19 ёшида Янги Марғилонга бориб, бир қанча муддат савдо ишлари билан банд бўлади. Бу ерда ҳам таҳсил ва ижодни давом эттиради. Марғилоннинг Фурқат Ҳожи домла, Қарший домла каби илғор маърифатпарварлари билан танишиб, илмий-адабий анжуманларда иштирок этади. Яна ўзи хусусий дарслар ҳам беради, меҳнаткашларнинг аризаларини ёзиб бериб уларнинг ҳожатларини чиқаради, бир сўз билан айтганда, хаттотлик ҳам қилади. Бу йилларда у “Фурқат” (“ҳижрон”, “айрилиқ” маъносини билдиради) таҳаллусли шеърлари билан бутун Фарғона водийсига танилган эди.

Фурқат 1880 йилда отасининг хоҳиши билан Қўқонга қайтиб келади, оила куради, қалб истагидаги ўз даврасини топади. Муқимий, Муҳйи, Завқий, Нисбат, Муҳаййир каби шоирларнинг муҳотида шоир Фурқат янада жўшиб ижод қилади. Дўстлар давраси, шеър шукуҳидан илҳомланган Фурқат шундай ёзади: “...Ва аср шуаролариким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи таъбаримиздин мушоара қилур эрдук. Ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва хусн таърифида ғазал

машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, анга ҳар қайсимиз алоҳида муҳаммас боғлар эрдук...”.

Айни шу даврларда Фурқат фақат шеърларгина эмас, балки “Ҳаммоми хаёл” деб номланган рисола ҳам ёзади. «Нух манзар», “Чор дарвеш” деган асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилади.

Маълумотларга қараганда, Фурқат 1886-87 йилларда яна Марғилонга келган ва Жомеъ масжидидан бир хужра олиб, шу ерда истиқомат қилган. Муҳаммад Шариф деган бир савдогар дўстининг кўмагида дўкон ҳам очган. Бу ерда бир қанча шоирлар билан дўстлашади, адабий алоқа ўрнатади.

Шоир Фурқатнинг 1889-1891 йиллар Тошкентдаги ҳаёти унинг тақдирида айрича роль ўйнайди. Фурқат саёҳат орзусида Марғилондан ўз юртига қайтиб, у ерда бир кун тургач, Хўжандга йўл олади. Хўжандда у шоир Тошхўжа Асирий билан учрашади. Бу ерда биров бетоб ҳам бўлиб қолади. Шундай бўлсада сафарни давом эттириб, 1889 йилнинг июнь ойида Тошкентга келади. Бу ерда Ҳожи Аъзам деган ғойибона дўсти билан топишади, унинг кўмагида “Кўкалдош” мадрасасига жойлашади. 9 ой шу мадрасада яшайди. Хўжанддан касалланиб келган шоир ҳали батамом тузалмаган эди. Бу вақт ичида Ҳожи Аъзам унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, меҳрибончилик кўрсатиб турди. Бу кишининг ёрдами билан Тошкентнинг илғор зиёлилари – Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазимов, Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли кабилар билан танишади. Ҳатто Шарифхўжа суҳбатларнинг бирида шоирга таҳаллусини ўзгартириши ҳақида маслаҳат ҳам¹ беради. Шоир Шарифхўжанинг таклифига кўра бир муддат “Фурқат” (“айрилик”, “жудолик”) эмас, “Фарҳат” (“шодлик”, “хурсандлик”) таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

Фурқат Тошкентнинг маданий ҳаёти билан доимо қизиқиб яшади. Театрларга борди, виставкаларни томошо қилди, гимназия дарсхоналарини кўздан кечирди ва таассуротларини “Гимназия”, “Илм хосияти”, “Виставка хусусида”, “Суворов ҳақида дoston”, “Нағма базми хусусида” каби асарларида баён қилди.

Йирик фурқатшунос олим Шариф Юсупов шоирнинг Тошкентда яшаган йилларида ёзилган маърифатпарварлик йўналишидаги бундай шеърый асарлари ичида энг йириги сифатида “Бал хусусида” сарлавҳали манзумаси эканлигини алоҳида қайд этадилар*. Ҳажми каттагина бўлган мазкур манзумада маърифатпарварликка хос бўлган жиҳатлар кўзга ташланади. Шу билан бир қаторда манзума мазмунидан шоирнинг нафис амалий санъат турлари - меъморчилик ва наққошлиқдан ҳам хабардор эканлигини пайқаш мумкин. Ҳатто, маърифатпарвар шоирнинг қишлоқ боғ ҳақидаги ажабтовур чизгилари ўқувчини ҳайратга солади:

...Ажойиб булки, бир ойина хона
Берур қиш фасли гулшандин нишона.

*Изоҳ. Мазкур манзума Ш.Юсупов томонидан илк бора “Ўзбек адабиёти ва санъати” газетасининг 1992, 11 сентябр сониди тўлалигича чоп этирилди.

Очилғон тоза гуллар анда бисёр,
Агар узса, тикандин етмас озор...
Совуқ кунда бўлурму боғ ҳечдин?
Етар иссиғ ани остиға печдин.
Бўлиб азбаски ул кеча чароғон,
Мисоли рўзи равшан ул гулистон..

Фурқатнинг “Туркистон вилояти газети” муҳаррири, Тошкент Эрлар гимназиясининг директори Н.П. Остроумов билан танишуви уни шу газет билан доимий боғлади. Маълум муддат мазкур газетанинг таржимони бўлиб ҳам ишлади. Юқоридаги шеърлари ҳам, кейинги йиллардаги ва сафар таассуротлари ҳам “Туркистон вилояти газети”да батафсил бериб борилди. Шунингдек, “Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғонлари” деб аталган таржимаи ҳоли ҳам айнан шу газетанинг 1891 йилдаги бир неча сонларида босилиб чиқди. Мутахассислар эса уни “Фурқатнома”, «Саргузаштнома», «Аҳволот» номлари билан атайдилар.

Шоир 1891 йилнинг майида Тошкентдан чиқиб, Самарқандга борди. Бу ерда хат орқали танишган ғойибона дўсти Мирзо Бухорий билан учрашди. Бир неча кун шу ерда яшади, июлнинг ўрталарида Бухорога йўл олади, ойнинг охирларида Бухоронинг Когон темир йўл вокзалидан поездга ўтириб, Марв, Ашхобод, Боку, Ботум орқали икки ойча йўл босиб, сентябрнинг охирларида Истанбулга етиб келди. Куз ва қишни шу шаҳарда ўтказди. Бу ерда шоир тошкентлик қадрдонларини соғиниб, уларга мактуб тарзида 280 мисрали “Сабоға хитоб” маснавийсини битди. Шеърда шоирнинг Ватанидан чиқиб кетганига ҳали бир йил бўлмасдан, юртини, дўстларини, маъшуқасини соғингани, уларни кўмсаётгани, ўзини жуда ғариб ва мусофир ҳис қилаётгани акс этган. Унинг соғинчлари самимий. У Истанбул “мардум” (киши)ларининг сайру саёҳат қилиб юрганини кўрар экан, ўзининг ёру дўстлари ёдига тушади ва уларни энтикиб соғинади. Шайхонтохурлик дўсти Маҳмудхўжани орзиқиб соғинар экан, уни “ошно” эмас, “ағо”дек бўлиб қолганини, унга қилган кўп “меҳру шафқат”, “эхсону мурувват”ларини бот-бот эслайди:

Муҳаббатлик менга бир ошнодур,
На танҳо ошно, балким ағодур.
Манга кўп айлаган ул меҳру шафқат,
Қилиб ҳаққимда эхсону мурувват.

Фурқат Истанбулдан Юнонистон (Греция)га ўтди, Булғория (Болгария)да бўлди. 1892 йилнинг май-июнь ойларида Арабистонга бориб ҳаж зиёратини ўтайди. Шу йилнинг 25 августида Ҳиндистонда бўлди, 10 сентябрда Бомбейга етиб келди. У Бомбейдан Тошкентдаги қадрдонларига ёзган шеърый номаларида шаҳар таассуротларини шундай баён этади:

Ер юзуда кўрмадим Бомбай каби шаҳри азим,
Гарчи кездим, Миср ила Истамбулу Булғорлар.

Бу ерда 6 ой чамаси яшайди. 1893 йилнинг 20 мартада Кашмирга келади, ундан Тибет ва Хўтан орқали Ёркентга ўтади ва шу ерда умрининг охиригача яшаб қолади. Шоирнинг икки ярим йиллик сафари Ёркентда якунланади.

Шоир Қашқардаги Русия Мусулмон идорасида котиб бўлиб ишлайди, илми нужум (астрономия) ва табобат билан шуғулланади. Раънохон деган қизга уйланади. Нозимжон ва Ҳакимжон исмли фарзандлар кўради.

Зокиржон Фуркат 1909 йили 50 ёшида Ёркентда вафот этди.

Кўриниб турибдики, Фуркат ҳаёти ватанжудоликда кечди. Унинг чет элга кетиш ва қолиб кетиши шоир ихтиёри билан содир бўлмаган. Адабиётшунос олим Ш. Юсупов “Фуркат йўлларида” монографиясида Фуркат йирик шахс эканлиги, уни юртда яшаб, ижод қилишлиги рус давлатининг “қудратини” узоқ сақланишлигига ғов бўлиши мумкин деган ҳадикда қолган Н.П. Остроумовнинг тазйиқи ва таъқибига кўра Ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлганлигини архив ҳужжатлари ҳамда ишончли манбалар асосида эътиборли, илмий мулоҳазасини баён қилган.

Юқорида биз шоирнинг рус илми ва маданияти ҳақидаги шеърларини келтирган эдик. Шоирнинг бу шеърлари рус давлатининг обрўсини ошириш мақсадида эмас, балки Европа ва рус маданиятини ўз фойдамизга хизмат қилдириш зарур деган ҳулосани тарғиб қилиш ниятида ёзилган асарлар эди. Табиийки, Н. Остроумов Фуркатнинг дониш ва юқори савияли шахс эканлигини жуда яхши билган, шунинг учун ҳам шоирни Туркистонда яшашлиги унга “хавф” бўлиб туюлган.

Фуркат - лирик шоир. Шоир лирик меросининг энг юқори мавқеини асосан ғазаллар эгаллайди. Мутахассисларнинг белгилашича, ғазалларининг умумий адади 200 атрофида. Фуркат сўз санъаткори сифатида “Баҳор айёмида”, “Бир қамар сиймони кўрдим”, “Чиройлик”, “Кокулинг”, “Юзларингдин шарм этиб”, “Адашганман” каби бир қанча гўзал, ақлни ҳайратга солувчи нурафшон шеърлар яратди. Шоир лирикаси ғоя ва мазмун жиҳатидан ҳам, бадиий жиҳатдан ҳам юқори савиядаги асарлар бўлиб, унда ички кечинмалар, фикр ва ҳислар, киши руҳининг энг нозик туйғулари ифода этилади. Фуркатнинг пурмаъноли асарлар битишида мумтоз шоирларимиз ижодидан яхшигина баҳраманд бўлганлиги ёрдам берди. Айтмоқчимизки, улуғ Навоий ва Ҳузулийлардан сабоқ олди, уларни ўзига устоз деб билди. Устозларнинг меросига муҳаббат билан қараган Фуркат бир умр улардан озуқаланди ва илҳом олди, ғоявийлик ва бадиийликни ўрганди. Навоийнинг жуда кўп ғазалларига мухаммас тахмислар, назиралар боғлайди, ўткир фикр ва ғояларни ифода қилишда Навоийга яқинлашади. Тубанда шоир ижодидаги ҳазрат Навоийнинг “Дўст” радифли ғазалига боғлаган мухаммаснинг охириги бандини ўқиймиз:

Фуркато, ич захр аёғи келса, қонма, дўстдин,
Талхком ўлдим дема, ҳаргиз ўсонма дўстдин,
Тонимаслик қилса ҳам ҳарчанд тонма дўстдин,
Эй Навоий, неча душман бўлса тонма дўстдин,

Чунки бўлмушдир сенга юз минг таманно бирла дўст.

Фурқат Навоийнинг дўстликни улуғловчи олижаноб ғояларини тасдиқлайди, ўз фикрича кенгайтиради, айтиш мумкинки, бу халқчил шеърларни янада оммалаштиради.

Яна шоир Фурқат Озарбайжон адабиётининг улуғ сиймоси Фузулийнинг ҳам нозик фикрларига жўр бўлади:

Сурмадин кўзлар қаро, аллар хинодин лоларанг,
Ҳеч шоҳид йўкки, бу ранги-ла сансан шўх шанг

каби мисраларидан илҳомланади, буюк шоирнинг машҳур ғазалига тазмин битади:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Фурқатнинг муҳаббат лирикаси ўзига хос чизгиларда берилади. Ундаги ошиқнинг кечинмалари, изтироблари, рашки, севги қасамёдлари ҳам, маҳбубанинг нозу карашмаларию хусну малоҳати ҳам бошқа шоирларникига ўхшамайдиган кутилмаган лавҳаларда тасвир этилади. Қарангки, шоир тасвиридаги маъшуқа хуснда тенгсиз, унинг “жамол”ини қанча “васф” қилса ҳам, шоирлар минглаб китоблар ёзса ҳам адо қилиб бўлмайди:

Жамоли бокамолинг қайси бир васфин адо қилғой,
Дақойиқ бобида шоир агар юз минг китоб айлар.

Ўшал маҳбубанинг чиройу латофатидан, нафақат муҳиб шоир, балки гулзордаги гуллар ҳам лолу ҳайрон. Улар бу малоҳатнинг гўзал юзларидан уялиб, “ҳар йил баҳор айёмида» бир борагина кўринади, ўшанда ҳам ўзларини маҳбубага фидо қилиб, “йўлларига поёндоз” бўладилар:

Юзларингдин шарм этиб гулшанда, эй рухсор гул,
Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.
Ваҳки, солмиш ўзини йўлингға пойандоз этиб,
Қўй кадам, гар жону дилдан бўлса миннатдор гул.

Тавсифий услубдаги ушбу байтларда маҳбуба жамоли куйланган. Шоир бу гўзалликнинг бадиий кашфиётини *истиора, тажнис, истихрож, нидо* санъатлари орқали яратадики, бу эса шеърга оройиш ва мазмун бахш этади.

Шоир тавсиф этган маҳбубанинг гўзал рафторидан гулларгина “шарм”да эмас, уни кўрган тўлин ой ҳам “паришон”ликдан йўлларидан адашгуси. Шунинг учун лирик қаҳрамон маҳбубага бир мурувват қил, кечаси хуснингни кўрсатиб, ўрим сочларингни ёйма, токи ойнинг хаёли паришон бўлиб, йўлдан адашмасун, деб нажот сўрайди:

Йўл адошиб кўкда ой ҳоли паришон ўлмасун,
Бир мурувват кўргазу, тарқатма гису кечалар.

Шоир маҳбубани ташқи кўринишини “Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг”, “дилбаро, қилди мени кўб зору саргардон қошинг”, “дилбаро, бошинг уза чун тожи султон кокулинг” дея қайта-қайта таъриф-тавсиф этади.

Шоир тасвиридаги бу гўзал хуснда қанчалик дилбар бўлса, нозу карашмада ҳам шунчалик устамон:

Кўз учидин қил нигоҳ, эй шўхи танноз, озгина,
Ҳусн шоҳисен, гадони эт сарафроз озгина.

Ёрининг висолин кўмсаб фиғонлар чеккан ошиқнинг бераҳм маъшука ситамларидан сабри тўлди, сўзлари-да, сўроқлари-да қатъийлашди:

Кўнгли жафоға мойилу кўб бағри тошсен,
Бераҳмлик қилурсан тағи, эй жон, қачонгача?

Ошиқ қанчалар ёр ишқида жафолар чекмасун, севгида садоқатли, собит ва содиқ:

Кўр бўлсун кўзларимким, ўзгага солсам назар,
Жонга ўт тушсун агар сендин бўлак ёр айласам.
Ҳам кўнгул юз пора бўлсун – майл қилсам ўзгага,
Тил кесилсун ўзгага бир ҳарф гуфтор айласам.

Эътибор беринг, муҳаббатни нозик фаҳм этиш ва ишқ табиатини белгилашда ғоят оҳорли сатрлар. Бундай кутилмаган лавҳа - “ишқий аҳднома” ёхуд “севги қасамёди” бошқа ҳеч бир шоирда Фурқатчилик ифодааланмаган эди.

Фурқат ижодида мавзулар кўлами кенг. Шоир ижодида муҳаббат мавзуи билан бир қаторда ижтимоий муҳитдан норозилик кайфиятида туғилган руҳий ҳолат-кечинмалар акс этувчи бир қанча ҳасратнамо шеърлари, шунингдек, Ватан ишқида ёзилган ғурбат мотивидаги талайгина асарлари мавжуд.

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен,
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадар

каби байтларида жамият тартибларидан ҳасрат, нолиш ва шикоят кайфияти ҳукм сурса,

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами бирлан,
Туруб эрдим қутулмай ғуссау ранжу инолардин

байтида эса шоирнинг Ватанга бўлган мухаббати ва ғурбат аламлари сезилиб туради.

Фурқат лирикаси доирасидаги ҳажм ва мазмун жиҳатдан катта асарлардан бири «Сайдинг кўябер, сайёд» мусаддасидир. Асарда муаллифнинг чинакам инсоний туйғулари намоён бўлади. Мусаддас эркин ҳаёт ҳақида жўшқин кўшиқ, ҳақиқий эркинлик мадҳиясидир.

Юқорида эътироф этганимиздек, шоирнинг “Туркистон вилояти газети” да чоп этилиб борган “Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти – ўзи ёзғони” деб номланган мемуари Фурқатнинг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида аниқ ва ишончли маълумот берувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асар ҳар жиҳатдан – илмий, тарихий, бадиий қимматга эга. Негаки, асарда фақат шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотларгина эмас, балки Туркистоннинг XIX аср иккинчи ярмидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ воқеаларнинг тафсилоти ҳам реал лавҳаларда берилган.

Фурқатнинг “Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий” асари эса тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Асарда оила ва унинг мустақамлигини таъминлашда эру хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари, ака-укалар муносабати, дўстлик ва кўни-қўшничилик одоблари ҳақида ибратли мулоҳазалар баён қилинган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, бизгача Фурқатнинг учта элшунослик йўналишидаги (“Тўй хусусида”, “Аза хусусида”, “Гап хусусида”) ва битта адабиётшунослик йўналишидаги (“Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни”) илмий асари етиб келган. Бу тўрт илмий асар Фурқатнинг илмий фаолияти ҳақида муайян тасаввур бера олади.

Фурқат – илк ўзбек журналисти. Унинг дастлабки журналистлик фаолияти “Туркистон вилояти газети”да бошланди. Илк мақоласи Тошкентдаги рус гимназиясидан олган таассуротлари асосида ёзилган. Кейинчалик эса Хориждан – Истанбул, Ҳиндистон, Қашқардан йўллаган хабар ва мақолаларида бу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақидаги муҳим масалаларни кўтариб чиқади. Шунингдек, шоирнинг “Ёқуббек марҳумнинг кўлига тушган Қашқар вилоятининг аҳволоти хусусида”, “Қашқар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагонлик аҳволотлари хусусида”, “Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг “Пейсаи ахбор” ном Ҳиндистон газетидин нақл қилиб ёзган хабари” каби мақолалари унинг журналист сифатидаги юксак салоҳиятини ҳис этиш имконини беради.

Булардан ташқари, «Саргузаштнома»да айтилишича, шоир бир неча асарни туркий тилга таржима қилган. «Ҳаммоми хаёл» асарини шеърӣ йўлда, «Чор дарвеш»ни форсчадан насрий шаклда, «Нух манзар» номли асарни эркин таржима қилган.

Кўринадики, Фурқат серқирра ижод соҳиби. Унинг шеърӣяти, насри, публицистикаси ва таржималари ўзбек адабиёти, маданиятининг хазинасидан муносиб жой олган.

Савол ва топшириқлар

1. Фурқатнинг Қўқон адабий муҳитида тутган ўрнини белгиланг.
2. Фурқат ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини нимада?
3. Шоир Фурқатнинг халқпарвар, миллатсевар эканлигини асарлари мисолида таҳлил қилинг.
4. Фурқатнинг насрий, илмий-этнографик асарлари ҳақида маълумот беринг.

Таянч иборалар

1. Фурқатшунослик.
2. Фурқатнинг ҳаёт йўли.
3. Фурқат лирикаси.
4. Фурқат – маърифатпарвар шоир.
5. «Илм ҳосияти» шеърининг таҳлили.
6. Фурқатнинг бадиий тасвирдаги маҳорати.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Фурқат «Танланган асарлар». Икки томлик. Т, 1959 йил.
2. Фурқат «Танланган асарлар». Икки томлик. Т, 1980 йил.
3. З.Фурқат «Асарлар мажмуаси». Икки жилдлик. Т, 1991 йил.
4. А.Абдуғофуров «Зокиржон Фурқат». Т, 1977 йил.
5. Х.Расул «Фурқат Танкидий-биографик очерк». Т, 1959 йил.
6. Ш.Юсупов «Фурқат йўлларида». Т, 1959 йил.
7. Зокиржон Фурқат «Мақолалар тўплами». Т, 1959 йил.
8. «Фурқат ижодиёти». Т, 1990 йил.

Муҳйи Хўқандийнинг ҳаёти ва ижоди (2 соат) (1836-1911)

Муҳйи ижодига муносабат масаласи. Муҳйининг ҳаёт йўли. Муҳйи ва Қўқон хонлиги. Муҳйи ва Муқимий. Муҳйининг ижодий мероси. Шоир ижодида илоҳий ва дунёвий ишқ тараннуми. Муҳйи ҳажвиёти. Муҳйи ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Атоқли адибимиз Ғафур Ғулом “тақдир қиладиган даражада талантли шоир бўлган” деб таъриф берган Муҳйиддин Муҳаммад Ризо охунд ўғли Муҳйининг ижоди ва шахсига баҳо беришда яқин ўтмишда - 74 йиллик советлар даврида адабиётшунослигимизда бир ёқламаликка йўл қўйилди. Синфийлик принципи Муҳйи ижодига нисбатан “зўрма-зўракилик” билан ёпиштирилди ва уни “бойларнинг, мулкдорларнинг, савдогарларнинг шоири” сифатида талқин қилинди, ижоди камситилди, яхши ўрганилмади, асарларини нашр этиш эса ман этилди. Натижада Муҳйи ижоди неча йиллар халқ эътиборидан ва тадқиқотчилар назаридан четда қолди. Ваҳоланки, XIX асрнинг II ярми XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити ҳақида сўз борганда

Муҳйи номи ва ижодини четлаб ўтиш мумкин эмас эди. Шу боис, Қўқон адабиёти ва тарихига оид манбаларда, хусусан, Қўқон адабиёти ва тарихининг билимдони, адабиёт муҳиби Пўлатжон Қаюмийнинг “Тазкираи Қаюмий” тазкирасида, “Қўқон тарихи ва адабиёти”, академик Азиз Қаюмовнинг “Қўқон адабий муҳити” асарларида Муҳйи ҳақида маълумотлар учрайди. Академик Ғафур Ғуломнинг ҳам Муҳйи шеърятини ўрганишга бағишланган бир неча мақолалари эълон қилинган.

Муҳйи шахси ва унинг ижодига мўътадил ёндашиш Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин юзага келди. Вақтли матбуот саҳифаларида унинг ҳаёти ва ижодига оид мақолалар, адабий меросидан намуналар чоп этила бошлади. Шоир Муҳйи ижодиётини ўрганиш, тўплаш, нашр этиш ишларини профессор А.Ҳайитметов бошлаб берди. 1992 йил А.Ҳайитметов “Ўзбек адабиёти ва санъати” газетасида Муҳйи ҳақида мухтасар маълумотнома ва шоир ижодидан намуналар эълон қилдирди. 1994 йили Н.Зоҳидовнинг “табаррук сиймолардан бўлган Муҳйининг бой адабий мероси тарғиб ва тадқиқ қилишга лойиқ”лигини ёклаб чикувчи “Муҳиддин Муҳаммад Ризо Охунд ўғли Муҳйи” деб номланган мақоласи чоп қилинди. 2004 йилга келиб, Муҳйининг ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари олий ўқув юртлари дастур ва дарсликларидан ўрин олди.

Муҳйи таҳаллуси билан ижод қилган Ҳожи Муҳйиддин Муҳаммад Ризо охунд ўғли Ғазна шаҳрида, зиёли хонадонидида 1836 йилда туғилди. Унинг отаси Ғазнадаги йирик мадрасалардан бирининг мударриси бўлган. Бўлажак шоир ибтидоий таҳсилни отасидан олди. Юқори таҳсилни эса Бухоронинг нуфузли мадрасаларида кўради. 1858-59 йиллар чамаси у мадраса таълимини тугатиб, Хўқандга келиб яшай бошлайди. Бу ерда у Тамкин сингари йирик шоирлар, Шайх Сулаймон Афғоний каби тилшунос ва муаррихлар билан дўстона муносабатда бўлади, ҳатто Тамкинни ўзига устоз деб билди. Хўқандда Муҳйи ўз ижоди билан кадр-иззат топди. Шоирнинг вафотидан кейин ҳам унинг ижодига бўлган эътибор сусаймади, аксинча, Шайх Сулаймон Афғоний Муҳйи вафотидан кейин, 1912 йилда, унинг ўзбекча ва форсча девонини Тошкентда Порцев босмахонасида тердириб, Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида муқовалатади.

Муҳйи айна руҳан, ақлан ва жисман етилган даврида, 50-йиллар охирида, Қўқон адабий муҳитига қўшилади. Бу вақтдаги Қўқон адабий муҳитининг йирик вакиллари - Муқимий, Фурқат, Нисбатий, Муҳаййир кабилар Муҳйи ижодини юқори баҳолайдилар, ҳатто, Фурқат ўзининг мемуар асарида Муҳйи номини илғор ижодкорлар, “фозил ва расотабъ кишилар” қаторида эътироф этади: “...Чун ёшим умр шабу рўзида 24 шуморига етди, ул вақт, хўқанд вилоятидаги фозил ва расотабъ кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг суҳбатидин кўб баҳралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоара қилур эрдук. Ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн таърифидида ғазал машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидин бир шўх ғазални топиб, анга ҳар қайсимиз алоҳида муҳаммас боғлар эрдук...”.

Мухйи шоир бўлибгина эмас, хаттот сифатида ҳам халқ қалбидан ўрин ола бошлади. У ўтмиш, замондош шоиру фозилларининг асарларини китобат қилган.

Мухйи ўзининг бундай серкирралилиги, ақлу заковати ва истеъдоди билан нафақат ижодкор дўстларини, балки ўша вақтда Қўқон хони бўлган Маллахоннинг ҳам эътиборига тушади. Маллахон Мухйини саройга жалб қилади ва унга дипломатик вазифа - махсус элчи вазифасига масъул қилади. Мухйи хизмат юзасидан 1859-1861 йилларда Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Эрон мамлакатларига боради. Шоир қаерда ва қандай мавқеда бўлмасин, илм ва адабиёт аҳлларига бирдай ҳурмат ва иззатда бўлган.

Маллахондан кейин Қўқон хонлигининг ҳукмфармоси Худоёрхон замонида ҳам Мухйининг саройдаги обрўси баланд бўлган. Ҳатто Худоёрхон шеърят ихлосманди бўлган ўғли Насриддинбекка назм ва насрдан таълим беришни ишонч билан Мухйига топширади. Мухйининг меҳнатлари самара беради, унинг устозлигида Насриддинбек нозиктаъб шоир бўлиб етишади. Пўлатжон Қаюмийнинг “Тазкираи Қаюмий” тазкирасида ҳам Насриддинбек ижодидан намуналар учрайди. Айтиш мумкинки, Насриддинбекнинг ҳам устозига меҳри айрича бўлган. Кейинчалик Мухйига “тожуш-шуаро”, яъни “шоирлар тожи” унвонини ҳам Насриддинбек берган.

1874 йил ўрталарида Мухйи Ҳаж сафарига жўнайди. 1875 йилнинг январ ойида ҳаж маросимини адо этиб, ундан сўнг Афғонистонга ўтиб кетади, шу йилнинг охирида Қўқонга қайтиб келади. Бу вақтда Қўқон тақдири таҳлика остида эди. Худоёрхон шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлади, отасидан кейин тахтни бошқараётган ўғли Насриддинхон эса сохта Пўлатхондан енгилиб, Маҳрам қалъасида жон сақлашга мажбур бўлган оғир дамлар эди. Бу оғир вазиятда Мухйи шогирди, тахт соҳиби Насриддинга маънавий мадад бўлади, унга атаб махсус қасида ҳам битади. Ўз қасидасида “шоҳсиз мамлакат - мисли бошсиз тана” эканлигини уқтириб, уни қатъият билан юртни бошқаришини маслаҳат беради. Бу танбеҳ ва маслаҳатлар Насриддинхонга анчайин мадад бўлади, бироқ ғишт қолипдан кўчган эди. Фурсатни ғанимат билган фон Кауфман бошлиқ чор кўшинлари тез орада Қўқонни ҳам, хонлиқни ҳам забт этган этдилар.

Манбаларда келтирилишича, хонлик тузуми, сиёсий талотўплар тугатилгандан кейин Мухйи ҳеч қандай расмий вазифада ишламади, то умрининг охиригача Қўқонда яшади ва қолган умрини ижодга бағишлади. Муқимий, Фурқатлар қаторида Қўқон адабий муҳитининг забардаст вакилига айланди.

Мухйи ўз ҳаёти давомида Туркистоннинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент шаҳарларига тез-тез борган ва у ердаги шоиру фозиллар билан яқин алоқа боғлаган. Доимо мактублар ёзишиб турган. Мактубларда Мухйининг иқтидорини юқори баҳолаганлар. Шунингдек, Қўқон адабиёт музейида сақланаётган 6650 рақамли “Шарҳи Мулло Жомий” номли китобда Аҳмадхон тўра Даҳбедийнинг шундай дастхати бор:

Мухйи Ки ба фазл ёвт меърож,
Бар маснади фазл соҳиби тож.

Гардида лақаб бо фазл Мухйи,
Тож уш-шуарои ашрафул ҳож.

(Мазмуни: Мухйи фазлда меърожга етди, фазл тахтида тож соҳиби бўлди. Фазл шарофатидан Мухйи номини олди. У шоирлар тожи, ҳожилар шарафлисидир.)

Мухйи водийнинг Андижон шаҳрида ҳам кўп бўлган. Андижонни ўз туғилган масканидек севган, ҳаётининг энг яхши дамларини ҳам Андижонда ўтказган. Шунинг учун ҳам 1902 йилги Андижон зилзиласи Мухйини қаттиқ изтиробга солди, шаҳар фожиасини ўз шахсий фожиасидек қабул қилди. Ҳатто бу фожага атаб “Хўқандлик шоири номдор, соҳиби иқтидор мавлоно Ҳожи Мухйи афандининг Андижон шаҳри хусусида дилсўзона абётлари” деб номланган 19 бандли мухаммас-таърихини ёзди. Мухаммас шундай бошланади:

Таън айламанг, азизлар, зинҳор Андижонга,
Ҳақ амри бирла бўлгон ҳамвор Андижонга,
Қилган экан муқаддар Жаббор Андижонга,
Доим дуойи хайрот даркор Андижонга,
Сан айлама маломат бекор Андижонга.

Мухйи сўнгги нафасини ҳам Андижонда ўтказди. 1911 йил Андижонга дўстларини кўргани бориб, у ерда бетоб бўлиб қолади ва 4 май куни оламдан кўз юмади. Шу шаҳарнинг Хожа Саъиддин Фарғоний қабристонида дафн этилади. Унинг вафоти барча ижодкорларни қалбини ларзага солди, унга атаб Мавлавий Йўлдош, Рожий, шогирди Насимий, Сирожиддин Шавкат каби ижодкор дўстлари марсия-таърихлар битдилар. Шоир Шавкатнинг таърих-марсиясида шундай таассуфли сатрлари бор:

Нагирифта руйи қасд ва надида руҳи умид
Дардо, Ки мурд Мухйи шоир дар Андижон

(Мазмуни: Дунё ҳою ҳавасларига берилмай, мол-дунё орттиришга қасд қилмай, орзу умидлари рўёбга чиқмай, афсуски, шоир Мухйи Андижонда вафот этди.)

Халқ орасида Муқимий билан Мухйи ўртасидаги ижодий ва шахсий муносабатлар яхши бўлмаганлиги ҳақида ноўрин фикрлар юрган. Адабиётшунослигимизда эса бу икки шоир муносабатига ортиқча синфий тус бериб юборилган. Мухйи шеърияти Муқимий шеърларига қарама-қарши қўйилиб, доим камситилиб келинган. Айни даврда Мухйини халқ манфаатига хиёнат қилган, бой ва амалдорлар шоири, Муқимий эса камбағал, оддий халқ шоири деган сохта фикрлар бу икки шоирни бир-бирига муросасиз муҳолиф қилиб кўрсатган. Ваҳоланки, Пўлатжон Қаюмийнинг Қўқон адабий муҳити ҳақидаги реал ва объектив манба саналган “Тазкираи Қаюмий” тазкираси бу фикрлар мутлоқо асоссиз эканлигига гувоҳлик беради. Яъни тазкирада ҳар икки шоир ҳам бирдай қашшоқ бўлганлиги, қашшоқликда эса Мухйи Муқимийдан қолишмаслиги асослар билан келтирилган. Бу икки шоир бир-бирига татаббулар, тахмислар қилганлиги, ғазалларига бир-бирларининг номларини киритганлиги маълум. Масалан, Муқимий бир ғазалинининг мақтаъ қисмида Мухйининг номини киритиб, уни ўзига қисматдош эканлигини шундай тасвирлайди:

Ёзиб эрса хун қадару қазо, нетар ичмайин киши, Мухйиё,
Манга ҳам Муқийм, шул эрур ғизо, на ўзунгга якка ҳаволадур.

Лекин бу икки замондош ва макондош шоирларнинг ўрталарида нозик бир келишмовчиликлар бўлиб ўтган. Муқимий Мухйини ортиқча кибр-ҳаволиликда айбласа, Мухйи эса Муқимийнинг баъзи шеърларини танқид қилиб, уни енгил-елпи шеърлар ёзишда камситади. Муқимий ва Мухйи ўртасидаги маълум муддатли бу муносабатларнинг бўлиб ўтганлиги улар ҳақидаги баъзи сохта гапларни тарқалишига сабаб бўлганлиги тайин.

Мухйи – зуллисонайн шоир. Унинг ижоди якранг эмас, турли рангларда жилоланади. Шоир қайси жанрда ижод қилмасин, оригинал лавҳалар, бетакрор тимсоллар яратади. Унинг ҳаёт гўзалликларидан бир олам завқ-шавқ олувчи шеърлари талайгина:

Келди наврўз, эй ёронлар, очди бағрин лолазор,
Гул чаманда очилиб, булбулни айлар беқарор.

ёки

Баҳор айёми хушдур гулшану боғ,
Чиқиб сахроға бўлди табъимиз чоғ.

Унинг ишқ туйғуларини қаламга олиб, ажиб ҳаёллар оғушига етакловчи шеърлари ҳам кам эмас:

Донаи холингмудур ул лаъл нобинг ёнида,
Ё магар кавсар лабида ўлтуран ҳиндумудур?

Мухйининг ишқий олами, ундаги муҳибу маъшуқанинг кечинмалари ўзига хос. Шоир ишқий шеърларининг аксари ёрнинг таърифу тавсифига бағишланади. Шоир тавсифидаги бу ёрнинг сувратию сийрати ўзгача: хусну малоҳатда жаннат ҳурларидан қолишмайдиган, гўзалликда Фарғона бўйлаб ҳеч бир маҳваш унга тенг келолмайдиган бу “моҳ талъат” муҳибнинг ақлини олишини тайин:

Ақлимни олди ногоҳ ул шўх, моҳ талъат,
Ҳусну жамоли гўё монанди ҳури жаннат.
Фарғонада назири йўқ они хўблугда,
Бир маҳваши парирў, то сар ба по латофат.

Тубанда келтирилган Мухйининг “Бор” радифли ғазали тўлалигича талмеҳ санъатига қурилган. Унда шоир чинакам ишқ қаҳрамонлари тимсолида аламзада, ҳижронзада ошиқ қалбининг сўнгсиз изтироблари, ҳасрату аламларининг бадий инъикосини яратади:

Қайси гулшаннинг санингдек бир гули раъноси бор?
Қайси бир гулни манингдек булбули шайдоси бор?
Қайси Лайлининг манингдек ошиқи Мажнуни бор?
Қайси Мажнуннинг санингдек нозанин Лайлоси бор?
Қайси Узро мен киби Вомиқни пайдо айламиш?
Қайси Вомиқни жаҳонда сен киби Узроси бор?

Муҳйининг ишқий шеърларидаги янгича кечинмалар, оҳорли туйғулар, ёрнинг зоҳирий сувратию маънавий қиёфасининг акси, бир сўз билан айтганда, ўзига хос янги бир Ишқнинг табиатини очиб бериши шоирнинг нозик таъб, ҳиссиётга ошуфта қалб эгаси бўлганлигига гувоҳлик беради:

Мунча ҳам, эй гулузорим, қапкародур кўзларинг,
Эл гумон айлар муқаррар сурмасодир кўзларинг,
Қўймагай ўлдурмайин ошиқни ҳаргиз, эй пари
Қон тўкарга баски доим мубталодир кўзларинг.

Муҳйи ижодида ижтимоий воқеликка муносабат билдирган шеърлар ҳам талайгина. Шоир ижтимоий шеъриятининг аксари замона ва аҳли замонадан шикоят тарзида ёзилган. Чунончи, шоирнинг “Эй чархи сифлапарвар” деб бошланувчи ғазалида “чархи сифлапарвар”нинг, яъни “пасткашларни парвариш этувчи” замоннинг кирдикорларини очиб берар экан, шеър минг таассуфу дард ила битилганлигини пайқаш қийин эмас:

Эй чархи сифлапарвар, ман сандин айлайин дод.
Маҳзун, хаста дилман, то чанд мунча бедод.
Умрум ўтуб ҳамиша нокам, дарду ғамда,
Эй золими ситамгар, бир лаҳза қилмадинг шод.

Шоир ишқи илоҳий шеърлари билан эса имон-инсофли, эътиқодда собит, бўлишликни, нафсга ружуъ қўймасликни тарғиб қилади:

На тил бирла баён айлай, гуноҳим ҳаддин афзундур,
Бўлуб мусриф авқотим найи нафсу ҳаво, ё раб.
Агарчанди гуноҳ бирла ўтар Муҳйини айёми,
На ғам, маҳшар куни қилсанг шафъиим Мустафо, ё раб.

Муҳйи шеъриятнинг ҳар бир шаклида бирдайин маҳорат билан ижод қила олган шоир. Масалан қуйида унинг бир қитъасини келтирамиз:

Эй Фузулий, бу на ашъору на девондур бу!
Сўзларинг жумла маориф, бу на ирфондур бу!
Баргу бори ҳама ирфон, анга ҳайрон Муҳйи;
Демиш ҳайратда: “Бу не боғу не бўстондур бу!”

Демак, мазкур қитъадан Мухйи Фузулий ижодидан яхшигина баҳраманд бўлганлиги ва озуқаланганлигини сезиш қийин эмас.

Шоирнинг насиҳатомуз руҳдаги қуйидаги фардига эътибор қилинг:

Дўстлиғда минг киши камлик қилур,
Лек душманлиғда ортуқ бир киши.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Мухйи ижтимоий ҳаётда рўй бераётган адолатсизликлар, ноҳақликларга бефарқ эмас эди. Ўша даврда рўй берган, Туркистон тарихида муҳрланган “Виктор воқеаси” макондош ижодкорлар қаторида Мухйини ҳам қаламини кўзғатади. Унинг “Дар мазаммати Бектур” номли мухаммаси шу мазмунда. Адиб асарда Виктор бой билан бир қаторда бойлик, мол-дунёга хирс қўйувчиларни қаттиқ қоралаб, тўғри, ҳалол яшашга даъват этади.

Шоир Мухйи миллий маънавиятимизни кўзга кўринган сиймоси сифатида адабиётшунослигимизда ҳар даврда бирдек кадрланиши шубҳасиз.

Савол ва топшириқлар

1. Мухйини Қўқон адабий муҳитида тутган ўрнини мисоллар билан тушунтиринг.
2. Мухйи ва Муқимий муносабатлари ҳақида сўзланг.
3. Мухйи ижодиётининг умумий манзарасини белгиланг.

Таянч тушунчалар

Мухйининг ҳаёт йўли.

Мухйи ва Муқимий.

Мухйининг ишқий лирикаси.

Шоир ҳажвиёти .

Мавзу: Завқийнинг ҳаёти ва ижоди

(1853-1928 йил)

Завқийнинг ҳаёт йўли ҳақида. Шоир ижодининг тараққиёт босқичлари. Шоирнинг ижодий мероси: сиёсий лирикаси; ҳажвиёти; юморлари; дostonлари.

Адабиётимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган Завқий миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ёрқин вакилларида биридир. У ажойиб лирик шеърлари ва ҳажвий асарлари билан халқ ўртасида кенг эътибор қозониб, ўз асарларида даврнинг энг илғор, халқчил ғояларини ранг-баранг бадиий образларда ифода этди. У Муқимий ва Фурқатларнинг йирик сафдоши ва маслакдоши сифатида адабий ҳаракатларда фаол қатнашди ва бу адабиётнинг камоли учун муносиб ҳисса қўшди.

Шоирнинг исми Убайдулла уста Солиҳ ўғли бўлиб, “Завқий” адабий тахаллусидир. Убайдулла Завқий 1853 йилда Қўқонда қосиб оиласида туғилди. Уларнинг оилавий шароити оғир бўлиб, отаси маҳсидўзлик орқали оилани тебратар эди. Моддий танқисликка қарамай ўғли Убайдулланинг келажагини ўйлаб, мактабга беради. Убайдулла мактабда хат-саводини чиқаргач, 1870-71 йилларда шоиртабиат тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида Қўқондаги “Мадрасаи олий” ва “Мадрасаи Чалпак” мадрасаларида таълим олади. Бу вақтларда тоғаси унга яхши ниятлар билан Навоийнинг “Чор девон” ва “Хамса” асарларини ҳадя қилади. Шу туфайли бўлса керак, бўлажак шоир адабиётга меҳр қўйди ва ўзи ҳам “Завқий” тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади.

Завқий мадрасадаги ўқишини охиригача олиб боролмади. Онасининг вафоти, отасининг фалаж бўлиб қолиши туфайли оиланинг бутун оғирлиги унинг зиммасига тушган эди. У тирикчилик ишлари билан шуғулланишга, яъни ота касби – маҳсидўзлик қилишга мажбур бўлди. Лекин ҳар қандай шароитда ижод қилишдан чекинмади, аксинча, Муқимий, Фурқат, Муҳаййир, Нодим каби шоирлар даврасини топди ва бу адабий даврнинг иштирокчисига айланди.

Ҳар ишда моҳир Завқий ўз хунари орқали қўпчиликнинг назарига тушди. Шунингдек, Қўқон боёнларидан бўлган пойабзал растасининг бошлиғи Мўминшоҳ уни мирзалик (иш юритувчи) вазифасидаги ишга таклиф қилади. У мазкур хизмат юзасидан Самарқанд, Бухора, Марғилон, Ўш, Андижон, Наманган, Тошкент каби шаҳарларга боради.

90-йилларда Завқий оиласида кетма-кет бахтсизликлар содир бўлади: отаси ва икки укасидан айрилди. Устига-устак хотини Тожибибининг ҳам кўзи ожиз бўлиб қолади. Бу воқеалардан қаттиқ эзилган шоир, мусибатларни биров бўлса-да унутиш ва ҳаво алмаштириш мақсадида Муқимий ҳамроҳлигида Фарғона бўйлаб саёҳатга чиқади.

1900 йилда Завқий тоғаси Муҳаммад Сиддиқнинг таклифига кўра у билан биргаликда Арабистонга саёҳат қилди. Кавказ, Кичик Осиё, Миср, Арабистон мамлакатларида бўлди. Уч йил давом этган бу саёҳатдан Завқий 1903 йилнинг ёз ойларида қайтди. Қўқонга келганда қадрдон дўсти Муқимий оламдан ўтган, Фурқат эса бу вақтларда чет мамлакатларда яшар эди.

Табиатан ҳозиржавоб Завқий ижодда ўзига хос услубда зўр маҳорат ва журъат билан ҳажвий асарлар ёза бошлади, лекин бу унинг бошига қўп ташвишлар олиб келди. Чунончи, 1905 -1906 йилларда “Аҳли раста ҳажви” номли 47 байтлик ҳажвий шеър ёзади, унда 46 кишини номма-ном тилга олади ва ҳар бирининг ўзига хос феъл-атворини, ножўя хатти – ҳаракатларини кескин ҳажв қилади. Бу ҳам етмаганидек, уни катта қоғозга кўчириб, Қўқондаги

энг гавжум сайилгоҳ – Мўймарак (Мўйи муборак) даги баланд бир теракка осиб қўяди. Одамлар бу ҳажвияни ўқиб, зикр қилинган бойлар устидан мириқиб куладилар, шеър Қўқонда катта шов-шувга сабаб бўлади. Раста аҳллари бундан хабар топиб, шоирни тутиб келиб, керагича калтаклайдилар. Шоирнинг устидан “гарониш” (шаҳар ҳокими) ва уезд ҳокимига арз қиладилар. Ҳоким шоирни тергов қилиб, қаттиқ танбеҳ беради, шаҳар боёнларига раҳна солувчи бундай шеърлар ёзишни таъқиқлайди. Уни огоҳлантириб, яна шундай иш содир бўлса, Сибирга сургун қилишини айтади. Бироқ шоир бундай таъқиблардан чўчимайди, аксинча, қаламини тиғини янада чархлаб бундан-да кескир ҳажвлар ёзади. Қўп ўтмай эса мазкур можарога бағишланган “Таладинг баринг” шеъри пайдо бўлади. Шеър шундай бошланади:

Эшит арзи ҳолим, эй шанқилар,
Мени мунча яккаладинг баринг.
Чопишиб келиб, қоқишиб тутиб,
Хийла кўрқитиб, таладинг баринг.

Завқий 1918- 1921 йилларда Қўқон пойабзал растасининг оқсоқоли, очарчиликка қарши кураш ҳайъати аъзоси бўлиб ҳам ишлайди. Шоир Завқий умрининг охиригача халқ ичида яшади ва меҳнаткаш омма билан ҳамнафас бўлди, унинг куйини куйлади, самарали ижод қилди. Ҳажвиялар ёзди. У Муқимий вафотидан кейин Фарғона водийсидан ташқарига чиқмади.

Завқий 1921 йили 68 ёшида умрининг катта қисмини ўтказган Қўқонда вафот этди.

Халқ муҳаббатини қозонган Завқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳар давр ва ҳар замонда бирдек эъзоз ва эътиборда бўлди. 1955 йилда адабиётшунос Ҳ.Раззоқов у ҳақда “Завқий ҳаёти ва ижоди” рисоласини ёзди ва 1958-1960 йилларда элликка яқин шеърларини тўплаб, “Танланган асарлар” номли мажмуани нашр этди. 2003 йилда А.Мадаминов ва А.Турдиалиевлар нисбатан тўлдирилган “Ажаб замона” китобини нашрдан чиқардилар.

Завқий лирик шоир сифатида мавзу ва бадиий жиҳатдан ўзига хос шеърлар яратди. Шоир лирик меросининг салмоқли қисмини ғазаллар ташкил қилади. Унинг ғазаллари мавзу моҳияти жиҳатидан яқранг эмас. Завқий анъанавий муҳаббат мавзусидан тортиб, ижтимоий воқеликка муносабат билдирувчи (“Ажаб эрмас”, “Демиш хон”, “Фарғона” каби) сиёсий мавзуларда, ҳажвиётнинг сатира ва юмор турларида ва дostonчиликда муваффақият билан қалам тебратди.

Завқий ижодининг илк даври. Бу давр шоирнинг адабиёт оламига қадам қўйгандан бошлаб XIX аср 80-йилларнинг бошларигача, яъни унинг ижодий изланиш йилларидан то баркамол қалам соҳиби бўлиб етишгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Завқий ижодини лирик шеърлар ёзиш билан бошлади. Унинг “Офарин”, “Кўзинг”, “Айлаб келинг”, “Мен кимга дей” каби ишқий руҳдаги шеърлари шоирнинг ижодий имкониятларини намоён этди, шеърят ихлосмандлари эътирофига сабаб бўлди. Айниқса, унинг “Юзингни кўрсатиб аввал, ўзингга бандалар қилдинг” мисраси билан бошланадиган мухаммаси

алоҳида диққатга сазовор. Бу шеър мумтоз қўшиқчилигимизнинг олтин фондидан жой олган бўлиб, мана неча йилдирки, ҳофизларимизнинг доимий репертуаридан ўрин олиб келмоқда. Шеърда муҳаббат кечинмалари - ошиқнинг юрак дарди ва нозик руҳий ҳолатларининг тадрижий тасвири берилган. Шеърнинг бошланмасида маҳбубанинг “юзини кўрсатиб” ошиқнинг қалбига ғулғула солгани, унга табассум ила “жилвалар” қилиб висол умидини туғдириб ва яна “санго ман то қиёмат ошно» дея вафодорлик ваъдасини берганлигини санъаткорона ифодаларда берилади. Садоқат ва вафоли ошиқнинг ҳис туйғулари эҳтирос билан куйланади. Соддадил ошиқ дилбарининг “кеча-кундуз мен сенинг ёринг бўлурман, тикондек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман” дея берган ваъдаларига чин дилдан ишонади. У ҳаётдагина эмас, муҳаббатда ҳам ишонувчан, олийжаноб. Шоир ошиқнинг севгидаги садоқатию маъшуканинг муҳаббатда вафосиз ва ёлғончилигини жуда таъсирли қилиб шоирона эҳтирос ила ифодалайди:

Менга мардумлар айди: “Берма кўнгил бевафо ёра,
Сени овора айлар, аҳди ёлғондур ситамкора,
Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора”,
Дедимким, носихо, инъоми кўпдур ошиқи зора,
Нетай, э бемурувват, охири шармандалар қилдинг.

Завқийнинг лирик қаҳрамони садоқат ва вафодорлик тимсоли бўлса, маъшуқа образи эса қанчалик латофатли ва жозибадор бўлмасин, соф муҳаббатга лоқайд, табиатан севгида беқарор шахс сифатида гавдаланади.

Шоир кейинги бандларда истиғно аламидан, севги изтиробларидан ўртанган ошиқнинг руҳий ҳолатини шундай тасвирлайди:

Юрагим раҳна бўлди, бас қил истиғнони жононим,
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетди дармоним,
Арозингни қўйиб, лутф айласанг ҳеч йўқдур армоним,
Кўзум нури, танимнинг қувватисен, эй дилоромим,
Нахуш бир неча кун Завқий қулингга ишвалар қилдинг.

Шоирнинг бу латиф муҳаббатномаси, чин севгига мадҳия, садоқатни улуғловчи дил изҳори сифатида шуҳрат топди. Айниқса, шеър мисраларига **таносуб, нидо, муболага, тазод** каби бадий тасвирий воситаларни табиий татбиқ этиб, ошиқона руҳий манзара ярата олганлиги ижодкорнинг юксак истеъдоди ва бадий маҳоратини намоён қилади.

Завқий ижодининг илк даврида мумтоз шеърятимиз дарғаларига эргашиш майллари кучли эди. Ижодидаги муҳаббат лирикасининг энг яхши намуналаридан бири бўлган «Келмаса, келмасун нетай?» радифли ғазалини ана шу майл маҳсули дейиш мумкин. Бу ғазал Навоийнинг:

Гар аламинга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?
Гар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

деб бошланувчи шўх ва жозибали ғазалига жавоб – ўхшатма сифатида ёзилган. Завқий ўз назирасида улуғ шоир ғазалининг баҳри ва вазини сақлайди, радифлар ўртасида ҳам умумий, муштарак жиҳатлар кўзга яққол ташланиб туради. Лекин Алишер Навоийда мавзу кўтаринки романтик бўёқларда ишланса, Завқийда эса қатъий реалистик тасвир етакчилик қилади:

Ёр келурга замона йўқ, келмаса келмасун, нетай?
Сарф этарга ҳазона йўқ, келмаса келмасун, нетай?

Кўринадики, анъаналарга суяниш, салафлар таъсирида ижод қилиш шоир ижодининг илк даври учун етакчи хусусиятдир.

Завқий - миллий уйғониш ғояларининг қуйчиси, забардаст шоир бўлиб етишуви ижодининг XIX аср ўрталаридан 1917 йилги Октябргача бўлган даврга тўғри келади. Бу йиллар шоир ижоди юксак такомилга эришди. Ижодий меросидаги асарларнинг кўпчилиги - лирик ғазал ва мухаммаслари, ўткир ҳажвиялари шу давр маҳсули бўлиб, улар миллий уйғониш даври адабиёти хазинасига қўшилган катта ҳиссадир. Шоир бу даврда халқнинг бир томондан Чор Россияси, иккинчи томондан маҳаллий бой – амалдорлар зулмидан эзилганлигини кўриб чуқур қайғурди. Ижтимоий мавзудаги шеърларининг аксариятини халқ манфаатлари ҳимоясига йўналтирди ва ўзини қуршаб турган ижтимоий воқеликка ана шу нуқтаи назардан баҳо берди. Шу сабабдан ҳам унинг бу даврдаги шеърляти халқчиллик руҳи билан суғорилган бўлиб, реалистик методга асослангандир. Мавжуд ижтимоий тартибларни ғоявий-ҳиссий инкор этиш йўлидан борган шоир замона иллатларини қаттиқ қоралайди. Айни чоғда у ўзини ғазабга солган бу тартибларнинг бир кун чилпарчин бўлишига ишонди, эрку озодлик келтирадиган янги замонни аниқ-равшан кўролмаса-да, уни интизорлик билан орзиқиб кутди. Шоир мана шу ижтимоий орзу-умидларни қоғозга тушириш, ўзи мансуб бўлган халқ билан баҳам кўришга интилди.

Завқий ижодининг сўнгги даври. Бу давр шоир ижодининг 1917 йилги Октябрдан умрининг охиригача бўлган босқичидир. Завқий Шўро ҳукумати ўзбек халқи ҳаётида янги саҳифа очади, уни бахтли ҳаётга олиб чиқади, деб ишонди ва натижада “бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас, мунаввар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас” мисралари каби чинакам озодликдан баҳра олишни орзулаган лирик қаҳрамон кечинмалари ифодаланган асарлари пайдо бўлди.

Маълумки, миллий уйғониш даври, айниқса, унинг илк мустамлакачилик босқичи адабиёти бир қатор муҳим хусусиятларга эга бўлди. Булар, биринчидан, сўз санъатида халқчилликнинг бош тамойилга айланиши; иккинчидан, миллатни уйғотиш овозининг устуворлиги; учинчидан, маърифатга даъват этиш руҳи; тўртинчидан, реал воқеликни танқидий ўзлаштириш; бешинчидан, реалистик метод имкониятларини тасарруф этиши; олтинчидан, фольклор анъаналарига таяниш, еттинчидан, бадий тилнинг умумхалқ тилига яқинлашиши ва ҳоказолардир. Айтиш мумкинки, Завқий

ижодида мана шу хусусиятларнинг барчаси мавжуддир. Унда бу хусусиятлар шунчаки учрабгина қолмай, балки жуда ёрқин тарзда кўринадик, бу эса уни миллий уйғониш даври адабиётининг энг етук вакиллари қаторига қўйиш учун асос бўлади.

Миллий уйғониш даврининг аксарият намоёндалари каби Завқий ҳам ўзбек ҳажвиётининг усталаридан эди. Чунки бунинг ижтимоий-тарихий шароитининг ўзи талаб этардики, эски чириб бораётган тартибларни бадиий тафаккур мезонлари билан кўриб чиқиш ҳаётий заруратга айланган эди. Завқий устоз деб билгани Муқимий, Фурқат каби шоирлардан реал воқеликни ҳажвий йўсинда қайта бадиий яратиш усул ва воситаларини ўрганди. Ўз ҳажвияларида жамиятнинг ривожига ғов бўлаётган иллатларни қоралади, унинг ҳажви кичик танқиддан юқори босқичдаги жамиятнинг сиёсий масаласигача етиб борди. “Замона кимники?”, “Дар мазаммати замона”, “Бўл”, “Мунча кўп” номли шеърлари, «Абдурахмон шайтон», «Уй пули», «Воқеаи қози сайлов» каби сатирик асарлари, «Отим», «Отинг», «Сигирим» каби юморлари шулар жумласидандир. Мазкур шеърларда шоир ўз замонасига, унда ўрнатилган тартибларга, ҳоким гуруҳлар сиёсатига қарши боради ва уларни ўтқир ҳажв остига олади. Айниқса, “Замона кимники?” шеърида замона иллатларига бўлган ўтқир танқидий муносабат янада яққол кўзга ташланади. Шоир ўз шеърида замона кимники, деган саволга очиқ-ойдин замона “силлиқ саллоники”, “ҳокиму мирзоники”, “сурати зебоники” эканлигини айтади.

Завқийнинг “Бўл” радибли шеърида ҳам яна ўша “замона зўрники” шиори билан яшовчиларга нисбатан исёни бошқача бир ифодада, аниқроқ қилиб айтганда, заҳархандалик билан бўй кўрсатади:

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл,
Ақчадин лангар чўп ушлаб, растанинг дорбози бўл.

Шоирнинг “Уй пули”, “Золим пули”, “Вексел” каби шеърларида ўлкага янги кириб келаётган янгиликлар – вексель ва пул ислоҳоти масалаларининг барча иллатлари қаламга олинади.

Айни пайтда, шоирнинг “Воқеаи қози сайлов”, “Қаҳатчилик” номли маснавий йўлида ёзилган ихчам дostonларида ҳам зиддиятли давр воқеликлари акс эттирилган. Уларнинг иккиси ҳам воқеий асосга эга. Биринчисидан, 1910 йилда Қўқоннинг Хўжанд даҳаси қозилигига сайлов жараёнида юз берган қаллоблик, порахўрлик, виждонсизлик фoш этилади. Асарда иштирок этувчилар барчага таниш “сиймолар”: собиқ қози Ҳакимжон, ишлаб турган қози – мулла Камол, шотирлар – Шокирқора, Олимқовоқ, Ҳасан аълам, қозиларга “қозилик” қилувчи шаҳар ҳокими – Мединский. Воқеа қозилик мансабини талашиш ҳангомаси билан бошланиб, “ҳоким ройи” Мединскийнинг Ҳакимжонга бурилиб, уни қўллаб қози қилиши билан якунланади.

“Қаҳатчилик” асарида эса 1916 йилги очарчиликнинг фожиавий манзаралари ҳоким ва мутеъ муносабатлари мисолида очиб берилади. Халқ ғалаёни дostonнинг марказини ташкил қилади, очликдан қирилиб кетаётган халқ ғазоби ҳукумат маъмурларига қаратилган эди:

Ҳамма шовқин солиб, ким юлди сочин,
Дедилар: “Барчамиз оч, қил иложин”.
Бу янглиғ хор бўлғайму одамзод,
Агар қодир эсангким, айла имдод...

Бу эса халқ ғалаёнлари шаклида намоён бўлган миллий озодлик ҳаракатининг дастлабки кўриниши эди. Завқийнинг мазкур мухаммаси ёзма адабиётда илк бора шу шаклдаги миллий озодлик ҳаракатини очиб берувчи асар бўлди.

Завқийнинг Муқимий билан мушоира йўсинида ёзган ҳазил-мутуйибалари, “Саёҳатнома”си ва шеърий мактублари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга. Завқий Муқимий бошлаб берган анъанани давом эттириб, ўз ижодида “Сув жанжали”, “Обид мингбоши ҳақида ҳажв” ва “Шоҳимардон хотираси” номли саёҳатнома асарларини яратди.

“Сув жанжали” саёҳатномаси 6 банд, 24 мисрадан иборат бўлиб, қишлоқ ҳаёти учун муҳим бўлган сув муаммоси ҳақида. “Обид мингбоши ҳақида ҳажв”да эса қишлоқ мингбошиси Обиднинг кирдикорлари очиб ташланади. Ҳар икки саёҳатнома тағзаминида Завқий яшаган Каримбобо қишлоғининг ҳаёти ётади.

“Шоҳимардон хотираси” саёҳатномаси Завқийнинг 1898 йилда Шоҳимардонга қилган саёҳати таассуротларида ёзилган бўлиб, унда Шоҳимардон табиати таъриф – тавсиф этилади.

Хуллас, шоир Завқий ҳаёти ва фаолияти, айтиб ўтганимиздек, XIX асрнинг II ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларини ташкил қилади. Бу санъаткор шоир ҳамма вақт халқ манфаатини кўзлаб иш тутди, унинг орзу-умидларини куйлади.

Савол ва топшириқлар

1. Шоирнинг лирик шеърларидан бирини бадий таҳлил қилинг.
2. “Ажаб эрмас” мухаммасида илгари сурилган ғоя нимадан иборат?
3. Шоир ижодида ижтимоий-сиёсий лириканинг ўрни қандай?
4. Завқий ҳажвиёти ҳақида нима дея оласиз?
5. Завқий шеъриятининг норозилик нидолари, замона садолари қақшатқич ҳажву фош этиш услуби билан йўғрилганлигини боиси нимада?
6. Шоирнинг қайси шеърида Ватан ва миллатнинг келажаги ҳақидаги орзу – умидлар акс этган?

Таянч иборалар

1. Завқий ҳаёти.
2. Завқийнинг сиёсий лирикаси.
3. Завқий ҳажвиёти.
4. Завқий юморлари.
5. Завқийнинг дostonлари.
6. Завқийнинг саёҳатномаси.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Завқий «Танланган асарлар». Т, 1958 йил
2. Ҳ.Раззаков, «Завқий ҳаёти ва ижоди». Т, 1955 йил.
3. Ғ.Каримов «Ўзбек адабиёти тарихи». Т, «Ўқитувчи», 1987 йил.

Мавзу: Анбар Отин ҳаёти ва ижоди

(1870 – ? йил)

Анбар Отин ижодининг ўрганилиши. Шоиранинг ҳаёти ҳақида. Анбар Отин лирикаси. Шоира асарларида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг кўтарилиши. «Қаролар фалсафаси» асари. Келажак ҳақида ўйларининг бадиий ифодаси.

Аёл ижодкорлар орасида Анбар Отин Нодирадан кейинги даврнинг эркин адабий сиймосидир. Унинг асарларида миллий онгни уйғотиш, жамиятни тараққиётга ундаш, ўз халқини бошқа халқлар билан солиштирган ҳолда илғор давлатларга тенглашишга даъват ғоялари ёниқ сўз билан ташвиқ қилинган.

Анбар Отиннинг ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор ўзбек адабиётида 1960 йиллардан бошланди. Шоира ижодиётини ўрганиш, тўплаш, нашр этиш ишлари билан профессор А.Қаюмов ва Ф.Хусаиновалар шуғулланганлар. Уларнинг сайёи ҳаракатлари билан 1963 йилда шоира шеърлари топилди ва мажмуа ҳолига келтирилиб, “Анбар Отин. Шеърлар” номи билан чоп этилди. Шоира ижодини оммалаштириш мақсадида ушбу тадқиқотчиларнинг 1964 йилда шоира ҳаёти ва ижодини ёритувчи “Демократ шоира Анбар Отин” номли рисоласи босилиб чиқди. 1970 йили шоира асарларининг тўлдирилган наشري чоп этилди. Адабиётшунослигимизда шоира ижоди бўйича изланишлар изчил амалга оширилди. 1966 йилда араб алифбосига бағишланган “Якка байтлар”и топилди. 1977 йилда эса адабиётшунос М.Қодирова унинг 17 шеърини ўзбекча таржимаси билан нашр эттиради. 1991 йилда А.Жалолов “XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти” номли китобида Анбар Отин ижодининг таҳлилига кенг ўрин ажратди.

Шоира 1870 йилда Қўқонда Бузрукхўжа маҳалласида туғилди. Унинг отаси асли Марғилондан бўлиб, шоира туғилмасдан аввал турмуш тақозосига кўра

Қўқонга кўчиб келган. Шоиранинг отаси Фармонқул шоира Увайсийга жиян бўлган, бўзчилик касби билан шуғулланган. Онаси ҳам қўқонлик оддий косиб оиласидан эди. Бу ҳақда шоиранинг ўзи шундай ёзади:

Отам - Фармонкулийи Марғилоний,
Онам -Ашурбибийи Қўқоний.
Алар белбоқчи-бўзчи эрди касби,
Ҳамиша маккайидин эрди нони.

Халқимиз орасида «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деган мақол бекорга юрмайди. Демак, бу касбнинг эгалари деярли ҳеч қачон иқтисодий тангликдан чиқа олмаганлар. Худди шунингдек, Фармонқул оиласи ҳам моддий тангликда яшаганлигини шоира қуйидагича ифодалайди:

Ки «бўзчи ёлчимас белбоққа доим»,
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони.

Яна Анбар Отин таниқли шоира Дилшод Барно қўлида таълим олган. Устозининг ижодкор эканлиги, Шарқ мумтоз адабиётининг намоёндалари ижодиётига шогирдларни қизиқтира олганлиги, қолаверса, бадииятга интилиш унинг қонида бўлганлиги сабабли Анбарой жуда берилиб ўқийди, шеърлар машқ қилади. Устоз ўз шогирди ҳақида мана бундай илиқ ва умидли сўзларни айтган эди: «Анбар Отин буғдойранг, сунбулсоч, оҳу кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамда одоби писандида соҳибидур. Бу саккиз яшар қизчалигига қарамасдан ҳазрати Навоий назмиётларини ўрганишга беҳад қизиқади. Бу ожиза саккиздан ўн тўрт ёшгача адаб таълимига машғул бўлди. Умидим борки, бу қизча катта шоира бўлғуси».

Ўн тўрт ёшларида Анбаройни Зоҳидхўжа исмли камбағал новвой йигитга узатишади. Зоҳидхўжа ҳам шеърятга ихлосманд киши бўлиб, кўпгина шоирларнинг ғазалларини ёддан билар ва баланд овозда ўқиб юрар эди. Шунингдек, ўз даврининг деярли барча макондош шоирлари билан таниш бўлган. Бу зиёли оилада Мўминхўжа, Бибихон, Усмонхўжа, Оминахон исмли фарзандлар дунё юзини кўрадилар.

Анбарой ўткир зеҳни, истеъдоди билан маҳалла аёллари ўртасида ҳурмат қозонган. Халқ уни отинча, Анбар отин деб эъзозлайди. Халқ қўйган бу номдан мамнун бўлган шоира ўзига «Анбар отин» тахаллусини қабул қилган.

Шоира тўғрисўзлиги, иккиюзламачилик, мунофиқликни, муттаҳамликни ёмон кўрганлиги ва текинхўрларни, золимларни қоралаб юрганлиги учун бой хонимларга ёқмайди. Кунлардан бирида уни Олим мингбошининг уйида бўладиган зиёфатга таклиф қилишади, у ерда калтаклаб баланд зинадан итариб юборишади. Шоиранинг икки оёғи синади, шол бўлиб қолади. Муолажалар фойда бермайди. Бунинг устига ўпкаси ҳам хасталаниб қолади. Шоира узок йиллар тўшакда ётиб қолади. Аммо ноумид бўлмайди, ижод қилишда давом этади. Фарзандларининг тарбияси ва таҳсилига алоҳида эътибор беради. Шоира ўзининг ётиб қолганлиги ва фарзандлари ҳақида шундай ёзади:

Мани фарзандларим тўрт бўлдию бас,
Мўминхўжам эди андак ёмони.
Бибиҳон - роҳати жоним, анисим,
Ғариблик, дардмандлик дармони.
Ётиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз,
Анинг бирла топиб жоним омони.
Усмонхўжа – ҳалиму қобилимдур,
Ўқитди устод Хайруллохони.
Мани дардимга қўшди минг аламлар,
Вафот эткан қизим ул Оминахони.

Мисралардан ҳам аёнки, хастаманд шоирага қизи Оминанинг бевақт вафоти қаттиқ зарба бўлади.

Шоира тахминан 1914 -1917 йиллар оралиғида вафот этади.

Анбар Отиннинг ижодий мероси деярли шеърый асарлардан иборат. Унинг ўз қўли билан ёзган девони сақлаб қолинган. Бу девон шоиранинг ўғли Усмонхўжа Зоҳидов томонидан Қўқон адабиёт музейига тақдим этилган. Девоннинг ҳажми 685 мисра бўлиб, унга кирган шеърларни шоира асосан ҳаётининг кейинги йилларида яратган бўлиши керак, деган тахминлар бор. Юқорида эътироф этганимиздек, 60-йилларда шоиранинг фарзандлари ва бошқа уларга яқин бўлган кишилар томонидан бир неча шеърлари, алоҳида шеърый тўплами тақдим этилди. Тўплам «хуруфи ҳижо» тарзидаги асарлардан иборат, яъни шоира уларни яқка байтлар деб айтадики, бунда араб ҳарфларининг ҳар бирига алоҳида кичик шеърлар битилган.

Анбар Отин лирикаси алоҳида ўзига хос ижоддир. Шоира анъанавий тарздаги интим асарларни жуда оз яратган. У ҳаётда рўй бераётган ҳар бир воқеага безътибор бўлмайдди, аксинча, синчковлик билан кузатиб ўз қарашларини назмий йўл билан ифода этади:

Эй болам, Хайруллохон мактаб очибдур борингиз,
Албатта, шу янги мактабда ўқунгиз, борингиз.
Ерда ўлтурмай ҳарракда ўлтурурмиш болалар,
Тоза тургай уст-бошу жомаи дасторингиз.
Ўргатармиш турк тилида ҳар илмдан борини,
Келгусида шу билимлар бирла бўлғай корингиз.

Бу шеър ҳаётий воқелик асосида яратилган, яъни ўша даврнинг йирик ва номдор маърифатпарварларидан Хайруллохон исмли мударрис шоира истиқомат қилаётган Бузрукхўжа маҳалласида биринчилардан бўлиб “усули жаҳид” мактабини очади. Мактаб ўз-ўзидан эски, “қадимия” мактабларидан тубдан фарқ қилади. Болалар энди ерларда эмас, “харрак”- стулларда ўтирадилар, уст бошлари ҳам озода сақланиб, дарслар турк тилида олиб борилади. Шоира бу манзарани юқоридагидек содда ва таъсирли мисраларда

баён этади. Назаримизда, бу оддий шеър эмас, қалби қайноқ шоиранинг янгилик ва яхшиликка чақирувчи даъватномаси эди.

Қуйидаги мисраларда шоиранинг ватанига бўлган муҳаббати содда, самимий изҳор қилинади, у Ватанни иккинчи она сифатида талқин қилади:

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур санга иккинчи она.

Унинг Ватанга содиқ фарзанд бўлишлик ҳақидаги хитоби ҳам содда, аммо ўзгача:

Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Анбар отин ижодининг ўзига хослиги шундаки, Туркистон аёлларининг қисматларини шеърятга олиб кирди. У шеърларида ҳақ-ҳукуқи поймол бўлган, топталган Шарқ аёллари номидан исён кўтаради:

“Аёллар сочи узун, ақли қисқадур” деганларга,
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун...
“Хотунлар мол қатори сотилур”, деб муштипарларни
Зулайҳо, Лайли, Ширинни тан олмаганларга ўт тушсун.

Шоира халқ ҳаётини кўп ўйлаган, ўзича таҳлил қилган. Хаёлга берилиб, ундан завқланган, хаёлларини реалликка айланишини астойдил истаган. Қуйидаги мисралар шоиранинг ана шундай орзу-умидлари:

Бир замонни ўйлагайман, ҳеч замонга ўхшамас,
Бу жаҳон бурчида тўртдан бир томонга ўхшамас.
Дашту саҳро бош оёқ бўлгай тамоми бўстон,
Бу замоннинг бўстони, бўстонга ўхшамас.
Тоғларидин кўп хазина мени ол, деб қичқирур,
Жилғалар шаҳри азиму кўҳистонга ўхшамас.

Анбар отин ижодида ишқий ғазаллар кўп бўлмасада, улар сифат жиҳатдан салмоқлидир. Шоира ишқий тасвирларда оригиналликка интилганлиги яққол сезилади:

Сенсиз баҳор ўлмади, гул ҳам бирор бор кулмади,
Таъбим бирон очилмади, сан дилрабодин ўргулай.

Шоира лирикаси асосан адаб ва ҳаёга йўғрилган кечинмалар ифодасидан иборат. Эҳтиросли туйғулар баёнида ҳам шоира ўта одоб ва андиша билан дилдаги сирларини баён этади:

Қай куни бўлгайки, бўстонимга бир меҳмон келур?

Гул очилгон чоғида бир булбули хандон келур?

Шунигдек, у кўнгил розлари баёнида соддалик йўл тутди ва айна пайтда куйма сатрлар, янги ташбеҳ, муболағаларни қўллайди: Бир шеърида дилдаги сирларни ёзиш учун ернинг кенглигидаги ғоз қаноти лозимлигини айтади:

Патларингни кенгайтиргил шунчаки,
Ҳар бирини ер кенглигида сан ёз.
Қанотингга юрак сирларин битай,
Ғамгусорим тарафига эт парвоз.

Анбар Отин шеърларининг асосий қисми ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар, мунозаралар, танқидий қарашлардан иборат бўлган асарлардир. Шоира ҳаётда икки нарса билан келиша олмайди: биринчиси, одамлар орасидаги тенгсизлик, зўравонлик бўлса, иккинчиси, биринчиси билан боғлиқ ҳолда бировларни менсимаслик, такаббурлик, бойлик туфайли илмга қизиқмасликдир.

Ҳаётда улуғ мақсадлар билан яшаган шоира ижодда ўзига ҳам, бошқа ижодкорларга ҳам юксак талабларни қўяди:

Шоира эрсанг вақти-вақти бирла мушоира қил,
Ул Ҳазиний тўдаси кирибон мунозара қил...
Кимсаким халқ ғамидин ғами бўлурса, анго сан,
Ёндошиб ҳар ишда ул ила мутуйиба қил.

Шоиранинг «Якка байт»лари асосан дидактик характердадир. Аммо уларда ижтимоий-сиёсий қарашлар ҳам мавжуд. Шоиранинг бу туркумдаги шеърлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас ва келажакда йўқотмайди ҳам. Ҳар бир китобхон қуйидаги байтларни ўқиб, бу фикрнинг тўғрилигига иқдор бўлади:

Сўзламасдин олдин сўзингни сина.
Ҳар бир сўздур умринг ичинда зина.

Одами эрсанг, ташқи сураат берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Машаққатсиз ҳунардан чиқмайди дур,
Ҳаёнсиз илм дурдин кўб эрур дур.

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.

Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси» («Фалсафаи сиёҳон») асари алоҳида хусусиятга эга. Муаллиф унинг кириш қисмидан ташқари, тўрт фаслга бўлган. Кириш қисмида ўз режаларини баён этади. Жумладан, шундай дейди: «...барча

бахти қаро, фарқи қаро, гарчи қаролар ул қазо зулмат ичра зулм қайдида мадфундурларки, алар ҳоли остидаги қаро мўрчани кўргувчи мутафаккир донишманд адиб аҳли нафис чоралар билан ифода этурлар, баён этгум».

Биринчи фаслда шоира қаро нарсалар: қаро бахт, қаро ният, қаро тусли халқларни таъриф-тавсиф этади; иккинчи фаслда оналар ҳаёти ва уларнинг ўз замонасидаги тақдири ҳақида фикр юритади; учинчи фаслда шоира бахти қароликнинг асл фалсафий моҳиятини кўрсатиб беради; тўртинчи фаслда қаро зулмат, яъни ўша замондаги ижтимоий ҳаёт кирдикорлари фош этилади.

Анбар Отин бу асари орқали ўзбек халқининг, ўзбек аёлларининг исёнкор шоираси сифатида намоён бўлди.

Савол ва топшириқлар:

1. Анбар Отин ва бой хотинлар орасидаги зиддиятнинг сабаб ва натижалари.
2. Шоира ўз даври ижодкорларининг қайсиларига қандай муносабатда бўлди?
3. Шоира иқтисодий, маънавий, маърифий, техникавий масалаларга оид қандай орзулар қилди?
4. Шоиранинг ижтимоий-фалсафий қарашларини аниқланг.
5. Шоира жасорати ва фожиясига муносабат билдиринг.

Таянч иборалар:

1. Анбар Отиннинг ҳаёт йўли ва адабий мероси.
2. Анбар Отиннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
3. Якка байтлар ёки «Ҳуруфи ҳижо».
4. «Қаролар фалсафаси».

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Анбар Отин . «Шеърлар. Рисола». Т, 1963 йил.
2. Ф.Ҳусаинова. «Демократ шоира А.Отин». Т, 1964 йил.
3. М.Қодирова. «XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири», Т, 1977 йил.
4. Б.Қосимов. «Излай-излай топганим...» Т, 1983 йил.

Мавзу: Исҳоқхон Иброт ҳаёти ва ижоди (2 соат) (1862-1937)

***Ибротнинг ҳаёт йўли. Шоирнинг маърифатпарварлик фаолияти.
Иброт – илк ўзбек матбаачиси. Иброт – тилишунос ва тарихчи.***

Миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири Исҳоқхон Иброт фаолият доираси кенг, Ватан, халқ истиқлоли учун жонини фидо қилган тараққийпарвар инсон сифатида машҳурдир.

Исҳоқхон Жунайдулло ўғли Ибрат 1862 йилда Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон туманида туғилди. Унинг ота-оналари Жунайдуллаҳўжа ва Ҳурибиби ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлганлар. Унинг отаси Шарқ мумтоз адабиётидан яхшигина хабардор бўлган, Ходим тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Онаси эса уйда қизларни тўплаб ўқитар, уларга Навоий, Жомий, Машраб ғазалларини таҳлил қилиб берар, ёзув ва ҳуснихатдан ҳам сабоқ берар эди. Ёш Исҳоқхон ҳам илк таҳсилни онасидан олади. Бу ҳақда шоир шундай ёзади: «Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 адад муаллимда ўқуб, охириги саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда, волидаи мухтарамамдан ўқув савод чиқардим. Икки сана қиблагохимдан ҳуснихат машқ этдим».

Саккиз ёшида отаси вафот этади. Онаси унинг таълим-тарбиясига катта эътибор бериб, 1878 йилда Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига ўқишга юборади. Ибратнинг Қўқон мадрасасида таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) ўзбек адабиёти, маданий ҳаётида туб ўзгариш содир бўлаётган даврга тўғри келди. Унинг бу адабий-маданий ҳаётдан баҳраманд бўлганлиги табиий, албатта. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари – Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ҳазиний ва Муҳйилар билан яқин алоқада бўлган, адабий мушоираларининг фаол иштирокчисига айланган.

Мадрасада у фақат мадраса илмлари билангина чекланиб қолмай, араб, форс, рус тилларини ҳам пухта ўрганди. 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатган бўлажак шоир ота қишлоғи Тўрақўрғонга қайтиб келади ва ўз фаолиятини маърифат тарқатиш билан бошлайди – қишлоқда янгича усулдаги мактаб очади. Ўқиш ва ўқитиш юқори савияда бўлган бу мактабнинг умри қисқа бўлди. Баъзи бир жоҳил мутаассиблар мазкур мактабни «кофирлар мактаби» деб мактабга келувчиларни қайтаришга ҳаракат қилдилар ва генерал-губернаторлик амалдорлари ёрдамида ёптирдилар.

1887 йилда, яъни 25 ёшида онасини Маккага олиб боришга отланади. Бироқ, онаизори Жидда шаҳрида ўпка шамоллаш касаллиги билан вафот этади. Ибратнинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги орзуларини амалга ошириш бўлса, иккинчидан, чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш эди.

Исҳоқхон Ибрат онасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттирди, шу билан бирга у Истанбул, Сурия, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Манбаларда келтирилишича, “анча вақтгача Афғонистоннинг Қобул, Арабистоннинг Жидда каби шаҳарларида истиқомат қилди. Макка шаҳридан Қизил Денгиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга келди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калкуттада яшади”¹. У бу ерда араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини, шу билан бирга энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди. Замондоши Иброҳим Даврон Ибратни кўп тилларни мукаммал билганлигини эътироф этиб, «жаноблари туркча, форсча,

¹Қаранг. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. Т., “Маънавият”, 2004, 167-181 бетлар.

ҳиндча, русча лисон билиб, яна русча, французча, арманича ва бошқа хатлар ёзмокқа мохирдурлар» деб хотирлайди.

Ибрат ниҳоят 1896 йилда Қашқар орқали ўз юртига қайтиб келди. У Ҳиндистондан «Сантур» деб аталадиган музика аппаратини олиб келади, ҳамқишлоқларига эшиттиради.

Ўзи кўп тилларни билишга интиланган Ибрат ўзбек фарзандларининг Европа тилларини билишларини хоҳлар эди. Шу мақсадда у олти тилдаги: араб, форс, ҳинд, турк, рус ва ўзбек тилларидаги «Луғати ситта-ал-сина» («Олти тилли луғат»)ни яратди. Мазкур асар узоқ саргузаштлардан сўнг 1901 йилда Тошкентдаги В.И.Ильин босмахонасида нашрдан чиқди. Луғат 6 тиллик, анча мураккаб, ўзбекча сўзларнинг қаршисида арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча таржималари берилади. У мингдан ортиқ сўзни ўз ичига олиб, 53 бетдан иборат, 2 қисмдан ташкил топган.

Кейинроқ «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мазмуаси») номли илмий асар яратди. Бу асарда муаллиф ёзувларнинг энг ибтидоийси – пиктографик ёзувлардан то сўнгги давр энг мукаммал ёзувларгача босиб ўтган тараққиёт тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Олимнинг мазкур асари катта ҳажмда – 132-бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг «Матбаи Исҳоқия» босмахонасида нашр қилинди. «Жомеъ ул-хутут» дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув системаси ҳақида, жумладан, араб хатининг сулс, тақеъ, райҳон, зулф, ҳумоюн, турра каби шакллари ҳақида маълумот беради.

Ибрат мактаб-маориф ишларида янгиликка интилишда давом этди. У 1907 йилда ўз хонадонида янги усулдаги мактаб очди. Ўзи очган мактабни стол, стул, парта, доска, янги дарсликлар билан таъминлади. Мактабда 25-30га яқин қишлоқ боласини ўқитди. Мактаб учун дарсликлар ёзди. Унинг 14 та илмий-педагогик асари мавжуд. Мутахассислар Ибратни мактабга янгича ўқитиш усулларида яхши хабардор бўлган педагог Ҳусайн Макаев ва унинг рафиқаси Фотима Макаеваларни ўқитувчи сифатида хизмат қилишга таклиф қилганлигини таъкидлайдилар. Бизнингча, бу Ибрат домланинг ўз мактабини мавқеи ва нуфузини ошириш мақсадида олиб борган хайрли ташвиқоти эди. Булардан ташқари Исҳоқхон тўра илғор мактабдорлардан бири сифатида мактабига яна бир янгилик – ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди.

Маориф ва маданият, халқ онгининг шаклланиши ва ривожланишида газетанинг аҳамияти катта. Буни онгли тушунган Исҳоқхон Ибрат 1913 йилда «Матбааи Исҳоқия» қошида «Ал-тижор ал-Наманган» номида газета чиқаришга ҳаракат қилди ва бу ҳақда ҳукуматга ариза ҳам беради. Бу анчайин шов-шувдор воқелик бўлди, ҳатто бу ҳақда Уфада чиқадиган, Ўрта Осиёда, умуман, туркий дунёда анча машҳур бўлган «Вақт» газетаси ушбу хушхабарни қуйидагича маълум қилади: «Наманган мўътабариндин Исҳоқ қози ҳазратлари «Ал-тижор ал-Наманган» исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 йилда Наманганда бир матбаа очган эди. Бу йил «Кутубхонаи Исҳоқия» исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларинда бўлгон адабиёт китоблари олдириди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳадиндадур. Чин кўнгулдан муваффақият тилаймиз».

Маърифатпарвар Исҳоқхон газета нашр қилишга муваффақ бўла олмади, лекин ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Мазкур кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, фор-тожик тилларида кўплаб китоблар бўлган, бу кутубхонадан нафақат ўзи, қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Энг муҳими, кутубхонада болалар учун даврнинг нуфузли дарсликлари мавжуд эди. Хусусан, Исмоилбек Гаспиралининг “Хўжаи сибён”, Саидрасул Саидазизовнинг “Устои аввал”, Мунавварқорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, Беҳбудийнинг “Асбоби таълими савод”, “Китобатул атфол” каби дарслик қўлланмалар бўлган. Ибрат кутубхона аъзоларининг китоб олиш ва ўқиб бўлгач, уни топшириш дафтарларини ҳам ташкил қилган, аъзоларнинг, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишларини Исҳоқхоннинг ўзи назорат қилиб борган. Кутубхонадаги китоб фонди йил сайин катталашиб, аъзолар сони ортиб борган. «Кутубхонаи Исҳоқия» китоб фондининг катталашиб боришида «Матбааи Исҳоқия» катта рол ўйнаган. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха «Кутубхонаи Исҳоқия»га топширилар эди.

“Миллий уйғониш” дарслигида шоир ҳаётининг сўнгги йиллари фактлар асосида шундай белгиланади: “Исҳоқхон Ибратнинг сўнгги йиллардаги ҳаёти анча таҳликали ўтди. Биринчидан, қарилик. Иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан барча лавозимлардан четлатилган, қарилик нафақаси ҳам тайинланмаган эди. Шоир тепасида ҳам қатағон булутлари қуюқлашиб борарди”.

Дарҳақиқат, 1937 йилги қатағонли кунлар Ватанимизнинг фозил кишилари қаторида Исҳоқхон Ибратни ҳам аждарҳодай ўз қомига тортди. 75 ёшли кекса шоирни Андижон турмасига ташлашди. Турмада 2 ой ётиб, ҳаётдан кўз юмди.

Ибрат ҳаёти давомида кўп савобли ишларни амалга оширди. Чунончи, отасидан қолган уч таноб ерни халқ учун гулбоғ қилди. 150 туп арча, бошқа жуда кўп хилдаги Европа манзарали дарахтларини эктирди. Дарвозага «хуш келибсиз, Исҳоқия боғига» деб ёздирди.

Ибрат ўзининг 1916 йилда яратган «Тарихи маданият» асарида кейинги 20 йил ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асарлар ва 30 йиллик назмий ижодининг мажмуи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини яратди.

Ибрат ўз назмий ижодида анъанавий усулдан бормади, ўз фикру қарашларини, орзу-умидларини содда ва жўн, лекин таъсирли қилиб ифода этди. Яратилган шеърлар ўзининг мазмуни ва илгари сурган ғояларига кўра жуда халқчил, инсонпарварона характерга эга:

Кўб фойдалар қўюб неча дўконлар,
Қилди фуқарони кўп дилозор.
Етмай кучи неча камбағаллар
Йиғлар эди вақти бемаҳаллар.

Шоир ўз босмахонасининг қурилиб ишга туширилиши муносабати билан ёзган шеърида ўзининг оддий кишилар қатори яшаётганлигини, катта бинолар қуриб ёдгорлик қолдиришга маблағи йўқлигини, аммо халққа бевосита фойда

келтирадиган, уларни маърифатли қилиш йўлида иш берадиган бино босмахона қуриб битирганлигини айтади.

Маълумотларга кўра, босмахона дастгоҳлари Россиядан поездда, Қўқондан туяларда олиб келинган. Уни ўрнатиш ва ишлатиш учун мутахассислар ёлланган. Шунга қарамай, Ибрат камтарлик билан «Мен бой эмасман» дейди, яъни у топган маблағини ўз вақтида халқ йўлида сарфлаб турган, бошқаларни ҳам шундай ишларга даъват этган ёки хасисларни танқид қилган:

Мен катта бой эмасдимки, айласам биное,
Даҳлим етишмас эрди рўзғори чою нона.
Сад хайфким ғанийлар сарфини билмадилар,
Еб-ичтилар семуриб сифмай туруб чофона.
Ўз асримизда ўтди бир неча ағниёлар
Қолдирмайин нишона, ер остин этти хона.

Маданият ва маърифат тарқатувчи воситалардан бири газета эканлигига Ибрат катта эътибор билан қарайди. Бир ўринда шундай ёзади: «Газеталар хўб яхши экан. Оламнинг хабарини ҳаммага билдируб турар экан. Газета қаерда бўлса, ул элни маданиятли қилар экан. Газеталарнинг роли ва аҳамияти ҳақида Ибрат «Газетадур жаҳон аҳлига бир лисон; «Табрик Намангандин», «Манзума Ибратдин» каби шеърлар яратди. Жумладан, шоир бундай ёзади:

Кўрдим, Ибрат, жаҳон машаққатини,
Кутамиз эмди ани роҳатини
Маданиятни кўрмай одамдин,
Кетмасак эрди ушбу оламдин...»

Ибрат ижодиёти мавзу жиҳатидан яқранг эмас. Унинг

Муяссар бўлса ул жонон, ато қилса ўшал Субҳон,
Йўлида жон қилай қурбон, саҳар вақти чаман ичра

байтли каби ғазаллари ишқ мавзусига янгича руҳ бағишласа, “Қалайсизлар?”, “Бўлубтур”, “Ўлурсан”, “Шикоят”, “Сийму зардур” каби ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлари ўзбек сатирасини бойитди.

Исҳоқхон Ибрат йирик тарихнавис ҳамдир. Унинг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон-уз замон” каби тарихий-илмий асарлари Ватанимиз тарихи ва маданиятини ўрганишда бирламчи манбалардан бўлиб хизмат қилиши тайин.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоир ҳаётидаги энг ибратли жиҳатлар нимада?
2. Ибратнинг илмий фаолияти қандай?

3. Ибратнинг маданият ва маърифат бобидаги фаолияти ҳақида гапиринг.
4. Ибрат шеърятининг ғоявий-бадiiй хусусияти нимада?

Таянч иборалар:

1. Ибрат – толиби илм.
2. Саёҳат таассуротлари.
3. Ибрат – ношир.
4. Педагогик фаолиятлаги янгилик.
5. Ибрат шеърларида ижтимоий воқелик.
6. Ибрат шеърларида маърифат.
7. Ибратнинг ишқий шеърлари.
8. Ибрат – тилшунос.
9. Ибрат – тарихчи.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона». «Мерос» тўплами. Т, 1992 йил.
2. Б.Қосимов, У.Долимов «Маърифат дарғалари». Т, 1990 йил.
3. У.Долимов, И.Ибрат «Истиклол фидоийлари». Т, 1994 йил.

Мавзу: Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди

(1845-1912 йил)

Сарёмийнинг ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши. Сарёмийнинг ҳаёт йўли. Шоирнинг ижодий мероси. Сарёмий сатираси. Сарёмийнинг ўзбек адабиёти тутган ўрни.

Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди ҳақида дастлабки илмий маълумот Муродхўжа Солиххўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли томонидан ёзилган изоҳли иловасида, Пўлатжон Қаюмийнинг тазкирасида, Мўминжон Тошқиннинг «Тошкент шоирлари...» китобида учрайди. Мазкур мўътабар манбалардаги маълумотлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги дастлабки қадамлар ҳисобланади.

Кейинчалик Сарёмий ижоди ҳақида маълумотлар тўплаш ва баҳолаш билан бирга уни оммага етказиш ҳаракатлари бошланди ва бу йўлда бирмунча жиддий ишлар амалга ошди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Олим Шарафиддиновнинг ҳамда эътиборли олим А.Абдуғофуровнинг бу борадаги хизматларини алоҳида қайд этамиз.

Сарёмий ижодига муносабат турли даврларда турлича кечди. 70-йилларда ҳукмронлик қилган социалистик мафкура шоирнинг дунёқараши, адабиётимиз тарихидаги ўрни ҳақида бир-бирини инкор этувчи фикрларни пайдо қилди.

80-90-йилларда адабиёт тарихи билан боғлиқ баҳсли, муҳмал ташлаб қўйилган масалалар даврга ҳамоҳанг равишда қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Бу ҳол кўп ижодкорлар қаторида Сарёмий ижодига ҳам тегишли бўлди, албатта. Шоир ҳаёти ва мероси унинг ижодида муҳим аҳамият касб этган тасаввуф билан боғлаб ўрганиладиган бўлди. Бу борада С.Зуфаров, Э.Шодиёв, Б.Валиев, Б.Қосимов каби олимларимизнинг эътиборига молик мақолалари матбуот юзидан кўрилади.

Мазкур қилинган ишлар мавзуси кенг ёритиш жиҳатидан ўз ўрнига ва маълум бир илмий аҳамиятга эга бўлсалар-да, Сарёмий ҳаёти ва ижодидан ёритишни мақсад қилиб қўймаганликлари учун адиб ижодидан айрим қирраларигагина тўхтаб ўтадилар. Адабиётшунослик илмимизда Юсуф Сарёмийнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятини яхлит равишда 1999 йилда М.Тожибоева томонидан ўрганилди, «Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодий мероси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди. Ниҳоят, шоир ижодидан оммалаштириш жиддий тус олиб, 2002 йили туркий тилдаги шеърлар мажмуаси «Юсуф Сарёмий. Танланган асарлар» номи билан «Маънавият» нашриётида чоп этилди. 2005 йилда эса адабиётшунос М.Тожибоевнинг шоир ҳаёти ва ижодидан ёритувчи «Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди» монографияси нашр этилди. Бу билан шоир ҳаёти ва ижодидан халққа танитиш, илмий муомалага олиб кириш ва адабиётдаги ўрнини белгилаш имкони яратилди.

Юсуф Сарёмий ҳали ҳаёт вақтидаёқ кенг халқ оммаси орасида танилган ва унинг ижодига бўлган эътибор кучайган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, унинг асарлари ўша даврда тузилган қўлёзма ва тошбосма баёз-мажмуаларга («Баёз» (1893), «Баёз» (1907), «Армуғони Хислат» (1911), «Баёзи Муҳалло» (1912), «Баёзи Гулшани ашъор» (1912), «Баёзи Ҳазиний» (1912) киритилади. Шу жиҳатдан мазкур баёзларга Сарёмий ижодий меросини тўплаш ва мухлисларга етказиш, Сарёмий ижодига бўлган эътибор унинг вафоти (1912-1913) дан кейин бирмунча ортди. 1914 йилда шоир Тавалло Сарёмий асарларини йиғиб, «Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий» деб номланган мажмуа тузди. Бу шоир ижодий меросини ўрганишда асосий ва ягона манбадир.

Шоирнинг исми Юсуф (халқ орасида «Мамаюсуф», «Маюсуф»), отасининг оти Абдушукур, Сарёмий эса тахаллуси нисбадир. «Тазкираи Қаюмий»да Сарёмий туғилиб ўсган манзил ҳақида шундай маълумотга дуч келамиз: «Бу шоир асли Туркистонли ўзбеклардан бўлиб, атроф қасабаларидан Сайрамда туғилиб, Тошканд шаҳарида ўқимиш буюк фозиллардан... Юсуф Сарёмий деб машҳурдур. Ўз исмини тахаллус этмишдур».

Маълум бўлишича, шоир «Юсуф» ва «Сарёмий» тахаллусларини ишлатган. Шеърларини кузатганимизда «Юсуфий» номи билан ҳам ижод этгани маълум бўлади. Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам шоирнинг тахаллуси билан боғлиқ ушбу маълумотларни тасдиқлайди.

Сарёмийнинг туғилган йили ҳақида «Тазкираи Қаюмий»да ҳам, Мўминжон Тошқиннинг «Тошкент шоирлари» тазкирасида ҳам маълумот учратмадик. Кўпгина адабиётларда эса бу сана 1840 йил деб кўрсатилади. Шоир девонига киритилган айрим шеърлар, жумладан, замондошлари томонидан ёзилган тарихлар Юсуф Сарёмийнинг туғилган йили ҳақида аниқ бир тўхтамади келиш

имконини беради. Масалан, Тошкентнинг эътиборли шоирларидан Каримбек Шарифбек ўғли Камий ёзади:

Ўтуб кетти, афсус, даврони Юсуф,
Тутуб мотами қолди аҳвони Юсуф.
Етушганда етмишга умри азиз
Ажал охири тутти домони Юсуф.

Кўринадики, Камий унинг 70 га кириб вафот этганини қайд этяпти. Шоирнинг 1332 ҳижрий (1912-1913 милодий)да вафот этгани аниқ. Сарёмий «етмишга етишган»да «ажал домонини» тутган бўлса, 1262 ҳижрийда туғилган бўлиб чиқади. 1262 ҳижрий эса, 1845-46 милодийга тўғри келади.

Шунга кўра кейинги тадқиқотларда шоирнинг туғилган йили 1840 эмас, 1845-46 йиллар деб белгиланди.

Сарёмийнинг ёшлик йиллари шу шаҳарнинг «Қози Байзо» маҳалласида кечган. Дастлабки таълимни Сарём ва Чимкент шаҳарларидан олган. Шу даврлардан шеър ёза бошлаган. Сарёмий ўз ҳаёти давомида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро шаҳарларига тез-тез бориб тургани маълум. Бу саёҳатлар давомида ушбу шаҳарлардаги олимлар, шоирлар билан танишади, айни пайтда садоқатли дўстлар орттиради. Назаримизда, бу сафарлардан илмий-адабий мақсадлар билан бир қаторда рус босқини даврида Қўқон хонлиги сарҳадига кўчирилган сайрамлик қариндошларини ҳам кўришни кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Хуллас, Мўминжон Тошқин шоирнинг бу сафарлари ҳақида шундай ёзади: «Ҳар йили Юсуф Сарёмий Сарёмдан от билан келиб шу Қосимхонтўра – Музтарибнинг меҳмонхонасига тушиб, 2-3 кун меҳмон бўлгандан кейин, отини шу тўраникига ташлаб, ўзи Бухоро, Самарқанд ҳам Фарғона шаҳарларига адабиётшунос ва ихлосманд одамларникига юриб кетар эди. Шоир Музтариб отбоқар хизматкорига буюриб, сўфийнинг отини боқтириб келтирар, келишига яна совутиб тайёрлатиб қўяр эди».

Сарёмийнинг таниқли шоир бўлиб етишувида ҳаётининг Тошкент даври муҳим аҳамият касб этади. Тошкент сафарлари уни шу юрт билан, ундаги илғор шахслар – Камий, Хислат, Шавкат, Музтариб, Муродхўжа Солиххўжа ўғли каби шоиру илму фозиллар билан жиддий ва бир умрга боғлади. Ҳатто Сарёмийнинг Муқимий билан танишуви ва дўстлашуви ҳам шу сафарлар оралиғида кечади. Закий шеърпараст Юсуфий проф.Б.Қосимов қайд этганидек, айниқса Тошкентда кадр-иззат топди. Тошкентдаги «Беклар беги» мадрасаси ва у ердаги адабий муҳит Сарёмийнинг ижодий камолотга эришувида айрича аҳамият касб этади. Шоир ижодида «Бекларбеги» мадрасаси ҳақидаги «Рашик равоқи жаннат, гар бўлса ёр, манзар» мисраси билан бошланувчи ғазали ҳамда мадраса мударрисининг вафотига бағишлаб ёзилган «Таърих барои фавти ин марсия ҳазрат Баҳодирхон Маҳдум Тошкандий мударриси Бекларбеги» сарлавҳали марсияси ҳам унинг мазкур мадрасага ихлоси баланд бўлганлигидан далолат беради.

Юсуф Сарёмийнинг қачондан бошлаб бадиий ижод билан шуғулланганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. У ҳеч қачон ўзига шоирликни касб қилиб олган эмас. Ҳар қандай чинакам ижодкор сингари бирор воқеа-

ходиса таъсир қилганида бу муносабат кўпинча шеър ҳолида юзага чиққан. Шоирнинг жуда кўп шеърлари мумтоз адабиётимизнинг маълум ва машҳур намоёндаларидан таъсирланиши, илҳом олиш, жавоб қилиш зарурати билан туғилган. Айни пайтда, турли ходисалар, масалан, яқин кишиларнинг вафоти ёки бирор масжид, мадраса, меҳмонхона каби қурилишлар ҳақида ҳам таърихлар, марсиялар ёзган.

Сарёмийнинг Маъди Махсум, Маъдазим, Фазлуллоҳ исмли уч ўғли бўлган. Кенжа ўғли Фазлуллоҳ 1909 йилда оғир касалликка чалиниб, эрта оламдан ўтади. Шоирнинг тирикчилик манбалари ҳақида сўзлаганда, биринчи навбатда, унинг хаттотлик, косиблик, муҳрдорлик касби билан шуғулланганини айтиш керак бўлади.

Шоир Сарёмий 1332 ҳижрий – 1912 милодий йилда ўз қишлоғида вафот этди. Қабри Қози Байзовий мақбарасининг шимол томонида.

Сарёмий ҳаёт вақтида унинг асарлари бирор мажмуага тўпланган эмас. Мўминжон Муҳаммаджонов «Турмуш уринишлари» китобида Сарёмийнинг алифбо тартиби билан йиққан қўлёзма «Шеър мажмуа»си бўлганлиги, «кўби ҳамд, наът ҳам ошиқона ғазаллар» эканлиги ҳақида ёзади. Бундан ташқари, Муродхўжа домланинг Сарёмий йигитлик чоғида Қошғарий Тажаллий деган «соҳиб»нинг шеърдаги иқтидорини эшитиб, уни ўқиш ниятида йўлга чиққанлиги ва Қошғар довоғига етганда қароқчилар унга тажовуз қилганлиги, бу вақтда шоирнинг қўлида бир неча йилдан буён машқ қилган шеърлар тўплами бўлганлиги ҳақидаги қайдини ҳам хотирласак, масала яна ҳам ойдинлашади.

Юқоридаги маълумотларга қараганда, шоир ҳаётлик чоғида асарларини мажмуа ҳолига келтириш ниятида бўлган. Бироқ, баъзи сабабларга кўра, бу иш амалга ошмаган. Қолаверса, унинг бир неча асарлари изсиз йўқолган.

Шундан кейинги асарларини шогирди шоир Тавалло йиғиб, 1332 (1912-1913) йилда девон ҳолига келтирган. Бу мўътабар куллийёт Сарёмий меросини ўрганишда бугунги кунда асосий ва ягона манба бўлиб хизмат қилмоқда.

«Мавлавий Юсуф Сарёмий» деб номланган ушбу девонда шеърлар анъанавий девон тузиш қоидаларига асосланган ҳолда жойлаштирилган бўлиб, ғазал унда ҳам асосий ўринни эгаллайди ва тўпланда алифбонинг деярли ҳамма ҳарфлари билан тугалланадиган ғазаллар бор. Девоннинг умумий ҳажми 160 бет. Девондан 131 ғазал (2706 мисра), 11 рубой (46 мисра), 23 фард (46 мисра), 4 китъа (18 мисра), 25 мухаммас (1065 мисра), 7 таржиъбанд (84 мисра), 14 марсия таржиъбанд (105 мисра), 5 таърих (118 мисра), 6 марсия (287 мисра), 3 мусаддас (122 мисра), 1 муножот (45 мисра), 1 қасида (42 мисра) – жами 12 адабий жанрда ёзилган шеърлари жой олган бўлиб, 4860 мисрани ташкил этади. Девонда шоирнинг форс-тожик тилида ёзилган ғазал, рубой, мухаммаслари ҳам бор.

Юсуф Сарёмий ижодида мавзулар кўлами кенг. Бизга қолдирган меросида ватан, дўстлик мавзуидаги ғазаллар, одоб-ахлоқни ёритувчи сўзонли сатрлар талайгина. Бироқ, у мисраларнинг замирида тасаввуфий руҳ ва мазмун ётади. Тўғри, Сарёмий асарида тасаввуфий талқинлар Машраб, Ҳувайдо асарларидаги

сингари бўртиб турмайди. Ундаги тасаввуф талқини анча жўн ифодаланган бўлиб, улар ўртасидаги бир ҳодисадай тасаввур уйғотиш мумкин.

Сарёмий девонидаги аксарият ғазаллар шундан далолат берадики, шоир тасаввуфга муносабатда илк тариқат талаби жаҳрия доирасида қолиб кетмаган. Нақшбанд тариқатидаги асосий манзиллар ватанда мусофирлик, анжуманда сукут, босган ҳар қадамга орифона назар ташламоқлик, ҳар дамни хуш ўтказмоқлик каби ботиний жараёнлар ҳам девонда ўзига хос талқинлар билан акс этган. Ғазалларида дунёнинг ярувчиси – Аллоҳнинг куч-қудрати, маърифати ва сифатлари таъриф этилган. Пайғамбарнинг шаъни-шарафини улуғловчи сатрлар, дин ва шариат қоидаларининг баёни берилган. «Девон»нинг таъсир даражасини ундаги панд ва насихат оҳангларисиз тасаввур этиш қийин.

Сарёмий асосий диққатни Нақшбандия тариқатининг муҳим шартларидан бири бўлган нафс туйғусидан сақланиш масаласига қаратди. Шунингдек, шоир ўз асарларида тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга чорловчи ҳирсларни нафсга нисбат беради:

Нафсу ҳаво қўлида ҳама бўлдилар ҳароб
Мақсад тамоми зийнат ўлиб, қасди ҳурду хоб.

Нақшбандийлик тариқатининг асосий тармоқларидан ҳисобланган «фақр» Сарёмий ижодида ҳам етакчи масалалардандир. Юсуфийнинг «Боғлама дунёга кўнгул мулку моли фонийдур», «Ким мунда санга айласа, жабру жафо унут», «Кел, эй дил айлама ҳаргиз тазоеъи авқот» мисралари билан бошланувчи ғазалларида фақр мақомининг талаб ва шартлари ўз ифодасини топади.

Сарёмий шеърлятида ҳам бошқа шоирлар каби ишқу муҳаббатни куйлаш бош мавзу саналади. Шоир ўз шеърларида дунёвий ишқни инкор этмаган ҳолда, мажозий ишқ ва илоҳий (ҳақиқий) ишқ бир-бирларини тўлдиришлари лозимлигини уқтиради. Сарёмийнинг ишққа фалсафий муносабати қатъий ва барқарор. Бу жиҳатдан у Навоий дунёқарашига мос тушади. Шоир фалсафасига кўра, ишқнинг ҳақиқийси – Аллоҳга муҳаббат эканини унинг асарлари тасдиқ этади.

Сарёмий инсоннинг гўзаллиги ва маънавий қудратининг улуғлигини табиат манзараси гўзалликлари билан боғлаб, уйғунлаштириб яна бир чиройли манзара яратади:

Бўлди баҳор фасли чаман топти зебуфар,
Гул мақдамига сочти саҳар, шабнам гуҳар.

Шоир Юсуф табиатни севади. Айниқса, баҳор фаслидан завқ олади. Баҳорнинг кириб келишини «тоза ҳаёт» бошланиши деб билади ва «суюн, эй дил, яна етушти баҳор» дея қувонади, инсон ва табиат гўзаллиги билан боғлиқ хилол, қуёш, тонг, баҳор, гул, булбул, андалиб, райҳон кабилардан поэтик образ сифатида муваффақият билан фойдаланади.

Сарёмийнинг бадий маҳорати унинг сатирик асарларида ўзига хос шаклда кўринади. Унинг ижодида сатирик руҳдаги мухаммаслар ҳам учрайди. Шоир

Навоийнинг маълум ва машхур «Шайх» радибли ғазалига мухаммас боғлайдики, бунда шоир айрим шайхларнинг кирдикорларини, риёкор ва мунофиқлигини фош этишда Навоийга эрагашади.

Қилур зоҳири кори бори савоб,
Нихони урар нуқл бирлан шароб.
Вали сурату, лек ботин ҳароб,
Май устидаги хасча қилманг ҳисоб,
Агар сув уза солса сажжода шайх.

Кўринадики, Сарёмийнинг Навоийга ҳар томонлама мурожаат қилиши, радиф, мазмун, ҳатто мисра ва байтларни қабул қилиши тасодикий эмас. Проф. А.Абдуғафуров «Сарёмий Навоий таъсирида шайхларнинг қора ишларини кучли танқид қилиш, уларнинг риёкорликларини ҳақ олдида фош этиб ташлаш ишига _ата аҳамият берганлигини» алоҳида қайд этади ҳамда «Сарёмий Навоийнинг «Сода шайх» ғазалига ўтган 400 йил мобайнида мухаммас боғлаган ягона шоирдир», деб таърифлайди.

Сарёмий ҳажвиётини маълум мазмунга ва илмий асосга кўра икки қисмга - сатира ва юморга бўлинади. Бу жиҳатдан жуда характерли бўлган «Эчкигинам» юмори беихтиёр адабиётимиз намоёндалари Муқимий, Камий, Ёрий, Махмурларнинг “от” туркумидаги шеърларини эслатади. Сарёмий мазкур юморида эчки тўғрисида сўзлайди, унинг жониворлик хусусияти қолмаганлигидан кулади. Бу кулги негизида жиддий ва салмоқли мазмун ётади. Қаровсизликдан «қадди камон» бўлган эчки қашшоқлашган ҳаёт, таланган халқнинг аянчли турмуши тимсолидир. Бу юмор шоирнинг атрофни ўраб олган муҳитдаги салбий ҳодисаларга нисбатан муросасиз эканлигини кўрсатади.

Юсуф Сарёмий номининг бир қатор замондошлари асарларига киритилиши, унинг шеърларига боғланган ўнлаб мухаммаслар, назиралар, шоирнинг ўз даври адабиётида катта мавқега эга бўлганлигини кўрсатади. Бу эса табиийки, шоирнинг адабиётимиз тарихида ҳам ўзининг бетакрор ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Савол ва топшириқлар:

1. Сарёмийнинг ижодий камолотга эришувида Тошкент адабий муҳитининг аҳамиятини кўрсатинг.
2. Замондошлари томонидан ёзилган тарихлардан шоирнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни аниқланг.

Таянч иборалар:

1. Шоирнинг ижодини ўрганувчи манбалар.
2. Шоирнинг ҳаёт йўли.
3. Сарёмийнинг ижодий мероси.
4. Сарёмий сатираси.
5. Сарёмийнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Ю.Сарёмий «Шеърлар». Сайрам, 1990 йил. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Мираҳмад Мирҳолдаров.
2. Ю.Сарёмий «Танланган асарлар». Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов, М.Тожибоева. Т, “Маънавият”, 2002 йил.
3. С.Зуфаров «Нодир қўлёзмалар». Ўзбек тили ва адабиёти» журналы. 1954 йил, 4-сон
4. С.Зуфаров «Ю.Сарёмий изидан». «Тошкент оқшоми», 1988 йил, 18 июн.
5. Б.Қосимов «Муҳаббат аҳлининг гулшани». «Ўзбек адабиёти ва санъати», Т, 1990 йил, 5 октябр.
6. М.Тожибоева «Ю.Сарёмийнинг ҳаёти ва ижоди». Т. “Мовароуннаҳр”, 2005 йил.

Мавзу: Каримбек Камий ҳаёти ва ижоди (2 соат)

(1864-1927 йил)

Каримбек Камий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши. Шоирнинг ҳаёт йўли. Камий ва Тошкент адабий муҳити. Камийнинг ижодий мероси. Шоир лирикасида анъанавий руҳ ва шакл. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида Каримбек Камийнинг тутган ўрни.

Каримбек Камий - миллий уйғониш даврining фаол ижодкорларидан. Шоир ижодини ўрганишда асосий манба – унинг асарлари. Асарларининг шу даврда тузилган баёзларга киритилиши, вақтли матбуотларда бот-бот чоп этилиши шоир ижодини оммалаштиришнинг биринчи босқичи эди. Демак, шоир ижоди унинг ҳаётлик чоғидаёқ эътиборга тушган.

Шоир Каримбек Камий ўз даврining эътироф этилган шоирларидан бири сифатида ҳақли суратда XX асрда тузилган мажмуа-баёзлардан ўрин олиши билан бир қаторда, баёзларда ижодкор дўстлар томонидан у ҳақда ёзилган ғазаллар ҳам учрайдики, бу ҳам Камийнинг шоирлик даражасини белгилаб беради. Инчунун, 1912 йили Ғ.Ҳ. Орифжонов матбаасида чоп этилган “Баёзи маҳбубу-л-маҳбуб” китобда шоир Оморийнинг “Дар мадҳи жаноби мавлоно Камий Тошкандий...” ғазали берилган бўлиб,

Балдаи ашъарни кезган хаста мавлоно Камий,
Боиси таскин бўлур деб ишқа мавлоно Камий

дея ғазал “балдаи ашъарни» (ўн шаҳарни) кезган Камийни васф этиш билан бошланади. Ғазал тўлалигича Каримбек Камий мадҳига бағишланади.

Шоирнинг номи ва асарлари ўзининг яшаган макон ва Фарғона водийси бўйлабгина маълум бўлиб қолмай, унинг шеърлари аср бошларидаги кўшни хонлик ҳудудида ҳам маълум эди. Хоразмлик шоир Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг (1860-1916) Камий ғазалига боғлаган мухаммаси, Когонда чоп этилган баёзларда берилган Камийнинг мактаб ҳақидаги мураббаъси 1906-йилдаёқ Санкт-Петербургда чиқадиган “Улфат” газетасида эълон қилинган. Кўринадики, шоир номи XX аср бошларидаёқ Туркистон чегарасидан чиқа бошлади, шоир Амоний айтганидек, «балки Ислombўлни олди».

Замондошлари унинг ижодига айрича меҳр қўйиб юқори баҳо бердиларки, буни юқорида келтирилган таърифлардан ҳам сезиш мумкин.

Каримбек Камий ижодига муносабат доим ҳам бир хилда текис кечмади. Замондошлари Анбар Отин ва Иброҳим Давронлар унга қарши танқидий фикрлар билдирганлар. Ёш адабиётшунос Олим Тўлабоев бу қарама-қаршилиқнинг асосий сабабини “улар орасидаги адабий-эстетик ва фалсафий қарашларнинг айрича бўлганлигидадир” деб белгилайди.

XX асрда тузилган тазкиралар ҳам шоир ижодини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Мўминжон Тошқиннинг “Тошкент шоирлари” (1948), кўқонлик Пўлатжон Қаюмийнинг “Тазкираи Қаюмий”(60-йиллар) тазкиралари шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётшунослик илмида Б.Қосимов А.Жалолов, М.Ҳамидова, М.Зокирова каби олимлар Камий ҳаёти ва ижодига илмий жиҳатдан ёндашганлар. 90-йилларга келиб шоир ҳаёти ва ижодига оид илмий мақолалар, адабий меросидан намуналар вақтли матбуотларда чоп этила бошлади. Бу борада Камий ҳаёти ва ижодини жиддий, махсус тадқиқ этишга киришган адабиётшунос О.Тўлабоевнинг вақтли матбуот саҳифаларидаги шоирнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи мақолалари эътиборга лойиқ.

Энг қувонарлиси, 1998-йилда “Маънавият” нашриёти томонидан “Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. Танланган асарлар” китоби чоп этилди. Китобни нашр юзини кўришида Олим Олтин (Олим Тўлабоев)нинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ лозим. О.Олтинбек шоирнинг тарқоқ асарларини йиғиб, нашрга тайёрлаб, сўз боши ва изоҳлар талқини билан мукамал жиддий китоб ҳолига келтирди. Бу эса шоир Камий ижодини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Шоирнинг исми Каримбек, отасининг исми Шарифбек, Камий эса адабий таҳаллусидир. Мулла Каримбек Камий 1865 йилларда Тошкент шаҳрида Себзор даҳасига қарашли Чақар маҳалласида чопонфурушлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Шарифбек ака адабиётга айрича меҳр қўйган киши эди. Шарифбек аканинг тўрт ўғли, бир қизи бўлиб, улар Маҳмудбек хожи, Аҳмадбек, Раҳимбек, Каримбек ва Бибинисолардир. Фарзандлар ичида Каримбек ёшлигидан зеҳни тез бўлгани сабабли ота-онаси ҳам, мактабдор домласи ҳам унинг билим олишига айрича аҳамият бера бошладилар. Маълумотларга қараганда, шоир Камий ибтидоий мактабни ўша вақтнинг машҳур мактабдори, ҳам хаттоти Мозорхон маҳаллалик Мансурхон домлада тамом қилиб, «Бекларбеги» мадрасасига келган ҳамда Шомаҳмуд Охундда дарс ўқиб, «хатми кутуб» қилган. Ёшлик чоғида ҳам кўп теззеҳн бўлиб, шеър ёзишга

ҳам жуда ишқибоз бўлган. Мазкур мадраса шоирни камолотга эришувида катта аҳамият касб этади. Негаки, бу мадрасадан у ўзига хос ва мос даврани топди, яъни кўп адабиётшунослар билан танишди. Булардан Тошкент бедилхонларидан домла Умарбек, Маъруфхон тўра, Каримбек қори ва шоирлардан Мирий тахаллуслик Мираҳмад муфтий, Раҳимхўжа Қози, Қори Фазлуллоҳ Алмаий кабилар билан адабий дўстлик ришталарини боғлади.

«Бекларбеги» мадрасасининг мударриси Шомахмуд Охундни талабалар «Ҳазрати домла» деб улуғлашар эди. Домланинг вафотидан кейин унинг ўрнига Ҳазрати имом ёнбошидаги Мозорхон маҳаллалик ва Кадубод маҳалласининг мударриси Баҳодирхон маҳдум мударрис бўлиб келди. Бу кишининг таърифини илми толиблар «Бухоронинг ярим илмини олиб келган» деб таъриф этар эдилар. Мазкур «Бекларбеги» мадрасаси ва мадрасанинг закий мударрис ва толиби илмларининг Камийга бўлган эътибори унинг ижодий камолотга эришувида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Каримбекнинг ёшлик йиллари деярли шу мадрасада кечган. Илк ва юқори таҳсили ҳам шу юқори мадраса билан боғлиқ. Шеър айтувга ва ёзувга ишқи ва ихлоси ҳам шу даврдан бошланган. Мадраса ёш Каримбек учун фақатгина илм таҳсилгоҳи бўлибгина қолмай, яшаш уйи, кичик ватани ҳам эди. Мўминжон Тошқиннинг маълумотларига қараганда, “Баҳодирхон Маҳдум мударрис бўлиб келгандан кейин ўқувчи-муллабаччалар кўпайиб кетиб Камийга дарвоза ташқарисидаги хужралардан зах бир хужрани бердилар. Бунинг устига Алижон деган кўкнори бир пешқадамни унга ҳамхужра қилиб қўйдилар. Булар қарға билан булбулни бир қафасга қамагандек ҳар кун уруш, жанжал ва бир-бирларига кинояли пичинглар отиш билан тура бошладилар. Чунки у кўкнори хужрага тақиллатиб кириб, тақиллатиб чиқиб, ўтун ёриб, шалп-шулп кўкнори эзиб, Камийнинг шеър ёзишга ва китоб мутоала қилишга ҳалал берар эди”. Камий савдогар оиласидан бўлса-да, турмуш шароити ана шундай тор ва зах кулбада ўтди. Мавлоно Камий дадаси ва оға-инилари сингари савдогарлик-чопонфурушлик ҳунарини қилмади. Бўлажак шоир кўп вақтини китоблар ўқиш, хуснихат қилиб хатлар ёзиш, турли шеърларни ёзиш билан ўтказар эди. Хатто хатти нохуний (тирноқ билан ёзиш) илмини ҳам яхши эгаллаган эди. Бойликка ҳавасланмаган, дунё неъматларига кўнгилсиз бўлган Каримбек Камий умри қашшоқлик, камбағалликда ўтди. Маҳсиси, кавуши, кўйлак ва чопонлари ҳам ҳар жойдан ёмоқ, аммо озода ва ювилган бўлар эди. Мўминжон Тошқин «Тошкент шоирлари...»да Камийнинг хулқ-атвори ва одоби ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Бу шоир ҳақида шундай ёзади: «Мулла Каримбек Камий кўп нозик табиатли одам бўлиб, ҳар вақт ёлғиз ўлтириб, мутолаа ва шеър ёзиш билан машғул бўлишни хоҳлар эди. Камийнинг ўзи туғилган ҳовлисида «ҳар вақт ёлғиз ўлтириб мутолаа ва шеър ёзиш билан машғул бўлишни хоҳлар эди». Камийнинг ўзи туғилган ҳовлисида «ҳар вақт бир сидра уй-рўзғор» жиҳозлари ва отасидан мерос теккан бир уй-айвон» бўлгани маълум. Шоир бу ерда тез-тез бўлиб, асосан, шеър ёзиш, мутолаа қилиш ва баёзлар тузиш билан машғул бўлган.

Камийнинг нозик табиатлигини шундан ҳам билса бўладики, «Терлаганда кўйлак ёқаси кир бўлмаслиги учун бир дастрўмолни бўйнига – кўйлак ёқаси

остидан солиб юрар, юртнинг обрўли одамлари ёки олим ва фозиллари йўлда йўлиқиб қолса, тавозеъ билан эгилиб салом берар эди», - деб ёзади.

Шоир Камий Муқимий ва Фурқатлар билан асрдош ва улар билан кўп суҳбат қуришган, бир-бирларининг шеърларига мухаммаслар боғлашиб, назиралар битишган, ҳолларидан ҳасратланган “арзу ҳоллар” қилишган. Шунингдек, Муқимий бир ғазалида ўз қадрига йиғлаб :

Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

деганидек, шоир Камий ҳам, «Эканман» радибли ғазалида:

Аҳволим сўрғудек киши йўқ,
Ўз шахрим аро ғариб эканман, -

деб ўз қадрига ачинади. М.Тошқин Камийнинг ҳақиқатан-да ғарибона ҳаёт кечирганлигини ёзар экан, “расталардан ўтган чоғида дўконига чақириб, чой-нон қилувчилар бор бўлса-да, жуда оз топилар, улар ҳам масжид ёки меҳмонхона солган бўлсалар, шеър билан бино тарихи ёздириб олиш ёки сўзларини таъриф қилдириб, бир шеър ёзиб беришни айтиш учун чақирар ва кўп пул ваъда қилиб, жуда оз нарса тўлаганлигини» эътироф этади. Шоир Камий ўзининг ғариб ҳолидан шундай хитоб қилади:

Мен ошиқи бир ҳабиб эканман,
Доим ғазаби етиб эканман...
Билдимки, қатор кулларингдин
Ваҳ-ваҳки, Камий, ҳасиб эканман.

90-йиллар охирига келиб, Камий устоз шоирлар сафидан ўрин олди. «Бекларбеги»даги унинг ҳужраси энди шоирлар ва шеър ихлосмандларининг марказига айланган эди. Шунингдек, «Тошкент шоирлари»да шоир Мискиннинг ҳам «асосий муаллими ва мударриси Камий» эканлиги, ҳатто Мўминжон Тошқиннинг ўзи ҳам Камийнинг шогирдларидан бўлганлигини ёзар экан, Камийдан шоирликни «юқтириш» орзумандалиги, бироқ ўзидан устоздайин шоир чиқмаслигидан афсусланиб шундай ёзади: «Мен шоирликда юқори кўтарилиш ниятида шоир Камийнинг хизматида кўп елиб-юурсам ҳам унинг сингари санъаткор шоир бўла олмадим”.

Тошкент адабий муҳити, жумладан, «Бекларбеги» мадрасасидаги Камийнинг мўъжазгина тор ва захкаш ҳужраси турли юрт шоирларини, яъни Фурқат, Муқимий, Муҳйи, Сарёмий, Сидқий, Хислат, Мискин, Мулла Тўйчи каби шоиру илму фозилларни жиддий ва бир умрга боғлади. Дўстлар давраси, шеър шукуҳи, куй авжи уларнинг ҳар бирини ижодий камолотга эришувида айрича аҳамият касб этди.

Шоир Каримбек Камий 1922 йил ёз фаслида 57 ёшида ўзи туғилган ҳовлисида вафот этди.

Каримбек Камий Тошкандий давр эътирофидаги шоирларидан бўлганлиги учун ҳам унинг адабий мероси бу вақтда китобат қилинган кўлёзма ва тошбосма баёзларда, вақтли матбуотда кўп учрайди. Таассуфки, Камий вафотидан кейин унинг бир даста кўлёмалари-ю шеър дафтарлари ўртоқлар қўлига тушган, бироқ унинг кейинги тақдири маълум эмас, деярли изсиз йўқолган. «Тошкент шоирлари» китобидаги М.Тошқиннинг бу борадаги қайдларидан юқоридаги хулосага келдик. Китобдан парча келтирамиз: «Шоир Камийнинг иккинчи акаси Аҳмадбекнинг ўғли Ибодбекнинг берган маълумотига қараганда, шоирнинг кўлёмма бир девони бор бўлиб, вафотидан сўнг қариндош-уруғлари орасида ўғирланган».

Каримбек Камийнинг қачондан бошлаб бадиий ижод билан шуғулланганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. У ҳеч қачон ўзига шоирликни касб қилиб олган эмас. Ҳар қандай чинакам ижодкор сингари бирор воқеа-ҳодиса таъсир қилгандагина, бу муносабат кўпинча шеър ҳолида юзага чиққан. Шоирнинг жуда кўп шеърлари мумтоз адабиётимизнинг маълум ва машҳур намоёндаларидан таъсирланиши, илҳом олиш, жавоб олиш зарурати билан туғилган. Айни пайтда турли ҳодисалар, масалан, яқин кишиларнинг вафоти ёки бирор масжид, мадраса, меҳмонхона каби қурилишлар ҳақида ҳам тарихлар, марсиялар ёзган.

Қуйида қўлимиздаги манба асосида маълум бўлган асарларининг умумий мундарижасини берамиз.

Камийнинг «Танланган асарлар» китобида шоир ижодида учрайдиган 10 га яқин жанрдаги асарлари берилган. Тўпلامда шеърлар анъанавий девон тузиш қоидаларига асосланган ҳолда жойлаштирилган бўлиб, ғазал унда ҳам асосий ўринни эгаллайди ва тўпلامда алифбонинг деярли барча ҳарфлари билан тугалланадиган ғазаллари бор. Китоб-мажмуада 106 та ғазал, 1 та маснавий, 3 та рубоий, 2 та қитъа, 1 та фард, мураббаълар, 19 та мухаммас, шулардан 9 таси тахмис-мухаммас, 5 та мусаддас, 5 та тарих-марсия, 7 та манзума – жами 10 адабий жанрда ёзилган шеърлари жой олган.

Камий шеъриятида мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналари унга асос бўлиб хизмат қилди.

Камий ижодида мавзулар кўлами кенг. Бизга қолдирган меросида Ватан, дўстлик, илм-маърифат, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, ишқий кечинмалар ҳақидаги ғазаллар, одоб-ахлоқни ёритувчи сўзонли сатрлар талайгина.

Камий шеъриятини 3 турга бўлиб ўрганиш мумкин:

- миллий-маърифий асарлар;
- ижтимоий-сиёсий шеърлар;
- ишқ-муҳаббат сатрлари.

Ёш адабиётшунос О.Тўлабоев “шоирнинг маърифатга чорловчи шеърлари 1893 йилдан бошлаб пайдо бўла бошлади” деб белгилайди. Бу мавзу шоир ижодининг деярли катта қисмини ташкил қилади.

Камий ижодиётидаги “Мураббаъи дар таърифи мактаб”, “Мадрасаи гимнозия тамошаси хусусида”, “Дар таърифу тавсифи илм ва дар тарғибу таҳриси мухотаби бесўйи илм”, “Аё, эй мулло Фозилжон қори” каби шеърларда маърифатни чуқур ҳис қилган шоирнинг илмга даъвати ва чақириғи ҳукмрон.

Ҳар яхшиликнинг боши, “ики жаҳоннинг саодати”, «давлату иқбол раъияти», “боғи жаннати аъло” мактаб эканлигини эътироф этади:

Мактабки, кони илму ҳаёву адаб эрур,
Мактабки, файз чашмасию фазли раб эрур,
Мактабки, обрўю камола сабаб эрур,
Мактабки, фавқи ҳар шайу кулли насаб эрур.

Камий назарида мактаб “жоҳилни оқил”, “ноқисни комил”, “омини фозил” қилади, “ҳама жаҳлу ғазабни дафъ” этади:

Мактаб эмасму жоҳили оқил қилан, Камий,
Мактаб эмасму ноқиси комил қилан, Камий,
Мактаб эмасму омини фозил қилан, Камий,
Мактабки, дафъи ҳама жаҳлу ғазаб эрур.

Икки дунёда шараф топмоқликнинг, ҳалолу ҳаромнинг фарқиға бормоқликнинг, ҳар мушкулот ечимининг калити – илм. Бу – шоир Камийнинг фалсафаси:

Икки дунёда киши топғай шараф,
Илмдин бебаҳра қолмақлик залал....
Билдирур сенга ҳалолу ҳам ҳаром,
Илмдин ҳар мушкулинг бўлғуси ҳал.

18 байтли мазкур манзума толиби илмларга илмни кадр-қиммати ҳақидагина сўзламай, уларга “аҳли одоб” борасида ҳам тарбия беради:

Келтуруб илм ағли одобин бажо,
Боамал бўл, боадаб бўл, беҳиял.
Шоир Камий ўзи таъкидлаганидек,
Бу ғазал номин, Камий, сўрғонга де:
“Толибони илма дастуру-л-амал”

Камий шеъриятида миллий-маърифий мавзу ижтимоий-сиёсий воқелик билан уйғунлашиб ифода этилган. Шоир ҳаётий воқеликларга беъэтибор бўлмади. Туркистон манзараси – Февраль, Октябрь воқеалари, Туркистон мухторияти, большевиклар босқини, Тошкент кўзғолони, мустамлакачилик сиёсати каби сиёсий масалалар шоир Камий ижодини четлаб ўтмади.¹

Камий шеърларининг асосий тамонини “чархи бадмеҳр”дан ҳасрат нидолари тўлдиради. Чунончи, «Шикояти Камий аз чарх», «Шикояти Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона», «Ал-амон», «Ҳарим остони менга» каби шеърларида ижтимоий зулмнинг турли томонлари таърифи берилган:

¹ Бу ҳақда қаранг. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти . 199-203бетлар.

Чархи бадмеҳр алиндин юз дод,
Равиши каж, иши доим бедод...

ёки яна бир шеърида

Аё чархи фалак, зулмингдин айлай кимга бориб дод,
Мани мазлумға жавру жафолар айладинг бисёр.
Келиб оламға даврингда сани шод ўлмадим ҳаргиз,
Ҳамиша чекмишам ман кулфату ғам, меҳнату озор

дея замона кулфатидан ва фалак ружуъ қўйган зулмдан озорланади.

Шоир Камий дил розини ана шундай изҳор қилар экан, “Шикояти Камий аз инқилоби замона ва аҳли замона” сарлавҳали, катта ҳажмдаги - 62 мисрали шеърида воқеалар таснифини конкретлаштиради. Зулмни зўрлигини ошишида чор мансабдорлари бош ўринда турди. Хўш, улар кимлар эди?! Шоир уларнинг қиёсини шундай чизади:

Шерлар ўрнига ўтирмишдур,
Гургу рубоҳу иту қушу шиғол.
Рост келганга ўхшайди бу аср,
Отдин ўзди эшак, деган бу мақол.

Каримбек Камий Туркистон миқёсида фикр юритар экан, у ердаги кўриб тоқат қилиб бўлмайдиган турмуш манзараларини ҳам тасвирлайди, кўнглидаги ўзи суймас қабих иллатларни очиқ ойдин ошкор қилади. “Бир майхўр йигит хусусида ибратли ҳикоя” шеъри шу мазмунда.

Эй қалам, сўзла сан ушбу дoston,
Эшитиб ибрат о(л)сун аҳли замон

деб бошланувчи мазкур шеърий ҳикояда жаҳолат қурбони – майхўрлар ҳақида ёзади. Шоир ичкилик туфайли ахлоқий-маънавий инқирозга учраб, жарлик томон кулаётган бир майхўр йигитнинг тақдирини ҳаётӣ мисол орқали очиб беради. Яъни воқеа шундай: Бир йигит ичкиликка ружуъ қўйиб, ҳар кунини “гастинса”да ўтказиб, айш-ишрат қилиб, майший бузукликларни ҳам қанда қилмай, “маст бойбачча истагонларини ” қилди, “еган ичганин” ҳисоби йўқ эди. “Гастинса соҳиби” ҳисоб-китоб қилганида қарзи “қирқ сўмга”етганини айтади. Қарзини тўлолмай қочмоқчи бўлади “бойбачча”. Шунда

Яқосидин тутуб ани ушлаб,
Тепти кетига, бошиға муштлаб”
Қилибон обрўсини бир пул,
Хору зор айлабон мисоли кул.

Ҳолбуки, бу “нафс раъиға кирса ҳар одам, Охири хор бўлғай, бечора” деб изохлайди шоир.

Ичкулик ҳар гуноҳ ишнинг боши,
Ичкуликдин бўлур ҳар иш наъши.
Дониш аҳлиға бу ишорат бас,
Ибрат олмоққа бу ҳикоят бас

дейилади воқеа хотимасида. Мазкур воқеанинг талқини ҳам, унга билдирилган фикр-муносабатлар ҳам, қиёслар ҳам эътиборга лойиқ.

Ишқ-муҳаббат, севги-садоқат мотивлари адабиётимиз каби қадимийдир. Камийда бу мотив алоҳида мазмун касб этади, таъбир жоиз бўлса, камийёна жўшқинлик, ҳасрат билан жаранглайди, алоҳида ва шодлик ва қайғулик руҳи касб этади.

Чин муҳаббат ўтида ўртанувчи, бутун юраги, борлиғи билан маъшуқа томон интилувчи, барча нарсани унутиб, кеча-ю кундуз севгига садоқат ва қатъийлик изҳор этувчи лирик қаҳрамон образи шоир ижодида ишончли ва ҳаётий тасвирланган:

Кеча бўлса кўз юмолмасман ҳаёлингдин сени,
Ажратолмасман кўзум кундуз жамолиндин сени...

Камий лирикасида ишқий кечинмаларнинг кутилмаган лавҳалари учрайди. Масалан, шоирнинг бир ғазалида лирик қаҳрамон ёр васлига зорлигини бениҳоя халқона бериб:

Айладинг, жоно, мени дилхастани хўб интизор,
Олам ичра кимса мендек тортмади кўб изтироб

дея ҳижрондан изтироб чекади ва айни пайтда ёрнинг меҳр-шафқатидан умидвор бўлади:

Муяссар ўлса даме суҳбатинг менга, эй ёр,
Эмас жаҳонни парирўлари менга даркор...

Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам жафокаш ошиқ маъшуканинг умрига ривож, икки дунё саодатманд бўлишлигини тилайди:

Илоҳи, икки жаҳонда азизу муҳтарам ўл,
Кўруб чу давлату иқбол умрлар бисёр.

Шоирнинг лирик қаҳрамонига ёрнинг “жафо”си ҳам, “мубтало”си ҳам тотли, фақатгина жафо қилиш учун ҳам бир кўринса бас:

Эй ёр, келу вафо этиб кет,
Гар этмас эсанг жафо этиб кет...

Хуснингга кимеки мункир ўлса,
Бир кўрсату мубтало этиб кет.

Хулоса шуки, шоир Каримбек Камий миллий-маърифий руҳдаги шеърлари орқали аввало, миллатни миллий онггини очишга, жаҳолатдан маърифат сари етаклашга уринган бўлса, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий шеърлари билан турли тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларга реал кўз ила боқиб, объектив баҳо берди, учинчидан, ишқ-муҳаббат лирикасида юксак инсоний фазилатлар эгаси – ошиқнинг руҳий кечинмаларию изтироблари, маъшуканинг зулмию шафқатли нигоҳи тасвири орқали ишқ рамзини фаҳм этиш хусусида баҳс юритади.

Кўринадики, шоир Камий анъанавий шаклларни такомиллаштириш, янги мазмунни ифодаловчи янги образ ва тасвирий воситалар яратиш билан миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини бойитишга муносиб ҳисса қўшди.

Савол ва топшириқлар:

Камий ижодига муносабат қандай бўлган?

Камийнинг ижтимоий шеъриятининг кўламини аниқланг ва айримларини таҳлил қилинг.

Шоир ижодидаги миллий уйғониш мавзуидаги ғазалларни таҳлил қилинг.

Таянч иборалар:

Камий ҳаёти.

Камий ва Тошкент адабий муҳити.

Камий – лирик шоир.

Камий – маърифатпарвар.

Шоир дунёқараши.

Камий шеъриятининг тили.

Курснинг информацион методик таъминоти:

А.Жалолов «Шоир Камий Тошкандий». ЎТА журнали. 1969 йил.

М.Ҳамидова «Баёзнавис шоирлар». Адабий мерос. 3-китоб. Т, 1973 йил.

М.Зокиров «Мавлоно Камий». «Тошкент оқшоми» газетаси, 1990 йил 14 декабр.

О.Тўлабоев «Каримбек Камий». ЎТА журнали, 1993 йил, 4-сон.

О.Тўлабоев «Суханпарварлик иқлимида шуҳрат бордир». «Тошкент Университети» газетаси, 1994 йил, 25 феврал.

О.Олтин «Дер Камий: Уйғонинг эмди». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1994 йил, 15 август, 31-32-сон

К.Камий «Дилни обод айлангиз». Танланган асарлар. Т, «Маънавият», 1998 йил («Истиқлол қаҳрамонлари» рукни остида – 160 бет.

Мавзу: Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижоди

(1875-1919 йил)

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёт йўли: ёшлиги; маориф соҳасидаги хизматлари; театр ва санъатдаги фаолияти; матбуотдаги фаолияти.

Бехбудийнинг ижоди: ижтимоий қарашлари; илмий-сиёсий, адабий-танқидий қарашлари.

Маҳмудхўжа Бехбудий XX асрнинг 1-чорагидаги Туркистоннинг энг машҳур кишиларидан бири эди. Бехбудий 1875 йил 19 январда Самарқандда Беҳиштепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келади. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик бўлиб, Амир Шохмурод замонида Самарқандга келиб қолган эди.

1894 йил отаси (имом хатиблик билан шуғулланган) Бехбудхўжа вафот этади. Ёш Маҳмуд етим бўлиб қолади. Араб ёзувини кичик тоғаси Одил қоридан ўрганади. Эски мактаб мадрасасида ўқиди. 18 ёшидан қозихоналарда мирзалик, сўнг муфтийлик қилади. Ҳатто Тошкентдаги «Туркистон вилоят газетаси», Оренбургдаги «Вақт» кабиларда босилган бир қатор мақолаларга «Муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий» деб имзо чеккан ўринлар ҳам учрайди. У дастлаб Самарқанд, сўнг Бухоро мадрасаларида пухта илм олган.

Бехбудий дунёқарашининг шаклланишида Россия жадиदчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Исмоилбек Гаспиринскийнинг таъсири катта бўлган. У 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш ҳақидаги таклифи билан генерал-губернатор Н.О. Робенбахга мурожаат этади. Жавобга эриша олмагач, 1893 йилда Тошкентга келади, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, маҳаллий халқлар билан гаплашиб, дастлабки янги усулдаги мактабларни очишга эришади. Бехбудий устози Гаспиринский билан бўлган учрашувини мароқ билан хотирлайди. Бехбудий ўзбек ва тожик тилларида чиқарган жуда кўп дарслик ва қўлланмаларда Гаспиринский қарашларига таяниб иш кўради. Хусусан, Гаспиринскийнинг 1908 йилда босилиб чиққан «Раҳбари муаллимлик ёки муаллимларга йўлдош» китобига эргашади. ««Усули савтия» мактабларининг Русиядаги бош муассиси Исмоилбек ҳазратларидир. Биринчи янги усул алифбонинг мураттиб ва ношири яна Исмоилбек ҳазратларидир», - деб ёзади Бехбудий 1914 йилда.

Бехбудий Гаспиринскийнинг ҳар жиҳатдан ўзига хос устоз деб билди. У устозининг ақлу ғайратини, миллат йўлидаги фидоийлигини жуда юксак баҳолади. Унинг вафоти муносабати билан ёзган мақоласида «Россия мусулмонлари ичида бундай бир зот келган йўқдур», - деб таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, Бехбудий унга ўз асарларида, фаолиятида тез-тез мурожаат қилган. Жумладан, 1905 йил жўғрофия бўйича илк мактаб тузганда Исмоилбекнинг «Туркистон уламиси» китобидаги маълумотлардан кенг фойдаланган.

1899-1900 йилларда Бехбудий ҳаж сафарига боради. 1903-1904 йилларда Москва, Петербург шаҳарларига, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгород шаҳарларида бўлади. Бу шунчаки саёҳат сафарлари эмас, маълум мақсаддаги хизмат сафарлари эди. Масалан, 1907 йилда Нижний Новгород шаҳрида Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига боғланган қурултой чақирилди. Бехбудий туркистонликлар гуруҳини бошқарди ва катта нутқ сўзлади.

Бехбудий Гаспиринский йўлга қўйган «усули жаид» мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашга оид кўп мақолалар яратди. Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурӣ мактабини ҳовлисига кўчириб келди. «Мунтахаби жўғрофия умумий» (қисқача умумий география) «Китобат-ул атфол» (болалар мактуби), «Тарихи мухтасари ислом» (Исломнинг қисқача тарихи), «Амалиёти ислом», «Мухтасари жўғрофияи русий» (Россиянинг қисқача географияси) каби дарсликлар яратди. Нашриёт қилиб, дарслик ва қўлланмалар, ҳариталар босиб чиқаргани маълум. Булар илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик ва қўлланмалар сифатида эмас, тил ёзув маданияти тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, пунктуация қачондан қўлланганлиги ҳақида мутахассислар орасида тортишувлар юради. Инқилобгача у бўлган эмас, дегувчилар ҳам бор. Бехбудийнинг «Китобатул-атфол» (2-нашри 1914 йил)да тиниш белгиларнинг («румуз»нинг) ўнтасини келтиради: Чунончи:

аломати савол ?
 аломати нидо, тажуб, хитоб !
 аломати муътариза (арз, эътироз) []
 аломати мумаййиза (ажратиш) « »
 икки сўзни фарқ қилатурғон аломат -
 аломати муффадо, яъни иккиси бир маънода ;
 озгина турмоқ учун ,
 баён ва тафсил учун :
 нотамом сўзлар, киноялар учун ...
 сўзнинг охири ва вақти ом аломати .

1913 йиллардан Бехбудий матбуот ишлари билан ҳам шуғулланди. Шу йил апрелидан «Самарқанд» газетаси чиқа бошлади. Газета туркий ва форсийда ҳафтада 2 марта 2 саҳифада, кейинроқ 4 саҳифада чиқа бошлади. 45 та сони чиқди, бироқ моддий танқидчилик туфайли тўхтаб қолди. Кейинчалик «Ойна» журналинини чиқарди. Ҳафталик бу мажалла асосан ўзбек тилида бўлиб ихчам форсий шеър, мақолалар, русча эълонлар бериларди.

1914 йил 29 майда иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатга отланди. Поездда ўтириб, Байрамали орқали Ашхобод, Кросноводск, Боку, Кисловодск, Одесса ва Истамбулга, сўнг, Қуддусга, Байрут, Ёфа, Порт Саид, Шом шаҳарларини тамошо қилди. Саёҳат хотираларини Бехбудий «Ойна»нинг 1914 йил сонларида пешма-пеш бериб борарди. У адабиётдаги тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги хос намунаси.

«Ойна» журнали маориф ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Ундаги тил масаласига диққатини қаратган. Бехбудий миллатнинг

таракқийси учун бир неча тил билиш шарт деб ҳисоблади. Масалан, журналнинг 1913 йил 30 августдаги 1-сонидаяқ: «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи ёзилади. У ёзади: «Биз туркистонликларга туркий, форсий, арабий ва руссий тилларни билмоқ лозимдур. Арабий билмасанг дин, русча билмасанг дунё қўлдан кетар, туркий ва форсийни кераклиғига сўз йўқтур. Яна бир тил ва хат борки, бутун олам бир-бирига аним ила сўйлайдур. Ул франса тили ва хатидур».

1906 йил 10 октябрда «Хуршид» газетасида «Ҳакрул умури авсотуҳа» (Ишларнинг ўртачаси яхшидур) мақоласи диққатга сазовордур. Бу мақола Беҳбудийни қоралашга яхшигина асос эди. Чунки унда Беҳбудий 1906 йилдаёқ социалистик таълимот ва Ленин партиясини кескин рад этган эди.

1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган курултойида нутқ сўзлади. Шу йилнинг 26 ноябрида Қўқонда ўлка мусулмонларининг фавкулудда курултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинади. Бу мустамлакадан мустақиллик томон йўл қўйилган жиддий кадам эди. Бу маънавий йўл йўлбошчиси Беҳбудий эди. Аммо бу жуда тез бостирилади. 180 кишлоққа ўт қўйилди. 10000 дан ортиқ туркистонлик ўлдирилди. Беҳбудий 1919 йил баҳорида 25 мартда паришон йўлга чиқади, Шаҳрисабзда қўлга олиниб, Қаршида зиндонга ташланади. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл этилди. Унинг қатли ҳақида хабар роса 1 йилдан сўнг Самарқандга маълум бўлади. 1920 йил апрелда бутун Самарқанд аҳли мотам тутди.

С.Айнийнинг 1923 йил Бухорода чоп этилган «Инқилоб учқунлари» шеърий тўпламида Беҳбудийга бағишланган (ёзилиш санаси 1920 йил апрел) уч шеъри бор. Биринчиси, «Беҳбудий учун» деб номланган шеъри «Сен Туроннинг қуёши эдинг» деб бошланади. Иккинчиси, «Беҳбудий руҳига атаб» (бағишлов) деб аталиб, «Сани бундин буён Турон кўра олурму, кўролмасму, Санинг мислингни Туркистон топа олурми, тополмасму?» байти билан бошланади. Учинчиси, «Беҳбудий афандини эсга тушуриб, қатл ва қатлгоҳига хитоб» деб номланган шеър бўлиб, «Йўқ, йўқ, келур албат, келур албат! Золимларни рад этмага, маҳв этмага навбат!» деб бошланади.

1922 йил А.Фитратнинг «Беҳбудий соғанасини изладим» сарлавҳали шеъри бор. Чўлпоннинг Беҳбудийга аталган «Сизнинг учун ёз бошининг қоридек Эрур кунлар келади» мисралари дунёга келди.

М.Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу-армонидан бири сифатида майдонга келди. У ўзбек театрининг биринчи ғиштини қўйди. 500 дан зиёд мақоллар эълон қилди, улар турли соҳалар, мавзуларни қамраб олган мақолалар эди. «Ёшларга мурожаат», «Либос қиёфат», «Икки эмас, тўрт тил керак», «Ҳақ олинур, берилмас», «Тил масаласи», «Бизга ислоҳ керак», «Туркистон мухторияти», «Танқид сараланмоқдур», «Бизнинг холлар ва ишлар», «Бизни кемирувчи иллатлар», «Театр надур?», «Сарт сўзи мажхулликдир» ва ҳоказо.

«Тил масаласи» (Ойна, 1915 йил, 11-12-сонлар) мақоласида тилнинг ўзаро муносабит ҳақида баҳс кетади. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-

биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчани ҳам ўн минг ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини дадил қилиб кўрсатади ва масаланинг бошқа жиҳатига ягона адабий тил бирлигига диққатни қаратади. Бу асарда араб ва форс тилларини таъсир даражасига қараб гуруҳларга бўлади. Форсий ва арабийни энг кўп қабул қилган тил «усмонли тил» саналади. «Туркийларни баъзи тоифаси форсий ва арабийни шу қадар кўп олдиларки, тилларида туркий, форсий, арабий аралашиб, «усмонали тил» усмонали шевасида ёзмоқ мумкин эмас», - дейди. Беҳбудий шунинг учун ҳум усмонали тилнинг жонли турк тилидан узилиб қолганлигига, оддий халқ бу тилда ёзилган асарларни тушунмаслигини баён қилади.

Беҳбудий араб, форсий тилларнинг қўлланиши шеваларга ҳам бориб тақалишини айтади, яъни Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё томонларда араб ва форсий тилларнинг таъсири кучлироқ бўлса ва унинг атрофидаги шаҳар зиёлиларининг тилида бу тилларнинг таъсири бор эканлиги, Тошкент ва Сирдарё музофотида араб ва форс тилларининг ҳукми озайиб бориши ва форс тилларидан тозалаш керак деган фикрлардан эҳтиёт бўлиш керак дейди. Ҳеч бир тил бошқа тиллардан озикланмасдан яшамаслигини айтади.

«Танқид сараламоқдур» («Ойна», 1914 йил, 27-сон) мақоласида адабий танқидга алоҳида эътибор берди. Навоийдан кейин неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларининг тайин этиб, адабиётда тенг ҳуқуқлик масаласини ўртага ташлади.

«Сарт сўзи мажҳулдир» (1914 йил, 339-сон). Маълумки, Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н.Остроумовнинг бир китоби ҳам шундай номланган. Бу сўз аслида - қатлам, гоҳо социал қатламга нисбатан айtilган. Бу борада бир қанча мунозарали мақолалар эълон қилинди. Масалан, Мулла Абдуллабек деган мақола ёзиб «Садои Фарғона»га юборади, аммо мақола босиб чиқарилмайди. Шундан сўнг ўз журналидан мақолани қайта босиб чиқаришга мажбур бўлди. Мақола ҳажман салмоқли, журналнинг бир неча сонида давом этган. Адиб «Сарт сўзини қадимий этимологиясидан тортиб, А.Навоий, З.М.Бобур, М.Солих, Абдулғози Баҳодирхоннинг асарларига Н.Остроумовнинг китобидан тортиб, А.Вамбери «Кундаликлар»ига, жаидчилик ҳаётининг намоёндаси Аҳмад Закий Валидийдан Исмоилбек Гаспиринскийгача бўлган намоёндаларнинг бу соҳадаги кузатишларини ўрганиб, шундай хулосалайди: “«Шайбонийнома», «Бобурнома» ва Абдулғозихон китобларида баъзи бир туркистонийлар сарт деб аталибдур.

Оврўпонинг айрим сайёҳлари ёзубдурларки, Туркистонда шаҳар халқининг ёки форсий халқини, ё тожикни номаълум замонда сарт атардилар.

Номуайян бир замонда Дашти Қипчоқ ёинки Хитой ҳудудидаги сарт номинда бир тоифа келиб, Туркистонга ерлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулиб ва бошқа уруқлар ила аталуб кетгандурлар. Ана, Туркистон Русий ва Бухоро халқига сартлик исмини тарқатурға далили шундан иборатдур”.

Биз такрор айтамикки, мазкур эҳтимолни қайси бири чин бўлган суратда ҳам нафсул-амрда, букун Туронда сарт йўқдур”.

Бехбудий «Садои Фарғона» муаллифи Мулла Абдуллабекнинг «Ҳар ким бизни сарт деса, шунга хурсанд бўлиб, фахр қилмоғимиз даркордур, зероки, сарт дегани масжидлик, мадрасалик, бозорлик, озода ва уламони маъдани дегани бўлур» фикрини рад этади. Лотиннинг «сарт» – «сари ит»дан деган фикрни қанчалар ҳақоратли бўлса, «озодавош» дейиш ҳам шунчалик асосизлигини таъкидлайди ва тарихий манбаларга суяниб, «Сарт на маънода бўлса бўлсун, арбоби тарафидан ҳал қилинмагунча они қабул этмасликка ҳаққи бор», - деб ҳисоблади.

«Саёҳат хотиралари» («Ойна», 1914 йил, 34-сон) мақоласида 1914 йилги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига сафари ёритилган, бу маданий тарафларни миқёсу кўлами кенг ёритилган. Хотиралардан келтирамиз.

Адиб Қуддуси шарифдаги Ҳазрати Довуд мақбарасини, Ҳазрати Марям ва Ҳазрати Исо Калшоларни зиёрат қилар экан, Тошкентлик ёш бир атторга дуч келади. Бехбудий шундай хотирлайди: «Дўконига бир оз ўлтурдук, Мамлакатдан сўради. Қўлига бир неча нусха «Ойина» ва Туркистон хотирасини бердим. Аҳли савод экан. Тошкент шахрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устидаги Тошкентни ўпуб кўзга суртди. Хусусан, Ватан ва аҳли диёрни кадри мусафуротда маълум бўлур. Ҳақиқатдан Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур» (Ойна, 1915 йил, 4-сон).

«Ҳақ олинур, берилмас», «Бизга ислоҳ керак» мақолаларида сиёсий масалаларни кўриб чиқади. Халқни сиёсий савиясини оширишга, сиёсий ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга даъват қилди. «Ҳақ олинур, берилмас» мақоласида эски ҳукуматнинг йиқилиши, янгисини барпо бўлиши Туркистонда бир қанча янгиликларни дунёга келтиришини айтади. Туркистонликлар ўз тақдирини ўзи белгилаш керак деган фикрни ривожлантирди. «Ўзининг муҳофазаси учун миллий аскарлар ўзининг алоҳида халқ манфаати йўлидаги хазинаси бўлур» дейди. У Туркистонни федератив давлатга айланиши таклифини ва Туркистон халқларини уюштириш зарурлиги ҳақида фикрларни ўртага ташлади.

«Ислоҳ керак» мақоласида Чор ҳукуматининг сайловлар борасидаги сиёсатига ўз эътирозини билдирарди, чаласаводлар давлат лавозимида эканлигидан ташвишланарди.

«Мунтахаби жўғрофияи умумий» – (Умумий жўғрофиядан сайланма) (1906 йил Самарқандда босилган) китобида “жўғрофия сўзи ер ва туфрокли баён қилатурғон илмни айтадур”, дейди. Ернинг тузилиши, тоғлар, дарёлар, ҳаво, кўллар, қуруқликлар, тун, кун, тупроқ, сув, юлдузлар, атмосфера, жамики табиат ҳодисалари ҳақидаги фанлар мароқли эканлигини эътироф этади.

Бехбудийнинг ўзбек драмачилигининг биринчи намунаси бўлган “Падаркуш” асари унинг ўзбек адабиётига қўшган яна бир улуғ ҳиссаси бўлди. Бу миллатнинг эҳтиёжи ва заруратидан туғилган янги асар эди. Шунинг учун ҳам у Туркистонда катта шов-шувдор воқеага айланди.

Бехбудий ҳақидаги сўзларимизнинг хулосаси сифатида Ф.Хўжаевнинг куйидаги фикрларини келтирамиз: «Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак».

Савол ва топшириқлар:

Беҳбудийнинг камолотга эришувида кимларнинг ёки ниманинг таъсири кучли бўлди?

Беҳбудийнинг Туркистонда жаҳид мактабларининг толмас тарғиботчиси, ташаббускори эканлиги ҳақида нима _ея оласиз?

«Падаркуш» драмасини ўқинг, асарда кўтариб чиқилган масалаларни аниқланг, уларни дафтарингизга ёзинг.

Беҳбудий публицистикасини чуқур ўрганинг ва уларни системалаштиринг.

Таянч иборалар:

Беҳбудийнинг ҳаёт йўли.

Беҳбудий ва матбуот.

Ижодий мероси.

Ижтимоий-маърифий мақолалари.

Илмий-маърифий мақолалари.

Сиёсий мақолалари.

Беҳбудийнинг адабий-эстетик қарашлари.

“Падаркуш” драмаси.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Беҳбудий «Падаркуш». «Шарқ юлдузи» журнали, 1989 йил, 7-сон.
2. Беҳбудий «Баёни ҳақиқат». «Фан ва турмуш», Т, 1982 йил, 5-сон.
3. Беҳбудий «Ёшларга мурожаат», «Икки эмас, тўрт тил лозим». «Тафаккур» журнали. 1994 йил, 1-сон.
4. Б.Қосимов «Беҳбудий ва жаҳидчилик». «Ўзбек адабиёти ва санъати». 1990 йил, 19, 26 январ.
5. Б.Қосимов «Карвон боши». «Ёшлик» журнали. 1990 йил, 1-сон.
6. А.Алиев «Маҳмудхўжа Беҳбудий». Т, «Ҳазина, 1994 йил.
7. Исмоил Тўлак Андижоний «XX аср ўзбек адабиёти». Андижон, 1993 йил.
8. Ш.Ризаев «Падаркуш ёхуд Самарқанд тарихидан лавҳалар». «Ватан» газетаси, 1994 йил, 39-сон.

Мавзу: Сиддиқий Ажзий ҳаёти ва ижоди (1864-1927 йил)

Сиддиқий Ажзий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши. Шоирнинг ҳаёт йўли. Муаллимлик фаолияти. «Миръоти ибрат» достони. Шоирнинг ижтимоий қарашлари. Миллий уйғониш даври адабиётида туганган ўрни.

“Миллатининг ишқи, дарди билан суғорилган Сиддикий Ажзий” шоир, достаннавис, таржимон, ҳажвгўй, мактабдор, публицист сифатида биз билан ҳамкор ва ҳамдаст бўлди.

Сиддикий Ажзий ижодига муносабат шоир ҳаётлик чоғидаёқ бошланган эди. Даврий матбуотларда шоир ҳақидаги мақолалар, асарларидан парчалар берилиб борди. Шунингдек, XX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган Неъматулла Мухтарамнинг «Тазкират-уш шуаро»сига ҳам унинг номи киритилган. XX аср адабиётида Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий», Турсунқул (Раҳим Ҳошим)нинг «Сиддикий тўғрисида мулоҳазалар» каби мақолалар шоир ҳақидаги тасаввурларимизни тўлдиради. XX асрнинг 20 йилларидаги бу икки зукко танқидчилар давр адабий жараёнини зийраклик ва сергаклик билан кузатар экан, шоир Ажзийнинг ҳаёт йўлини аниқ ва реал воқелик асосида тавсифлаб, адабий ижодини санъат нуктаи назаридан текширадилар ва ҳар тамонлама талқин этадилар, шунингдек, унинг ўахслик сифатларини ҳамда шоирлик фасоҳатини юқори қадрлаб В.Маҳмуд « Ажзий миллатининг ишқи, дарди билан суғорилган бир шоирдир. У кўз ёш тўкса, миллати учун тўкадур, бировдан ҳафаланса миллатининг ҳолига боқмагани учун ҳафалангандур. Бировдан хурсанд бўлса, миллати, халқи учун бўладур» деса, Турсунқул «Сиддикий мафкура ва ўйлашда ўз чоғдош (замондош - Т. М) ва маслакдошларидан юқори туради. Ул санъатда, адабий ижодда ҳам ўз даври шоирларидан олдиндадир. Ул эски адабиёт билан янги жаид адабиёти орасида бир кўприк ташкил қилади ва эски усулнинг ширин ва ёқимли ҳаволари билан ўзининг янги наволарини эшиттирмоқчи бўлади. Сиддикий жаид шоирлари орасида ҳаёл жиҳатидан бой, мустағний бир сиймодир» дея эътироф этади. Бироқ ҳамма вақт ҳам шоир ижоди ўзини ҳаққоний баҳосини топмади, яъни С.Ажзий ижодиёти бўйича талқинлар турлича кечди. Жумладан, Ҳ.Мирзасода, И.С.Брагинскийлар Ажзий асарларининг реакцион буржуа адабиёти намунаси сифатида талқин қилдилар. Яъни, шоир Ажзий ҳаёти ва ижоди адабий-сиёсий баҳслар мавзусига айланди.

60-йилларга келиб шоир ижодига муносабат анчайин холис бўлди. Бу Р.Арсланов, М.Фаттаев, С.Ҳалимов каби адабиётшуносларнинг шоир ҳаёти ва ижодиёти ҳақидаги қарашларида кўринади.

Ажзий борасидаги сиёсий-адабий баҳслар ва турлича қарашларни 70-йиллар бошидаёқ эътиборли олим, профессор Бегали Қосимов С.Ажзийнинг кимлиги, ҳаёт йўли, ижодининг моҳияти ва мафкурасининг нелигини аниқлаб, муфассал талқини билан якун топтирдилар. Б.Қосимов Ажзий ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини биринчилардан бўлиб илмий-адабий жиҳатдан талқин қилар экан, уни миллий уйғониш даври адабиётининг умидли вакили ўлароқ сифатлайдилар.

Демак, йирик адабиётшунос олим Б.Қосимов XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Сиддикий Ажзий ҳаёти ва ижодини жиддий ва кенг қўламда тадқиқ ва тарғиб, ташвиқ эта бошладилар. Устоз домламиз бу даврдан бошлаб Сиддикий асарларини тўплаш, ўрганиш, нашр этиш ишларини қизғин ва самарали олиб бориб, шоир ижодини оммалаштириш ишларини йўлга қўйдилар. Ниҳоят, Б.Қосимов Ажзий мактабига асос солган олим. Сиддикий Ажзий ҳаёти ва

ижодиёти нашрларининг аксарияти проф. Бегали Қосимов номи билан боғлиқ. У Ажзий ҳаёти ва ижодини янги босқичда тадқиқ этти, шоирнинг сермахсул ва сермазмун адабий меросини истиқлол, Миллат ва Ватан манфаатлари нуқтаи назаридан текширди ва ўзининг холис баҳоларини берди.

Ажзий ижодининг муайян жиҳатларига доир турли йўсиндаги мақолалар ҳам чоп этилган. Бу борада профессор И. Қўчқортоев, адабиётшунос Ш.Ризаевларнинг тадқиқларини эсга оламиз.

Шундай қилиб, янги давр адабиётшунослигида Сиддиқий Ажзий ҳаёти ва ижоди янгитдан, қайтадан кашф этилди.

Саидахмад хўжа Сиддиқий Ажзий 1864 йил Самарқанд шаҳрининг Ҳалвойи қишлоғида ҳунарманд оиласида туғилди. Унинг отаси Ҳасанхўжа асли туркистонлик бўлиб, кейинчалик Самарқандга кўчиб келиб, шу ерда яшаб қолган. Ҳасанхўжа тўқувчилик билан рўзғор тебратар, доимий моддий муҳтожликда яшар эди. Бўлажак шоирнинг болалик йиллари ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликда ўтди. У 5-7- ёшлар чамасида отасидан айрилди. Отаси Ҳасанхўжанинг вафотидан сўнг бобоси Алихўжа қўлида қолди, кейинчалик уста Абдуқаюм эшигида етимликда катта бўлди. Саидахмаднинг куйи ва юқори таҳсили ҳақида манбаларда маълумотлар деярли кам. Б. Қосимов унинг “янғасида савод чиқарган”лигини, «мадрасага қатнаб «Шарҳи Мулло»гача ўқишга муваффақ бўлган»лигини таъкидлайди. Тинчимас Саидахмад соатсозга ҳам шогирдликка тушади. Уста ниҳоятда хасис одам эди, у бу ерда ҳам жуда қийинчилик билан яшайди, ҳунарни эгаллагач, тикувчилик, заргарлик, соатсозлик билан шуғулланади. Мехнатни ҳаётда севган машғулоти деб билди. Бу ҳақда Сиддиқийни яхши билган 20-йилларнинг зукко зиёлиларидан бўлган Вадуд Маҳмуд куйидагиларни ёзади: «Буюк бир истеъдодга эга бўлғонидан кўп санъатларнинг устосидир. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдур. Соат ва мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикувчидир. Кўп йиллар бу санъат ила яшағондур. Яхши овчидур, мусиқа билан ҳам анча шуғуллангандур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шохиддур. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодур».

1920 йиллар адабий танқидчилигида Турсунқул имзоси билан мақолалар чоп этган Раҳимжон Ҳошим «Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар»да шоир ҳақида тасаввурларимизни тўлдирувчи куйидаги маълумотларни беради: «Ўз истеъдоди билан русча ўқиш кераклигини сезиб, русча савод чиқаради. Бир муддат Бухорода яшайди. Бухороли ўртоқларининг ташвиқлари билан шоирликка ҳавас пайдо қилди ва шеър ёза бошлади».

Маълум бўладики, шоир бир мунча вақт Бухорода бўлган. Бизнингча, бу ташрифдан мақсад кўнгил хушловчи саёҳатда бўлиш эмас, балки Бухоро азалдан илм маскани бўлганлигини билган Сиддиқий бу ердан илм олиш, тил ўрганиш, қисқаси, маънавий озуқаланиш эди. Ҳақиқатанда шундай бўлди. Шеърга ҳавас ҳам, илк шеърлари ҳам шу ерда туғилди. Макондаги адабиёт муҳиблари эътиборига тушди. Жумладан, Неъматулла Муҳтарам ўзининг XIX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган «Тазкиратуш-шуаро»

асарига «заковат эгаси, фахму идроклилар сараси, хирадмандлиғ истакларининг билимдони» Ажзийни ҳам киритган ва у ҳақда бундай деган:

«Ул зот соатсозликда тенгсиз, тикувчиликда ягона, тил мусаннифи ва ислохотда ориф, жузъий илмлар ва синоатидан вокиф, яхши ҳулқлик, ёқимли хатлик ва юқори йўсинли таъблик кишидур. Ул зот шаҳарлар фахри (Бухоро) ва улуғ Самарқанд фозилларидан кўпи билан илиқ мулоқотга ва улар суҳбатида яхшигина ҳурматга эга»*.

Агар биз инқилобгача бўлган вақтли матбуот саҳифаларини varaқласак, Сиддиқийнинг шоликорликдан тортиб соатсозликка доир ўнлаб мақолларига дуч келамиз. Б.Қосимовнинг тадқиқларида Сиддиқийнинг 90-йилларнинг охирларида отасидан қолган боғни сотиб, Маккага сафарга қилгани, 1900-1901-йилларда Русиянинг Жиддадаги элчихонасида таржимонлик фаолияти, Тифлисида бўлиб, у ерда Жалил Мамадулизода, Алиакбар Тойирзода (Собир) билан дўстлашуви воқеалари тафсили кенг берилган.

Бу уч йиллик саёҳат шоир дунёқарашининг ўсишида, ҳаётга янгича кўз билан боқишда катта аҳамият касб этди. Саёҳат таассуротлари таъсирида ўз юртида янги усулдаги мактаб очишга шайланди ва 1901 йилда бунинг уддасидан чиқди. Тадқиқотчи Турсунқул 1928 йилда мазкур мактабни «Бу кун Самарқанд туманида энг мунтазам мактаб биноларидан» деган ва Сиддиқийнинг кейинги пайтларгача шу ерда «мудир ва муаллим» бўлиб турганлигини айтган эди. У ўзининг мактабдорлик фаолиятини жадидона йўсинда олиб борди, яъни бу мактабнинг шаклу шамоийли ҳам ўзгача эди, парта, доска, ҳатто курраи арз (глобусгача) бор эди. У дунёвий билим берувчи бирдан-бир маскан бўлиб шаклланди. Сиддиқий мактабида арифметика, астрономия, араб, рус тили, умумий, миллий жуғрофия, тарих, ҳисоб, ҳандаса, табиёт каби фанлар ўргатилар эди. Шоир Ажзий Л.Н.Толстойнинг бир қанча ҳикояларини, И.А.Криловнинг қатор масалаларини, И.Г.Гоголнинг «Шинел» повестини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилиб, дарсликларига улардан намуналар киритди.

Проф. Б.Қосимовнинг маълумотларига қараганда, шоир «1914 йилда «Зарафшон» номли мактаб кутубхонаси очиб, унда «Мулла Насриддин», «Шўро» журналларидан тортиб, Фитрат, Тавфиқ асарларию, А.Крилов масалларигача, Ибн Синонинг «Ал Қонуни»дан тортиб, Бедилнинг «Чор унсур»игача матбуот ва адабиётлар мавжуд бўлган.

Бу мактаб ва кутубхонанинг довуғи Туркистоннинг тўрт тарафига тарқалди. «Ҳалвойи мактаби»нинг қурилиши билан боғлиқ бўлган воқеаларга гувоҳлик берувчиларнинг (Б. Қосимов гувоҳлар билан шахсан кўришиб, мактабнинг қурилиш тафсилотини тўлиқ ўрганганлар) маълумотларига қараганда, унинг қурилишига рухсатнома олиниши ҳам бахтли тасодиф бўлган.

Буларнинг бари Туркистоннинг миллий тараққиёти учун қўйилган илк қадам эди. Бу, албатта барчага бирдай ёқмас эди. Шундан сўнг шоир номига турли ғийбатона гаплар, ижодига «олақарашлар» пайдо бўла бошлади. Бунинг эвазига асарларини чоп эттириш ҳам осон кечмади. Ажзий «Анжумани арвоҳ» (Руҳлар йиғини), «Миръоти ибрат» (Ибрат ойнаси) асарларини дўстлари

кўмагида Тифлида, «Мирьоти ибрат»нинг ўзбекчасини Самарқандда (1914 йилда) чоп эттирди..

«Анжумани арвоҳ» асарида Бухоронинг марҳум амирлари Музаффархон ва Абдулахадхонларнинг рухларини яратиб, уларни ҳаётлигидай шохлик либосида тасвирлаб ва ўз тилларида ўзини фош этадилар.

«Мирьоти ибрат» ҳаёлий романтик дoston бўлиб, воқеалар муаллиф тилидан берилади. Ундаги персонажлар: шоир, пир, найрангбоз, тўти. Туркистон фожеаси фақат илмсизлик эмас, иқтисодий асоратда ҳам деб билган шоир ўз ҳаёлидаги Самарқандни чизиб беради. Озод, обод, фаровон ҳаётни орзу қилган Сиддикий келажак ҳақида ўйлайди, ҳатто телевидение, «трамвў-афтомобил», «тилифўн» бўлишини башорат қилади:

У ерда ўлуб аён Самарқанд,
Кўнглум бу ўюндан ўлди хурсанд.
Дошдан ҳама ер иморат ўлмиш,
Бингларча трамвў, афтомобил,
Ҳар ерда электр ила қандил.
Фавора-ла сув дўкуб Регистон,
Фаввораи теграсинда бўстон.
Ойинайи барқ ила тилифўн,
Сўйлашмақа ҳар ким у биричун
Мазкур эди кўзгуда мухотаб,
Ҳар ким тилифўна айласа габ...

Асарнинг хотимасида эса шоир асл «мақсудини бунинг-ла иншо» этади:

Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,
Бундан ўла халқ бахти масъуд.
Илми ала олмоқ ва фунунни
Давлатни, лисони ва закунни,
Ҳар қави булардин ўлди маҳрум,
Истиқболи холидин ўлар шум.

Шоир айтган «дўрт» нарсa - илм, давлат, тил, қонун ҳар бир халқ ва миллатнинг тараққиёти учун энг зарурий таянч ва воситадур. Буларсиз миллат ҳалокатга, халқ тубанликка маҳкумдир.

Илғор фикрли шоир Ажзийнинг ўзбек халқини мутараққий миллатлар билан тенг кўришни истаб қилган сайёи-ҳаракатлари, яъни тубдан ислоҳ қилинган мактаб-мадрасаларни жорий этиш, уларга хос ва мос дарсликлар тузишдаги фаолияти учун 1914 йил 3 январда Улуғбек мадрасасининг жомеъсида 5-6 минг киши ҳузурида шоир «кофир» деб эълон қилинади. Лекин Сиддикийни тараққийпарвар Туркистон ҳимоя қилади. Энг муҳими, давр мутафаккирлари ўз илғор фаолиятларини айро эмас, биргаликда, ҳамкор ва ҳаммаслакликда олиб бордилар. Шунингдек, Сиддикий тарафдори бўлган Беҳбудий «Ойна» журналида (1914 йил, 16-сон) шоирга ўзини ҳимоя қилиш учун имкон яратади. Ажзий кофир дегувчи такфирларга қарата

«Умрест берости сабақ мехонам,
Олий дарс дар ин варақ мехонам.
Аз ҳақгўйи забон кашидан куфраст,
То жон дорам, каломи ҳақ мехонам»

дея зарб билан чиқади. Байтнинг қисқа мазмуни: «Токи ҳаёт эканман, ростликдан сўзлайман, тўғрилиқни маҳкам ушлаб, шуни мукаддас ҳисоблайман. Агар ҳақиқатни сўзлаш куфр бўладиган бўлса, токи жоним бор экан, ҳақ сўзни сўзлайман».

Сиддиқий Ажзий юқори савиядаги публицист ҳамдир. У ўзининг ижтимоий қарашларини тийрак фикрли мақолаларида ҳам изҳор этган. Жумладан, 1914 йил «Ойна» журналидаги «Туркистонда мактаб, жарида ва уламо», «Орзу ёки ҳаёл», «Жувонбозлик тараққийда», 1917 йил «Хуррият» газетасида босилиб чиқан «Таажжуб сўз», «Йўл бўлсин, қайга борамиз?!» каби мақолалари, ўзбек тилидаги «Машраб» сатирик журнали (Сиддиқий юмористик-сатирик асарларини «Гина-гина», «Майна», «Шашпар», «Тир», «Олмос», «Гумном» имзолари билан эълон қилган), тожик тилидаги «Мулла Мушфиқий» журнали, «Зарафшон», «Меҳнаткашлар товуши», «Овози тожик» газеталаридаги мақолалари, ҳар жиҳатдан қадрли ва аҳамиятлидир. Албатта, бундай жиддий публицистика давр матбуотининг фаоллигини ҳамда адабий ҳаётининг объективлигини кўрсатади, 20-йиллар адабиётимизни тўлдиради.

Сиддиқий турли сиёсий вазифаларда ҳам фаоллик кўрсатди. 1919 йилда Самарқанд вилояти адлия бўлими мудирининг ўринбосари, кейинроқ бўлим мудирини бўлиб ишлади. 1922 йил яна асл касби муаллимликка қайтади. 1926 йилнинг август ойига қадар Ҳалвойи мактабида мудир ва муаллим бўлиб туради. 1926 йилда қаттиқ касал бўлганидан муаллимликдан чиқади. Ўзбекистон халқ маорифи муаллимликдаги 25 йиллик хизматини ҳисобга олиб, 27-йилда Сиддиқийни умумий нафақа билан таъминлайди.

1927 йилнинг 15 июнида ўзи туғилиб ўсган қишлоғи Ҳалвойида вафот этади.

Сиддиқий Ажзий – серқирра ва сермахсул ижодкор. Унинг юқорида таъкидлаганимиз, «Миръоти ибрат», «Анжумани арвоҳ» каби дostonлари, публицистик мақолалари, ҳикоялари, таржималари (Гоголнинг «Шинель» асарини, Л.Н. Толстой ҳикояларини, И.А. Крилов масалларини ўгирган), шунингдек, «Айнул адаб» («Одоб кўзи», Самарқанд, 1916, ўзбекча), «Ганжинаи ҳикмат» («Ҳикмат хазиначиси», Самарқанд-Тошкент, 1914, тожикча) шеърини тўпламлари ижодининг яқраг эмаслигидан далolatдир.

Шоир шеърининг анъанавий ғазал жанридан ташқари, мухаммас, таркиббанд, рубоий, чистон, дoston, сатира ва юмор шаклларида бир қанча хўб асарлар яратди.

Шоир ўзининг лирик шеърларида Ватан тақдирини куюнади ва унинг истиқболига инонади, инсонни, муҳаббатни, гўзаллик ҳақидаги орзуларини куйлайди ва барча жаид шоирларида бўлганидек, шеърларида маърифатпарварлик қарашларини тараннум этган.

Шоирнинг «Айнул адаб» тўпламида ана шу кайфиятдаги шеърлар ўз тажассумини топган. Ажзий шеърларида Ватан ва ундаги ижтимоий-сиёсий воқелик билан боғлиқ манзаралари реал чизгиларда тасвирланади. Давр воқеаларига объектив ёндошган шоир зулм дастидан хароб бўлган Ватан ҳолига ачинади, фитнанинг асири бўлиб ғамга тўлган «ақлу фаол» ларнинг ҳолидан куйинади, бахтини паймол этган «тийра диллар»дан нафратланади:

Яди бедоди яғмодин на ўлмиш, эй ватан ҳолинг,
Асири фитнау кайди ғам ўлди ақлу фаолинг.

Ажзий ишқ ҳақида ёзаркан, бу ҳаётбахш мавзуга ўзига хос рух бағишлайди:

Парирулар паришон зулфитек хотир паришонам,
Паришонам недан хотир паришонлиқ-ла ҳайронам.

Баъзи шеърлари зоҳиран ижтимоий ҳаётга алоқаси йўқдай кўринса-да, аслан турмуш воқеалари ва ички кечинмалари билан боғланиб кетганлигини кўрамиз:

Кўнглум асрорини шарҳ этмака бир маҳрам йўх,
Ҳамдаму дард баним дардима бир ҳамдам йўх.

Буни шунингдек унинг мухаммас ва таркиббандларида ҳам учратишимиз мумкин:

Ё Раб, эшит бу хаста дилимнинг навосини,
Ким сандин ўзга чора эдар муддаосини.
Токай чекам замонаи бор жафосини,
Ҳар дам отар нишонима тири балосини,
Майдони жаҳла сурди нифоқ аждаҳосини.

Дарҳақиқат, шоирнинг бундай замона садолари сингдирилган сарчашмалари 20-йиллар ўзбек ижтимоий – сиёсий шеърияти учун қимматли материал бўла олади. Шоирининг «Этдинг», «Йўх», «Боис», «Бу» радифли, «Дийдаи ғафлат уёнди» ғазаллари, «Ҳоли ғариб зорима раҳм этдукунгми бу?!», «Бизлара ҳеч маъруф даркор эмазмидир?!», «Эй кўзларим, очил, назар айла, бу олама», «Чихдуқ халойиқ ўртасидан ижтинобдан» мисралари билан бошланувчи таркиббандлари ҳам шундай материаллар сарасига киради.

Бундай характердаги шеърлари миллий-маърифий рух билан уйғунлашиб шоир ижодиётига маърифатпарварлик мавзуини олиб киради.

Маърифатга, илмга, илмгўйларга ихлоси баланд бўлган шоир бир шеърида мактабни «гулшан»га, илмни «ғунча»га, толиби илмларни «гуллар»га менгзайди:

Гунчасин очмиш тамаддун гулшани жавлон эдуб,
Олам аҳлини санное гуллари ҳайрон эдуб.

Шоирнинг маърифий қарашича, мактаб болаларни онгини, руҳини тозалайди, янгича ислоҳ қилинган қонунлари билан олиб борилаётган таълим уларга «тоза жон» бахш этади:

Мактаб атфола ҳамд ўлсунки, вермиш тоза жон,
Тоза қонуни-ла таълим айламак нишон эдуб.

Шунингдек, байтлар давомида маърифатпарвар шоир «фикр асҳоблари»ни табрик этиб, уларни “ҳар дам”, «ҳар лаҳза»да илмни «дастижон» билиб, уни сидқидилдан ўрганишга чақиради:

Фикр асҳобига табрик айламак шоистадур,
Ҳар дам, ҳар соат, ҳар лаҳза дастижон эдуб.

Сиддиқий маърифатни кириб келиши билангина қоникмайди, энди уни тараққий эттириш учун саъй-ҳаракат қилишни таклиф қилади

Халқни , Ажзий , тараққиёта саъй этдурмака,
Айларам таклифи урфон хислатин бурҳон эдуб.

Илм-маърифатга даъват Ажзий ижодининг ўзак ғояларидан бўлиб, у чин илмни ва чин илм соҳибларини кадрлайди, илмгўй зиёлиларнинг ҳаётдаги ўрнига катта аҳамият беради ва икки тоифага бўлади. Уларнинг бир тоифасини фақат ўз манфаатларини ўйловчи ёлғон зиёлиларга, иккинчи тоифадагиларини эса жамият учун, халқ учун наф келтирадиган чин зиёлиларга ажратади. Шунга кўра ўзининг «Чин ва ёлғон зиёлилар» номли шеърини ёзади. Шеър ҳажман каттагина, 30 мисра бўлиб, «Гина-гина « имзоси билан «Машраб» сатирик журналида 1926 йил, 35-сонда босилиб чиққан.

Чин зиёлилар:

Сўзи бир мактаби олий, ўзи бир манбаи урфон,
Юзи миръоти ибрат, қалбида виждон зиёлилар.

Ёлғон зиёлилар:

Тилида захри афъюн, ниши акраб ҳар каломиди,
Юзи инсонга ўхшар, тийнати шайтон зиёлилар.

Чин зиёлилар:

Вужуди марҳами дорушшифо мажруҳ танларга,
Жаҳолат тифларига нойиби Луқмон зиёлилар.

Ёлғон зиёлилар:

Йўл узра тошдек тўсқу бўлиб элни тўқуштурғон,
Йиқилғон халқнинг пешонасин ёрғон зиёлилар...

Шеър шу тариқа давом этади.

Сиддикий ҳам ўз салафлари ва ҳалафлари қаторида асарларининг тасвир объекти қилиб ҳаётни олди. У ҳаётбахш ишқни, замона ва аҳли замона ҳаётини, муҳаббат билан миллий маърифатни куйловчи руҳбоб асарлар яратиб шеъриятимиз анъаналарини давом эттирди, миллий уйғониш даври адабиётини тўлдирди.

Савол ва топшириқлар

Шоир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи ҳақида сўзланг.

Шоир шеърларини ўқинг, улардаги зиддиятларни аниқланг.

Ватан ва унинг мустақиллиги мавзусидаги шеърларини таҳлил қилинг.

Сиддикий Ажзий асарларида ўғиз тилларига хос сўзлар, грамматик шакллар ва талаффуз хусусиятларини аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг.

Таянч иборалар

Ажзийнинг ҳаёт йўли.

«Айнул адаб».

«Мирьоти ибрат».

Сиддикий – таржимон.

Ажзий – педагог.

Ажзий дунёқарашидаги зиддиятлар.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Сиддикий-Ажзий. Танланган асарлар. Т, 1973 (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б.Қосимов).

2. Ажзий «Мирьоти ибрат». Тўпламда: «Миллий уйғониш». Т, «Университет», 1993 йил, 96-107-бетлар

3. Вадуд Маҳмуд «Турк шоири Ажзий». Миллий уйғониш». Тўплам. «Университет», 1993 йил.

4. Турсункул (Раҳим Ҳошим) Сиддикий тўғрисида мулоҳазалар. Юқоридаги тўплам. 86-95-бетлар.

5. Ҳ.Мирзасода «Мирьоти ибрат» ва ижодиёти Ажзий. Т, «Бадий адабиёти социалисти», 1936 йил, 2-3-4-сонлар.

6. Б.Қосимов «Маслакдошлар». Беҳбудий, Сиддикий Ажзий, Фитрат). Т, 1994 йил.

**Мавзу: Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди (2 соат)
(1848-1934 йил)**

Авлонийнинг ҳаёт йўли. Маърифатпарварлик қарашлари. Ноширлик ва театрчилик фаолияти. Авлоний – етук шоир. Авлоний – драматург.

Ўзбек адабиётининг юксак босқичга кўтарилишида ўзининг беназир фазилатлари билан улкан ҳисса қўшган Абдулла Авлоний 1848 йил 12 июль

Тошкентнинг Эски шаҳар Шайхонтохур даҳа Мерганча маҳалласида фақир бир оилада туғилган. Отасининг исми Миравлон, онасининг исми Фотима бўлиб, отасининг туб касби тўқувчи. У Ярмарка бозорида ёймачилик қилиб, бўз ва чит билан савдо қилар эди. Шундай бўлса-да, фарзандлар таълим-тарбиясига катта эътибор берган Миравлон ака ўғли Абдуллани 1885 йилда бошланғич мактабга ўқишга беради. Бу ерда у Ақромхон домлада саводини чиқаради. Шоир Абдулла ўз таржимаи ҳолида ибтидоий ўқиш йилларини шундай ёзади: «1890 йилда мактабни битириб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий бошладим. Ёшим 13 га етгач, йўқсиллик менга таъсир қилди. Ёз кунларида мардикорлик қилиб, ота-онамга бироз ёрдамда бўлиб, қиш кунларида ўқир эдим. Сўнгра Ўқчи маҳалладаги домламизнинг кам ҳафсалалигидан ўқувда давомсизлигидан Ўқчи мадрасасин тарк этиб, 14 ёшимда Шойхонтовурдаги Абдулмаликбой даҳмасига келиб Мулло Умар Охунддан дарс ўқий бошладим. Бу чоғларда ҳам қиш кунларида ўқиб, ёз кунларида мардикор ишламоққа мажбур эдим. 1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга тутиндим. Замонга мувофиқ, ҳар хил мавзуда шеърлар ёза бошладим. 18 ёшдан бошлаб, мардикорликдан қутулиб, усточилик даражасига эришдим. Ёишт усточиличи, сувоқчилиқ, печкачилиқ, дурадгорлик устолиғини қилар эдим. 1890 йилда уйланиб, оила бошлиғи бўлиб қолдим. Шу йилда отам ўлиб, ўғай онам билан бир укам қарамоғимда менга боқим бўлиб қолди. Бу вақтда бутун оилани боқмоқ учун қиш кунларида ҳам ишламоққа тўғри келганлигидан қуввати муҳофаза ўрта даража бўлгон ҳолда мадрасани ташлаб чиқиб кетувга тўғри келди. Шул чоғларда ўзим меҳнат ичида яшаганлигимдан бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадрасадан чиқиб кетсам ҳам маориф ишларидан чиқиб кетмадим. Турли газеталарга ўқишга тутиндим. Шул замонларда Россиянинг турли шаҳарларида матбуот ва журналлар билан танишиб, ўқиб маълумотимни орттира бордим. «Таржимон» газетасини ўқиб замондан хабардор бўлдим».

Авлоний сиёсий фаолиятини маърифатпарварлик билан қўшиб олиб боришини энг тўғри йўл деб билди. Фурқат ва Саттархонлар бошлаб берган, Саидрасул Азизий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Шакурийлар томонидан янгича шаклларда давом эттирилган маърифатпарварликни ривожлантирди. У Мирободда «усули савтия» деб таърифланган мактаб очди. Унда ўқитишнинг бепул бўлишидан ташқари, савод тез чиқарилар эди. Янги мактаб ҳақидаги бундай илиқ гапларнинг эл орасида тез тарқалиши табиий, албатта. Эшитганлар камбағалбоп мактаб очилганлигидан хурсанд бўлиб бирин-кетин оқиб кела бошладилар. Бу эса эски усулдаги мактабдорлар ғазабини кучайтирди.

Авлоний камситилди, таҳқирланди, таъқиб остига олинди. Лекин бу фитналар унинг қалбидаги маърифат оловини бир лаҳза бўлса-да, сўндира олмади, аксинча алангалантирди. 1908 йилга келиб Авлонийга қарши фитналар янада кучайди. Ғаразғўйлар Мирободдаги мактабнинг ёпилишига эришадилар. Орадан бир йил ўтгач, Авлоний худди ана шундай мактабни Дегрез маҳалласида очади.

Абдулла Авлонийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти Октябрь инқилобидан кейин янада ривожланди. У бу инқилобга зўр ишонч билан қаради. У «Ўлка ишчи ва солдат депутатлари совети»га сайланди. «Ўқитувчилар союзи»ни

тузди. Бундан ташқари, бир қатор масъул вазифаларда ишлади. Тошкент фирқа ташкилотининг фаолларидан бири сифатида жонбозлик кўрсатди. 1918 йилнинг 17-29 декабрида бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик фирқасининг II-курултойида Марказий Қўмита аъзолигига сайланди.

1921 йилдан бошлаб у маориф соҳасига ўтди. Ўша йили Тошкентдаги ўлка ўзбек билим юртида, 1923 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудирлик, 1924 йилда В.И.Ленин номли ҳарбий мактабда ўқитувчилик қилди. 1925-1930 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университети (САКУ), Ўрта Олий Қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКС – XIII), Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) да дарс берди». 1930 йилда А.Авлоний САГУнинг профессори бўлди. У бу йилларда асосан, тил соҳаси бўйича илмий ишлар қилди. Бир қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августида вафот этди.

Халқни маърифатли қилиш орзусида саъй-ҳаракатлар қилган зиёлилар сафида, шубҳасиз, Абдулла Авлонийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У янги усулдаги мактаблар учун дарслик ёзган муаллиф сифатида ҳам бир талай хайрли ишларни амалга оширди. Унинг илк дарслиги «Биринчи муаллим» дунёга келди. А.Авлоний дарслигида бола ҳарфлар, уларнинг ёзилиш қоидалари билан таништирилгач, содда ва ихчам қилиб тузилган матнларга ўтилади. Дарсликдан ўрин олган матнлар ҳар жиҳатдан болаларбоп қилиб тузилган.

1912 йилда А.Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» деб номланган дарслиги босилди. Бу китоб «Биринчи муаллим»нинг мантиқий давоми бўлиб, ундаги матнлар ўзининг бадиийлиги, ҳаётийлиги, тилининг пухта, равлонлиги, содда ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Унда ҳам таълим ва тарбия масалалари етакчилик қилади. Муаллиф халқ оғзаки ижоди намуналаридан усталик билан фойдаланади. Бу китоб ҳам худди биринчи китоб каби янги усулдаги мактаб мадҳига бағишланган шеър билан очилади. У ўқувчиларга қарата:

Мактаб сизни инсон қилур,
Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,
Мактаб ғамни вайрон қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон.

Деб мурожат қилади. Абдулла Авлонийнинг «Мактаб гулистони» (1913) китоби аввалги дарсликларнинг мантиқий давоми бўлиб, асосан, юқори синф ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган. Китобдан ўрин олган асарларнинг кўпчилигини И. Криловнинг таржима қилинган асарлари ташкил қилади.

А.Авлонийнинг дарслик сифатида яратилган асарлари ичида, шубҳасиз, «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) китоби алоҳида қимматга эга. Бу китоб ҳам «Мактаб гулистони» каби асосан юқори босқич ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, одобнома руҳидаги асардир. Бу китоб Саъдийнинг «Гулистон»и таъсирида яратилган.

Авлоний серқирра ижодкор эди. Бу бетакрор маърифатпарвар муаллим, бир қатор дарсликларнинг муаллифигина эмас, балки етук ношир, ажойиб

ташкilotчи, даврнинг муҳим қирраларини илғаб, унга ўз муносабатини билдира оладиган мақоланавис ҳам эдики, бу ҳақда шоир ўз таржимаи ҳолида шундай дейди: “1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилганидан сўнг 1907 йилда мен ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал-демократ фирқасининг алоқа ва ёрдами билан «Шухрат» исмидаги газетни сапёрний кўчада чиқардим. 1915 йилда Тошкентда чиққан «Садои Туркистон» газетасига муҳаррирлик қилдим ҳамда шу йилда устав-қонун тузиб, «жамияти ҳайрия» очдик”.

Абдулла Авлоний ўзбек миллий труппасининг вужудга келтирган ва уни сахна асарлари билан таъминлаган ижодкор сифатида ҳам бир талай ишларни амалга оширди. У 1913 йилда ўзбек театри труппаси – «Туркистон»ни тузди. У бу даврда озор ва татар маслакдошлари билан ижодий ҳамкорлик қилди. Татар режиссёри Закки Боёзидский билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширди. У бу труппанинг актёри, режиссёри, муаллифи ҳам эди. Труппа 1914-1915 йилларда ташвиқот ишларини олиб боришида фаол иштирок этди.

Профессор Б.Қосимов фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Икки севги», «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби» каби драмаларини ёзган ва ўзи сахналаштирган бўлса-да, улардан айримларининг қўлёзмалари ёки нашр қилинган нусхалари сақланиб қолмаган.

Авлоний шеъриятида ҳам миллат тақдири, Ватан қисмати алоҳида ўрин тутади. У «ғунчаси маориф учун зор ўлан Ватан» образини чизар экан, унинг эртанги куни ҳақида умидбахш сатрларни келтириш билангина чегараланмайди, балки Ватан мустақиллиги учун халқни уйғотишга ундайди:

Етарсан тобакай ғафлат кучоғинда, уён миллат,
Жаҳолат жомасин устингдан иргит тур замон миллат

А.Авлоний шеърларида, юқорида таъкидлаганимиздек, миллат ва Ватан мавзулари доимо ёнма-ён келади. У миллат истикболида Ватан эркини, Ватан истикболида миллий туйғулар тантанасини кўради. Жумладан, у «Ватан» шеърини шундай сатрлар билан бошлайди.

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур,
Ҳар ким сенинг қадринг билмас ақли пастдур.
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур,
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.

А.Авлонийнинг 20-йилларда яратган бир қатор асарларида маърифатни улуғловчи фикрлар устувор турганлигининг гувоҳи бўламиз. У яратган асарлар, шубҳасиз, янги давр адабиётининг гўзал намуналари сифатида ёшлар учун ибрат мактаби бўлғусидир.

Савол ва топшириқлар

А.Авлоний фаолиятини давр руҳи билан боғланг.

Авлоний асарларидаги тарбиявий қарашларга эътиборни кучайтиринг, унинг ҳикматли сатрларини дафтарингизга кўчиринг.

«Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарини диққат билан ўқиб чиқинг.

Таянч иборалар

Авлонийнинг ҳаёт йўли ҳақида умумий маълумот.

Авлоний – матбуотчи.

Авлоний ва «Турон» труппаси.

Авлоний – ношир.

Авлоний – педагог.

Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари.

«Адабиёт ёхуд миллий шеърлар».

Авлоний мақолаларида маърифатпарварлик ғоялари.

Авлоний – драматург.

Курснинг информацион методик таъминоти:

А.Авлоний «Тошкент тонги». Т, 1978 йил.

А.Авлоний «Ўсон миллат». Т, 1993 йил.

А.Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т, 1992 йил.

А.Авлоний «Афғон саёҳати» кундаликлари. Т, 1990 йил, 7-сон.

«Миллий уйғониш». Т, «Университет», 1993 йил.

Б.Қосимов, А.Авлоний «Адабий-педагогик портретлар». Т, 1979 йил.

Б.Қосимов «Инқилобий шеърят соҳалари». Т, 1977 йил.

А.Бобохонов, М.Махсумов «Абдулла Авлоний педагогик фаолияти». Т, 1966 йил.

Мавзу: Тавалло ҳаёти ва ижоди (2 соат)
(1883 – 1937)

Таваллонинг ҳаёт йўли. Шоирнинг ижодий мероси. Тавалло – Ватан куйчиси. «Равнақул ислом» тўплами ҳақида. Таваллонинг миллий уйғониш адабиётига қўшган ҳиссаси.

«Айвонда мук тушиб, Таваллонинг шеърларини ўқишга киришаман. Ўқийман, диққат берилиб, узоқ ўқийман... шеърлар рангдор, жонли, тили ўзига хос, равон...»

Бу машҳур ёзувчимиз Ойбекнинг «Болалик» асаридадан парча.

XX аср бошида Тошкентда камол топиб, халқ ўртасида катта шуҳрат қозонган, “шеърлари рангдор, ўзига хос ва равон» истеъдодли шоир Тўлаган Хўжамёров – Тавалло 1883 йил Тошкентда Кўкча даҳаси Оби Назир маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси Хўжамёр Жиянбоев савдо ишлари билан шуғулланар, ўз касби туфайли Авлиё ота, Пржевальск шаҳарларида кўп бўлар эди. Тўлаганнинг ўқиши ва унинг келажаги учун Хўжамёр ака барча шароитларни мужассам қилган. Бўлажак шоир ибтидоий билимни эски мактабда олди. Юқори таҳсилни эса «Бекларбеги» мадрасасида, кейинчалик

рус-тузем мактабида ўқиди. Отасининг кўмаги ва маслаҳати билан 1900 йилда 17 ёшида Пржевальск шахрига бориб Усмонбек Солихжонбоев деган кишининг кўлида иш юритувчи (приказчик) бўлиб ишлай бошлади. 1909 йилда отасининг бевақт вафотидан кейин кўп ўтмай, Тўлаган Тошкентга қайтади ва ота касбини қилади. У шаҳар савдо ширкатларидан биридан иш юритувчилик қила бошлайди. 1910-14-йилларда савдо ишлари билан худди отаси каби Пржевальск, Авлиё ота, Олма ота, Ёрканд тарафларга тез-тез бориб турган.

Тавалло Зухра исмли қизга уйланган. Раҳбар, Санобар, Мақсуд, Маҳмуд исмли 4 фарзанди бўлган.

1910-йиллардан шоирнинг шеър ва мақолалари вақтли матбуотда «Тавалло» тахаллуси билан босила бошлади. 1914 йил 30 августда Мунавварқори, Авлоний, М.Подшоҳўжаев, Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли (ёзувчи Саид Аҳмаднинг отаси) каби (жами 12 киши) жамоа билан биргаликда Тошкентда «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўядилар. 1915 йилда Авлоний томонидан тузилган «Турон» жамиятида фаолият кўрсатди. Шоирнинг асл тирикчилик манбаи савдо бўлган. У ота касбидан узилиб кетмайди. 1917 йилга қадар савдо ишларини давом эттиради. Адиб ижодий соҳадан бошқа ҳамма иш билан шуғулланган. Ички ишлардан тортиб, маъмурий-хўжалик ишларигача борган.

Қайси соҳада ишламасин, шоир ижод қилишдан чекинмади. Чунки ижодкор бўлиб шаклланишида Тошкент адабий муҳити, айниқса, «Бекларбеги» мадрасасининг роли катта бўлди. Шу мадрасанинг нуфузини белгилаган сайрамлик шоир Юсуф Сарёмий унга устозлик қилган. Тахаллусни ҳам Сарёмий унга тавсия қилган.

Унинг ҳаётлик чоғида чоп этилган ягона шеърый тўплами «Равнакул ислом» китобидир. Мазкур шеърый тўплам шоир ижодини баҳолашдаги ягона манбадир. Тўплам ҳажман унча катта эмас – 70 тача шеър киритилган.

Тавалло яхшигина публицист ҳам бўлган, аммо мақолаларининг ҳаммаси ҳам етиб келмаган, етиб келгани ҳам тўпланган эмас, ҳозирча тарқоқ ҳолда.

Тавалло «Муштум» ҳажвий журналининг фаолларидан бўлган. 20-йилларда «Мағзава» тахаллуси билан бир қанча ҳажвий шеърлари чоп этилган.

Шоир замон воқеаларига бефарқ эмас эди. Кўп шеърлари ҳаётда рўй берган реал воқеалар ҳақида.

Шоир турк, татар, озарбайжон адабиёти билан яхши таниш бўлган. Татар шоири Абдулла Тўқай билан ҳам шоир, ҳам шахс сифатида муносабатлари самимий бўлган. 1913 йилда Абдулла Тўқайнинг вафотидан чуқур қайғурган шоир матбуотда «шеърларидан кўп баҳралар олғонлиғи»ни, турмуши ҳам Тўқайнинг «таржимаи ҳолига ниҳоятда ўхшаб кетганлигини» ёзади. «Татар қардошларимизнинг машҳур шоири марҳум Абдулла Афанди Тўқаевнинг шеърина тазмин» номи билан унинг «Жумла фикрим кеча кундуз Сизга оид миллатим», - деб бошланадиган шеърига назирасини эълон қилади.

Шоир Тавалло шеъриятида миллат, унинг шу кундаги аҳволи, жаҳон ҳамжамиятидаги тутган ўрни ҳақида куйлайди. Профессор Б.Қосимов таъкидлаб ўтганларидек, «Миллат», «Миллият» тушунчаларига Авлоний ва Таваллоларга қадар шеъриятимизда бунчалик кўп эътибор берилган эмас эди.

Дарҳақиқат, Тавалло Ватан мавзусига алоҳида эътибор беради. Шеърларидан бири ҳатто «Суюкли Ватан ҳақида» деб аталган. Шеър «Мовароуннаҳрдур тарихда бизларга Ватан» сатри билан бошланади. Шеърнинг бошиданоқ Ватаннинг кадр-қиймати ҳақида гап кетади:

«Арзиғай бизлар санга хизматда бўлсак жону тан», - деб ёзади шоир ва «Ватан»га «жону тан» ни қофия қилади. Ватан қадри ҳақидаги бу таърифий фикр, мисрама-мисра, байтма-байт тараққий топиб боради ва ғазал мактаида:

Кеч гуноҳини Таваллони, Ватан, эзгу Ватан.

Билди аслинг, қилди васфинг, бу ватандандур бадан

мисраси билан тугалланади. Шоир мактаъда Ватандан гуноҳини кечмоқликни сўраяпти. Шеър матлаъида ҳар бир ватан фарзандининг унинг олдидаги бурчини белгилаган эди, сўнгида унга муносиб хизмат қила олмадим, деб ўйлайди.

Кўринадики, Тавалло ҳаёти ва ижодий фаолиятида миллат ва Ватанига хизмат ҳисси ва шу муносабат билан ўз-ўзига ҳисоб бериш кенг ўринни эгаллайди. Унинг шеърларидан бири «Ўз виждон-вужудима хитоб» деб номланган. Мухаммас шаклида ёзилган ушбу шеърнинг ҳар банди «Чик ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг» сатри билан якунланади.

Тавалло шеърларида «Турон» («Кўрасиз Турон эли, Қарсда мусулмонлардур...»), «Ёрдам этмак куни етди сиза Турон аҳли...», «Ёш-қари қадрини бил, Турон элин меҳмонидур»), «Туркистон» («Баҳора дўнди Туркистон, очилди ғунчалар хандон...»), «Шунча Туркистон элинда нодон аҳли кўб вале...») атамалари, табиийки, кўп учрайди.

Тавалло халқ ҳаётини рўй-рост кўрсатишда шеър, шоир зиммасига катта масъулият юклайди:

Кел, Тавалло, бўл мусаввир, ол қаламни қўлга сан,

Чек фронтлар сувратин, кўрсун ҳама наққошлар.

Шоир ижодида ҳуррият мавзусига кенг ўрин берилган. У инсон эркини ҳамма нарсадан устун қўяди. У хотин-қизлар ҳурриятига кенг эътибор берди. Масалан «Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» шеърида қизлар оталарига мурожаат қилишиб, уларни ҳам ўқитишни, уларга ҳам инсоний муносабатда бўлишни сўрайдилар, ҳатто тенг никоҳ ҳақида сўз очадилар.

Шоирнинг бир катор шеърлари давр янгиликлари воқеалари ҳақида. Чунончи, «Ойна» журнали, «Садойи Туркистон» газетасининг чиқишлари, Исмоилбек Гаспринскийнинг вафоти, Биринчи жаҳон уруши ва у билан боғлиқ воқеалар Таваллонинг диққатидан четда қолган эмас. Ўзбек театри ва унинг фаолияти ҳақида 4 та шеър ёзган. Шулардан бири Бехбудийнинг «Падаркуш» драмасынинг илк сахнаси ҳақида.

Таваллонинг «Равнақул ислом» тўпламидаги шеърлари ана шундай кенг камровли. Шеърлар арузда ёзилган бўлса-да, руҳ ва мазмунда бармоқ вазнига

ҳамоҳанг. Шоир бармоққа 20-йилларда ҳажвияларида мурожаат қилди ва бу давр ўзбек ҳажвий шеъриятининг пухта намуналарини яратди.

Тўлаган Хўжамёров Тавалло 1919 йилда Осипов кўзғолонига қатнашганлиги билан айбланиб ҳибсга олинди ва бир қатор ноҳақ айблар билан отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. 1937 йил 10 ноябрида ҳукм ижро этилди. 1968 йил 18 октябрда оқланди.

Шоир Таваллонинг ҳаёти ана шундай аянчли тугади, бироқ унинг миллатни эрк ва адолатга уйғотган жўшқин, эҳтиросли шеърлари абадий тирик. Улар ўзбек шеъриятининг майдонга келишида муҳим бир босқич бўлиб тарихга кирди ва миллий уйғониш даври ўзбек шеърятини юзага чиқишида маънавий омил бўла олди.

Топшириқ:

Таваллонинг «Равнақул ислом» тўпламидаги шеърларини ўқиб, уларни бадий таҳлил қилинг.

Курснинг информацион методик таъминоти:

Тавалло «Равнақул ислом». Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Қосимов. Тошкент, «Фан», 1993 йил. 72-бет.

А.Жалолов «XIX асрнинг охири XX аср бошларида ўзбек адабиёти». Тошкент, 1990 йил.

Б.Қосимов «Излай-излай топганим».

Б.Қосимов «Миллий уйғониш». Тошкент, 2002 йил.

Мавзу: Сидқий Хондайлиқий ҳаёти ва ижоди (1884-1934 йил)

Сидқий Хондайлиқий ҳаёти. Сидқийнинг ишқий лирикаси. Сидқийнинг ижтимоий-сиёсий лирикаси. «Русия инқилоби» достони ҳақида. Сидқийнинг насрий асарлари.

Сидқий Хондайлиқий адабиёт майдонига XX аср бошларида кириб келган, даврнинг шиддатли олатаъсир воқеаларига гувоҳ бўлган, уларга оддий халқ нуқтаи назаридан баҳо берган, ўз асарлари билан замонасининг ўзига хос солномаларини ярата олган шоирлардан.

Сирожиддин Сидқий 1884 йилда туғилди. Отаси Мирзоҳидохун «охунд» деб номланишидан ўқимишли кишилардан эди. Шоир ўз отасининг камбағалроқ, бечораҳолроқ бўлганидан хизматкорларга овқат ташиб, от-улоқ боқиб, рўзғор тебратганини айтади. Отасининг ёрдами билан 6 ёшларида Сирожиддиннинг саводи чиқади. Хати равон бўлиб, қисқа муддатда шериклари орасида кўзга ташланиб қолади.

1903 йилда юқори таҳсилини такомиллаштириш мақсадида Тошкентга келади. Кесакқўрғон маҳалласидаги Мадрасаи Раҳматуллоҳда Шомухиддин охунд кўлида араб тилининг сарф (морфология)у нахв(синтаксис)ини

ўрганади. Хаттотликка муҳаббат қўйиб, замонасининг машхур қилқалами Тошкентнинг арпапоя маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Шохмурод котибга шогирд тушади. Сўнгра Фарғона водийсига келиб, «машхури даврон» Мирза Хошим Хўжандийдан сулҳ, таълиқ, руқъа, ёқутий, убайдий, лохурий каби хатларни ўрганади ва у кишининг тарбия марҳамати билан «ғурбат юрти»да шуҳрат қозонади. Шеър машқ қила бошлайди, таржима билан шуғулланади. Сидқий шоир сифатида шаклланишида Каримбек Камий (1865-1922)нинг хизмати катта бўлди. «Бекларбеги»да шеърхонлик тез-тез бўлиб турган.

Мулла Тўлаган – Тавалло, Мўминжон-Тошқин, Сидқий, Мискин, Хислатлар бу мушоираларнинг фаоллари эдилар. Бу суҳбатлардан шеър илми билан боғлиқ гаплар ҳам ўртага тушар эди. Сидқий «сажъ» (қофияли наср), «қофия» кабиларни мана шу адабий давраларда ўрганганини айтади. Сидқийнинг илк шеърлари ишқий мавзуда эди. Уларни «Шавкат» таҳаллуси билан ёзади. «Тухфаи Шавкат», (1913), «Савъоти Шавкат» (1914) тўпламларини нашр эттирди. Бир қатор шеърларида «Шеван» (нола, фиғон) таҳаллусини қўллайди. Лекин кейинроқ барча асарларини Сидқий таҳаллуси билан чоп эттиради.

Шоирнинг ўзи табиатан меҳнаткаш, ҳунар ва касб ўрганишга мойил ва моҳир бир киши эди. У хушхатликдан ташқари тош йўниб, унга турли ишлов бериш, хат ёзиш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш, муҳр «қазиш»ни ўрнига қўярди.

Шоирнинг шахсий ҳаёти ҳам айтгулик бахтли кечмаган. Ўғиллари Фатҳулкарим ва Омонуллоларнинг кетма-кет вафот этди. Бу эса Сидқийнинг қаддини букди, қалбини жароҳатлади. Шоир Сидқий 1934 йилда, 50 ёшида ўз кишлоғи Парвезтепада вафот этади.

Унинг асарларини садоқатли шогирди Абдулла Носиров ЎзФА Шарқшунослик институниг қўлёзмалар фондига топширди. 1984 йилда адабий жамоатчилик шоир таваллудининг 100 йиллигини, 1994 йилда 110 йиллигини нишонлади. 1984 йилда салкам 70 йиллик танаффусдан сўнг адиб асарлари алоҳида бир қатор китоб ҳолида нашр этилди. 1996 йилда унинг ижоди ҳақида диссертация ёқланди.

Сидқий Хондайлиқий - серқирра, сермахсул ижодкор. Адибнинг асарлари жанрига кўра ҳам, мазмун йўналишига кўра ҳам, мақсад-моҳиятига кўра ҳам хилма-хил эди. Шоир бадий ижодга бадий лаззатгина оладиган бир гўзаллик тимсоли деб қарамади, уни ҳаёт ва кураш учун восита деб билди. Шунинг учун ҳажвиёт шоир ижодидан кенг ўрин олди. У «Ҳолати Сидқий»да ёзади: «Адабиёт ва ошиқона ғазали кўп бўлса ҳам, аксар таъби ҳажвиётга мойил бўлуб, Николай йўлига сув сепгонларга ва хутам дунёга сотилгон, мол-давлат муфти маожинларига қуввати борица қаршу ҳаракат ва зўр монеъят кўрсатур эди».

Дарҳақиқат, Сидқий Хондайлиқий табиатан тиксўз, ҳозиржавоб, ҳақталаб, адолатсизлик ҳеч бир чиқиша олмайдиган, айниқса, текинхўрлик, таъмагирлик ва порахўрликни, қаллобликни инсонликка буюк офат билувчи ғоят покиза виждон эгаси эди, у бунинг жабрини ҳам кўрди. Сидқийнинг ҳажви тифидан

товламачи порахўрлар, муттаҳам чор амалдорлари ҳам четда қолмаган. Чунончи, унинг 1984 йилда «Навбахор» тўпламида эълон қилинган асарлари орасида Ўнқўрғон қозиси ҳақида бир воқеий ҳикояси бор. Бу шеърӣй ҳикоясида жоҳил ва банги бир эшоннинг юрагига қози бўлиш ғулғуласи тушиб, муридларни йиғиб, пора билан унга эришгани, шариат ишларини паймол қилгани, порахўрлик, ҳақсизликка ривож бергани ҳақида гап кетади ва бу шариат пешвосини ҳаётдан лавҳа келтиради. Ушбу воқеани ёзиш билан шоирнинг бошига балолар ёғилади. Араб, форс тилларини яхши билган шоир таржима билан ҳам жиддий шуғулланади. Масалан, у машҳур «Минг бир кеча»ни, Шерозийнинг «Бўстон»ини, ўнлаб ҳикоя ва латифаларни таржима қилган.

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Сидқийнинг 20 дан ортиқ номда босма ва қўлёзма китоблари сақланиб келади. Унинг юздан ортиқ ғазалини ўз ичига олган қўлёзма девонидаги шеърлар истеъдодли лирик шоир бўлганлигини кўрсатади. 1910 йилларда босилган «Баёзи Ҳазиний», «Баёзи Муҳалло», «Армуғон Хислат» каби кўпгина тўпламларда шоирнинг «Шавкат», «Шеван» таҳаллуслари билан ёзган ўнлаб шеърлари ва ҳажвиялари бор.

Шоирнинг лирик шеърлари шуни кўрсатадики, у мумтоз адабиётимиздаги ҳаётӣй, инсонӣй муҳаббат, одамӣйлик сингари энг яхши анъаналарни давом эттиради. Лекин унинг ижодиётида демократик руҳ, маърифатпарварлик бошқа мавзулардан кўра етакчи мавқеда туради. Шоирнинг дунёқараши уни Муқимӣй ва Фурқатлар изидан боришга ундади. Қўйидаги шеърӣй парча фикримизни тасдиқлайди:

Бурқани олиб юздин ой каби дурахшон қил,
Эл қизини ҳуснингга ўйла наргизистон қил,
Қад чекиб, ҳиром айлаб, саврларни яксон қил,
Субҳидам кириб жоно, боғ ичида жавлон қил,
Доманинг насимидин ғунчаларни ҳандон қил.

Шоир лирикаси, асосан, иккига бўлинади: 1.Ишқӣй лирика. 2. Сиёсий-ижтимоӣй лирика.

Бошқа қатор шоирларда бўлганидек, Сидқӣй лирикасида ҳам маънавий қаҳрамонлар – ошиқ, маъшуқа, рақиб ва фалак образлари мавжуд. Унинг ошиқи ёрининг жафоларидан нолийди, аммо у ёрнинг илтифотидан умид узмайдиган киши.

Ҳижронингга ман бўлиб қарибо,
Васлинг даме бўлмади насибо.
Ағёрима ўзни айлаб улфат,
Қилдинг ўзин онлара ҳабибо.

Шоир поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоӣй-сиёсий мавзулардаги шеърлар ташкил этади. Ҳажвий асарларининг аксарияти ҳаётӣй воқеалар ва деталлар асосига қурилган бўлиб, ижтимоӣй-сиёсий шеърлари эса

даврнинг муҳим воқеалари ҳақидадир. Масалан, «Муҳораба» шеъри 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши ҳақидадир. Шоир унинг оддий халқ бошига келтирган фожиаларидан сўз очади, очлик ва талонда қолган меҳнаткаш ёнида туриб, муҳораба ҳайбаракаллачиларини лаънатлайди:

Келди замона аҳлини ҳайрон муҳораба,
Ҳар гўша ичра айлади гирён муҳораба,
Танг айлади-ю, қилди бағри қон муҳораба,
Гирмон қирилсун айламан эълон муҳораба,
Болқон ҳам ўлсун этмайин эълон муҳораба.

Бундан ташқари, шоирнинг “Нуқта эрмас хатдаги кўздин тўқулган ёш эрур”, “Ё раб, на янглиғ эрди бу бахти қаро манго” деб бошланувчи ва “Эҳтиёж” радибли шеърларида ижтимоий-фалсафий ғоялари ўзининг тиниқ аксини топган. Янада муҳими, бу шеърларда Сидқийнинг шахсий норозилиги умум норозилиги даражасигача кўтарилган.

Мардикорлик воқеаларига бағишлаб «Работчийлар намоиши» асарини яратди. Унда «Рангимиз синук, ҳолимиз забун, бўлди ҳам била қадимиз дуто» мисралари борки, улар айнан меҳнаткаш халқнинг тилидан айтилгандек жаранглайди. Мардикорларнинг ўз юртларига қайтиб келишларига бағишлаб «Работчилар келиши» асарини яратди.

Шоир ёшларга алоҳида эътибор билан қарайди. Янгича қарашлар билан чиққан ёшларга кўпчиликнинг диққатини тортмоқчи бўлади. Унинг «Тоза хуррият»га кирган шеърларидан бири «Яшасун ёшлар» деб номланган. Шоир унга «Ҳозирги намоишчи тараққийпарвар Тошканд ёшлари ҳақида» деб изоҳ берган. Шоир ёшларнинг уруғчилик, маҳаллийчилик айирмаларидан ҳоли, умутурк, умуминсоний туйғулари билан тўлиб-тошганликларини, эркпарвар, элпарвар авлод эканликларини таъкидлайди.

Сидқийнинг «Русия инқилоби» достони ўзига хос оригинал асардир. Унинг ҳажми ҳам анчагина катта 1502 сатрдан иборат бўлиб, шундан 72 мисраси форс-тожик тилида, қолган 1430 мисраси эса ўзбек тилида битилгандир. Асар ҳажм жиҳатидан бир-биридан фарқланувчи 13 бобдан иборат. Йиллар давомида эзилиб келган Туркистон халқларининг тараққиёт сари қўйилган дастлабки қадамларидан бири сифатида шоир бу инқилобга катта умидлар билан қарайди. Асарда ўз инсоний ҳуқуқи ва қадрини талаб қилиб чиққан бегуноҳ кишиларнинг ўққа тутилиши тасвирини шоир ғоят ачиниш билан тасвирлайди:

Фалак узра юзланди сонсиз сурон,
Дер эдингиз йиқилди магар осмон.
Бўлуб нечанинг рўзғори қаро,
Ажал илкида бўлди умри адо.
Чидолмай мунга йиғлаб эл ҳой, ҳой,
Дер эдики, раҳм айлагил эй худой.

Достонда мардикорлик воқеаларининг тасвирлари берилган, бундан ташқари яна айтиш зарурки, шоир мардикорликка олишни инсон ҳуқуқларининг паймол қилиниши тенглигини уқтириб ўтади:

На бор эрди фармон аро муҳлати,
На бор эрди анда ҳақи-хизмати.

Ҳар бир боб жуда чиройли номлар билан бошланади. Масалан, достондаги энг йирик боблардан бири 314 мисрадан иборат бўлиб, у шундай номланади: «Хоин, золим эски амалдорлардан фарёди тазаллум». Мазкур бобда миллий зулм ҳақида шоир изтироб билан фикрлар айтади:

Аёғ остида айлади паймол,
Нечукким ётар мол тагида похол.

Бир сўз билан айтганда, “Русия инқилоби” асарида озодлик кураши бу синфий курашдир, қуролли қўзғолон эса унинг асосий шартидир деган фикрларни илгари суради:

Бутун дунёда ҳурриятчи аро,
Бу сўз бор эрур англандиз, эй ого.
Ҳуррият олинмас ҳеч имкон ила,
Магар олса мумкин эрур қон ила.

Сидқий бир қатор насрий асарлар ҳам яратди. Булар «Тазкираи имоми Аъзам», «Сад иршоди Мулла Сидқий Хондайлиқий», «Мезони шариат», «Зарбулмасали Сидқий»лардир. Булардан ташқари шоир қатор насрий асарларни форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилди. «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликаи Гуландом», «Минг бир кеча», «Ўғри ва қози» ва бошқалардир.

«Сад иршоди Сидқий Хондайлиқий» Шарқда кенг тарқалган халқ донишмандлиги намуналари панд-насихатлар тарзида ёзилган. Унинг таркибига мақоллар, ҳикматли сўзлар кўринишидаги қайдлар ҳам киритилган.

Мавзу кўлами кенг ва ранг-баранг Сидқий ижоди миллий уйғониш, жадид адабиётининг энг муҳим хусусиятларини ўзига жо этган бебаҳо маънавий хазинадир.

Савол ва топшириқлар

Сидқийнинг юқорида кўрсатилган асарлар тўпламини диққат билан ўқиб чиқинг.

Сидқий ижодиётидаги асосий жанрлар ва ғоявий йўналишларни аниқланг.

Таянч иборалар

Сидқий Хондайликий ҳаёти.

Сидқий Хондайликий адабий меросининг жанр хусусиятлари.

Сидқий Хондайликий асарларининг ғоявий хусусиятлари.

«Русия инқилоби» достонининг таҳлили.

Курснинг информацион методик таъминоти:

Сидқий Хондайликий. «Ғазаллар, достон, ҳикоялар, қайдлар». Т, 1984 йил.

Б.Қосимов, Сидқий Хондайликий. Мазкур китобда, 192-232-бетлар.

А.Жалолов. «Инқилобий давр ўзбек адабиёти ва Шавкат ижоди». Т, 1987.

Мавзу: Сўфизода ҳаёти ва ижоди (2 соат)
(1869-1937)

Сўфизоданинг ҳаёти ва ижодини ўрганилиш тарихи. Сўфизоданинг ҳаёт йўли. Сўфизода шеърляти. Сўфизода – маърифатпарвар шоир. Сўфизода ижодининг миллий уйғониш даври адабиётида туган ўрни.

Сўфизода XX аср бошларидаги ижоди ва фаолияти билан халқимизнинг миллий ва ижтимоий уйғонишига салмоқли ҳисса қўшган, 20-йиллардаги шеърлари билан эса янги ўзбек поэзиясини яратишда самарали хизмат қилган шоирларимиздандир. Сўфизода ҳаёти ва ижодига адабиётимизда 30-йиллардаёқ эътибор қаратила бошланган. Абдулла Авлоний 1933 йили нашр эттирган ўрта мактабларнинг VII ўқув йили учун тузган «Адабиёт хрестоматияси» дан Сўфизода ижодига махсус жой ажратилган. Жумладан, шоирнинг «Маданий макиёнлар» шеърини «Пролетар диктатураси даври адабиёти» намунаси сифатида берган эди. Умуман олганда эса, Сўфизода ижоди ҳақида ёзилган мақолалар 20-йилларда ҳам учрайди. Масалан, Лутфулла Олимий 1925 йилда у ҳақда мақола ёзган. 1934 йилда эса Миён Бузрук Солиҳов «Сўфизода ва унинг ижоди» деган китобча чоп эттирди. 1935 йилнинг 29 январида Сўфизоданинг туғилганига 65 йил тўлиши муносабати билан юбилей ўтказилган ва 200 дан ортиқ шеърлари нашр этиш учун тўпланган эди. Бироқ уни чоп эттириш насиб қилмади. Шоир қатағон қурбони бўлди.

Унинг иккинчи ижодий умри 60-йиллардан бошланди. 1968 йилда адабиётшунос Тўлқин Расуловнинг ташаббуси билан Сўфизода шеърларининг бир қисми кичик китобча бўлиб босилиб чикди. Ўша йили «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдида шу муаллифнинг шоир ҳақидаги мақоласи нашр этилди ҳамда унда Сўфизоданинг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида фикр юритилди.

Муҳаммадшариф Сўфизода 1880 йили Чустда ҳунарманд оиласида дунёга келди. Унинг отаси Эгамберди Сўфи пичоқчилик билан шуғулланган. Унинг оиласи адабиёт шинавандалари эди. Онаси Зайнаб холанинг ҳаракати билан ўғли Муҳаммадшариф ён қўшниси Манзура отин қўлида савод чиқаради, сўнг маҳалласидаги эски мактабда таълим олади.

Сўфизода адабиёт даргоҳига 90-йилларда кириб келди. 1893-1898 йилларда Қўқонда яшаб, Муқимий тўғарагида фаол қатнашиши шоирнинг дунёқарашининг шаклланишида, бадий маҳоратининг ўсишида ўзига хос мактаб бўлди. Жуда қисқа муддат ичида оддий пичоқчи Эгамберди Сўфининг ўғли Муҳаммадшариф «Ваҳший», «Сўфизода» таҳаллуслари билан бутун Фарғона водийсида шуҳрат топди. Лекин ижтимоий тузум ҳомийларини шарманда қилувчи ҳажвиялари шоир бошига катта ташвиш олиб келди. Уни «дахрий» деб эълон қилдилар. Унга «беадаб», «бадасл» деган тавқи лаънат тамғаси босдилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Уни қатл этишни лозим топдилар. Шоир қочишга ва натижада 1900-1913 йилларда она диёридан узоқда дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Ўрта Осиёнинг бутун шаҳарларини кезиб чикди. Тифлис, Баку, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлди. Бироқ шоир қаерда бўлмасин, барибир она диёрига қайтишдан умид узмади. У ўз шеърлари билан Кавказ ва Оренбург матбуотида, Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон» газеталарида фаол қатнашиб турди. Ниҳоят, 1913 йилнинг охирларида Чустга қайтиб, янги усулдаги мактаб очди.

Табиатан дангал, тиксўз, ҳатто, бир оз чапани феъл бўлган шоир мактабни тепасига шундай деб ёздириб қўйган экан: «Мен ул бўёқчиманки, мактаб кумида ранг бериб, қора чаппаларни ўн икки ойда оқ қиламан».

Бу мактабдан ташқари, Камарсадада ҳам у етим болалар учун «Дорулайтом» (Етимлар уйи) ва катталар учун мактаблар тезда ёпиб қўйилади. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1914 йил 1 январ сонидида қуйидаги хабар босилиб чиққанди: «Чуст шаҳрида бир мулла шоир усули жаид мактаб очган экан. Чуст аҳолилари анинг ахлоқи бузуқ деб мактабни тарқатиб, ўзини Чустдан ҳайдаб юборган эканлар». Орадан кўп ўтмай, «Туркистон вилоятининг газети»да шоирнинг:

Муаллимни қувиб, мактабни ёпган чустилар, бизлар,
Бериб пора, приставларни топган чустилар, бизлар.

деб бошланадиган, ўткир киноя ва қочирикларга тўла бўлган шеъри босилиб чиқди. Унда Сўфизода мактаб ёпилиши воқеасини қуруқ қайд қилибгина қўя қолмади, балки масалани чуқурроқ таҳлил қилди. Мактаб баҳонасида, Чуст масалида, умуман, Туркистон миқёсида фикр юргизиб, у ердаги тоқат қилиб бўлмайдиган турмуш манзараларини чизиб берди:

Дуо қилсин дедик, қизларни сотдик оқсоқолларга
Валекин қилғучи оламни вайрон чустилар, бизлар.
Кўринг инсофни, пулсиз камбағал, қирқ ёшида бўйдоқ,
Дахи бир чорасиз, ҳар ерда сарсон чустилар бизлар.

Шеър ҳукумат вакиллари ларзага солди. Шоирга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар бошланди. Уни қамадилар, оёғидан судраб сазойи қилдилар. Уламолар: «Ваҳший учун баққол мол сотмасун, сартарош сочини олмасун,

чойхона ва йиғинлар уни таг-жойдан маҳрум қилсунлар», - деб фатво бердилар. Оқибатда шоир ўз ватанидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. У ўз аламли дардини шеърларда акс эттирди:

Қувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан
Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдан.

Сўфизода дастлаб ўз замондошлари, сафдошлари сингари маърифатпарвар шоир сифатида танилди. Унинг озарбайжон адиблари Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Собир билан яқиндан танишувчи дунёқарашининг шаклланишига катта ёрдам берди. 1905 йилдан кейин шоир ижоди янги босқичга кўтарилди. Унинг бу давр шеъриятида миллий туйғулар пайдо бўлди.

Сўфизода ижодини ўрганар эканмиз, Сўфизода ва Ҳамза ижодида кўп умумийлик ва муштарак тарафлари бор эканлигини кўрамиз. Ҳамзага ҳам, Сўфизодага ҳам Кавказ орти, ҳозирги Туркистон ва унинг атрофидаги газета-журналларнинг, уларда иштирок этувчи таниқли озарбайжон ва таниқли татар адибларининг таъсири кучли бўлди. Ерли амалдорларни, жамиятдаги норасоликларни талқин қилганликлари учун иккови ўз юртидан қувғинга учради. Сўфизода қувғини ҳақида адабиётларимизда икки хилликлар жуда кўп. Зеро, Сўфизода XX аср миллий уйғониш даврининг йирик намоёнчасидир.

Шоир тутқун, жирканч жамиятда шеъриятнинг ўткир, ғоявий қурол бўла олишини чуқур ҳис этди. Қаламини ҳақиқат йўлида бою амалдорлар, маҳаллий ҳукумат вакиллариининг кирдикорларини очишга қаратади:

Бераҳм, бағритош, жафокаш бургалар,
Бердинг манга кўп бунча ҳам озор бургалар.
Ҳар ёнга уриб оҳ ила ўзни ситамингдан
Ағнаб чиқаман кечаси бедор бургалар.

Сўфизода ҳаётидаги ҳар бир янги ҳодисага ўзининг фаол муносабатини билдириб борди. Сайлов ер ислохоти, хотин-қизлар озодлиги ҳақида шеърлар ёзилиб, халқни хушёр бўлишга чақиради, унинг моҳиятини кенг халққа тушунтирди. Унинг «Қалайсизлар» шеъри жамиятнинг бир-биридан иқтисодий жиҳатдан фарқланадиган икки табақаси тилидан ёзилган бўлиб, ҳар бир табақа фикри ўз тили, яъни ҳар бир табақа учун хос бўлган луғат тузилиши ва шевалари билан ифодаланади.

Шоир аёлларни Европа маданиятига чақирибгина чекланган эмас. У аёлларни жамиятнинг фаол қурувчиси, бунёдкори бўлишга ундайди ва илм олиши улар учун энг яхши зийнат деб ҳисобларди:

Мунча ёмон шўрлади пешоналар,
Қизларимиз жорияйи хоналар.
Сиз эдингиз жонлара жононалар,
Қадрингизни билмади дебоналар.
Қумри билан булбули бедоналар

Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Сўфизода ижодий фаолиятида маърифатпарварлик устувор аҳамиятга эга. У газетага алоҳида аҳамият берди ва халқнинг маданий ҳаётида газетанинг катта рол ўйнашини тушунтирди. Мазкур мавзуга бағишланган «Яшнатиб дил ғунчасин фасли баҳор айтар газет» деб бошланувчи газета тўғрисида ғазали, айниқса, диққатга сазовордир.

Мумтоз адабиётимизнинг таниқли намоёндалари изидан борган Сўфизода байтлар таркибида бир қатор шеърӣ санъатлардан ҳам муваффақиятли фойдалана олди. Масалан, қуйидаги мисраларда истиора, ташбеҳ ва сифатлашни кўрамыз:

Кел, якин оромижон, рухсори олингдан ўпай,
Гул юзинг устига қўнган эрка ҳолингдан ўпай.
Тишларининг дурдонаси янглиғ тасаллум чоғида
Ҳар замон лаъли лабинг маржон мисолидан ўпай.

Шоирнинг 10-йиллар шеърӣяти марказида зулматга чулғанган Ватан ташвишлари туради:

Ватан заминдан ўту кўзларим, сақфинда қон оғлар,
На ёлғиз кўзларим, мажруҳ ўлан жисмимда жон оғлар.

Шоир жафокаш эл аҳволига разм ташлайди. Умри асоратда ўтаётган масъума чўри қизлар, эшик олдида термулиб турган шўр пешона оналар шоирни изтиробга солади. Шу боис, уларнинг инсонийлик ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқади ва ўз замондошига қарата:

Қўлингдан келса, ётган камбағални тур деб уйғотгил,
Қараб кўр, шоҳу баргу мева асли бир шажардандур

деб ҳитоб қилади. Шундай қилиб, шоир ижодиёти ўзига хослиги билан, серқирра ва сермазмунлиги билан ажралиб туради.

Савол ва топшириқлар

Сўфизоданинг ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи ҳақида гапириб беринг.

Сўфизоданинг ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?

Сўфизода шеърӣятида бош ғояни асосан нималар ташкил этар эди?

Сўфизода ижодининг миллий уйғониш даври адабиётида тутган ўрни ҳақида дафтарингизга ёзинг.

Таянч иборалар

Сўфизода ҳаёти.

Сўфизоданинг маорифчилик фаолияти.

Сўфизода ижтимоий ҳаёт ҳақидаги танқидий қарашлар.

Сўфизода шеърятда маърифатпарварлик ғоялари.
Шоирнинг газета ҳақидаги шеъри.
Сўфизода шеърятининг бадиий хусусиятлари.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Сўфизода «Тароналар». Тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи
2. Т.Расулов. Т, 1968 йили.
3. «Ўзбек совет адабиёти тарихи». 1-том. Т, 1968 йил.
4. Б.Қосимов, У.Долимов. «Маърифат дарғалари». Т, 1990 йил.
5. Н.Каримов ва бошқалар. «XX аср адабиёти тарихи». Т, 1999 йил.
6. Б.Қосимов. «Миллий уйғониш». Т, «Маънавият», 2002 йил.

Мавзу: Аваз Ўтар ҳаёти ва ижоди (2 соат) (1884-1919)

Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши. Аваз Ўтарнинг ҳаёт йўли. Аваз Ўтар ижодий мероси. Шоир дунёқарашида бурилиш. Аваз Ўтар –маърифатпарвар шоир. Аваз ижодида “Фалоний”туркуми. Аваз Ўтар ўғлининг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Аваз Ўтар миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг етук намояндаларидан бири бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирган сермахсул ҳамда «назм аро фозили бебаҳо» (Табибий) ижодкордир. У жуда қисқа умр кўришига қарамасдан, сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Аваз Ўтар ўзининг юксак истеъдоди, шеърларидаги халқчиллик руҳи, замон ва макондаги носозликларга қарши ғоят ўткир фикрлари билан ҳаётлик давридаёқ халқ орасида доврўғдор шоирга айланган эди. Шоир ижодига бўлган эътибор ўз давриданок бошланди, унинг ўткир халқчил ғояларни сингдирган ғазаллари, мухаммасу мусамманлари, нафақат, оддий халқнинг, балки илғор фикрли адабиёт муҳибларининг ҳамда номдор, кўзга кўринган қалам аҳллари хам назарига тушган эди. Аваз Ўтар асарлари ўша даврда тузилган баёзларда, шунингдек, XX аср Хоразм тарихи ва адабиётига оид манбаларнинг аксариятида, хусусан, Чунончи, Аҳмад Табибийнинг «Мажмуаи 30 шуаро пайравий Фируз шоҳий», тазкираси ҳамда Жуманиёз Ҳивақийнинг «Тарихи гулшан» рисоласида, Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» тарихий асарида шоир ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар учрайди.

Аваз Ўтар ўз халқининг мубориз куйчиси сифатида замондош ва ҳамюртларининг эътиборига тушади ва юксак баҳоланади.

Шоир ижодига собиқ совет даврида ҳам безътибор бўлинмади. Шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодига оид аҳамиятли маълумотларни ўз ичига олган мақолалар юзага чиқди. Булар орасида биринчи марта 1940 йилда «Гулистон» журналида Ю. Юсуповнинг «Аваз Ўтар ўғли» мақоласини эслаш жоиз. Авазнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот Лаффасийнинг 1944 йилда туғилган «Хоразм

шоирларининг таржимаи ҳоллари» рисоласида тўлдирилади. Шоир ижодига оид изланишлар Ю. Юсупов томонидан давом эттирилди ва унинг «Аваз» биографик очерки, (1961) «Хоразм шоирлари» (1967) каби китобларидаги янги маълумотлар ва мулоҳазалар шоир таржимаи ҳолини тўлдиради. Бундан ташқари шу тадқиқотлар тадрижи ўлароқ адабиётшунос В. Мирзаев Аваз Ўтар ижодининг бадиий миқёси ва гуманистик моҳиятини тадқиқ этди. 1961-йилда «Аваз Ўтар ўғли» рисоласи билан уни тарғиб қилди.

Шоир Авазнинг ижодини оммалаштириш 70- йиллардан жиддий тус олди. 1776-йилда адабиётшунос В. Раҳмонов сайъи-ҳаракатлари билан нисбатан тўла ва мукамалроқ «Аваз Ўтар ўғли » девони босилиб чикди. Аваз Ўғли ҳаёти ва ижоди мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликларига киритилди Жумладан, Ғ.Каримовнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун тузган дарсликларида, 1980-йили босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти тарихи» (беш томлик)нинг 5 жилдида Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодига алоҳида ўрин берилган.

Шунингдек, шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ, тарғиб ва ташвиқ қилувчи юқоридаги тадқиқотлар заминидан 1987-йилда Н.Қобулов, В.Мўминова, И.Ҳаққуловларнинг «Аваз ва унинг адабий муҳити» деб номланган монографияси майдонга келди. Мазкур монография шоир ҳақида маълумотларни янги фактлар билан тўлдиради. Шоир шеърлари даврий матбуотларда, хусусан, газета ва журналларда ҳам учрайди.

Кўринадики, шоир ижодини тарғиб этиш ҳар бир даврда деярли тўқис ижро этилди. Буларнинг бариси шоир ижодига бўлган муҳаббат ва ҳурматдандир.

Аваз Ўтар ўғли 1884 йилда Хивада сартарош уста Ўтар хонадонидан дунёга келди. Унинг отаси адабиёт ва шеъриятга айрича меҳр қўйган бўлиб, Хива адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутган Комил Хоразмий, Баёний, Табибий каби шоирлар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Улар билан бўлган адабий мушоира ва мушоҳадалар иштирокчисига айланган. Шу ўринда адабиёт муҳибларини ўз хонадонига тез-тез таклиф этиб турган. Хонадонда йиғилган шеърият аҳлининг уюштирган шеър баҳси, куй шукухи, дўстлар давраси ёш Авазга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бундай адабий муҳит таъсирида Аваз шеъриятга муҳаббат қўйди. Натижада ёшлигиданок шеърлар машқ қилди ва ўз шеърлари билан хонадонидан адабий мажлисларда қатнашиб, устозлар меҳрини қозонди. Унинг илк машқлари кейинчалик юксак савиядаги рисоладагидек асарга айланди. 18 ёшидаёқ ёш қалам соҳиби Аваз Ўтар номи билан шоир сифатида халққа танила бошлади. Унинг истеъдодидан боҳабар бўлган Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон II уни саройга таклиф қилди. Саройдаги муҳит ёш ижодкорга мувофиқ келмагани боис у ердаги шоирлар билан келиша олмайди. Бу эса сарой аҳлига маъқул бўлмас, ҳар жихатдан унга нисбатан тухмат, бўхтонлар уюштириб, шохнинг эътиборидан четда қолдиришга уринишар эди. Ниҳоят, турли уйдирмалар асносида шоирни 200 дарра билан жазолайдилар. Аммо қатъиятли шоир ўз йўлидан қайтмади. Ҳатто «жинни» деб атадилар. Бу ҳам шоир қаддини букмади. Оқибат уни Бобоэшон мазористонида кишанлаб сақлайдилар, яна шоир эгилмади. Шоирда тобора

уларга қарши нафрат ва ғазаб ортиб борди. Натижада мана бундай рухдаги асарлар ярата бошлади:

Ҳар кишиким шоҳларнинг суҳбатида бўлса банд,
Булбуледурким бўлур доим гирифтори қафас.

Аваз бу қабристонда ёз ойларида то 1909 йилнинг қиш чилласигача қолиб кетади. Ўзининг бир қанча асарларини оғир шароитда ўша ерда яратди («Шайх», «Пора истар», «Фалонийлар» туркумидаги айрим шеърлар).

Муҳаммад Раҳимхондан сўнг Хива тахтига ўтирган Асфандиёрхон ҳам Авазга ўзига душман деб билиб, унга жуда кўп зулм ўтказади. Оғир шароитларда, бунинг устига таъқибда яшаган шоирнинг саломатлиги тобора ёмонлашиб боради. Устози Табибий тиб илмини яхши билганлиги учун Аваз Ўтарни ўзи даволайди. Устоз шогирдининг соғлигидан куюнади ва уни Кавказга бориб даволанишини тавсия этади. У 1905 йилда Табибий устознинг тавсияси билан Кавказ, Қримга боради. Унинг “Ўксурук», «Ман,” “Хабар” радибли ғазаллари ҳасбу ҳол тарзида ёзилган бўлиб, шоирнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеалар тафсилотлар берилган. Жумладан, “Ўксурук” радибли ғазалида хасталик авжига чиқиб, йўтал тез-тез хуруж қилаётганидан куюнса, “Ман” радибли шеърида эса Кавказ ҳавосидан, у ердаги шифокорларнинг муолажасидан енгил тортиб, биров “Ўксурук” (йўтал)дан фориғ бўлганидан хурсанд бўлиб, “биҳамдиллаҳ, касалдин яхши бўлдумуш бу соат ман” дейди. Кавказ томонлар қанчалик хушманзара бўлса-да, шу жойларда дардига шифо топган бўла-да шоир ўз юртини соғинади ва

Истадим, ҳар нечаким бу шаҳр аро,
Топмадим ул гул узоримдин хабар

дея соғинчини изҳор қилади.

Шоирнинг соғлиги биров тиклагандай бўлди, аммо ҳаёт фожиалари унга ҳам жисман, ҳам руҳан ёмон таъсир қилди. Уни мўрт соғлиги кундан кун ёмонлашиб боради ва 1919 йил 35 ёшида вафот этади.

Аваз Ўтар – соҳиби девон шоир. У қисқа умр кўришига қарамай, ҳаётлик чоғида иккита девон тузиб улгурди. Улар Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Уларнинг биринчиси 232 варақдан иборат бўлиб, унда 836 та ғазал, 3 та мустазод, 9 мураббаъ, 10 мусаддас, 6 мусамман, 6 таржибанд, 5 соқийнома, 92 рубой, 4 қасида, 28 қитъа, «Фалоний» туркумида ёзилган ҳажвий шеърлари мавжуд. Иккинчи девон 209 варақдан иборат бўлиб, 959 ғазал, 1 мустазод, 31 мухаммас, 3 мусаддас, 3 қасидадан ташкил топган. Маълумотларга қараганда, кейинроқ ҳам икки девон тузилган. Аммо улар бутунлай янги бўлмасдан, аввалгиларнинг тўлдирилган, ўзгартирилган нусхалари бўлиб чиқди.

Аваз Ўтар шеърий меросининг катта бир қисмини муҳаббат лирикаси ташкил этади. Шоирнинг лирик қаҳрамони кўнгли пок, чинакам ошиқ. У ҳаётга

олийжаноблик ва самимият билан боқади. Ёрни жуда берилиб севади, азобларга бардош беради. Муҳаббат бобида одоб сақлашни ишқ таомили деб билади:

Эй Аваз, эт жаҳд доим ишқ сиррин билганини,
Кимки ондин эрмас огоҳ, оқилу доно эмас.

Аваз Ўтар анъанавий ошиқ образининг руҳий дунёси орқали муҳаббатни энг юксак инсоний туйғулар даражасига кўтаради.

Шоирнинг лирик қаҳрамони чин муҳаббат харидори, самимий ошиқ, ўз дилдори билан бир лаҳзалик бирга бўлишлик илинжидаги орзуманд дил, ошуфта кўнгил:

Не хушдур ҳар кишиким кўнгли севган ёр ила бўлса,
Очиб айшу тараб бобини бир дилдор ила бўлса,
Кўнгулда қолмагай мумкин эмасдур заррача кулфат,
Ҳамиша кимса мунис бир шакар гуфтор ила бўлса.

Ёр васлига не ранжу аламлар ила етишган ошиқ ўз ишқида содиқ, муҳаббат йўлида садоқатли:

Минг бало етса доғи бошимга қилмон тарки ишқ,
Токи ман мафтун оё соҳиб адо бўлдум санга.

Шоир Аваз муҳаббатнинг турлича тақдирини талқин этади. Шоир наздида золим, бағритош кишилар муҳаббатни тушуна олмайдилар, улар чинакамига сева олмайдилар, золимлар вафосиз бўладилар, “дардманд”, “дардкаш”, меҳрибон кишилар муҳаббатда самимий ва вафодор бўладилар, муҳаббатни ардоқлай оладилар, деган фикрларни шоир қуйидаги мисраларда беради:

Кимки гар истар эса токим вафосиз ёрни,
Ушбу бадкирдорни аҳли жафодин истасун.
Эй Аваз, ҳар кимса истар бўлса доғи ишқни
Дардманду дардкаш аҳли вафодин истасун.

Аваз Ўтарнинг муҳаббат ҳақида бошланган ғазаллари кейинги байтларда ижтимоий масалалар ҳақидаги асарларга айланиб кетган ҳолларини кўрамиз. Масалан, шоирнинг:

Олди кўнглимни менинг ёшгина бир симинбар,
Сўзи ширин, қаро кўзу лаъли қанду шакар,

тарзида бошланган ғазали

Эй Аваз, йиғламай ҳасрат чекиб найлайким,
Фуқаро бошида бордур неча минг шўр ила шар

тарзида якунланади.

Аваз лирикасида ижтимоий-иқтисодий масалалар кенг миқёсда кўзга ташланади. Халқнинг бошига кулфатлар ёғдирилишига сабаб бўлаётган хон, унинг бағри тош амалдорлари зулмни кўриб туриб индамаётган шайхларга нисбатан Аваз кўркмасдан аёвсизлик билан бор гапларини айта олади. Маълумки, Алишер Навоий шайхларни фош этувчи машҳур ғазали бор. Аваз ана шу руҳда, Навоий фикрларини ўзига хос тарзда кенгайтирган, ривожлантирган ҳолда «Шайх», «Икки шайх» радибли ғазалларини яратган:

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,
Май учун қилур руҳин сажжода шайх.

Аваз Ўтарнинг «Халқ», «Сипоҳиларга ҳитоб», «Уламоларга ҳитоб», «Йўқ бўлинг», «Хуррият», «Тил», «Мактаб», «Топар экан қачон», «Фидойи халқим» ва бошқа шеърлари каби асарлари шоирнинг қай даражада ватанпарвар, халқпарвар, инсонпарвар ва миллатпарвар эканлигини намойиш этади.

Аваз Ўтар шеърларини ўқир эканмиз, унинг Лутфий, Насимий, Навоий, Фузулий ижодий анъаналарини давом эттирганлигини кўрамиз. Айниқса, юқорида таъкидлаганимиздек, шоир улуғ Навоий ижодига эргашади, ундан озукаланади. Хусусан, Навоийнинг “Айлаб”, “Хўб”, “Кошки,” “Бўлмаса, бўлмасун нетай”, “Сода шайх” радибли ғазалларидан таъсирланиб, мазкур радифларда ғазаллар битади, мухаммас тахмислар боғлайдики, бу эса устоз шоирнинг фикру қарашлари, ҳис-кечинмаларидан руҳланиб, илҳомланиб ижод қилганини далиллайди. Навоий асарларининг руҳи унинг рубоийларида ҳам яққол сезилади:

Ёраб, мани ишқ бандидин айла халос,
Ҳам ёр сочин камандидин айла халос.
Зоҳид менга бергусидур озор, баче,
Бу лаҳзада онинг пандидин айла халос.

Аваз Ўтар – куюнчак шоир. У халқининг, миллатининг тақдири йўлида ҳамиша куюниб яшади. Шоирнинг асосий ғам-ташвишларидан бири ўз халқини маърифатли кўриш эди. Шунинг учун ҳам у илм ва маърифатни куюнчаклик билан тарғиб этди:

Топар экан қачон, ё раб, ҳаёти жовидон миллат,
Тоғиб илму ҳунар бирла маорифдин нишон миллат

деган шоир, миллат ғамида қайғуриб, имконияти борларга мурожаат этиб, мана бундай даъватона мисраларни яратди:

Очинглар, миллати вайронни обод этгуси мактаб,
Ўқусин, ёшларимиз кўнглини шод этсун мактаб.

Қаю миллатга биздек гар насими инқироз етса,
Анга, албатта, мустаҳкамлик ижод этгуси мактаб.

Маърифатпарварлик ғояларни мазкур мисралардагидек, ўзига хос усулда тараннум этган шоир Аваз ўз шеърларида “миллатни илму ирфондан баҳраманд” этиш зарурлигини мукаммал ифодасини беради, ҳатто бу борада ота-онага ҳам масъуллик вазифасини юклаб “ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий ” деган фикрни илгари суради.

Илмнинг моҳиятини тушуниш, қадрига етиш, ўрганиш учун бошқа тилларни билиш ғоят муҳим эканлигини шоир қайта-қайта таъкидлайди:

Ҳар тилни билув эмди бани одами жондир,
Тил воситаи робитаи оламиёндир.
Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,
Ким илму ҳунарлар ривожин андин аёндир.

Аваз ўз қарашларини «Фалоний» туркумидаги шеърларида ривожлантирди. Мазкур туркумдаги шеърларнинг ҳар бири қайсидир амалдор, зулмкор, маккор шахснинг ўзига хос белгиларини кўрсатиш орқали уни фош этишга қаратилган. Жумладан, қуйидаги тўртлик хонга қаратилган бўлиши мумкин. Олий насаб бўлган одамнинг беадаблиги шоирнинг диққатини жалб қилган. Беадаблик катта ёшдаги, олий насабдаги кишиларга мутлақо ярашмаслигини, аммо унинг ўзи буни сезмаслиги эса нодон ва жоҳиллиги туфайлидир, деган фикр аниқ кўриниб туради:

Фалоний гарчи кўп олий насабдур,
Вале нодону жоҳил беадабдур,
Адабдур издиёди бахту иззат,
Анга бу важҳдин маҳфи лақабдур.

Адабиётшунос олимларимиз таъкидлаганларидек, “мумтоз адабиётимиз тарихида «Фалоний»лар туркумида 4, 6, 8 ва ундан ортиқ мисралар ҳажмида қитъалар ёзиш анъанаси олдиндан мавжуд бўлиб, унинг намуналари дастлаб Навоий ижодиётида учрайди”. Демак, бу борада ҳам Аваз Ўтар Навоийдан илҳомланган. Юқоридаги парчалардан ҳам кўринадик, мазкур туркумдаги шеърларда объект қилиб олинган шахснинг кимлиги пардалаб ўтилади, шоир шеър объекти қилиб, “ёлғончи”, фитнагўй, иғвогар, “ўзи олий насабу вале нодон”ларни олади. Бу “фазилат эгалари” реал шахслар, шоир уларни кимлигини билади, аммо бу муайян шахсларни номини келтирмайди, парда ортидан нишонга олади. Ва бу билан ажойиб салбий типлар галереясини яратади.

Аваз Ўтар ўзи яшаб турган замонда юқори табақагўйларга лаганбардорлик қилиб, уларнинг манфаатига хизмат қиладиган салбий кимсаларни “фалон”, “ул киши”, “ул одам” сўзлари билан пардалаб, бу шахсларни ноқис табиатларини қуйидагича тасвирлайди:

Ул одамки, ҳасад ғайрига айлар кечаю кундуз,
Қилиб рашку таассуфни ўтига бағрини бирён.
Агарчи илгидан келмас бировни ҳуррам этмаклик,
Кўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон.
Бу янглиғ ҳасаду бадҳоҳу ҳам юзи қароларни,
Илоҳо, эт ҳабибинг ҳурматидан ер била яксон.

Шоир Аваз ўзининг ижтимоий масалалардаги ҳулосасини қуйидаги ихчам, халқона, афоризмнамо тўртликда ғоят маҳорат билан ифодалай олган:

Сипоҳи пора истар,
Мулла ижора истар.
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму?

Кўриниб турибдики, Авазнинг ҳаёт йўли ҳам, шеърларида баён этилган фикрлари, даъватлар ҳам ғоят ибратлидир. Айниқса, унинг маърифий йўналишдаги фикр ва ғоялари ҳамма даврлар учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Шоир Аваз маърифат йўлида, халқ орзу-истаклари йўлида фаол курашди ва унинг мубориз куйчисига айландики, бу эса шоир ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, тарғиб-ташвиқ ишларини янада ривожлантиришни тақозо этади.

Савол ва топшириқлар:

Авазнинг ҳаёт йўлини пухта ўрганиш, унинг кулфатлари сабабларини аниқлаш. Аваз лирикасида муҳаббат лирикасининг ижтимоий-сиёсий лирикага айланиб кетиш сабабларини аниқлаш ва тушуниш. Авазнинг маърифий характердаги шеърларини ёд олиш.

Таянч иборалар:

Аваз ҳаёти.
Аваз лирикаси.
Аваз – халқпарвар шоир.
Аваз – маърифатпарвар шоир.
«Фалоний» туркуми.

Курснинг информацион методик таъминоти:

1. Аваз Ўтар ўғли. «Девон». Т, 1976 йил.
2. Ю.Юсупов «Аваз». Т, 1954 йил.
3. Ю.Юсупов «Хоразм шоирлари». Т, 1967 йил.

4. В.Мирзаев «Аваз Ўтар ўғли. Хаёти ва ижоди». Т, 1961 йил.
5. «Аваз». Сайланма. Т, 1984 йил.
6. «Айёмий». Сайланма. Т, 1984 йил.
7. Н.Қобулов, В.Мўминова, И.Ҳаққулов «Аваз ва унинг адабий муҳити». Т, 1987 йил.
8. Б.Қосимов «Излай-излай топганим...». Т, 1983 йил.
9. С.Сиёев «Аваз». Роман. Т, 1987 йил.